

МУҲАММАД ОЧИЛ

ШАЙТОН МОҶИРЛАРИ

Ҳајжвий қисса ва ҳикоялар

Тошкент
«Янги аср авлоди»
2005

84(54)6-4 ҶАДИЙ ҲАДАБИЯТ
ХАЖС. ХИКОЯЛАР

Муаллифнинг лиги катоби — «Шайтон шотирларини мутолаал
қилиш жараёнида айрим «шотирлар»нинг ҳамса қаҳқағаси зарбидан
хулоқ нардамарининг чоқи сўтагиб, «ўғри тиши» кўршишиб қолса, не ажаб.


Не қалганда ҳам ҳамсачи-ёзувчанинг ишми зазгулик:

— Кулшиг-у, аммо кувогига қолманг!

Масъул муҳаррир:

Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Халқ шоири

W 32008
391



ISBN 5-633-01816-8

© Муҳаммад Очил. «Шайтон шотирлари».
«Янги аср авлоди», 2005 йил

«КУЛГИСИ СИЗДА, САВОЙИ БИЗДА...»

Муаллифнанг сиyrати ва сувратига чизгишар:

Ёши қирчиилама бўлмаса ҳам, қиёмига етган қирқ беш ёшдан ўтиб, эзликдан сакраган, пахса елкали, бўйин дароз, савлат учун жинджаккина қорин ҳам қўйган. Асли қасби агрономлик. Аммо «пахта парвариши»ни зпломаслиқдан чўчиб, ўзини ижодга урган. Қаламининг икки учи бор. Биринда ҳажвия ёза-вериб тўйтоқ бўлиб қолса, дарҳол иккинчи томони билан хабар, лавҳа, очерк ёзишга тутинади. Раҳматли устози Немат Аминовнинг таъбирига кўра: «Ҳажвиялари замирида бир мардликлар, бир чапаниликлар ётади. Диққат билан ўқисангиз, улардан дашт ҳиди, тупроқ ҳиди келади». Қашқадарё вилояти Яккабог туманининг Собуқбулоқ қишлоғида туғилган.

Ҳар тўқиседа бир айб деганидек, унинг нуқсони «тилла»га ўчилгига. «Илҳом» деган танишини ишга солиб, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафтагомаси «Шум бола» чойхонасининг «Тилла чойнаю», республика ёшлилар газетасининг «Олтин қалам» ва «Муштум» журнали уюштирган конкурсларда уч маротаба тилла суви юргизилган мукофот «қоғози»ни қўлга киритган.

Ҳозирча ёзган китоблари: «Шайтон операцияси», «Нишонга теккан ўқ», «Ҳажв гулдастаси», «Куллуқ», «Бермурд учбурчаги», «Арвоҳ ови», «Шапалоқ»...

ТОВҮК ШҮРВА

Жошқул тирриқ йиртиқ пулини слимлатгани почтахонаага чи-
қиб иохуш гап топиб келди:

— Күйли кассир мазаси қочиб касалхонада...

Күйли кассир унинг түн кийишган ошинаси. Бунинг устига Тошқул уйланаётганды Күйли күёвбошлатар бўлганди. Ўз нав-
батида Күйлининг тўйида Тошқул ҳам күёвжўра бўлган. Мак-
табда бир партада «оёқ тепишиб» ўтиришган, бирга ҳарбий хиз-
матда бўлишган, ҳатто болаликда «ҳандалак ўғирликка» ҳам
бирга боришарди. Шундай экан, беморчилиқда бориб ҳол-аҳвол
сўрамаса жўраликка тўғри келмас-ов...

Тошқул тирриқ пешайвонда ўтириб ўй сурганча ҳозиргина
яматган сўлқавойнинг тахини бузмасдан буқлаб қопчиғига жой-
лади, сўнг шашт билан ўрнидан қўзғалди: «Кўргани бораман!
Какраз бугун бозор куни. Нима, тўрт-бешта пишган мояк, уч-
тўрт боғ писэ, ярим коса чакки одамини ўлдирибдими? Бораман...».

Тошқул тирриқ ўрнидан илкис қўзғалиб иккиси-уч қадам таш-
лаган эдикни, товуқ катакнинг бицинида тилини осилтириб ётган
кўпрак эгасини кўриб эркаланди; тумшуғини чўзиб ғингшиди.
Тошқул тирриқ эсига муҳим нарса тушгандек тўхтади. Сўнг
калласини қийшайтирганча қаншарини қашиди: «Шошма...
Қурбон қоровулнинг қанжиги қопиб қирқта укол олганимда, шу
Кўйля жўрам мени кўргани борганимди ё йўқмиди! Баччагар
боргани йўғ-ов?!»

Тошқул тирриқ қайтиб келиб жойига ўтиреди. «Энам борувди.
Точни биламан... Зигир ёғга юпқа қилиб. Отам? Борувди. Тош-
восди деб олиб боргани чукири чиқсанига ултирувдим. Аёлим-
чи? Аёлиммам борувди, шекилли. Ҳа-а... Уйда ун қолмади, деб
банинсани кўтариб шангиллагаңда пол ковайтган санитарка хола
ҳиринглаб куловуди... Кўйли жўрам-чи? Шу хунаса борган йўғ-
ов! Борган бўлса хўш... Нима олиб борган? Тўхта, товуқ шўрва-
ни унда ким олиб борувди? Кўйли кассир змасми? Йўқ, у змас, у
киши културний. Уйда товуқ боқмайди... Ҳа, бемаза бормаган
экан-да. Яна «жўра-жўра», деб жағ ургани ортиқча. Жўраммас
у! Менам бориб бўпман!»

Тошқул тирриқ ўрнидан дилтганг ҳолатда қўзғалди. Жаҳл ара-
лаш оёқ остида ётган обтовани бир тепиб қулатди-да, кўчага чи-
қиб кетди. Кечгача мактаб пастидаги стадионда тўппи ўйнаёт-
ган бола-бакрани томоша қилиш билан андармон бўлиб «Кўйли

кассирнинг касаллигини» унудти. Оқшом тушгач, Тошқул тирриқ чеңраси очилиб уйига қайтди. Якшанбалик сарофта таом ейилиб дастурхон йиғиштирилди. Шундан сүнг Тошқул тирриқ бекорчиликдан оёқ узатганча васса санағ өтганди, нигоҳи түсатдан девордаги күзгүнинг қатига қистирилган суратта түшди. Беихтиёр ўрнидан күзғалиб қўл узатди. Четлари сарғая бошлаган суратдан бир-бирининг елкасига қўл ташлаган солдат формасидаги икки ўспирин унга қараб тиржайиб туришарди: «Ўнг томондан фуражкасини қийшиқ қўндириб, кўзойнак таъқани унинг ўзгинаси, чап тарафда оғзида папирос, шимарилган билагидан татиуровкаси кўриниб тургани эса... Қўйли жўраси! Эй, ғалати даврлар эдими-а? Ҳам маза, ҳам қийин... Янги боргандада қийналганлари... Эсида битта арман жўраси билан форма талашиб қолишганда командири уни картошка тозалашга жўнатганди. Ўҳў-ў... ўзиям арчилган пўсти бир ғарам бориди-ёв! Агар ўшандада шу Қўйли жўраси кўмак бермагандада ким билади қўли қавариб...

Эртага шу жўражонини топиб эски гаплардан эслаб, мириқиб... Эй-й... айтгандай, Қўйли кассир касалхонада-ку? У касал өтгандада товуқ шўрвани шу Қўйли қурғур олиб борган чиқар-ов?! Эртагаёқ жўражонини кўргани боради... Ишидан бир соатта жавоб сўрайди-да, ҳамсоянинг велосипедини миниб «ғир» этиб бориб келади. Нима уч-тўртта пишган мояқ, ярим коса чакки, биринки боғ... Бўлди, эртага кўргани бораман».

Эртагаси наҳорда Тошқул тирриқ «кишт-кишт»лаганча катакдан товуқларни ҳайдаб чиқаётганди, ялоқ идишга ювинди ағдараётган аёли ишини ташлаб, этагини кенг ёйганча паррандаларнинг олдини ийирди.

— Ҳой, нима қиласяпсиз-а? Йўнғичқани еб битиришади-ку, ахир! Кишт-э, згангни...

— Ҳозир, — катакка бошини тиқди Тошқул тирриқ. — Моягини йиғиб олай... Билсанг, Қўйли жўрамнинг мазаси йўқ... Ўҳ-ҳ! Биттаси синди-я! Ўзиям палағдами? Ахир, мени мазам бўлмагандада Қўйлибай товуқ шўрва қилиб...

Тошқулнинг аёли этагини йиғиштирганча лаб бурди.

— Бало... Одам қолиб ўша оғайнижонингизни хотинчаси товуқ шўрва қиласими?! Қилиб бўлти... Эшқул болангизди тўйида-а? Жўражонимни аёли деб шарватхонага ўша сиркасочни қўйдиртиргандингиз. Эсингиздами?! «Материал»нинг аслини зап қариндошига қўйиб юборувди, қирчинингдан қийилгур! Яна у киши

бировга товуқ шүрва қиласмишлар! Күшноч буюрганда бозордан товуқ олмаган хотин бировга.. Қани, моякни жойига қўйинг! Ҳали знамни кўргани олиб бораман...

Тошқул тирриқ катакдан тисарилиб чиқди. Лунжини қашиш баҳона тухум юқи бармоғини оғзининг бир четига тиқиб сўрди.

— Демак, Кўйлибой мени кўргани бормаган экан-да?! Товуқ шўрвани унда ким...

— Билмайман... — аёп катакни кенг очиб йўнғичқазор оралаган товуқларнинг кетидан югурди. — Буни ўша жўражонингизнинг хотинчасидан сўрайсиз. Ту-ту-ту... Ҳе... бўйнинг узилгурлар!

Тошқул тирриқ хафа бўлиб ўзича Қўйли кассирдан ўпкалади.

— Яна жўра эмиш?! Ким айтади уни тўн ёпишган ошна деб? Ошиначилик шундай бўлгач, унда ошинг совийди-да! Ошинажўрачилик бундай бўлмайди-да! Йўқ, кўргани бормайман!

Тошқул тирриқ қош-қоловги уолганича ишига кетди.

Ўша хафагазаклик уни кун бўйни тарқ этмади. Кечқурун ишдан қайтиб жомакорини алмаштирас экан, ойна қатига қистирилган суратта қайта кўзи тушгач, юлиб олганча тўрда турган тўшак тахмонининг устига итқитди: «Сендай жўрамни боридан-йўғи!..»

Шу аснода очиқ турган деразадан аёлининг хўмрайган башараси кўринди.

— Анови жагингни егирга тўрт тутам ўт-пўт ўриб ташланг... Ўлсан ўлиб бўлдим-ку, шу сигирнинг дастидан! Эшқулингиз-ку ўйиндан бўшамайди. Битта менга керакми, шу шоҳдор маҳлуқ!

Тошқул тирриқ жомакорини қайта кийиб ташқарига чиқди. Ҳалл ўтмай ярим боғ йўнғичқани кўлтиқраб бостирма томонга ўтди. «Жагини егир» сигир, қорни ичига қалишганча таом таъмини туйдими кўзларини сузганча «мў-ў» дея маъради. Сўнг дум чачвоғи билан қўймичининг у бетига-бу бетига шап-шап этиб уриб қўйди. Тошқул тирриқ кафтини-кафтига уриб қоқаркан, очофатлик билан ўт ямлашга тушган гунаҗинга қовоғини уйиб-уйиб тикилди.

— Шу мол ҳеч одам бўлмади-бўлмади-да! Энаси қайтага бундаймасди. Жониворгина оқшом ярим пақир сув ичса, наҳор бориб бир пақир сут қилиб қайтарарди. Бу сукқи шунчча еган билан кошки қовурғасига жир битса... Ў-ў, оғзидан кўпик чиқаришини! Ўзи шу гунаҗин уни кўп куйдирди... Ўтган йили ўзини-ўзи эмиб қўядиган қилиқ чиқарганди. Бачалар у ёқда турсин, ҳатто

ўзининг бузовига ҳам бир томчи сут қолдирмасди. Мол дўхтири-
ям, зоотехнигиям бу дардга даво топишолмаганди... Кейин уни
шу даҳмазадан ким қутултирганди? Ҳа-а... Қўйли жўраси-да! Эй,
бу ишнинг кори осон экан. Ҳаром қотгурнинг қаншарига мисли
нўхта солди вассалом! Қани кейин ҳам эмиб кўрсинг-чи! Лекин,
шу Қўйли кассирнинг калласи зўр ишлайди-да! Эртага шу жўра-
жонни топиб... Айтгандай, Қўйли кассир касалхонада... Об-бо!

Тошқул тирриқ ғунажиндан кўзини узиб ерга тикилди. «Шу
шўрвани Қўйли кассир оборган-ов?! Бўлмаса, хўш... ким обор-
ган? Энаси юпқа, отаси чукири... Ўша оборган! Бўлди, эртага
кўргани боради. Нима икки-учта мояк, тўрт боғ пиёз...»

Аммо эртаси... Саҳармардондан хабарчи келди:

— Ҳув-в... Тошқулбой! Бугун пода навбат сизники...

«Эй-й, чатоқ-ку, — хафа бўлди Тошқул тирриқ, — ахир бугун
Қўйли жўрасини кўргани боради-ку! Чорасини топмаса...»

Тошқул тирриқ «Ўз ўрнига қишлоқ подасини боқишини» илти-
мос қилиб уч-тўртта ҳамсоянинг деразасини қоқди. Лекин, илти-
моси остоидан нарига ўтмади. «Навбатинг келган бўлса — боқ-
да, баччагар! Сенинг ўзинг бирор маротаба бирор га қа-
йишганимисан?!»

Тошқул тирриқнинг жигибийрони чиқди: «Қўйли жўрам
бўлгандা ҳечам йўқ демасди. Ҳаммангни сотиб пулинни... Эрта-
га, албатта жўражонимни кўргани бораман!»

Тошқул тирриқ кун бўйи Қўйли жўраси ҳақида ўйлаб пода
боқди. Ўйиннинг ниҳояси шу билан тугадики, у эртасига «уч-
тўрт мояк, икки-уч боғ пиёз, ярим коса чаккига қўшиб, бир қошиқ-
қина пиёва» ҳам қилдириб Қўйли кассирни кўргани боришни
кўнгил қатига тугди. Режаси ўзига ёқиб тушдими, кайфияти кўта-
рилиб, қўшиқ хиргойи қилганча подани қишлоққа қайтарди.
Ўйига етишганда эллик-олтмиш қадам қолганда қўшиқ қоқ бе-
лидан узилди. Тошқул тирриқ ерга қараганча таққа тўхтаб қол-
ди. Шундайгина, оғининг тагида, мол туёғидан ҳосил бўлган
чукурчадан кўкиштоб қоғознинг чети кўриниб турарди. Тошқул
тирриқнинг юраги ажабтовур бўлиб урди. «Пул!» — хаёлидан
ўтказди у титраб. — Ўзиям мингталикми? Йўқ, зайнови ранг-ку!
Юзталик-ов... Ёппирим!» Тошқул тирриқ тиззасини букмасдан
илкис зиглганча қўлинини чўэди. Қўлинини чўэди-ю, ҳали букилма-
ган тиззалари қалтириаб кетди. Лотерея билет-ку? — назарида
Тошқул тирриқнинг юрак уруши сустлашди. — Мен бўлсан...

Хей-ье, лотерея... Бирор ютуқ чиқмагандан кейин лойга қориштириб ташлаб кеттганды! Ҳа, мана ярмигача йиртилган ҳам экан. Ўзи пешонам шўр-да! Лотереям бўлгандан ҳам барибир ҳеч нарса ютолмасдим. Бир гал...

Тошқул тирриқ қўшиқни йигиштириб мунғайланча кетаркан, ўша «бир гал»даги кўнгилсиз воқеани зслади. У ҳеч қачон лотерея сотиб олган эмас. Омади бор-йўқлигига ишонмаганидан змас, шунчаки, ҳали ноаниқ бўлган ютуққа бекорга ақча сарфлашни истамасди, холос. Аммо бир гал жўраси Қўйли кассир аёлининг ойлигини бергунча бир дона лотереяни унинг олдига тап этказиб ташлаганди.

— Ма ол, сдачисига... Майдам йўқ экан.

Тошқул тирриқ жўрасининг гапига кўнмади.

— Бақка сўлкавойдан бер... Ана магазиндан майдалатиб келаман!

Қўйли кассирнинг вақти тифиз эканми, тағин тихирлик қилди.

— Олсанг-чи шуни, жўра... Мана ҳидлагин... Ум-м. Ўҳ-ҳ!
Қара, гупиллаб бензин ҳиди келяпти. Ҳойнаҳой, «Нексия» машинаси чиқмасаям «Матиз» чиқади-ёв. Ол, шуни... Қачонгача солти-сатанг пиёда юрасан. Сенам бундай машинали бўлда!

Тошқул тирриқ кассирнинг гапига учди. «Жўрам-ку, алдамас!» деган умидда лотереяни олди. Одди-ю, кейин пушаймон еди. Қўйли кассирнинг «алдаб сотган» лотереясига машина тутгул, ҳатто машинанинг мокиси ҳам чиқмади.

Пул деб ўйлагани йиртиқ лотерея бўлиб чиққани, устига-устак ўша кўнгилсиз воқеа ёнига тушганиданми Тошқул тирриқ бу сафар Қўйли жўрасидан ростакамига хафа бўлди: «Ундан жўрам йўқ! Мени жўрам ўлган! Э-э, ўша...»

Тошқул тирриқ ярим очиқ турган дарвозани телиб ҳовлига кираркан, овозини яна бир погона юқори олди. «Эртасига ёқ бориб елкасига ёпган тўнимни қайтариб оламан. Йўқ, аввал касалхонадан чиқсин! Тағин касал кўрдига борармишман... Йўқ, бормайман!..»

Кечаги воқеанинг заҳри кўтарилимадими Тошқул тирриқнинг эртаси куни ҳам лунжи тўрхалта боғлаб юрди. Орадан яна бир кун ўтди. Ойлик маошини олиб оғзи қулоғига етиб қайтаётган Тошқул тирриқ катта кўчада тўсатдан Қўйли жўрасининг аёлига рўбарў келиб қолди. Аёл уни таниб салом берди. Тошқул тирриқ галирадиган гапини ўйлаб олгач, қаттиқ томоқ қирди.

— Эҳм-м... Эй, Бувнор... Қандайсан? Баччаларинг яхими? Мана... зирингни күргани бораялман! Қизларсора дугонанг бор моягини қайнатиб берди. Эринг жўрам-да энди!! Лекин менка сал ётганимда Кўйлибой бир оғиз кўнгил сўрашни эп кўрмовди! Тўвrima?

Кўйли кассирнинг аёли эрининг қадр-қимматини жойига кўядиган хотин эди. Шу боис желагининг снгини елкасидан ошириб ташлаганча қош чимирди.

— Ҳа, нимага уннай дейсиз, Эшқулбойди отаси? Мен... мони шу қўлларим билан пат юлиб товуқ шўрва қип берувдим... Жўрангиз бачаларга деб фермахонадан опкеган экан. Мен айтдим-ку, йўқ Тўқлижонни отаси, ана жақда жўрангиз Эшқулбойди отаси мазаси бўлмай ётганмиш, шунга оборинг девдум-да...

Тошқул тирриқ киши билмас қизарди.

— Ҳазил... Ҳазил... Ҳм-м, ўша товуқ... Буни қара-я.. Ҳай, кетдим.

Тошқул тирриқ хурсанд бўлиб кетди. Йўлда йўртиб кетиб бораркан, ўзидан-ўзи илжаярди.

— Шу Кўйли жўрамнинг жўмардлиги бор-да! Бекорга тўн кийишмаганда! Эй-э кучингдан... Демак, товуқ шўрвани шу жўрам... Ўзиям зўр товуқ... эди-да! Ўшанда палатадагиларга бу макиён змас, хўроз десам бўларкан. Бўлди, эртагаёқ жўражонимни кўргани бораман. Нима, тўрт-бешта мояк, икки-уч бօғ пиёз, ярим косачакки одамни ўлдирибдими!

... Бу сафар Тошқул тирриқ сўзида турди. Эртаси куни ишдан барвақтроқ чиқиб жўраси Кўйли кассирдан кўнгил сўрагани борди. Аммо жўраси қурмагур, атиги ярим соат илгари касалхонадан чиқиб кетган экан...

МЕҲМОН

Зокирбой эндиғина ишдан келиб, жомакорини алмаштирган зәдикі, күча тарафдан кимнингдир уни йўқлаган овози эши-тилди.

— Хў-ў, домулла!.. Ким бор?

Зокирбой шошиб қолганидан чапараста ўтказган кўйлак туг-маларини қайта қадаркан, айни шу дамда деразадан бош суққан аёлига саволомуз қаради.

— Ким у? Бригадир Бердиёр aka шекилли. Ҳо-ов... Ҳозир!

Зокирбой янгишмаганди. Дарвозахона даҳлизида Бердиёр aka бир қўли киссада, иккинчисида ярим шода калитни ўйнат-ганча кулимсираб турарди.

— Нима бу домулла... Хина қўйғанмисиз ё оёққа!

Зокирбой охирги тутмасини ўтказаркан, ўзини зўрлаб илжай-ган бўлди.

— Ҳа, шу ҳозиргина ишдан. Қани, биргад, ичкарига...

— Йўқ, шошиб турибман, — Бердиёр aka табассумининг та-хини бузмади. — Сизга меҳмон олиб келаяпман... Истансадан мошинда келаётсам, бегона бир киши останопкада ўзимизнинг қишлоқ тарафга қараб термулиб ўтирибди. Тушив суриштир-сан сизнинг отингизни тутди. Қани бўлмаса дедиму етаклаб...

— Кўп яхши-да... — Зокирбой тутма ўтказишга андармон бўлиб ҳали пайқамаган экан, энди назари тушди. Пўрим кийинган, новчадан келган нотаниш киши эшик кесакисига суюн-ган кўйи унга қараб турарди.

— Ассалому алайкум, келинг меҳмон...

Бердиёр aka бошлиб келган одамига қараб ўгириларкан, қўли-ни кўкрагига қўйди.

— Меҳмон! Излаб келган кишингиз мана шу Зокир ма-аллим бўлади! Хўп бўлмаса бизга жавоб... Йўқ... йўқ! Иш тифизлигини биласиз. Бу ёқда пахта, бу ёқда пилла... Ҳа, ана вақт топилса ҳали кечда келиб бафуржа танишармиз... Хўп, хўп... Узр!

Зокир меҳмонга бошдан-оёқ назар соларкан танимади, бу орада Бердиёр аканинг чиқиб кетганини ҳам сөзмади.

— Қани, ичкарига...

Жавоб ўрнига меҳмон қўлидаги ихчамгина сафар халтасини ерга қўяркан, қаттиқ хохолаб кулди, сўнг қулочини кенг ёзди.

— Ўртоқ Зокир Шокиров... Бу нима, танимадингми дейман, жўра??

Зокирбай қайтадан тикиларкан, мәхмөнни ниҳоят таниди, ўнғайсизланғанлигидан ҳатто қызаринқиради: «Ахир бу... бу... институтда бирга ўқиган курсдош жүраси-ку?! Ёмон уят бўлди-ей. Ҳм-м, оти нима эди?!»

Зокирбай собиқ курсдош жүраси билан қайтадан бел олиб кўришаркан, қанча ҳаракат қиласин, барибир унинг исмини эслай олмади. Сирбой бермаслик учун тилига зўр берди. Дийдор кўришганда айтгиладиган рисолабоп сўзларни ўргата тўкиб солди.

— Ие-ие! Буни қаранг-а.. Қаёқдан шамол учирди, жўра! Айтдим-а, кўзим эрталабдан бери пир-пир учади деб... Оббо, оғайнин-ей!

Зокирбай мәхмөннинг олдига тушиб йўл бошларкан, пешонасини уқалади: «Оти нима эди бунинг? Ўзи Сурхондарёдан эди, шекилли... Ҳа, энди институтни тугатганига ҳам ўн беш йил бўлган бўлса, албатта, оти ёддан кўтарилади-да! Ҳай, эсига тушиб қолар...»

Зокирбайнинг аёли уйдан кўрпача кўтариб чиқаётib тўхтади, бўш кўли билан гарди рўмолининг учидан ушлаб юзини ярим беркитаркан, мәхмөнга салом берган бўлди:

— Муяссархонми? — мәхмөн саломга жавобан бош иргаркан Зокирбайга юзланди. — Охирги курсда уйланғандинг, шекилли? Эсимда, эсимда... Лекин, тўйингта қурумсоқлик қилиб курсдошлардан ҳеч кимни айтмагандинг-а?! Келиннинг номини ҳам курсдош қизлар кейин ўзингдан зўрлаб сўраб олишган экан...

Зокирбай хижолат чеккандек яна қизаринқиради: «Оти нима эди-а, бунинг?..». Сўнг ютинди:

— Ҳа, энди қишлоқчилик... Ўзим зўрга ўшанда тўйга етиб келгандим. ЗАГСдан ҳам сўғин ўтганмиз... Уч болали бўлганда!.. Қани супага ўтинг ё уйга кирамизми?

Мәхмөн сафар халтачасидан қоғозга ўроғлиқ «совфа-салом»-ни олиб бир четга кўяркан, мезбонга истеъзоли қарашиб қилди.

— Нега сизлайсан?! Қўйсанг-чи, ярашмаган қилинни... Ёки мансабинг каттарғанми? Ҳали йўлда Бердиёр акадан сўраб-сурштиридим. Мактабда оддий ўқитувчи экансан. Мен ҳам ошиб кетганим йўқ. РайОНОда методистман, холос... Жой масаласига келсак, ҳовлинг салқин экан, ташқарида ўтираверамиз. Бу болаларинг кўринмайди, Зокир Шокирович??

Шу гапни кутиб турғандек кўча дарвоза бехосдан тарақлаб очилиб ҳовлига бир сигир, тўрт қўй, уларнинг ортидан эса катта-кичик уч нафар ўғил бола чопқиллашганча кириб келишди.

Ўн уч-ўн тўрт ёшлардагиси юришини сескинлатиб одоб билан салом берди, қолган икк韶лон эса жойда тўхтаб «меҳмон амаки»га қизиқсиниб кўз югуртиришгач, яна чопганча молхона томонга ўтиб кетишиди.

— Бу кадрчаларингни отини айтиб таништир-чи?

— А, оти? Кимники?! — ҳамон меҳмоннинг исмини «излаб» чуқур ўйга ботган Зокирбой хаёлини шоша-пиша йигиф олишга маҳбур бўлди. — Ҳа-а, болаларникими? Каттасининг исми Ботир, қолган икковиники Собир, Қодир... Ҳали яна Замира... Карима, Нодир деган учтаси бор. Улар момосиникига меҳмонга кетишган...

Меҳмон чордана қуриб ўтирган кўйи бармоқларини бирмабир буқди.

— Хўш-ш... Ўзингни исминг Зокир... Отангни исми Шокир, болаларингники Ботир, Собир, Қодир, Нодир, Замира, Карима... Э-э, қойил! Барингни отинг уйқашку-а? Лекин, жўра, шунча фарзандинг бўлатуриб биттасининг исмини ҳам менинг номимга кўймабсан-а?! Ҳа-ҳа-ҳа... Ҳазил!

Зокир қизарганча калпа қашлади: «Оббо, пичинг қиласябдими? Отини эслолмаганимни сезди шекилли?! Ростданам бунинг исми... Назаримда биронта иш қуролига ўхшаб кетарди. Болтамиди-сий... Ёки Теша... Ўроқ... Ўйқ, бунинг отининг охирин «дин» билан тугарди-сан?»

— Шуям энди жўрачилик бўлдими? — киноюмуз оғангда меҳмон сўзида давом этди. — Биздаям олтига бўлмаса-да, иккита ана шу қора кўзлардан бор. Бир ўғилу, бир қиз... Ўғлимга старостамиз бор эди-ку? Хоразмлик Мадрим деган йигит... Ёстиқни такя дермиди, тақа дермиди-ей... Эсингдами? Ўша менга олий математикадан бир «ҳарзим»ни кўйдириб бермаганда балким... Хуллас, ўғлимнинг отини ўшанинг ҳурматига Мадрим деб кўйдим. Қизимни эса... тошканлик Муҳаббат деган қизни эслайсанми? Ўшанинг номи билан... Биласан, у билан ўртамиизда ҳалигидақа... Ўлдим-кўйдим дегандай... Лекин, тақдир экан! Хуллас... Ҳа-а, сен хафа бўлма. Хотиним ҳозир яна ҳалигидаі... Ўғил туғса, гап йўқ, бунисига сенинг отингни қўяман. Иккаламиз, ахир, қандай зўр оғайни эдик! Пулимиз тамом бўлганда, эсингдами мардикор бозорга тушганимиз...

— А?! — Зокирбой гўё «мардикор бозор» воқеасини ёдга туширмоқчи бўлгандай пешона уқалади: «Уф-ф, ростданам бу билан зўр оғайни эдигу, энди эса отини...» — Ҳа, энди у даврлар...

— Нимасини айтасан?! — меҳмон негадир ёйилиб кулди. — Эсингдамы, үшанда мардикорга борган жойымиз Мұхаббатларни бўлиб чиққанди! Отаси бизларни танимасди-да! Тўғрими? Қизига қараб ҳадеб тиржаяверганимиздан кейин ҳакимизни бермай ҳайдаб солганди. Нокас одам экан! Нокас бўлмаса, юборган совчимга: «Мардикор бўлиб пул топиб ўқийдиганга берадиган қизим йўқ!» деб рад жавоби берадими? Эҳ-ҳ, үша даврлар...

Зокирбой пешона уқалашдан толиқдими ёхуд ҳадеб жим ўтиришни эп кўрмадими, ийманибгина сўради.

— Бу ҳалиги... жўражон... Бу... Биз томонларни қандай қилиб топиб келдингиз... келдинг?

Меҳмон ажаблангандек кўзларини катта-катта очиб мезбонга тикилди.

— Бунинг нимаси қийин? «Диплом ювди»дан олдин ҳаммамиз бирга сувратта тушиб, адрес алмашган здик-ку... Үша адрес бўйича... Ундан кейин, икки кун бурун облатинг марказида ўтадиган ўқитувчиларнинг семинар-кенгашига таклиф қилингандим. Энди шунча жойга келган одам сени бир кўрмай кетсам уят бўлади, дедим-у... Ахир, беш йил бирга ўқиб, оғайни тутиниб... Ҳа, айттандек, нега бу курсдошларнинг ўн йиллик учрашув кечасига сен бормадинг? Ҳаммамиз қасамёд қилиб аҳдлашгандик-ку?

— Ҳа, энди, — ўзини оқлаган бўлди Зокирбой. — Биласан, уйрўзгор ташвиши...

Сўнг яна пешона уқалади: «Бунинг оти... Қани, курсдошларни суриштирай-чи, зора шунда бунинг ўзини...»

— Бу учрашувга кимлар борди?

— Деярли ҳамма... — меҳмоннинг кўзлари чақнаганча овозига титроқ кирди. — Ҳатто, Мұхаббат ҳам... Марғилонлик Марзия эса бир ҳафтагилик чақалогини зрига кўтартириб келибди. Сирдалёлик Болтабой, самарқандлик Ўроқ ҳам, Қашқадарёдан Исимиддин, Умар, Ботир, Манзура, Мұҳайё, Шаҳло... Тошовузлик Рустам деган жўгибашара бир бола бор эдику... Эслайсанми? Тўйма-тўй юрарди нуқул, ашула айтиб... Фақат сессия олдидан пайдо бўларди. Домлалар «одам бўлмайсан!» деб жеркишарди. Шундай «одам» бўлтики, баччагар... Ҳасад қиласиган даражада! Учрашувга қора «Волга»да керилиб келди. Ёнида бир ҳурлиқо... Учинчи хотини экан, азamatни! «Зарафшон»да ўтирдик. Домлалардан Ҳабиб ака, Латиф ака, Зарифа опалар ҳам келишди. Лекин роса битимиз тўкилди! Ҳаражатни яна үша Рустам қора, би-

ронтадан бир тийин чиқартирмай, тұлғасын! Сүнг «Қалай?» дес-
гандек домлаларға гердайиб қараганды, Ҳабиб Абдуллаевични
білесан, биқінің пічоқ тираганда ұм дақоқ күйін бермайдиган,
«қайсар» деб ном чиқарған үкітүвчи... Ұша домламыз Рустамға
қараганча құлшының піпіса қылыш: «Сен бола, ҳалыңым одам бўлиап-
сан! Ҳаммаси ўқимаганинг касофати» деся күлдилар. Қалай, бол-
лацдими? Зиёфатдан сүнг «Зарағашон»дан чиқсак, қора «Волга»
йўқ! Рустам бечоранинг учингчи хотини ҳушидан кетаёзди. Еган-
итғанимиз бўғзимизга келиб, биронимиз «Тез ёрдам»га, бирони-
миз милицияга югуриб юрибмиз-у, бу ёқда Рустамбой ходолаб ку-
лади: «Ў-ў! Зўр бўлди... мопшин қайнотанини эди, энди бостирида
осиглиқ отам оберганини ҳайдайдиган бўпман! Эҳ-ҳ, борганинг-
да ўзинг ҳам томошага бир тўярдинг-да...

— Оббо, Рустам қора-сай! — Зокирбой чойни янгилаш баҳона-
сида ўрнидан қўзгалмоқчи бўлди. — Ҳа, ундан кутса бўларди.
Яна кимлар келди дединг? Исимиддин, Умар, Ботир, Болта,
Ўроқ... Ҳм-м, мен ҳозир чойни...

Зокирбой супадан тушиб ўчоқ бошига яцинлапаркан, олдига
газет сәйиб гуруч тозаластган аёлига қараб ишқ силкиди.

— Ҳой... Бизнинг уйда... Ҳалиги «Исмиңгизининг маъноси
нин?» деган китоб бордай эди-а? Ұша ҳозир қаерда? Шунис...

Аёли ишидан бир зум тўхтаб, зрга ҳайратомуз тикилди.

— Оти қанақа? Ҳм-м... Мактаб китобларининг уйда. Қолған-
лари ҳаммаси тепа болохонада. Мен келин бўлиб тушганимдан
буён ұша ёқда. Сичқон ҳам сб кетгандир-ов! Бачалар зргага ёруғ-
да топиб бермаса... Нимага керак бўлиб қолди ўзи?

Зокирбой дамланиб усти ёпиб қўйилган чойнакни кўтариб изи-
га қайтаркан, гўё қўли куйғандай қадамнин тезлаштируди.

— Шундай... Керак бўлиб қолди... Ҳм-м... Демак, Исимид-
дин, Ботир, Умар, Мадрим, Рустам... Яна кимлар бор эди? «Дип-
лом ювди»дан олдин тушган суврат ва адресли альбом ҳам боло-
хонада сичқонга... Назаримда, яна учта тўртта ўғил бола бор
эди? Бу сурхондарёликларнинг оти ўзи қанақа бўлади?

Зокирбой супага кўтарилиб чойнакни дастурхоннинг бир чо-
тига қўяркан, сир бой бермасликка урианди.

— Қани бундай олиб... Оббо, оғайни-сай!

Меҳмон оғиздаги луқмані лунжидан айлантириб узоқ чайна-
ди, сүнг мезбонга синовчан тикилди.

— Зокир жўра... Сенга шунча қарайлман-у, лекин олдинги

Зокирни кўрмаяпман! Қандай ҳушчакчал, шўх, гандон эдинг-а?

Энди эса нүкүл хаёл сурасан. Одамови бўлиб қолгандайсан! Турмушинг яхшими, ўзи?! Учтутр маротаба хат ездим, жавоб олмадим. Бошқалар билан ҳалиям қоғозда зэлашиб турамиз. Сен бўлса...

— Ҳа, энди тирикчилик, — Зокирбой бўйинни ҳам қиради: «Оббо, бунинг отини эсга туширсан эди! Кейин кўрсатардим гапдошликини...»

Мезбон лижолат чекаётганини билдириласлик учун кўзини сўхатдошига эмас, ҳоялигининг бир чеккасига тикканча гапни бошқа томонга бурди.

— Бу группамида... Ўғил болалардан яна кимлар бор эди? Эслайсанми?

— Эсламай нима... — меҳмон йўл юриб толиқдан, шекилли, оғзини (кафти) билан бекитганча чўзиб ҳомуза тортиди. — Ҳа, шу... Ражаб, Давлат... Жахсимурод, Тамара... О-о-уф-ф!

Шиппак саси қулоқда чалинди. Ҳавода хушбўй ҳид анқиди. Аёл киши журъатсизгиша йўталди.

— Э-э, таом келибди-ку! — меҳмон қўлтигидаги болишини итқитиб туриб ўтирди. — Ўҳ-ӯҳ, исини! Келин, энди бизнисига борасизлар. Зокир Муссарконни олиб борасан, бўлгимиш!

... Таомдан сўнг гурунг унча қевушимади. Тўғрирет, меҳмон эснаб, керишиб анча гапирди. Зокир эса бош силкиб маъкуллаганча ўй суриб ўтирди: «Бу оғайнининг оти нима эди?»

— Энди бунақаси кетмайди, Зокиркон! — меҳмон ниҳоят ўринга киаркан яна бир бор чўзиб эснади. — О-о-уф-ф! Ростини айтсам, уйдан чиқсандан бўён дуруст уйқу кўрганим йўқ. Ҳа, бунақаси кетмайди, жўра! Бир ойдан кейин тўй қиласман... Телеграммани олгаңдан аёл, бачча-чақани олиб йўлга тушасан. Шу баҳона бошқа оғайниларни ҳам кўриб қайтасан. Бўлгимиш?

Зокирбой танглайнин чалиплатганча яна иш силкиди.

Меҳмон ростдан ҳам толиқдан зикан шекилли, боши ёстиққа тегар-тегмас киприклари юмилди, ҳатто олирги эсноғини тўлиқ эснашга улгуролмаганилигидан оғзи ярим очиқ ҳолатда қотди.

Зокирбой эса мудроқ босиб келаётган бўлса-да ухломади: «Тавба... Шунақаси ҳам бўларкан-да! Беш йил бирга ўзиб... Исомиддин, Умар, Ботир, Мадрим... м-м... Яни кимлар бор эди? Ёки болохонага чиқсаммикиш?! Кўй-е, бачаларга култи бўлиб... Уф-ф, наҳотки бунинг отини...»

Зокирбой ярим ялангоч тиззазаларини қучоқлаб, ярим ўғиринганча сийда пишиллаб ухлаётган меҳмоннинг юзига тикилди:

Исомиддин... Умар... Мадрим... Яна кимлар? Рустам... Ражаб... Зокир... Зокири ким эди? Ҳм-м, ўзи-ку! Мијси чарчабди, шекиилли... Йў-ўқ, оғайнисининг отини зслолмаса бугун уйқу йўқ! Дунёдаги бор исмларни бирма-бир... Шошма-шошма, эсига тушди!

Зокирбой ҳаяжоннинг зўридан ўрнидан туриб кетди, боши тенасидағи дараҳт шохига урилди: «Биздан бир курс юқорида яна бир сурхондарёлик йигит ўқигич эди. Полвон, жанжалкаш бола... Ҳатто, институтдан ҳайдалишига ҳам бир баҳя қолганди. Ўша уришқоқнинг отиям, худди шу оғайнисининг исмига ўхшаш эди. Бир-бирини, «Ҳа, отдош!» деб чақиришарди. Бўлди, ўшанинг отини топса, буничи ҳам... Ҳм-м, ўша полвон боланинг исми... Исомиддин, Умар, Рустам... Оббо, каллаям ғовлаб кетди! Яхшиси эрта тонгда туриб...»

Эрталаб нонуштадан сўнг меҳмон кетишга изн сўради.

— Энди, Зокирвой, бизга рухсат...

Оғир ўйга ботиб ўтирган мезбон қалқиб тушди, пиёласидаги бир ҳўплам чой кўрпачага тўкилди.

— Йўғ-е... Одамни хижолат... Кечак дурустроқ... Ҳали зрта наҳорда биргадир Бердиёр aka ҳам келиб, кечак келолмаганига узр сўраб бугун бир пиёла чойга айтиб кетган...

Меҳмон унамади. Дастирхонга фотиҳа ўқилиб, ўринларидан қўзғалишди. Зокирбой меҳмонни туман марказидаги «Шоҳ бекат»гача кузатиб қўйиш учун отланди. Йўл давомида ҳам меҳмон галириб борди. Зокирбой эса чуқур ҳаёлга толган кўйи индамасдан, фақат аҳён-аҳёнда оғайнисининг гапини маъқуллагандек бош силкиб қўярди, холос. Ниҳоят шоҳ бекатга етишиб, меҳмон автобус пиллапоясига оёқ қўйгандагина Зокирбой тилга кирди.

— Кечирасан... Ҳалиги, сендан бир нарса сўрамоқчи эдим. Ҳалиги... Эсингдами, биздан бир курс юқорида ҳам сизлар томондан бир йигит ўқирди. Бақувват, «пиф»ман деб юрарди-ку?! Ўшанинг оти нима эди? Эслайсанми?!

— Албатта, эслайман... — меҳмон пиллапоясида тик турган кўйи ортига ўтирилди. — Унинг оти... Менга адаш эди-да! Нима ёдингдан чиқсанми?

— Йўғ-е! — Зокир бенхтиёр икки қадам ортига тисарилди. — Ё-ё-димда!..

Зум ўтмай автобус жойидан оғир қўзғалди...

Жонготар бобо ўранинг оғзини шиббалаётган эди, дарча томондан кимнингдир шанги овози эшитилди:

— Хў-у.. бова! Тирикмисиз...

Бобо чўчиб ортига ўгирилди. Колхоз почтаси Шойимбой қўлида аллақандай қоғозни силкитганча унга қараб «йўртиб» келарди.

— Мони... Арзандангизни ёзган хатини обкелаяпман. Бизар энни шундай, бечора. Ҳаммага хизмат қип ўрганиб қоганда... Бирор раҳмат айтмасаям... Суюнчисига сўлкавойдан чўзасиз!

«Шу шанги кўп қўпол, оғзи бепаллаки одам-да», — хаёлидан ўтказди Тонготар бобо тиззасига қўл тираб туаркан: — «На саломни билади, на аликни. Гапирган гапидан гуп этиб талпининг ҳиди келади. Яна шанғиллагани ортиқча! Хизмат қилган бўлсанг касбинг-да, хумпар. Моянасини мен олмайман-ку!»

Бобо ичидагини ташига чиқармаслик учун зўрма-зўраки илжайган бўлди.

— Э-э, барака топинг-да, Шойимбой! Мўминбайди хатини обкелдингизми? Уккагарди ули, охири қоғоз қоралабди-да. Ўзиям ярим йилдан бери сувга тушган пишақдай жимиб кетганди. Кўп яхши иш қибсизда, шанғ-г... Шойимбой! Қаранг, шу бугун чап қовогим пир-пир этиб участганди-я. Ишқилиб яхшиликка...


Шойимбой суюнчидан умидвор бўлгандек чолга бироз тикилиб турди, сўнг ғижиниб эснади, ерга шапалоқдек қилиб туфлади-да, кетиш учун орқасига қайрилди.

— Э-э, Шойимбой! — Тонготар бобо почтачининг сенгидан тутамлади. — Энди, бу қоғозди ўқиб бериб кетасиз, инога. Қурмагур кўз ўтсаякан ўзим... Бачалар қачон мактабдан қайтади-ю, қачон буни ўқиб беришади. Қарсингизни тўлдириб савзи солиб бераман. Балки, бачча-пақир хатида бирон зарилроқ гап айтгандир.

Шойимбой ижирғангандек афтини буриштирас-да, лекин сабзининг дарагини эшитиб, ҳам чолнинг мунгайиб турганига қараб кўнгли юмшади. Конвертни бир юлқишида очиб шанғиллади:

— Биз энди, бечора одам... Бирор ўқи деса ўқийверамиз. Лекин, бу арзандангизни бирор маънили гап ёзишига фаҳмим етмайди-да! Мони, эшиting...

Шойимбой гапиришдан бир нафас тўхтаб бурнини қанқиллатиб қоқиб олгач, сўнг бор овозда хатни ўқишга тутинди.



— Тез ва соз етиб ма-а-ылум... Маълум бўл... бўлсинки... Одам деган ҳам шунақа майдა ёзадими?! Отангта ўхшаб қурумсоқ бўлмай ўл! Етиб маълум бўлсинки, ул гўзал Қораравот қишлоғида... Гўзал эмиш? Гўристон дегин, бачагар! Ана, уч кундан буён свет йўқ. Ҳаммаеқ зимиston... Гўзал Қораравот қишлоғида ўйнаб-кулиб юрган отамиз Тонготар... Ўйнаб-кулиб-а! Эсон-омон гриппдан кутублиб олдиям. Қолардинг отамлаб... Эҳм-эҳм... Менга қаранг, бова, шу хатни ҳаммасини ўқиш шартми-а, мони... манови жойида...

Шойимбой тўкташ олдидан қаттиқ сигнал берган паровоздек овозини яна бир пофона юқори олди. — Ота! Қийналиб кетдим. Озроқ пул жўнатинг... Тамом, все!

— Э-э, баққа ол-е! — Тонготар бобо хатни почтанинг қулидан юлқиб олди.

— Бу бачча нега менга муннай дўғириб хат ёзибди-а?! Отага ҳурмат ҳали шуми? Яна уялмай-нетмай пул сўрайди. Олиб бўлсан! Шимилдириқ ҳам ололмайсан. Мен унга ҳали...

Шойимбой чолнинг ияги титраётганини кўриб «бир қарс сабзи»дан умидини узди. Бурилиб жўнаркан аламидан пўнгиллади.

— Бу арҳандангиз ўқийман, деб, ҳамманинг кўзини бойлааб... Ким билади қартавозлик қилиб юрибдими? Эрка бўлгандан кейин гўр бўлармиди... Энди, бова, кафаникнинг бир бурчидан ушатасиз!..

Дарча эшиги тарақлаб ёпилди. Тонготар бобо соқолини турамлаб оғир ўйга ботди: «Мўминбой унинг супра қоқдиси: эллиқка кирганда беш қиздан кейин топгани шу фарзанд. Елкаси ни обкаш, кўксини баркаш қилиб ўтирганди. Қариганимда бошимга болиш, белимга белбоғ бўлади, деб ўйлаганди. Умид қилган арзанда боласи мана энди бундай...»

Бобонинг юраги сиқилиб, ўттиз сотихлик ҳовлисига сигмай қолди. Кўчага чиқиб, дарвоза олдидағи шалоги чиққан курсига ўтирганча яна соқол тутамлади.

— Шу шанғи Шойимбойнинг гапида ҳам жон бор-ов! Бекорга шаҳар кўрган эчкидан қўрқ дейишмайди... Тағин бу бачча bemаза хулиганларга қўшилиб... Уф-ф... эй, фалак!

— Ас-салому... Уҳ-ҳ... Вой-вой-ай... Оқсоқол, бардаммисиз?

Бу ҳазин сасини эшлитиб бобо бошини илкис кўтарди. Рўпарасида таёққа таяниб турган Чори чавандозни кўриб сурилди.

— Ва-алайк... Ўтиринг. Бу нима, олтмишга кирмай ҳасса таяниб қопсиз?

— Э-э, сўраманг, оқсоқол... Маза йўқ! Вой-ай... — чавандоз инқилаб-синқиллаб ўтираркан, узун сўлиш олди. — Уф-ф! Бир

кун отни қүйіб, матацик мингандек... Аң-ана... Яна буради... Вой-ай... Майиб бўлиб қолаёздик... Уҳ-ҳ... Ўзингиз нима бундай, вой жоним-ай... Гул-гул товуқнинг хўрозидай қовоқ-тумшуқ қилиб... Вой, знажон-ай, ўҳ-ҳ!..

Тонготар бобо тўлиб турғанлиги учун бирдан тошди.

— Мўминбой неварангиз таъбимни кўп хира қилди, ука... Бачча шаҳарга бориб бодиланиб кетибди. Дўқ уриб бир хат ёзибди... Ҳали Шойим шанғининг олдида уятдан ср ёрилмади, ерга кирмадим! Энағарди боласини қариганимда биқинимга тиргак бўладими, десам, тирсак бўлиб чиқибди! Қаватимда бўлганда-ку, қулогининг кирини қоқиб туширадим-а!

Чори чавандоз ҳайрон бўлдими, инқиллашни ҳам эсдан чиқариб сўради.

— Шу Мўминтой-а?! Қўйсангиз-чи... Оддини қумурсқа кесиб ўтса йўл берадиган бола-ку! Жониворларни яхши кўришини айтинг... Айниқса, отни... Вой-ай, уф-ф!

Тонготар бобо қўлтиғидан конвертни чиқарди.

— Ишонмайсиз-да... Мана, ўқишингиз мумкин... Мўминтой-а!

Чавандоз таёғини қўлтиғига қисиб, хатни қўлига олди.

— Уф-ф... Дармон етармикин... Шундай тойчоқдай болани бундай хат ёзишига ҳечам... Вой-ай...

Чавандоз инқиллаганча афти-башарасини буриштириб олгач, шикаста оҳангда хатни ўқишга тутинди.

— Тез кунлар ичиди етиб... Уҳ-ҳ... Вой жоним-ай... Етиб маълум бўлсинки... Уф-ф! Ул гўзал Қораравот қишлоғида... Вой-ай, отажоним-а! Қаранг, қандай тили шакар... Уҳ-ҳ... Худди ўзингиз-а, оқсоқол... Ул гўзал қишлоқда ўйнаб-кулиб юрган отамиз... Уф-ф,вой-вой... Тонготар... Уҳ-ҳ! Ота соғлиғингиз яхшими? Қаранг, соғлиқда гап кўп эканини билганини бу тойчоқни... Уф-ф, знажон-ай! Энам, опа-сингили, қавму қариндош, ҳамқишлоқлар... Вай-ай... Бизни ҳам эсга олибди-я! Уҳ-ҳ... Ота уэр... Озроқ пул зарур бўлиб қолди. Сабабини уйга борганда айтаман. Уҳ-ҳ... Кейин хурсанд бўласиз... Вой-ай, яна бир бор кечирим сўраб... Оҳ-уҳ-ҳ... Қандай боадаб бола-я! Насиб бўлса шу Мўминтойингиз... Вой-ай... Ие, нега йиглайбсиз, оқсоқол... Ум-м-м!

— Болагинамнинг мазаси бўлмай қолган кўринади. — Тонготар бобо кипригига беихтиёр ёш қалқиб чиққанди. — Мен бориб сабзи ковлай. Эртагаёқ сотиб пулини жўнатмасам...

ХОЖИЧИНИНГ ҚАРИНДОМИ

«**З**алаба» хўжалигининг директори Голибов ҳокимликдаги йигилишдан таъби тирриқ бўлиб чиқди. Хўмрайганча машинанинг орқа ўринидигига ўтиаркан, хуноби ошиб гудранди:

— Чорва маҳсулотларини стиштириш хўжаликда барбод бўлганимиш?! «Етти ҳазина»га зътибор йўқ эмиш! Товуқ, ўрдак, чўчқа... Тавба, нима мен уларни уйимга ташиб кетибманми? Олдинги директор нима қилган бўлса қилгандир-да! Асли шу бўлим бошлиғи бўлиб юрганим дуруст эди. Нима бу?! Отамдан зшитмаган сўкишни зшитиб...

Директорнинг буйругини кутиб жим ўтирган шофёр йигит анқайиб ортига ўгирилди:

— Менга гапирайпизми, Толиб ака?

Голибов ўз ёғига ўзи қоврилиб турган эмасми, жаҳл устида «ср»дан шофёрга ҳам сачратди:

— Сенга нега гапираман! Бу нима деганинг?! Одам қуриган-дай ўз шопишимга гапираманми?! Э, тавба, энди бу киши қолувди менга ақл ўргатмаган!..

Директорнинг қўполлигига кўнишиб қолган шофёр пинак бузмади.

— Қайга ҳайдай?

— Энангни боғи-чорвогига ҳайдай! — баттар жизгинаги чиқди Голибовнинг. — Қаёққа, қаёққа?! Қаёққа бўларди, уйга-да... Тўхта! Уйда пишириб қўйибдими, конторага ҳайда! Тавба, етти ҳазина-я! Сўкишни мана бизам биламиз...

Машина депсиниб жойидан жилди. Ҳаял ўтмай хўжалик идорасига етиб келишди. Ҳамон жаҳлдан тушмаган Голибов машина эшигини зарда билан очиб, чап оёғини ташқарига чиқазди...

— Талиб Галипович!

Голибов хаёлинин жиловлаб бошини кўтарди. Сочининг олди симоби, якки ёнбоши эса жигартоб тусга бўялган котиба унга томон тез-тез юриб келарди.

— Талиб Галипович!.. Приёмнийда бир одам сизни кутиб ўтирибди. Ҳар празникларда келадиган... Танийсиз. Мордаси бирар нето-ей?! Ану кўзи ҳам кривий-чи? Ўша-да... «Тез топ!» деб приказ ҳам қилди, бессовесний. Шунаقا грубий... Тағин очки ҳам тақиб олибди. Такой чёрний...

Голибов ўиг оёғини ҳам машинадан чиқазди.

— Ҳм-м... Анови райфинда ишловчи гилай ревизорми? Үзи шу етмай турувди...

Голибов бир оз ўйланиб тургач, шошиб яна машинага ўтириди.

— Менга қара, Гулсара! Кечирасан, Галъхон... Мени кўрганинг йўқ. Тушундинг? Мабодо катталар сўраб қолгудай бўлса, унда секин... анови чорва бугалтернигида одам жўнат. Ўша ерда «маслаҳат оши»да бўламан... Ҳайда, ҳў-ӯв, бефаросат!

Машина депсиниб қўзғалгач, Голибовнинг баттар хуноби ошди:

«Бир камим шу ревизор эди! Олдинги директор бунга ем едириб ёмон ўргатган-да! Ҳар байрам, ҳар сайилда келиб кўзига кўринган, қўлига илашганини ўмарид кетарди. Бир маротаба мендан ҳам бир қўй қулогини ушлаб кетганди. Яна нимага келган бўлса? Нимага келарди, эски одати қўзиб бирор нарса таъмасида кеганда! Тағин ўзи қолиб, шопирига ҳам сўрагани ортиқча. Шопирининг ҳам кўзи бежо тушган. Қора қозонга лойтувоқ дегани шу бўлса керак-да. Тавба, шопир ҳам одам бўлди-ю...»

Машина ўнқир жойга дуч келдими, қаттиқ силкинди. Голибов чаккасига қийшиқ туриб қолган шляпасини тўғриларкан, аламини яна шоғёрдан олди.

— Ҳў-ӯ, ҳўккиз!.. Тўғри ҳайдасанг ўласанми-а?! Пешонангдаги кўзми ё пўстакнинг тешигими? Тарапча ташиётганинг йўқку, баччагар! Тўхтат! Йўқ, бу ерда эмас! Ҳов, анови дарвоза олдида...

Голибов машинадан тушаркан, бўйини қашиб турган шоғёрига сўнгги танбеҳни берди.

— Лой кечиб лақиллаб юрмасдан тўғри гаражга бор. Уқдингми? Бу енга пишириб қўйгани йўқ. Бир соатдан кейин келиб дарвозанинг олдида кутиб тур... Давай, жўна!

Голибов қовоғидан қор ёғиб машинадан тушаркан дарвоза-хонада турганлар билан бош иргаб совуққина саломлашди.

— Қани! Қани!.. — калишини пойма-пой кийган тўй эгаси шошиб чиқиб келди. — Вақтида келдингиз-да, директор бова! Кудалар сизни...

— Йўқ! — Голибов қўл силтади. — Қуда-пудани йиғишигининг... Мен холироқ жойда... Бирор халақит бермасин!

— Бўлмаса пойгакдаги кичкина меҳмонхонага. Ҳамма нарса муҳайё!

Бир оздан сўнг Голибов мәҳмонхонада биқинини болишга берганча ёнбошлаб ётар, ёлғизлик тафтини олдими, чиройи андак очилганди.

«Ха, энди катта хўжалик бўлгач, камчилик ҳам бўлади-да,— аччиқ чойни босиб-босиб сипқораркан Голибов ўзига-ўзи тасалли берди.— Раҳбар бўлгач сўқади-да! Ўзинг ҳам анойилардан эмассан! Кўрс-қўполликда районда сенинг олдингта тушадигани йўқ. Ўтган йили-ку контора қоровули Эшқовул чолни «Энангни...» деб сўкиб бир балодан зўрга қутулгандинг!.. Яхшиямки, ҳали бояти гилай ревизор олдингдан чиқиб қолмади. Бўлмаса аччиқ устида энағарни ҳам...»

Шу пайт даҳлиз томондан шовур-шувур эшитилди. Лаҳза ўтмай эшник очилиб, мезбоннинг боши кўринди.

— Директор бова, сизни бир мәҳмон...

Голибов жаҳл билан биқинидан болишни олиб четта отди.

— Мен нима деб буюрган...

Директорнинг сўкишга жуфтланган оғзи лант очилганча қолди. Остонада тарвуз қорин, қирғий бурун, гўштдор юзида пашшахўрдаси хол бўлиб тушган, қора кўзойнакли басавлат одам унга қараб тиржайиб туради.

— Салом бердик... А, бу қидиравериб кўзлар қорайиб кетди-ку, Толибжон! Қадрдонлик ҳам ахир шунақа бўладими? Қани ош ейдиган табаррук кўлларини узатворсинларчи...

Голибовнинг ҳуши бошидан учди: «Ие, бу Гали айтган ўша «мордаси нето филай ревизор-ку! Об-бо, бўрини йўқласант... Энди бундан осонликча қутулиб бўпсан. Ишқилиб, оғзимнинг ошиқмошиғи бузилмасин-да!»

Директор истар-истамас ўрнидан ярим қўзғалди.

— Келинг, ўртоқ Абдулаҳатов...

Абдулаҳатов қўл олиб кўришаркан, бир лаҳзада дастурхондан тортиб, хонанинг бурчаклари-ю шифтига қадар бир назардан ўтказиб чиқди. Сўнг бетакаллуф тўрга ўтиб чордона қуаркан, қўлини ҳовуч қилди.

— Қани, омин... Нол бир, нол икки, нол уч... Э-э, ана боринг нол тўртгаям ишингизни тушгулик қилмасин! Ҳи-ҳи-ҳи... Ҳазилда энди бу, Голибов! Лекин, биз буларнинг бирортасидан эмасмиз. Бунинг устига эски қадрдонмиз. Собиқ директорингиз бемаза одам бўлсаям сизни кўп мақтарди: «Шу бола ўлмаса ўрнимга директор бўлади! Ўртоқ Абдулаҳатов, сиз ҳам шу кадрни юқори-

даги ўртоқларга шипшитиб қўйинг», дерди. Шипшитиш ҳам гапми? Шундай бўлгач, сизга кўнгил тортади-да! Шу кунларда денг... Ие, дастурхон тўкин-ку! Қани, овқатга қаранг. Бай-байбай, гўшт совиб қолибди-ку! Шу денг, шикоят хатлар тарновдаги сувдек шариллаб оқиб келяпти десангиз. Ошкоралик деб оғзи-га келганини одамларам ёзвераркан-да! Анови туздонни бу ёқка узатинг-чи! Сизнинг хўжалигингииздан ҳам бор. Мазмуни директоримиз такой, директоримиз сакой...

Голибов ўтирган жойида қалқиб тушди.

— Опкемабсиз-да бир-иккитасини. Ким ёзган бўлсаям путини жиртиб ташлардим, энагарни!..

Абдулаҳатов товоқдаги каттакон сўнгакка қўл узатди.

— Ие, менинг ўзим-чи! Қизиқмисиз, мен ўша ерда турган бўлсам, сиздай қадрдонга гап теккизармидим. Бу Толибжон... Анови бўйни узуандан кўринмайдими? Ҳа-а, иш маҳали денг... Тўгри, тўгри... Бизам ўша замонларда қарор чиқишидан қирқ кун олдин ташлаганмиз бу зормандани. Бўлмаса, пепсиқўладан пақиллатинг-чи. Тошкан сувга аралаштириб-да! Сизни ким айтади давра кўрган директор деб...

Голибов тафтишчига кўпириб турган пиёлани эҳтиётлик билан узатаркан, қовоқ солиб суради:

— Қандай қилиб топдингиз бу жойни? Мен ахир...

Абдулаҳатов пиёлани бир кўтаришда бўшатаркан, пихилаб кулди:

— Штирлиц бизга шогирд бўлади! Шундай йўлга чиқиб турувдим, мошинангиз ўтиб қолди. Орқасидан қувиб етдиму, шопирингизни ғип этиб бўғиб... Э-э, айтгандай! Оббо!

Абдулаҳатов кутимаганда ўридан шундай тез сапчиб қўзғалдики, ҳатто кўзойнаги учиб кўрпачага тушди.

— А... Бу... Иш расво бўпти-ку!

Голибов унинг бу қилиғидан чўчиди:

— Ҳа-ҳа, тинчликми? Нима расво бўлди?!

Абдулаҳатов эгилганча кўзойнагини олиб шоша-пиша тақаркан, ўкинган оҳангда деди:

— Э, бу шопир бола эсдан чиқибди-ку! Оббо, якка ўзи кўчада...

Голибов тафтишчига бақрайганча бир оз туриб қолди, сўнг жаҳл билан биқинига бошқатдан болиш тортди.

— Нима эмиш депман! Шопир ҳам одам бўлди-ю... Тавба!

— Йўқ-йўқ... — Абдулаҳатов шошиб олдинга икки-уч қадам юрди. — Ўсаман деган раҳбар, аввало шопири билан иноқ бўлиши зарур.

Тафтишчи галини тўхтатолмади. Эшик очилиб, чойнак кўтарган мезбон кўринди.

— Зерикмайгина ўтирибсизларми, меҳмон бовалар? Мана иссиқ чой. Ҳозир ош ҳам...

— Менга қаранг, чорва! — унинг сўзини бўлди директор. — Манови меҳмонни шопири ташқарида қолибди. Ўша баччани...

— Шу ерга бошлаб келинг, — шоша-пиша гап қистирди Абдулаҳатов. — Бечорагина қорни очиб қунушиб ўтиргандир...

Фолибов тафтишчига ҳўқиз қарашиб қилди-ю, аммо ёътироz билдиrolмади. Мезбон чойнакнинг устини дастурхоннинг бир чети билан ёпаркан, секингина кулди.

— Бизда меҳмон кўчада қолмайди, меҳмонжон! Шопирингиз аллақачон қудалар билан чой ичиб гурунглашиб ўтирибди. Ҳай, бўлмаса... Сизлар bemалол...

Абдулаҳатовнинг кўнгли жойига тушгач, қайтиб келиб ўрнига ўтирди. Фолибов чойни қайтараркан пичинг отди:

— Шопирингизга бунча меҳрибон бўлмасангиз-а? Эҳтиёт бўлинг, эчки семирса згасини сузади!

Абдулаҳатов кемириб шир-яланғоч қилған суюгини дастурхонга уриб қоқаркан бош чайқади.

— Эчки бўлса сузади-да! Бизда шопири бола билсангиз, қўй... Ў-ў, катта илик тушди... Сизгаем, суртиб берайми, а?

«Оббо, — гижинди Фолибов юзини терс буаркан. — Шундан бекор гап очдим. Энди, бу сукки прим соат шопирини мақтайди».

— Эсли қўй бўяса, уйини топилб боради, — Абдулаҳатов иликдан қониқмади, шекилли, шиллпиллатиб сўнгакни сўришга ўтди.

— Бизни шопири бола эса... Лекин, совхозингизда қўйларнинг ёғи шукул сувгида бўлади-да! Ҳў, бир сафар бериб юборган ширбозчангиз ҳам... Чойдан куйинг. Ўҳ-ўҳ-ўҳ! Бизди шопири боладай одамийиг юлоши бу оламда топилмаса керак. Шундай мўмин-қобил, шундай уятчан... Бир гал денг, шу болагинани финский ҳаммомига орқамини уқалар деб олиб тушгандим. Нима бўлди, дениг, пархоманинг бугида адашиб қолса бўладими! Мен қолиб бошқа одамини орқасини ишқалаб юрибди bemаза! Ҳи-ҳи-ҳи... Қашш, петсиқўладан яна битта босиб...

— Барибир шопирга сир бермаслик керак! — ътиroz билдириди Голибов қовоғини баттар солиб. — Шопир халқи эгасига әл бүлмайди! Олдинги директоримизни ким сотди? Шопири? Агар мошин ҳайдашни ўзим билганимда, давно шу шопиримни кетиға бир төпиди...

Абдулаҳатовнинг нафси ором олди чоғи, сочиқнинг учи билан лаб-лунжи аралаш кўзойнагининг тагидан қош-қовоғигача артиб чиқди.

— Гапингизга юз фоиз... Энди қатиқдан ҳам кўрайлик-а? Ўҳ-ўҳ! Бу қаймоқ-ку! Ўн йил олдин менда ҳам шунаقا шопирнинг шайтони бўлганди. «Ол» десам ола қопни кўтариб қочарди. Чайнаб турган сақичингизни оғзингиздан олиб қўйганини билмас-лингиз, баччагарни! Ўҳ-ўҳ! Энди бу ҳазми таом-да! Ошгача ошқозон бўшамаса, уялиб қолмайлик. Йўқ, бу шопирим шустриймас. Мабодо «Туя кўрдингми?» деб сўрасангиз, «Йўғ-е, тулки эди-ку!» деб турадиган хилидан. Шунаقا... Шу шопиримни шахсан менга хотинимнинг ўзи тавсия этган!

— Ҳм-м... — Голибов ўзини зўрлаб илжайган бўлди. — Ҳали хотиннинг қариндоши десангиз-чи? Ана гап қаёқда экан?!

— А?! — Абдулаҳатов оғзи атрофида ҳосил бўлган «о» ҳарфига ўхшаш қатиқ юқини артишни ҳам унугиб, чумчуқ ютган илондек бир нафас тик қотди. — Ҳа-ҳа! Тўғри, тўғри!.. Шопиримиз хотинга қариндош. Қариндош бўлгандаям... Умуман хотин урганинг ичидаги менга ёқадигани фақат шу бола! Бошқа қариндошларининг ҳаммаси палағда. Ие, ие... Ана паловхон тўра ҳам ташриф буюрдилар-ку! Яшасин!!!

Мезбон ҳовур кўтарилиб турган товоқ тўла ошни дастурхонга келтириб қўйди. Абдулаҳатов нима учундир кўзойнагини олдида, дастрўмоли билан ойнакларини обдан артгач, қайтадан бурнининг учига кўндириди. Сўнг билак шимараркан остонаяга етган мезбоннинг ортидан қичқирди:

— Ў-ў... ука! Тағин бизни шопир бола... ошсиз қолмасин!

Гапни ҳазил тушунгандан уй эгаси мийигида кулганча чиқиб кетди. Голибов ҳаво етишмайтгандек бўйни тагидан бир йўла уч тутгасини бўшатди. Сўнг оҳиста тафтишчининг ош ейишини кузатди. Абдулаҳатов ҳақиқатан ҳам қатиқ тановул қылганда еган-ичгани «ҳазми таом» бўлиб, қорни қайтадан очган экан шекилли, пишқирганча лунжини шишириб кавшанар, товоққа ҳар энгашганда ош тўла кафти иягига етиб бормасданоқ оғзи ўз-ўзи-

дан ўрадек очилиб кетарди. «Одам күрганим ёлғон-ов! — бosh чайқади Фолибов. — Яхшиям, одам... Агар мол бўлганда борми, эшини ёб қўяркан, бу очофат! Ишқилиб товоқни синдириб қўймасин-да!..»

Аллақачон товоқнинг ўз томонини ўпиреб бўлган Абдулаҳатов директорнинг олди камаймаётгани»ни кўриб ўзича танбеҳ бермоқчи бўлди. Бироқ, оғзи банд бўлганидан тили унга бўйсунмади.

— Кў-кў-кўр... Бо-бо-бош!..

— Нима?! — Фолибов таажжубда танг қотди. — Ким кўрбош?

Абдулаҳатов ияқ қоқданча ютиниб қўл силтади, бармоғидан икки-уч томчи ёғ учиб қатиқдан бўшаган косага тушди.

— Э-э... Кўрдингми ош, кўтарма бош, деяпман. Қани, чойдан қуйинг. Ўҳ-үҳ! Отам раҳматли нуқул шунаقا дерди. Ўзлариям ошнинг ошиғи здилар. Ҳатто, ошнинг тузини паст қилгани учун катта знамидан воз кечиб кичкитойига... Қани олинг! Ошнинг мойи, мен сизга айтсан, тагида бўлади...

Фолибов чидолмасдан ўрнидан туриб кетди. Ҳайратланиб қараган Абдулаҳатовга «Заҳри тан қилгиси келганини» баҳона қилиб ташқарига йўл олди. Йўлакда чой янгилақ келаётган уй згасини тўхтатиб «Буйруғини бузиб, олдига одам қўйғанилиги учун» ўхшатиб сўқди.

— Ахир, меҳмон киши, — ўзини оқлади уй згаси. — Қандай қилиб мен уни... Бошқа одам бўлса ҳам...

— Э, бундай меҳмонни! — Фолибов қўрслиги қўзиб куракда турмайдиган сўз билан сўкинди. Сўнг сўкиниш билан ҳовури пасайдими, қайтиб ичкарига кирди. Кекирганча товоқ юқини сидириб қош-кўзига суртаётган Абдулаҳатов, шоша-пиша кўзойнагини қўндириб унга танбеҳ берган бўлди:

— Кўп чой ичманг-да, директор! Ана ундан кейин бемаҳал безовта қилади. Сигаретдан борми? Тўғри қиласиз чекмай. Ниҷего, носдан урамиз... Қани, ўтиринг. Сизга бир кичкина илтимос бор...

Фолибов лабини қаттиқ тишлаб кўрпачага оҳиста чўқди: «Ишқилиб, сўкиб юбормайин-да!»

— Илтимос шуки... Носвой қаёқда қолди? — Абдулаҳатов бир зумда барча чўнтакларини кавлаб чиқди. — Илтимосим... Иби, нос ҳам эсдан чиқибди. Ҳай, уй згаси келса бобой-собойлардан сўраб топиб келар... Илтимос шуки, Толибжон... Биз бир-

биримизга ишимиш тушадиган одамлармиз... Олдинги директо-
рингизга ҳам кўп яхшиликлар қилганимиз... Бемаза, гапни олма-
ди-да! Олганда-ку, бундай қия бўлиб кетмасди-я! Кечирасиз, ма-
бодо тарвуз йўқми? Шунақами? Бўлганда ошдан кейин сўйилса
йиғлаб кўришарди-да! Ҳай, майли... Энди укам, ўзимни эмас,
шопир боланинг илтимоси билан келгандим... Ия, ҳа, нега оғзин-
гизни ёпиб олдингиз? Нима, тиши? Шайтоннинг сувидан икки
томчи бўлганда таққа тўхтарди-да... Илтимос шулки, Толиббой
умак, шопиримизнинг аёли қўзилаган. Ана шу бачча топган ке-
линчак бизнинг хотинга ҳам, ўзимизга ҳам қариндош бўлади.
Короче, шу келин камдармон. Ҳозирги хотинларни биласиз-ку,
ўттизга кирмай ўтин бўлади, қирқа кирмай қирқилади! Хуллас,
ука... Туққан хотинга нима керак? Ҳа, шу товуқ-повуқ, курка-
мурка... Озроқ зигир ёғ. Чўчқаники бўлса янам яхши! Ўтган гал
келганимда хўжалик фермахонасида қуён-пуён ҳам кўргандай
бўлувдим...

Голибов ўзини қанчалик босмоқчи бўлмасин, барибир бўлма-
ди, беихтиёр «уд» тортди.

— Хуллас, етти хазина денг! Энди, ўртоқ Абдулаҳатов, унақа
қўй устида тўргай тухум қиласидаган замонлар ўтиб кетди. Ҳам-
масини собиқ директор оғайнингиз ўзи билан бирга олиб кетган.
Үёғини сўрасангиз, ўша сиз айтган етти хазина учун бугун ет-
миш яшар энамни катта бир мажлисда «эрга бериб» келаятман!
Сиз ҳам ахир бундай тушунингда!

— Йўғ-сий?! — тафтишчи қўзойнагини юлқиб олиб, гилай қўзи-
ни чақчайтирди. — Энангиз ўлган эмасмиди?! Ҳа, сўкиш эшит-
ган маъносидами?!... Ҳа-а. Ҳм-м... Ҳай, майли, чойдан қўйинг...
Менга-ку бироннинг мўйи ҳам керакмас. Шу шопир болага...
Бечора хафа бўладиган бўлди-да!

Орага оғир жимлик чўқди. Директор узун сўлиш олди. Таф-
тишчи хўриллатиб чой ҳўплади. Ҳовлининг қай бурчидандир
хўрзанинг чўзиб қичқиргани қулоққа чалинди. Абдулаҳатов се-
рак тортиб директорнинг енгидан ушлади.

— Келинг, шу шопир болани хафа қилманг! Йўлини мана ўзим
ўргатаман. Ҳали шу ҳовлида тўрт-беш паррандага қўзим тушув-
ди! Совхозникига қийналсангиз, майли, шу уйнинг эгасига, се-
кин-а? Маъкулми? Ҳўрози шарт эмас. Макиёни ҳам шопир бола-
га бўлаверади. Шундай қилинг, ука! Бир ияқ қоқинг, дўстим.
Ҳали кўз-кўзга кўп тушади!

Ғолибов ўрнидан илкис құзғалды.

— Күйинг-э, Абдулағатов! Бу түйхона, омборхона змас!.. Уят бұлади! Ҳа, ана йилнинг охирида келинг. План тұлса, бошқа гап! Энди, уэр, жиндак майлисчамиз бор... Шунга, бошқа пайт... Хайр!..

— Ие, кетаяпсизми?! Шош-ш... — Абдулағатов ҳам сакраб ўрнидан турмоқчи бұлғанды, қорни халақит берди, деворга кафт тираб бир амаллаб турди. — Оббо, шопир бола ҳафа... Үв-ү... Толибжон! Нима ўлган жойингиз борми? Ҳеч бўлмаса тўйбонга айтинг, тугунча-пугунча ташкил қиб берсин! Ҳом гўшти бўлмаса, пишганиям бўлаверади! Энди, бизни шопир болани сазаси ўлмасин. Э-э, ҳой қаёққа кетаяпсиз? Ахир, шопир...

Ғолибов остона ҳатлаб чиқаркан, бу сағар тишиларининг орасидан сирғалиб чиққан «заҳри алам»ни тутиб қололмади:

— Ҳе, шопирингдиям знасини...

Эшик тараққалаб ёпилди. Абдулағатов деворга суюнганча тирговиҷдек қотди. Ҳўроz чўзиб-чўзиб қичқирди. Бир оздан сўнг ташқаридан оеқ товуши эшиклиб, эшикдан кимдир боз суқди.

— Дада, кетмаймизми, ахир аям...

Бу Абдулағатованинг шоғёри эди.

ТОРГИШУВ – АҚЛ ҚАЙРОЗИ

(Айрым туман газеталарда берилгетган «баҳсе»
ларга тақлід)

Муман рўзномасида «Тортишув — ақл қайроги» рукни остида ёритилган «Паловни қўл билан ейиш керакми ёки қошиқ биланми» деган мақола газетхонларда катта қизиқиш уйғотди. Бугунги ушбу мунозарали баҳс якунига бағишлиланган «давра столи»да «Гаом ва калом» китобининг муаллифи, шоир Махсум Тартарак, «Лаззат» ошхонасининг бош ошпази, кулинария техникиуми ўқитувчиси Қобил Азимов, туман санитария эпидемиология станциясининг врачи Эркин Воситов, пенсионер Зиёд бобо Тонготаровлар иштирок этишмоқда.

Мұхбир: «Паловни қўл билан ейиш керакми ёки қошиқ биланми» мақоласи ўз актуаллиги билан катта мунозарага сабаб бўлмоқда. Ҳали баҳсга якун ясалганича йўқ. Ушбу масалани ижобий ҳал қилиш учун сиз мутахассислар фикрини билмоқчимиз. Ҳўш, паловни қўл билан ейиш керакми ёки қошиқ биланми? Сўз ҳурматли шоиримиз Махсум ақага!

Тартарак: Мен, аввало, шундоқ долзарб, проблематик масалани мунозарага олиб чиққан ўртоқларга ўз миннатдорчилигими ни изҳор этаман. Ўзбек дастурхонининг энг азиз таомларидан бири паловни қўл билан тановул қилиш керакми ёки қошиқ биланми? Тўғри, бу савол аср-асрлардан буён ўз счимини тополмасдан келмоқда. Жумладан, бу саволни ҳатто Мавлоно Муқимий ҳам счолмаганлар. У киши икки хўранданинг ош ейшини тасвирлаб:

*Osh esalar ўртада сарсон — итиқ,
Хўжса чироқ ёғи,
Ҳакимжон — итиқ.*

деб тасвир этганлар. Лекин ўша Хўжа билан Ҳакимжон ошни қўл билан егани ёки қошиқ биланми — буни очиқ айтмаганлар. Афтидан, бу масаланинг Муқимий даврида ҳам аниқ бир счими бўлмаган. Устод Faфур Гуломда ҳам шу ҳолни кўрамиз. У киши қайсиdir бир асарларида: «Хумпар ошни катта-катта олиб «гумбаз»нинг бир томонини ўпириб ташлади» десалар-да, лекин ўша «гумбаз»ни, яъни ош уюмини персонаж қўли ёки қошиқ билан ўпирганилиги ҳақида лом-мим демаганлар. Яна шунин айт...

Мухбир: Кечирасиз, Махсум ака, шу хусусда газетхонларга ўзингизнинг аниқ фикрингизни айтсангиз. Яъни, паловни қўл билан еган маъқулми ёки қошиқ билан?

Тартарак: Албатта, қўл билан ейиш керак. Бунда ошхўр эстетик завқ олади. Билагидан зифир ёғи томчилаб турган кишининг ҳолатини кўз олдингизга бир келтиринг-а? Қанчалар ишҳомбахш ҳолат!

Мухбир: Маъноли фикрингиз учун ташаккур! Энди сўз навбати саломатлик пособони Эркин Воситовга!

Воситов: Юқорида ҳурматли шоир укамиз жуда керакли фикрларни айтдилар. Мен бу сўзларга тўла қўшилган ҳолда шуларни айтмоқчиман. Ош, яъни палов инсоннинг озуқа рационида муҳим ўрин тутади. Айниқса, ҳаётнинг асоси бўлган оқсил гуручда серобдир. Витаминаларни-ку айтиб ўтирмай, сабзида «С», пиёзда «П», гуруч билан гўштда «Г», хуллас...

Мухбир: Эркин Воситович, қимматли фикрларингиз учун раҳмат. Мумкин бўлса, яна бир савол. Айтинг-чи, паловни қўл билан еган маъқулми ёки қошиқ билан?

Воситов: Ҳеч шубҳасиз, қошиқ билан. Гигиена ахир бу! Қўлда сийилганда, агар у ювилса яхши, ювилмаганды-чи, ҳай-ҳай, ҳар тирноқ остида биттадан вирус илашганда ҳар бир оғиз очилганда бешта вирусни ютамиз. Бир товоқ палов учун камида ўн-беш йигирма марта қўл узатсан...

Мухбир: Ажойиб фикрларингиз учун ташаккур! Қани, бу тўғрида ҳурматли отахонимиз қандай фикрда эканлар?

Чол: Энди ука, менга қолса шоир ўғлимнинг фикри маъкул. Чунки, қўл билан ейишга ўрганиб қолганман-да! Врач ўғлимнинг гаплари ҳам тўғрику-я. Лекин, ёғоч қошиқ анқонинг уруғида... Магазинларда ҳам камчил. Нархи ҳам от баҳосида. Нега қиммат десам, сотувчи қиз: «Бобо, бу сувенир», дейди.

Мухбир: Раҳмат, раҳмат, ота! Демак, сизнингча ошни қўл билан еган маъкул-а? Жуда яхши... Хўш, энди охирги сўзни таом пиширувчилар устози, ҳурматли Азимовдан зинтсан, марҳамат, Қобил ака, сўз сизга. Ошни қўл билан еган маъкулми ёки...

Азимов: Бу мураккаб савол. Авваламбор, ҳар бир ошхўр палов тўғрисида тадрижий маълумотларга эга бўлиши керак. Кўп йиллик тажрибам юзасидан шу нарсага амин бўлдимки, ўн кило гуручнинг ошини пок-покиза туширадиган профессионал ошхўрлар ҳам ҳатто «ош-палов»нинг «расшифровкаси»ни билмайдилар. Кеча ошхонадаги қирқта хўранда ҳамда бир аудитория тўла талабалар шу саволимга аниқ жавоб беришолмади...

Мухбир: Бу савол, шубҳасиз, газетхон дўстларимизни ҳам қизиқтиурса керак. Мумкин бўлса, ўзингиз шу муаммони ёчиб берсангиз.

Азимов: Марҳамат. Биринчи ҳарф «О»—олов, «Ш»—шоли, яъни гуруч, «П»—пиёз, «А»—аҷиқ-чучук, «Л»—лаҳм, яъни гўшт, иккинчи «О» эса обизамзам ёки ароқ ва ниҳоят «В»—ва ҳоказолар, яъни қозон, туз, доривор дегани.

Мухбир: Демак, домла, сизнинг фикрингиз, «Ош-палов» термини остида маъкур таомни тайёрлаш учун керак бўладиган масаллиқлар ва қўшимча факторлар номи яширинган экан-да??

Азимов: Ҳа, балли, худди шундай, мени тўғри тушунибсиз.

Мухбир: Лекин, ошни қўл билан ейиш маъкулми ёки қошиқ...

Азимов: Албатта, қошиқ билан... Чунки, қўл билан ейишни, шаҳсан мен, эскилиқ сарқити деб биламан. Айрим кишилар... отахон, тағии сиз хафа бўлманг-у, ошни ейишиб, ёғли қўлларини маҳсига, қош-мўйловига суртишади, яхши қилиқмас, бу...

Мұхбір: Офарин, ажайиб үгіт... Азиз дүстлар, шу билан «давра столи»га якун ясасак. Сизларға кatta раҳмат. Үмуман олғанда, мунозарамиз ниҳоятда қызықарлы үтди. Үнда қатнашған үртоқларнинг фикрларидан келиб чиқиб, энді шундай холоса ясаймиз: ош-половни хоҳлаганлар құлда, хоҳлаганлар қошиқда ейишлари мүмкін...

АЙЛАНА

Кабул қилиш комиссияси бошлиғи Шодмонбоев «Гүзәллик салони»нинг түртінчи қаватига күтарилғач, «хүш» деди-ю, лекин «түзүк» сүзини айтмай, бир нүктага тикилғанча қотиб қолди. Сүнг «Эңм... ош совиб қолмасин!..» деганча ортида қаққайиб турған участка бошлиғига улкан ғалвирнинг гардишини залатувчи цемент айлананы күрсатди.

— Хүш, бу нима?

Участка бошлиғи прораб Собировга ўтирилди.

— Нима бу?..

Собиров түртінчи ва бешинчи қават оралығыдаги айланани биринчи марта күрағтандек, елка учирди-да, ўз навбатида орқадан келаёттан участка мастери Зоировга юзланды:

— Бу... нима?

Зоиров «айлана»дан хабардор экан шекилли, дархол қўйнидан қўлдан-қўлга ўтаверіб титилиб, сарғайиб кетган қофозни олиб ерга ёзди.

— Бу шу бинонинг план-лойиҳаси. Мана бу ерда, — Зоиров қофознинг бир чеккасидаги сарғыш доирани нуқиб күрсатди. — Яъни, түртінчи ва бешинчи қават оралығыда «айлана» шакли акс эттирилган. Марҳамат, ҳамма кўриши мүмкін. Биз лойиҳада күрсатилган нарсани бажардик. Лекин, гапнинг очиги, айлананинг нима эканлигига ўзимнинг ҳам ақлим етмай турибди. Афтидан, ҳовуз бўлса керак.

Комиссия раисининг қовоғи баттар осилди.

— Ҳовуз? Түртінчи қаватда-я! Эсларинг жойидами ўзи? Нега маҳаллий шароитни ҳисобга олмайсизлар? Ахир, шаҳримизда сув учинчи қаватга зўрға чиқади-ку?

— Ҳовуз ҳам бўлсин дейлик, — комиссия аъзоларидан кимдир луқма ташлади. — Лекин бу ҳовузнинг туби йўқ-ку. Сув, ахир қасерда тўпланади?

— Менингча, бу айлана ҳовуз эмас, қушлар қўнадиган махсус жой бўлса керак. Қаранглар, қандай чиройли тушибди. Ба-

ҳор, ёз ва куз ойлари қушлар қўниб, вижирлаб турса ёмонми? Эҳм... Ўртоқ Шодмонбоев ош совиб кетди! — деди Ботиров.

Шу пайт суҳбатга аралашмай бир четда турган қабул қилиш комиссиясининг яна бир аъзоси — шаҳар архитектори Хуррамов участка бошлиғига қараб ўдагайлаб қолди:

— Ху-ў... Нега архитекторларни айблаб, бўйнимизга тош осапсиз? Қани ўша лойиҳангиз...

Участка бошлигининг ранги оқариб кетди. Қараса, Хуррамов архитекторларни оқлаш баҳонасида янги бинони топширишни ҳавф остида қолдираяпти. Шу боисдан Ботиров шоша-пиша Хуррамовга маънодор кўз қисиб, унинг сўзини бўлди.

— Ўртоқ Шодмонбоевнинг олдида тортишиб ётсак, энди уят бўлар? Марҳамат, мана кўрсинар. Планда «айлана» туширилганни, туширилган. Тагида архитекторлар бошлигининг имзоси чекилганни, чекилган. Шундай экан, бир айлана деб, бошимизни айлантириб ётмайлик.

Архитектор «кўз қисиши»ларга тушунадиган мўмин-қобил одам эканни, тезда ўз фикридан қайта қолди.

— Ҳам-м... Бошлиғимизнинг имзоси бўлса, демак, тўғри қурибсизлар. Лекин, ўртоқ Ботиров, буни сиз ўртоқ Шодмонбоев ва қолган комиссия аъзоларига тўғри тушунтира олишингиз лозимда! Менингча, бу айлана... Ў-ў, лекин лойиҳанинг ҳам увадасини чиқариб юборибсизлар! Нима бало ёни кўрича қилиб тўшадингларми? Менингча, бу айлана ҳовуз ҳам эмас, қўналға ҳам эмас, аксийча, нақш... Яъни архитектура тили билан айтганда, бино элементларининг шаклий белгисидир...

Гоҳ участка бошлигининг, гоҳ архитекторнинг оғзига қараб, тик қотиб турган Шодмонбоев ниҳоят енгил нафас олди.

— Демак, бу айлана — нақш. Комиссия аъзоси сифатида Хуррамовнинг фикрига қўшилиш мумкин. Шалсан мен янги бинони топширишга тайёр, деб ҳисоблайман.

...Ошдан сўнг қабул қилиш комиссиясининг аъзолари жўнаб кетишди. Участка бошлиғи мамнуният билан кекирганча етти киши имзо чеккан «АКТ»ни етти буклаб чўнгагига тиқаркан, прораб ва мастерга юзланди.

— Хўш... Тўртинчи қаватдаги «айлана»ни қуришни ким буюрди санларга?! Яхшиям, Шодмонбоев қурилишдан узоқ одам, яхшиям, Хуррамов ўзимизнинг одам! Бўлмаса... Пойдевор ташлангаётганда шу ерда эдим, кейин иш билан... Ўзи йўқнинг кўзи йўқ экан-да?!

Прораб Собиров биринчи бўлиб гуноҳкорона елка ғасди.

— Айбимни тан оламан! Иккинчи қават битгунча мен ҳам қозиққа бойланган отдек объектда айланаб юрдим. Сўнг ўзингиз биласиз тўй масаласида... Мастерга ишонгандим-да...

Участка мастери Зониров айбини оқлаш учун яна чўнтағидан бинонинг лойиҳасини чиқарди.

— Учинчи қават битгунча ётоқхонам шу ерда эди. Сўнг путёвка куймасин деб... Бригадир Каримовга ишонгандим, у ҳам лойиҳада кўрсатилгандек...

Ботиров зарда билан қўл силтади:

— Э-э, ўша бригадиринг еттинчи синф маълумоти билан чизмани ўқий оладими, галварс! Қани лойиҳани ол-чи, ҳали яхши қарай олмагандим. Ким лойиҳага ўзгариш киритди?

У лойиҳадаги сарғиш доғ — «айлана»ни олдин тирнаб кўрди, сўнг ҳидламоқчи бўлгандек бурнига яқин келтириб тикиларкан, беихтиёр қичқириб юборди.

— Ие, ахир... бу пиёланинг чизмада қолган изи-ку!

Бир оздан сўнг Ботиров: «Объектда иш вақтида чой ичишни ман этиш ва ўз вазифасига совуққонлик билан қараганлиги учун қурилиш бригадири Каримовга қаттиқ огоҳлантириш бериш тўғрисида»ги буйруққа имзо чекаркан, чукур хўрсиниб қўйди: «Хайрият, лойиҳада пиёланинг изи қолибди. Мабодо, чойнакнинг изи қолганда борми?».

МАРТАБАДОИЛАР МАЖЛИСИ

— **Б**ир қулинг ўргилсин жойда «базми жамшид»имиз бор... Вақтинг қалай?

— Ие, «базми жамшид» бўлади-ю, вақт топилмайдими! Зиёфат... ўзи кўп яхши нарса. Янги одамлар билан танишласан. Мундайроқ мартабалироқ одам билан танишсанг, келажагингта ҳам яхши.

Малик «базми жамшид» деганда ана шу нарсаларни хаёлидан ўтказди. Шу сабабли дўстининг таклифига ичдан қувонсада, сиполик билан сўраб қўйди:

— Қанақанги «базми жамшид» ёки бирортасининг тўйими?

— Йўқ, шунчаки ўшлигимиздаги ўртоқлар, бирга ўқиганмиз. Ҳозир кимсан, казо-казо одамлар! Танишиб олсанг, зарар қилмайсан.

— Унчалик бўладиган бўлса, майли...

Такси машинаси уларни шаҳарнинг зинг гўзал «Қоракўз» касфеси ёнига олиб бориб ташлади. Ўтириш шу кафеда бўлаётган экан. Малик машинадан тушиб атрофга боқди. Енгил машиналар босиб кетибди. Турли тақинчоқлар илиб ташланган «Жигули»лар, сутранг «Волга»лар. Ҳатто бир «Чайка» машинаси ҳам кўзга ташлангандек бўлди.

Малик «Вой-бў!» дегандек дўстига қараб қўйди, дўсти эса жилмайганча унинг тирсагидан тутиб ичкарига бошлади. Зиёфатхонада эса қизғин суҳбат, қаҳқаҳа авжиди, сигарет кўп чекилганлигидан шифтда бир қават кўкиш парда ҳосил бўлган экан.

Малик ўтирганларга назар солди: барчаси савлатли, салобатли кишилар. Ҳаммасининг бағбақалари селкиллаб, юзлари чироқ ёғдусида ялтиради.

Маликнинг дўсти ўтирганлар билан қучоқлашиб, «чўлп-чўлп» ўпишиб чиқди, кейин икковлари бир чеккага ўтиб чўкишди.

Давра тўрида ўтирган қора костюмли, капалак нусха галстук таққан, пахса елкали бир киши ўрнидан турди, томогини бир қириб олгач, сўнг гулдураган товуш билан деди:

— Қани, қадаҳларни тўлдирайлик, дўстлар. Кечикканларга штрафной бўлсин! Ҳўш-ш, значит, алёр айтиш учун наъбат дўстимиз Мирваққос Мирғаниевга...

Ҳамма чапак чалди. Столнинг нариги чеккасида, тиззасида бола олиб ўтирган одам «Ҳм» деди-ю, тиззасидаги болани ёнидаги бўш стулга ўтқазиб ўрнидан кўзгалди. Маликнинг дўсти чапак чала туриб залдагиларни таништира бошлади.

— Тўрда ўтирган тамада — савдо ташкилотининг раиси бўлади...

— Йўғ-е, мен уни артистми, дебман, галстугини қара-я?

— Артист ҳам бор, ана ҳў! — Маликнинг дўсти бир чеккада тик турганича ёнидаги аёлга хушомад қилаётган озгин соқолмўйлови туташиб кетган йигитни кўрсатди. — Оти Собит. Райкультуранинг бошлиғи. Тўйларни гуллатади-да...

Бу орада Мирваққос Мирғаниев бир тебраниб олди-да, сўз бошлади:

— Ўртоқлар! Азиз ва ҳурматли ўртоқлар, қадрдонларим! Мана, биз орадан ўн беш йил ўтгаҳ, яна дийдор кўришиб... тоес, учрашиб ўтирибмиз. Бундан ўн беш йил бурун биз йигирма ёш қалб ҳаётта йўлланма олган эдик. Шундан Орифжон растрат

қилиб қамалғанлыги, Бибигулнинг фарзанд кўриб, узрли равишда келолмаганлигини ҳисобга олмасак, қолган ўн саккиз нафаримиз шу ердамиз. Бундан ташқари бу ерга фарзандларимиз (у ёнидаги жингалак сочли ўғлининг бошини силади) ҳам ташриф буюришган. Шу ерда ўтириб, ҳозир бир нарсани ўйлаб кетдим. Бундан ўн беш йил олдин ким здик-ку, эндиликда ким бўлдик. Мана, масалан, Одилни олайлик, — Мирғаниев шундай дея ёнидаги бақалоқ кишини қўлини бигиз қилиб кўрсатди. Бақалоқ эса ўз номини эшишиб қалқиб тушди, оғзидағи чучварани косага тушириб юборди-да, салфетка билан лаб-лунжини шоша-пиша артганча нотиққа ҳайрон бўлиб қаради.

— Мана шу Одилчамиз, — гапида давом этди нотиқ, — ҳозир кимсан, Одил Собитович. Кимсан, катта бир универмагнинг директори, олдин ким эди? Маликанинг кетидан югуриб, сарғайиб юрган бир савдоий эди.

Залда гур-р кулги кўтарилди.

— Маликахон ҳам ҳозир ҳожатбарор хизматдалар, — сўзида давом этди Мирғаниев. — Шаҳар паркида газсув сотиб, бемалол оиласарини тебратиб юрибдилар. Мен эса, ўзларингта маълум, қассобман. Дўстлар учун ҳамиша сұяксиз гўшт менда мунтазир. Шу қадаҳни...

Кейинги сўз навбати Мамашариф Фўндиевга берилди.

— Бу ўртоғинг нима иш қилади? — шипшиди Малик дўстининг қулогига.

— Таксист!.. — деди дўсти мағрурланиб, сўнг қўшиб қўйди.

— Жўмардда ўзи қурмагур, шу ўтиришнинг чиқимини ўз гарданнига олган.

— Ўҳ-ӯ! — деб қўйди Малик такси ҳайдовчига ҳайратомуз тикилганча.

Мамашариф бир нафас шипга қараб қотиб қолди, сўнг залда ўтирганларга қараганча яна бир оз жим турди. Айтидан нима деб гап бошлашни билмаётган эди. Охири бўлмади шекилли, чўнтагидан ён дафтарчасини олди.

— Бу, Шарифбой, шпаргалкадан фойдаланиш касалинг ҳали ҳам қолмабди-да, сенинг! — дея кимдир ҳазил қилди. Яна зални кулги тўлдирди. Мамашариф эса пинагини бузмасдан дафтарчасига қараганча сўз бошлади.

— Азиз дўстлар! Ҳозир сизларга қараб турибману, лекин ўн беш йил олдинги кувноқ ҳайтимизни кўз ўнгимга келтириб хўрли-

гим келиб турибди. Оҳ, қандоқ даврлар эди! Қани зиди у дамлар, ширин хотиралар! Ёшлик бамисоли кузда иссиқ ўлкаларга учган қушлар каби учиб кетди, қушлар баҳорда қайтиб келишади, лекин ёшлигимиз қайтиб келмайди...

Шундай дәя, мастилкданми, у ҳүнграб юборди. Такси ҳайдовчисидан сұнг сартарош, фаррош, этикдүз ва яна аллақайси касб соҳиблари сўзга чиқицди. Қисқаси, ўтириш жуда мароқли ва кўнгилли ўтди. Ўтириш тугаб, қайтишаётгандан дўсти Маликдан сўраб қолди:

— Хўш, қалай ўтди «базми жамшид»? Ўртоқларим ёқишдими?

— Бўлмасам-чи, — деди Малик миннатдорчилик тарзида. — Жуда зўр бўлди-да. Ростини айтсам, қойил қолдим. Қара-я, бир синфдан шунчак касб эгаси чиқибди-я?

— Бир синфдан дейсанми... Қўйсанг-чи, дўстим. Сен ҳали уларни синфдошларим деб ўйлаяпсанми, ахир улар курсдошларимку!

Малик бир зум дўстига тикилиб қолди. Унинг кўзига шу тобда сандиқларда чанг босиб ётган дипломлар кўриниб кетгандай бўлди.

КАЙФИЯТ

Бошлиқнинг кайфияти зрталаб дуруст эди. Аммо, қабулига ўринбосари кирди-ю...

— Тавба... — бошлиқ гижинганлигини сездирмаслик учун эснаган киши бўлиб кафти билан юзини бекитди. — Одам деганинг афти ҳам шунаقا тасқара бўладими?! Пашшахўрдаси пессга ўхшаб... Хол деган ўлгурдан чиқкан жунлар юлиб ташланмайдими, ахир? Вайса... вайса... Вайсайверчи! Ошкоралик деб ҳамманг оёғинг қолиб оғзинг билан юриб қолдинг. Тавба, шунинг башарасига кўзим тушса кўнглим ағдариладиган бўлиб қолди-я! Эшитдим... Лаънати, чакка-чукка жойларда «Бошлиқнинг оёғи тоядиган... суюклигидан сурилиб кетадиган кўринади. Агар шундай бўлса, ўрнига ўзимиз-да бошлиқ!..» деб сасиб юрганмиш! Вой, исқиригт-еї! Кўйнимда илон сақлаб юрган эканманда?! Бунинг думини қандай қилиб тутсам бўларкин-а?! Давр кўтармайдида, бўлмаса-ку... Гапи сассиқ одамнинг ўзидан ҳам кўлансан ҳид келаркан... Уф-ф, кабинет ҳам ачиб кетди! Қачон кетади, қачон... Хўш... хўп! Ўйлаб кўрамиз... колективнинг фикрини инобатга олиб... Майли, рухсат... Э-э, хайрият-э!

Бошлиқ ўринбосарининг қораси ўчиши биланоқ, қайт қилмоқ-чи бўлгандек бир қўли билан оғзини бекитиб, иккинчиси билан стол қиррасидан тутмачани пайпаслаб топди. Хонага янгроқ сас тараалди: «Чилинг... чи-чи-чич-чилинг!».

Хиёл ўтмай оstonада котиба қиз пайдо бўлди.

— Лаббай, чойми?

Бошлиқ қўлинин оғзидан олиб ёқа тутмаларини бўшатди.

— Фа-фа... Фарточкани очинг! Пуф-ф-ей...

— Хўп бўлади...

Котиба қиз қоматини фалати қилпиллатганча дераза томон ошиқди.

— Ў-ў! — бошлиқнинг негадир эти жимирлашиб энтикли. — Юришлари «ломбада»ку?! Ишга қабул қилганинга тўрт кун бўлибди-ю, қизиқ, нега шу пайтгача зътибор... Ҳа, ахир командировка... Ие, ана оёқ учидатурганча қўлинин тепага чўзаяпти! Вой бў-ў... Юбка қурғур ҳам калта экан... Кўзойнаги қаерда қолди-а? Оҳ-оҳ! Гўзаллик барибир яхшида... Илгаригисининг оёғи шунақсанги чилчўп эдикни, бемалол тиш кавлагич ясаса бўларди... Бунисиники энди... Вой-ай! Валерианка!!! Оббо, форточка жонивор ҳам хонада бор-йўғи битта экан... Ничево, кўпайтирамиз...

Бошлиқнинг танаси «Қисқа муддатли бу томоша»дан мири-қиб яйради. Нохушлиги бирпастда тумандек тарқалди. Котиба қиз бошлиқнинг ўзидан кўз узмай турганини сездими, зътиборсиз ҳолатда бу сафар кўкрагини олдинга чиқарганча изига қайтди. Остонада бироз муддат тик қотиб тургач, сўнг ортига фалати қараш қилганча чўзиб «Уф-ф!» деди-ю, эшик қабзасини олдга итгарди.

Бошлиқ жодулангандек сэррайганча қотди, ниҳоят лабларини чалпиллатиб тамшанди.

— Иби... Фунажин кўзини суздими?! «Уф», дедими ёки эркак бўлмай ўл-л, дедими? Нима қилсам... Сескин қармоқ ташлаб кўрсаммикин? Қандай бўларкан-а? Буни тавсия қилган жўралардан шу томонларини суриштиргмаган эканманда... Э-э, қизиқ экансан! Байталбозликни нима биринчи маротаба кўраяпсанми? Давр келганда ё даврон демайсанми, йигит! Қани билса ҳазил, билмаса чин қилиб...

Бошлиқнинг бармоқлари беихтиёр яна стол қиррасидаги тутмача томон йўргалади: «Чилинг-г... Ч-ич-чи...»

— Лаббай, чойми?

— Ҳа-а... — бошлиқнинг овози қалтираб чиқди. — Шу негадир совқотиб... Бундай бир иситиб... Иҳм-м, исинайлик!

Котиба қиз тадоригини олдиндан күриб қўйган эканми, лаҳза ўтмай чойнак ва қўш пиёла стол устида пайдо бўлди. Бошлиқ қоғоз титкиламоқчи бўлгандек кўзойнагини таққанча ер остидан оҳиста раён солди: «Ўҳў-ў... Устоз кўрган экан! Қара, чойни ўзи шопириб... Кўйлагининг юпқалигини... Ба-бай, телвизўр-ку! Ёпирај, ёқаси ҳам йўғ-а... Ие, эгилаяптими?! Валерианка!!! Вой-ей, энди гапнинг кишварини бу ёғига қандай қилиб келиштирсан! Оббо, бундай пайтда нима қилиш...»

Котиба қиз бошлиққа кўмаклашмоқчи бўлгандек яна бир маротаба чўзиб, аммо, бу сафар оҳиста «уф-ф!» деди.

— Нега мунча уф тортаётсиз? — бошлиққа бирпасда жон кирди. — Бирор жойингиз...

— Э, ўлсин... — котиба қиз чойнакнинг қопқоғини тўғрилаш баҳона эгилди. — Битта кўйлак олай десам...

Сўнг очиқ кўкрагига термулганча қулт этиб ютингач, ўксик оҳангда давом этди.

— Бозор иқтисоди... Бозор иқтисоди... деб жаврашавериб одами шир яланғоч қилдиришгач, уф тортаман-да...

«Ў-ў!.. Бу гапни дарров иқтисоддан бошлади-ку?! — хаёлидан ўтказди бошлиқ. — Мен қолиб ўзи тўр ташляяптими? Ҳа-а, устози ҳақиқатда зўр экан... Қани, хўш-ш, деб турайликчи, охири нима бўларкин...»

— Ёшлигингда ҳар кун битта янги кўйлак киймасанг... — котиба қиз бу сафар ноз билан буралганча бутун қоматини кўз-кўз қилди. — Қариганда, ҳа, ана фигуранг бузилади... Рости, одамга алам қиларкан. Эски иш жойимда, ҳай садқансар. Энди кимсан, Фалончиевнинг котибасиман-ку?..

«Нима каромат кўрсатдинг-у ҳали, сенга кўйлак совға қиласман! — хаёлидан ўтказди бошлиқ. — Худди, қирқ йиллик қадрдондай бемалол гапиради-я! Қани давом этаверчи... Мушкулимни ўзинг осон қилаётсан, шекилли...»

Котиба қиз бошлиқнинг юзига тикилиб ҳеч вақо сезмагач, ниҳоят охирги ҳужумга ўтди.

— Ходимларнинг ойлигини ошираётган экансиз... Мурувватингиздан биз бечоралар ҳам қуруқ қолмаймизми?! Биздан ҳам ахир...

Бошлиқ фурсат етганини англали. Темирни қизигида босиш учун бир муддатта эшик томонга ўғринча қарашиб қилиб олгач, сүңг керишган кишидек ўрнидан құзғалиб котибанинг билагидан ушлаб:

— Хафа бўлманг, жоним... О-ойлигинизни о-ошир-рамиз!

Котиба қиз билагидан бошлиқнинг қўлини олиб ташламоқчи бўлгандек ноз билан ортга тисланди.

— Қачон оширасиз??

— Ҳ-о-зир! — бошлиқ ўрнидан ҳансираганча қўзғаларкан яна эшик томон мунғайиб қаради. — Ф-фақат бир шарти...

Котиба қиз чаққонлик билан ортига яна икки-уч қадам чеки-наркан, қўзларини жон олар қабилида ўйнатди.

— Нима шарт экану... Қани, олдин эшитайлик...

Бошиқнинг боши гангигандек сархуш ҳолатда бир муддат жойида тик қотди, сүңг иҳраганча олдинга талпинди.

— Ш-шартни фа-а-қат қу-қу... қулогингизга айтаман!

— Ҳо-о, балосиз-ку! — котиба қиз қийқирганча стол айланиб қочди. — Қанчага оширасиз??

Бошлиқ оёқ товушлари эшитилмасин, деган мақсадда тиззалирини бирор букиб лўқилларкан иккала қўлининг панжаларини ёйганча олдинга чўзди.

— Ўн минг сўм!

— Й-йўқ! Қурумсоқ... Қурумсоқ!

— Ҳа, ана йигирма...

— Вой, анов кишимни... Кам!

— Э-э, бор-е... Ўттиз минг сўм қўшдим! Бўлдими, жоним?!

Котиба қиз ўзига яқинлашиб келган бошлиқнинг кўкрагидан оҳиста итараркан, лабларини чўччайтирди.

— Нархимиз ҳали шу бўлдими? Боринг-е!

— Э-э, ана эллик минг манат қўшдим! — бошлиқ ёқимли ҳидан масиққанча олдинга талпинди. — Ҳозир отдел кадрни чақириби... Бўлдими?! Оҳ-ҳ, ўлдирдинг-ку! Яна битта...

Котиба қиз бошлиқнинг қўйнидан балиқдек сирғалиб чиқди, эгнини тартибга келтиарarkan жиддий қиёфага кирди.

— Бозор кўрганмисиз, ўзи?! Ойлигимга яна юз минг сўм қўшасиз... Розимисиз, йигит?

— Юз минг сўм?! — бошлиқ ҳам ҳушёр тортди, сўлакайини артаркан ўзини зўрлаб кулган бўлди. — Бунча ойликни ўринбосарим ҳам олмайди-ку, ахир?

Котиба қыз яна илгари ҳолатига қайтди, белидан пастини ўйнатиб келаркан, лабларини олдинга чўзди.

— Бўлмаса ўша... ўринбосарингизни ўпид юраверинг! Бўйтими?!

— А-а!

Бошлиқнинг кўз ўнгида ўринбосарининг «тасқара башараси» пайдо бўлди-ю, жойида тахта бўлиб қотди.

Шу аснода киноларда кечадигандек воқса рўй берди. Эшик очилиб хонага ўринбосарнинг ўша тасқара башараси мўралади.

— Мумкинми?.. Ие, кечирасизлар...

Эшик қайтадан ёпилди. Котиба қыз «Хўш, розимисиз?!» дегандек бир бурчакда лабларини чўччайтирганча турар, хона ўртасида серрайтанча қолган бошлиқнинг хушнуд кайфиятидан энди асар ҳам қолмаганди...

«ЎРИНДИҚЛИ» ОДАМ

Эртакбашара, қувноққиёфали ҳикоя айтиб берайми? Эшиксангиз, ишончим комилки, хурсанд бўлиб кетасиз. Ҳатто дўппингизни осмонга отиб ёхуд қорнингизни гижимлаб... Хўп энди, бўлмаса сўлакайингизни оқизмасдан эртагимни бошласам бошлай қолай:

«...Ўғил! Ўғил!!!

Доя хотиннинг ўқтамона ҳайқириғидан жон ҳовучлаб турган отанинг танига ширин титроқ югурди. Суюнчии қўш-қўшлаб узатаркан меҳнатининг маҳсулидан қониққан деҳқондай манглай терини мамнунона сидирди. Шу тариқа чақалоқ — янги инсон дунёга келди!...

... «Эртакбашара ва қувноқ қиёфали» ҳикоянинг шу тариқа бошланиши эҳтимол, сиздек талабчан ўқувчимга эриш туюлар? Бурнингизни жийириб, пешонангизни тиришириб «Бу, очерк-ку?!» дейишингиз ҳам турган гап. Лекин на илож?! Замон таомили шунаقا бўлгач... Эндиликда, одамларнинг қайси жинсга таалуқли эканини аниқлаш анча мушкул (кўнглингизга хунук гап келмасин-у, албатта, уларнинг кийиниш, туриш-турмушга қараб) бўлгандек, ҳозирда, бадиий асарларнинг қайси жанрга мансуб эканлигини ажратиш ҳам анча муаммо бўлиб қолган, биродарлар...

Иккинчидан, асарда, айниқса, ҳажвий ҳикояда қадрамон яратишнинг ўзи бир дард. Тўғрида, врач қабулхонаси «маъруза»си-

дан сүңг ҳар ким ўзида йўқ «хасталикларни» кашф этгандек, ҳажвия ўқиган ўқувчи ҳам (мансаби, насл-насабидан қатъи назар) ундан ўзига хос «хислатларни» топиб олади-да, сўнг муаллифга муштини дўлайтириб...

Шубоис, бу сафар анча осон қутулдик, шекилли. Чунки, ҳозиргина ҳикоямни бош қаҳрамони «чақалоқ»ни туғиб... Йўғ-е, ке-чирасиз, «ўқтамона» қичқириғу, «ширин титроғ»лар остида эсономон «туғдириб» олдик. Ҳатто, отасидан «суюнчи» ҳам олишга улгурдик.

Хуллас, бош қаҳрамонимиз дунёга келишга келди-ю...

Аммо...

Асар ёзилаётганда ана шу «аммо»сига беш кетаман-да! Суяги қотган ўқувчи борки, китобда «аммо», «лекин», «бироқ» деган сўзларга дуч келдими, бас, қулоги тикрайиб, дарҳол ҳушиёр торгади: «Ҳа, бундан бўёғига муаллиф ўз қаҳрамонини шундай кўйларга соладики!».

Шундай экан, «аммо» дедикми, энди бизнинг чақалоқҳа ҳам осон бўлмағай! Ахир, машойхлар бежизга айтишмайди-ку: «Ҳаётда туғилишдан кўра яшаш мушкулроқдир...»

Шундай қилиб «чақалоқ — янги инсон» дунёга келди.

Аммо...

«Аммо»сини ниҳоят, ана энди эшитинг: Аммо, ўша дунёга келган чақалоқнинг шакл-шамойили, яъни ташқи кўриниши одатдагидан сал бошқачароқ эди. Нима, бармоғи олтита эдими, дейсизми? Йўқ, тополмадингиз... Суннати бўлиб туғилганиди? Яна йўқ. Балки, думи... Сал яқин борсангизда барибир тополмадингиз! Ахир бу тарздаги «туғилиш»лар одамлар учун одатий ҳол-ку? Бизнинг қаҳрамонимизни эса.. Сизга қандай ту-шунтирсам экан?! Айтишга ҳам тортинади киши... Э-э, ахир, ўғил боланикининг уяти йўқ, дейишади-ку! Шундай экан, тортинишга бало борми? Хуллас, қаҳрамонимизнинг, ҳалиги чақалоқнинг йўлдоши кесилганда ҳамшира-энагалар унинг юмшоқ-қина жойи, яъни кетида «кресло»га жуда-жуда ўхшаб кетадиган жажжигина ўриндиқ борлигини кўриб ҳайратдан бармоқ тишлашибди...

Сиз эса ўқувчим ҳайратга тушиб ўтирунг! Чунки, бопида огоҳлантирганимдек бу ҳикоямиз ўзи сал зартакбашара...

Нафси ламбирини айтганда сал илгарироқ «Гирилган мурда», «Бошсиз одам», «Елкасиз одам»ларга, ҳозирда эса ўзга сайёра-

лик келгиндиларнинг ташрифига кўникма ҳосил қилган бир пайдада бу «ҳодиса» ҳеч кимни ҳайратга солмаслиги ҳам турган гап...

Шу боисдан бўлса керак «қаҳрамонимиз» туғилиши биланоқ шаҳар рўзномасида чоп этилган «Ўриндиғи билан туғилган бола» мақолоси ҳеч кимда қизиқиш уйғотмади. Тан олиш керак. Шу ўринда рўзнома ходимлари ҳам андак совуққонликка йўл қўйишиди. Сабабики, улар шундай диққатга сазовор «янтилик»ни муштариylар ҳамиша бошлаб кўз югуртирадиган охирги саҳифада эмас, аксинча, нарх-навонинг ошиб бориши ҳақидаги материаллар бериладиган дастлабки «бет»да босишганларидан кўпчилик бефарқ қолишган...

Аммо чақалоқнинг «шакл-шамойили»дан отаси ота бўлганлиги учун бефарқ қолмади. У ўз жигаргўшасининг тақдиридан ташвишга тушган ҳолда боз врач бетоб ётганлиги боис, унинг ўрнини вақтинча эгаллаб турган ўринбосаридан сўрабди.

— Бу ҳалиги... Боланинг орқасидаги ўриндиқ зарарли эмасми?

— Йўқ, аксинча, — дебди боз врач ўринбосари боз чайқаб, сўнг тагидаги ўриндиққа қараб термуларкан, негадир чуқур хўрсиниб қўйибди. — Фарзандингизнинг омади бор экан, ошна! Эҳ, қани энди менинг ҳам тагимдаги кресло ўзимники бўлса! Мен сизга айтсам...

Отага шу хўрсинишнинг ўзи кифоя қилибди. Бениҳоя курсанд бўлганлигидан шоша-пиша врачнинг сўзини бўлибди.

— Таскин учун ташаккур! Отини ҳам сиз айтганча Ўринбой қўйман!

Шу тариқа қаҳрамонимизга «Ўринбой» деган ёрлиқ-исм раво кўрилибди. Ўринбой эртаклардагидек күн сайин эмас, соат сайин ўсиб вояга етаверибди. Саккиз кунлик сўрғич сўришдан сўнг дарҳол тетапоя қилишга тутинибди. Бу ҳолдан отасининг боши осмонга етиб, дарҳол Ўринбойни боғча томон етаклабди. Аммо, остона ҳатлаши биланоқ севинчи сувга тушган чўғдек «пов» этиб ўчибди. Сабабики, боғча мудираси Ўринбойга эмас, унинг отасига бир сидра кўз ташлагач, кескин боз чайқабди.

— Болангизни жон деб бағримга олардим-у, аммо, боғчамизда ортиқча жой йўқда! Энди нима қилдик-а? Мабодо, ГорОНОдан битта ўринга рухсат ололганингизда эди, унда...

— Ўрин дейсиёми?! — Ўринбойнинг отаси қувонгандигидан қичқириб юбораёзибди, сўнг ўзини тутиб ўғлининг иштонидан

тортқилабди. — Мана қаранг. Бунинг ўрни ўзи билан. Ҳа-а, боламизнинг орқаси зўр!

Бундай изоҳдан сўнг турган гап мудиранинг тилига тошма тошгандек каловланиб қолибди. Шу тариқа Ўринбой «ўз ўриндигига» эга бўлганилиги боис боғчага қабул қилинибди.

Кўп ўтмай тиши тушиб Ўринбой ўқиш ёшига ҳам етибди.

Отаси ҳам фурсатни қўлдан бермай, оғзи қулоғига етганча ўғлининг қўлидан етаклаб маҳсус ўрта ўқув даргоҳига йўл олибди. Бироқ, дарвоза даҳлизидан қадам ташлаши биланоқ пуфланган шамдек дарҳол сўнибди. Сабабики, мактаб директори қулочини керганча уларнинг йўлини тўсиб чиқибди.

— Бекорга овора бўлибсизлар! Бу маҳсус мактаб, ахир! Энди нима қилдик-а? Ҳа-а... Мабодо, ОблОНОдан битта қўшимча ўрин ажратса олсангиз эди, унда...

— Ўрин дейсизми?! — Ўринбойнинг отаси бу сафар ҳам ўзини тутолмай қичқириб юборибди. — Ахир, бунинг... Қани, ўғлим шимингни... Ҳа, балли! Энди ўгирил... Мана «ўрин» сизга... Ҳа-а, фарзандимизнинг орқаси зўр!

Турган гап шундан сўнг мактаб директори тилига тирсак чиққандек дудуқланибди-ю, шоша-пиша гардишига «қабул қилиниси» дейа сўз битилган муҳрни излаб қолибди.

Булар ҳали ҳолва экан. Ўринбойнинг олий даргоҳга қабул қилиниши, айниқса, хамирдан қил суургандек осон кўчибди.

Институт ректори қўйнидаги «рўйхат»га қайта-қайта тикилиб, Ўринбойнинг исм-фамилиясини тополмасада, аммо унинг аризасига қўшимча тарзда илова қилинган: «Орқаси зўр... Ўз ўрнига эга...» қабилидаги сўзлар битилган «маълумотнома»га кўзи тушгач, креслосидан беихтиёр туриб кетибди. Кўли қаламга югуриб аризанинг бир четига «имтиёзли инобатга олинсин!», дейа чатиб қўйганини ҳам сезмай қолибди.

Ҳаш-паш дегунча «диплом»ни қўлтиғига қистирган Ўринбой отаси ҳамроҳлигига мартабали муассасалардан бирига кириб боришибди.

— Ўғлимни ишга қабул килсанглар! — дебди Ўринбойнинг отаси гапини лўнда қилиб. — Фақат дурустрок вазифага...

— Марҳамат! — дейишибди мартабали муассасадагилар. — Фарзандингизнинг қўлидан нима иш келади?

— Креслода ўтириш, — дебди Ўринбойнинг отаси бу сафар виқор билан. — Яъни, бошлиқ бўлиш!

— О-о-о! — деб жавоб беришибди унга мартабали муассасадагилар. — Бизда бошлиқлик ўрни банд. Каттамиз қарийб қирқ йилдан буён ўзи ўтирадиган ўриндиққа қулф-калит ўрнатиб олган. Тагига бомба қўйиб портлатмаса, у ўринни асло бўшатмайди!

— Бошлиғингизники ўзига сийлов! — шундай дея Ўринбойнинг отаси ўғлиниң кетига шапатилабди. — Мана — бунинг ўрни! Ҳа-ҳа... Ҳазиллашманглар, фарзандимизнинг орқаси зўр!

Қарабсизки, Ўринбой ўз «ўриндиғи» орқасида бир пасда мартабали амалдорга айланибди-қўйибди...

«Омади борнинг ошиғи олчи» деганларича бор экан. Уйланышга қолганда «Ўринбойнинг лотереяси» яна ўйнаб қолибди. Кимга куёв бўлибди, денг?! Шаҳардаги катта бир амалдорнинг етти ўғилдан сўнг туғилган, еттинчى синфдан бошлаб етти маҳалланинг бўйдоқларини бедор қилган, сепининг ўзи етти машинага юк бўлгулик санаморастадай ҳурлиқого! Гапларимга ишонмаслигингиз мумкин, лекин сон-саноқсиз совчиларнинг узлуксиз турум бузишидан ўша амалдор оз эмас-кўп эмас етмиш етти марта эшик турумини алмаштиришга мажбур бўлган экан! Не-не «бош»лар хам бўлиб чиқсан ўша дарвозага Ўринбойнинг отаси ҳам бosh эгиб борибди-ю, аммо, кўп ўтмай қалласини роз тутиб, сарупо-тўн кийиб чиқиб кетибди. Бу ҳолдан ҳатто, хонадон бекасининг ўзи таажкубга тушганча дарҳол зридан изоҳ талааб қилибди.

— Не-не палаги тоза, таги-тугли мансабдор кишилардан келган совчиларга унамай, орқасида «алланима балоси» бор, букрисифат бир йигитга қолганда нима сабабдан қизингизни узатишга дарҳол рози бўлдингиз?

— Шунинг учунки, — дебди амалдор хотинига маънодор боқканча, — сен номини тилга олган ўша «не-не» мансабдорларингни мансаб курсисида бир умрга ўтиришларига ким кафолат бера олади?! А?! Куёв бўлмишнинг курсиси эса ўта мустаҳкам ва муҳими доимо ўзи билан бирга... Уни тортиб олишга ҳеч кимнинг кучи етмайди! Ҳа-а, қизингни баҳти бор экан, хотин! Куёвингнинг орқаси зўр...

Шундай қилиб, Ўринбойга табиат инъом этган «ўриндиғи» кетма-кетига бир-биридан лаззатли дақиқаларни ҳада қила бошлади. Мана тасаввур қилинг: айтайлик, каттакон бир залда йиғин кетаяпти. Ҳамма жой олдиндан банд бўлганлиги сабабли

қаҳрамонимиз мажлис ҳайъатига сайланмай қолди, дейлик. Бундан Үринбойимиз заррача бўлса-да, хафа бўлиб ўтирасакан. Бамайлихотир, шартта юқорига кўтариларканда ўз «ўринидиги» билан «президиум»нинг қоқ ўртасида ўтириб оларкан. Ёки, айтайлик, хорижий мамлакатлардан бирига обрули делегация жўнатилмоқчи-ю, аммо «ўринлар» аллақачон таҳсимлаб бўлинган. Шу ҳам Үринбой учун муаммоли?! У сира азият чекмасдан бемалол делегация аъзоларининг сафига ўринидиги билан ёриб ўта оларкан.

Ёхуд, айтайлик ўзга сайдерларга...

Бас, етар! Иносиф ҳам керакда, ахир одамга! Нима деган гап бу! Бир кишига шунча эъзоз, шунча ҳурмат... Наҳотки, турмуш тўсиқларидан ўтиш бани инсонга шунчалик осон бўлса?! Ахир бу ҳаёт ҳақиқатига тамомила зид-ку! Гапнинг пўсткаласини айтсан, шу тобда Үринбойга ҳатто ўзимнинг ҳам ҳасадим келиб кетаялти. Эркалик ҳам эзи билан-да! Йўқ, бунақаси кетмайди. Бу Үринбойнинг адабини бериб қўймасам, аламимдан... Тўғрида, одамлар ўз ҳамкаслари ёки қўшниси, ҳеч бўлмагандан бирор-бир биродарининг «муваффақияти»дан талвасага тушиб қўлига қалам — «қасос қамчиси»ни туттганда, нима мен ўз «қаҳрамоним»га баҳиллик қила ололмайманми? Жиловини тортиб қўйиш, ахир ўзимнинг қўлимда-ку? Хўш-ш, унга нима ёмонликни раво кўрсам экан-а? (Эслатма: муаллифга ўз қаҳрамонини ўлдиришгача бўлган ҳуқуқ бериладики, ўқувчининг бундан воқиф бўлиши фойдадан асло ҳоли эмас).

Үринбойим... Хўш-ш Үринбойгинамни қандай «ўлдирсам» экан-а??

Саргаймага чалинтириб азоб берай десам, у пахтани фақат суратини кўрган одам бўлса!?

Сувга чўқтирай десам, биттаю-битта «суммон»имиз Орол шунақасига ҳам қуриб тўпигдан келиб қолган бўлса?!

Дорга тортирай десам, арқон сифатсиз чиқиб қолса, борми!

Уф-ф! Энди нима қилдим? Ёки, Архимедга ўхшаб... Топдим!!! Нега энди шу нарса бирдан хаёлимга келмади экан-а?! Ахир, адабиётимиздаги аксарият асарларда барча фожиавий зиддиятлар эркак ва аёл ўртасида рўй берадиган можаролар воситасида «ҳал қилинади-ку!» Шундай экан, нега мен ҳам шундай оппасон усулдан воз кечишим керак. Үринбойнинг ўзингиз гувоҳсиз, бўйнига аллақачон «ола хуржун» оғанмиз. Ордона қолтур

«коилавий машмаша» учун шунинг ўзи кифоя-ку! Ундан кейин ҳар қандай хотин зоти борки, ўзига яраша ноз-фироги дегандай...

...Хуллас, нима бало бўлибди-ю, ҳали чилласи чиқар-чиқмай Ўринбойнинг «ўриндиги» келинга ўтиришмай қолибди.

— Ё мени дейсиз, ёки мана бу «курсини»! — дея шарт қўйибди у куёв болага. — Дугоналаримнинг «Нима бало поччамиз бурихўжами?!» деган кулгиларига сира-сира тоқатим йўқ. Кечгача муҳлат... Йўқотиб келинг!

— Ўйлаб гапирайтсанми?! — дебди Ўринбой бу «шарт»дан ранг-қути ўчиб. — Ҳаётда нимага зришган бўлсам, ахир, ҳаммаси мана шу ўриндигим туфайли-ку?! Ҳатто, сенга уйланишим ҳам... Йўқ, ундан воз кечолмайман...

— Ҳали ҳам ўриндигингиздан бутунлай воз кечинг демоқчи-масман, — дея ўз сўзида оёқ тираб олибди қайсар келинчак. — Шунчаки ўзингиздан хоҳлаган пайтда ажрата оладиган қилинг. Ана ундан кейин, кундуз кунлари фойдаланасиз, кечда эса оқшом тушгач сандиқидинага солиб... Тушундингизми?!

О, аёл кишининг кўз қараши-ю, сўз ила сеҳрлаш қудрати! Сенга қарши тура оладиган бирон-бир куч бормикини бу оламда? Ана Ўринбойнинг ҳам боши қуий солинди. Демак, куёв бола рози... Ҳаҳ номард хотин-а!

Бўлди, бас... Қаламимдан қон томди... Бу ёғини ёзишга ожизман! Бошқасини беринг... Йўқ, йўқ... Қора рангли қалам тутқазинг. Мен шу тариқа ўз қаҳрамонимга аза очмоқчиман! Ие, ҳа... Ўринбой ўлдими, дейсиз?

Шунақа бўлиб қолди... Бандалик! Жарроҳлар Ўринбойдан «ўриндиги»ни ажратиб олиб, бундай қарашса... у аллақачон жон таслим қилиб бўлибди!

Кўпни кўрган бош жарроҳ бироз ҳайратта тушган кўйи фикр қилгач, ниҳоят тилга кирибди.

— Эҳ, катта хатога йўл қўйибмиз-ку! Бу инсоннинг жон риштаси кўкрак қафасида эмас, балки биз ажратиб олган «ўриндиги»да экан... Афсус!!!

Хайрият-э, ниҳоят ҳаммаси кўнгилдагидек тугади. Кўриб турбисиз «қаҳрамонимнинг» ўлимида менинг ҳеч қандай «қўлим» йўқ, ҳамма айб, ўша ордона қолгур «ўриндиқ»да!

Хуллас, қалай, хурсанд бўлдингизми? Ие, бу ҳикоянинг нимаси «хурсанд бўлгулик», дейсизми? Нега бўлмасин? Тасаввур қилинг, Ўринбой «ўриндиги»дан ажратилмаганда эди, бу дунёда

ҳали кўп умргузаронлик қилар ва табиий ҳолки, у истаган пайтда ҳар биримиз унга ўз «ўрни»мизни бўшатиб беришга мажбур эдик! Шундай экан, қарсак чалиб қувонаверсангиз-чи, биродарлар...

ПОРТФЕЛ

Илмий текшириш институтининг етакчи бўлимларидан бирига янги мудир тайинланди. Собиқ мудир анча оғзин, новча, маккажӯхори попугидек майин сочлари тўзиб юрадиган кўримсизгина киши эди. Янгиси эса худди ўчакишгандек, унинг бутунлай акси — семизгина, лекин паканароқ, бошига пашша қўнса, оёғи тойиниб ўлади — сип-силлиқ, шунга қарамай, салобатли эди. Аввалги мудир хонама-хона кириб:

— Илм кишиси бир жойда мөгор босиб ётавермасдан, кўпроқ юриши, изланиши керак, — дерди.

Буниси ходимларни бир жойга йигди-да:

— Лақиллаб юрмасдан, мияни қотиринглар! — деди.

Аввалги мудир қўлтиғига сабзи таҳтасига ўхшаш юлқагина шапкача қистириб юрарди. Буниси эса қаттақон портфел кўтариб келди.

— Ана энди бошлиққа ёлчийдиган бўлдик! — деди кичик илмий ходим Асомиддинов танишувдан сўнг.

Катта илмий ходим Исомиддиновга бу гап ёқмади:

— Лаганбардорлик ҳам эви билан-да, ука, — деди. — Янги мудирда қандай ноёб фазилат кўра қолдингизки, дарров тилингиздан бол томиб қолди?

— Мен товуқни... — деди Асомиддинов ўжарлик билан, — мен товуқнинг қандай тухум қилишини қоқолашидан биламан. Одамни эса оёқ олишидан. Шундоқхина кўриниб турибди — янги мудиримиз калтали одам. Савлатини-ку, қўяверинг. Сиз портфелига қаранг, портфелига! Ҳойнаҳой ичи тўла китоб бўлса керак. Соч ҳам бекорга тўкилмайди-да, акаси!

Аввалги мудир Исомиддинов билан анча яхши эди, катта илмий ходимликка ўзи тавсия қилган. Шу боис шогирд унинг ортидан лой чаллашга йўл қўймади.

— Гап салладами, деган экан Афанди. Гап портфелдами?! Ким билади, балки китоб эмас, колбаса-молбоса бордир...

Асомиддинов ўтирган жойидан туриб кетди:

— Гар-ров ўйнайман, портфелда китоб бор!

Икки қайсар тортишса ё бир-бирининг бошини уриб ёради, гаров ўйнашади! Тушликка лаборантлардан бирини эшикка пойлоқчиликка кўйишиб, мудирнинг хонасига киришди. Тўрда турган портфелни очган Асомиддинов ўйинга тушиб кетди, портфел тўла китоб эди.

— Айтмадимми?! — деди Асомиддинов. — Бошлиғимиз каллали! Ҳа, сиз билан бизга ўхшаб қотиб қолмаган бу одам! Қани, акахон, энди ош қачон?..

Гаровда ютқазгани Исомиддиновга алам қилди. У мудирнинг хонасига яна хуфиёна кириб, портфелдаги китобларни олиб, ўрнига қофозга ўралган учта гишт солиб қўйди. Эргасига кутди: қани, мудир ўғрини суриштирармикин! Аммо бир кун, икки кун, уч кун... беш кун ўтдики, ҳеч гап йўқ. Мудир гўё ҳеч гап бўлмагандек, ҳар куни, портфелни виқор билан кўтариб келиб, яна шундай салобат билан олиб кетарди. Исомиддиновнинг сабри чидалади. Асомиддиновга сирни очди.

— Каллали одамлар бағри кент бўлади, — деда тан олмади Асомиддинов яна. — Майдо-чўйда китобларни деб гапни кўпайтиргиси келмаган. Гиштларингизни аллақачон ташлаб юборгани аниқ!

Бир ҳафта деганда Исомиддинов Асомиддиновни яна мудирнинг хонасига бошлаб кирди. Портфел жойида туарди. Бу гал уни Исомиддинов очди. Очди-ю, ўйинга тушиб кетди: гиштлар қандай «тажлаб» қўйилган бўлса, шундайлигича туарди.

ШАПАЛОҚ

(Кичик ҳајжвий қисса)

1. ҚОРОНГИДА КАМПИР ҲАМ ҚИЗ КҮРИНАРКАН

Жуман газетасида бир мақолам чиқди-ю, бурним араванинг шотисидай кўтарили-қолди. Ҳатто осмонга боқиб юриб, икки-уч марта кўлмак сувга ҳам оралаб кетибман...

Бу гаплардан кейин, эҳтимол сиз каминани қалами ўткир мухбирлардан бўлса керак-да, деб ўйлаётгандирсиз. Ҳечам-да! Борйўғи жамоа хўжалигида оддий почтальонмиз. «Пўлат пўрриқ» деб учирма қилишларини эътиборга олмай, «Пўлат пўчта» десангиз бўлди, этаги белига турмакланган боладан тортиб милкида тиши аргимчоқ ўйнаб қолган чолларгача «Ҳа, ана» деб каминани кўрсатиб қўйишади. Лекин, ўзимиз газет-журналнинг ичидаги юрганимиз билан шу пайтгача қизларга аталган (у ҳам ёшлик давримизда денг) «Изҳори ишқ» мактубларидан бошқа қоғоз қоралаган одам эмасмиз. Мухбирликка эса ишқимиз тўсатдан тушиб қолди. Тўғрироғи, ҳаётнинг ўзи мажбур қилди. Бир ҳафтача бурун, офтобрўяда пўстакда ёнбошлаганча пинак қилиб ўтиргандим, момашка, яъни онамиз чақириб дашном бериб қолдилар:

— Сўқимга ўхшаб ағанаб ётгунча, фермага бориб озроқ емпем ундириб кессанг бўлмайдими? Ана кўр, оғилда инак ҳасса таяниб юрибди. Ковш қайтарай деса, оғизда сўлаги ҳам йўқ. Баччагиналаринг бўлса бир қошиқ оқлиққа зор. Буғалтер ҳамсоянинг ғунажинига қара, елини ёрилиб кетгундай бўлса, бир ҳовуз сут беради! Нима, бизники ўгаймиди?

Хуллас момашкамизнинг аччиқдари ёмон. Галини икки қиласангиз гармдори чайнатади. Мен-ку, ҳали боласи, олтмиш олтига кирган ўзимдек бўш-баёвгина отам энамга гап қайтаргандан бўён ҳалигача даҳлизда чопон ёриниб ётади.

Шу боисдан: «Волидаи мушфиқнинг гапини икки қилганинг тилига тирсак чиқсин», дедиму дарҳол ферма томон йўл олдим. Борсам, ҳаммаёқда дув-дув гап. Ҳа, нима эмиш, ёш чўлиқ Дали дўнги кеча отарга оралаган ҳангидай бўрини чўпон таёғи билан уриб ўлдирганмиш... колхоз правленияси яқинда уни мукофотлармиш...

Хурсанд бўлиб кетдим. Нега десангиз, Дали дўнги бизга сал чатишганроқ қариндош ҳисобланади. Уни бўри билан олишиб

енгиб чиқишига ҳам ишончим комил. Чунки, Дашибойнинг отасиям кўп чекагир чавандоз, бунинг устига полвон одам эди. Якка ўзининг бир ўтиришда уч кило гуручининг ошини ошаб, ёғига нон тўғраб еб, юқини қоши билан маҳсисига суркаб, сўнг кекириб ўрнидан туриб кетганини ўз кўзим билан кўрганман. Дашибой, ана шу полвоннинг «супра қоқди»сида!..

Шу тариқа ўзимча хаёл суреб, оғзим қулоғим билан ўпишганча хурсанд бўлиб тургандим, узоқдан Дашибунинг қораси кўриниб қолди.

Бўрини йўқласанг, қулоғи кўринади, деганлари шу-да. Лекин, ҳозир рўпарамда бўри эмас, аксинча ана шундай жондор билан юзма-юз олишиб уни маҳв қилган пажлавон турарди. Ўймининг ўроллигини тасдиқлагандек Дашибойнинг афт-башараси бурни аралаш оқ мато билан чирмаб ташланганди. Афтидан, жанг осон кўчмаганга ўхшайди... Уругимиздан шундай қаҳрамоннинг отилиб чиқсанлигидан қувониб кетиб, Дўнги билан кучоқлашиб кўришдим.

— Бир кунда элу ҳалқнинг назарига тушиб қолдим, тоға, — деди Дашибой ҳам гердайиб. — Бугун кечга ферма мудири чойга айтган. Эртага эса пешинда бош зоотехникиниги! Энди, тоға... Сизга бир илтимос бор.. Газет-журналнинг ичидагарлашиб юрадиган одамсиз. Мана шу воқеани газетта ёзиб чиқарсангиз... Ўқиб, зора ферма мудири мизнинг қизи тўйимизга розиллик берса! Йўқ деманг, тоға... Ана, Ҳолбой чиноқ газетда бир чиқди-ю, ҳашпаш дегунча «бош чўпон» бўлиб кўтарилиб кетди. Лекин-чи, чимилдиққа кирган куним битта олача чопон кийдиардим-да. Майти, муштлаб тиқилган ўн қоп сомон ҳам бераман...

Қизлар учун амма-хола қандай ўрин тутади билмайман-ку, аммо мен сизга айтсан, тоға учун энг яқин жигар бу жиян бўларкан. Мана, Дашибунинг зийраклигига қаранг, кўзимга тикилиб туриб, ҳатто сомон кераклигини ҳам сезибди... Ваъданни қуюқ қилиб, уйга қайтдим. Айтилган сўз — отилган ўқ. Эртаси кунин саҳарданоқ столга ўтириб, елкага гупли чопонни ташлаб, бошни бешпанжа билан қашлаб, қаламнинг учидан тишлаб, ҳар замон-ҳар замонда мизни памил чой билан пешлаб, икки варақ қоғозни қоралаб, конвертларнинг энг сарасини саралаб, ичига солиб елимладим-да, «Газет идораси» қайдасан деб йўлга тушдим...

... Кичкинагина хонада жиккаккина йигитча мени илтифот билан кутиб олди. Олдин ёзганларимга, сўнг ўзимга кўз ташлади.

— Яхши воқеа экан,— деди ниҳоят негадир менга эмас, шифтга тикилганча узун сўлиш олиб.— Қайта ишланса бирон нарса чиқар... Ха, айттандек, бу бўрини нима қилдиларинг?

— Кўмиб ташлаган бўлса керак... Ука, энди шунинг бир иложини...

— Булти,— бош силкиди мухбир йигит.— Номерга қўйдира-ман. Эртага ўқийсиз. Лекин шу шарт биланки, бизга тез-тез қатнашиб турасиз. Чунки, ишчи-дехқон мухбирларнинг хат-хабарларига биринчи ўринда эътибор берамиз...

Гапнинг рости, шу ушоққина боланинг «Эртага ўқийсиз» деганига ишонгим келмади. «Катта кетдингов, укағарди ули?!» — деб қўйдим ичимда. Тўгри-да! Мана бизнинг қишлоқда Гулмат гўшна деган одам бор. Савлатини кўрсангиз, аждоди фиддан тарқалганми дейсиз. Ана шу барзанги «Аралаш моллар магазини»да мудир. Мабодо Гулматдан: «Хой, гўшна! Сенда фалончи нарса топиладими?» — деб сўраб қолгудек бўлсангиз, дарҳол жавоби тайёр: «Пистончи куни келинг, тайёр қиласми». Пистончи куни йўлиқсангиз, яна ўша думи хуржундаги ваъда... Шундай савлатдор одам айтганини қилолмагандан сўнг, бундай жиккакларга йўл бўлсин... Йўқ, акалар гап гавдага қарамаскан. Эртаси куни сизга ёлғон, менга чин, лоп этиб «Йиртқич билан олишув» деган мақола босилиб чиқса бўладими! Тагида эса каминанинг табаррук исм-шарифлари. Фақат бошпуртимда ёзилгандек «Тахиров Полад» эмас, балким «Тоҳиров Пўлат» деб битилган. (Қаранг, шу баҳонада исм-фамилияни ҳам тўгри ёзилишини ўрганиб олдим). Бир сўзли одамларнинг садағаси кетсангда! Қаранг, мухбир укам ўзи жимжилоқдай бўлса ҳам, аммо бошмалдоқнинг ишини қилибди. Хурсандчилигимдан босартусаримни билмай катта кўчага стилиб чиқдим. Бурун осмонда, кўлмак оралаб кетаётгандим, шанғиллаган овоздан ҳушёр тортдим. Қарасам, чап томонимиздаги ўқитувчи қўшним хотини билан ади-бади айтишиб ётибди. Икки ҳатлаб уларнинг ўртасида пайдо бўлдим.

— Ҳў-ӯ, шляпа! Ҳў, улама соч! — ўдағайларни ҳамсоюларга.

— Бу нима ғиди-биди-а? Энангларни нақ Учкўрғондан кўрсатиб қўймайн тагин. Биласизларми, мен энди кимман?

Шундай дея костюмимнинг ички чўнтағидан мақолам босилган газетни сугуриб олганимча, зрининг энгагига нуқидим.

— Ўқидингларми? Вот-т!.. Биз шунақамиз! «Тарбияга мұхтож тарбиячилар», деб энди сизларни ёзамиш-да?!

Ёпирай, газеттинг күчини қаранг. Шу заҳотиәк қүшниларим балет тушишаётгандек оёқ учларида оқиста йүргалашғанларыча имо-ишора қилишиб күча сақнасидан бир зұмда ғойиб бўлишиди.

Кайфиятим кўтарилиб кетди. Қўшиқ хиргойи қилганча яна сал нари юрганим, боғ қоровули Тонготар бобо тутзорга адашиб кириб қолган бизнинг ола ғунажинни калтаклаб турганига кўзим тушди. Дарҳол газетни силкитганча чолнинг ёнига етиб бордим.

— Ҳўй-ӯ, салла! Борми ўзи калла? Нега табиат жониворига азоб бераяпсиз? Нима, сигир «Қизил китоб»га кирмади деб, уни ҳақоратлаш керакми? Йўқ, адашасиз... Мана, ўқинг! — шундай дәя газетни бобойнинг олдига дастурхон қилиб ёздим. — Меники... Вот-т! Биз шунақамиз! Бу сафар «Табиат заарқунаандаси» деб ўзларининг устидан-а?

Ё тавба! Шу тобда қаламнинг учи жуводлизнинг учидан ўтқироғмикин деб ўйлаб қолдим. Тонготар бобо сигирнинг сағрисидан силаб, қайта-қайта ундан ва иендан узр сўраб жуфтакни роствлаб қолоса бўладими!

— Қизиқ, — дедим ўзимга-ӯзим вужудимда ғайритабиий бир қудрат сезиб. — Кунора иккى-уч мақоласи патиллаб чиқиб ётган ёзувчи акаларимизнинг нега хурсандчилликдан юраклари портиллаб ёрилиб кетмайди-а? Бўлди энди бундан кейин ёзишни касбу кор қилганим бўлсин. Пўчтачилик ҳам ҳунар бўлди-ю... Шу пайтагача товоинни чақа қилишдан бошқа кароматини кўрганим йўқ... Ҳа, айтгандек бу Дали жияннинг ўзи газетти ўқидимикин?

Кўнгил ўлгур, асли ўзи тўғри-да. Қаранг, ҳали хаёлимни йиғиштириб улгурмасимданоқ Дали дўнгининг ўзи ҳаллослаганча йўртиб келиб қолди. Ҳойнаҳой, жиян бизга қултуқ қилмоқчи-ёв, деб қулочимни кенг ёзгандим, бетовфиқ юзини терс ўгирса бўладими! Ўпкам тўлиб, «Иби, ҳали Даливой?» — дегандим, олган жавобимиз шу бўлди:

— Сал шошибсиз-да, тоға! Шошган пишак кўр туғаркан. Одамни кўпчилик олдида шарманда қилдингиз-ку!

— Ие! — аччиқланганимдан чакка томирим бўргиб чиққанини сездим. — Ҳали хизматта туҳматми? Қизиқ бачча экансан-ку! Ўзинг айтмадингми, ахир...

— Э-э... — қўл силтади Дали дўнги. — Ўзи айтди деб, ҳаммаёққа жар солаверасизми? Қоронғида кампир ҳам қиз кўринаркан... Мен ўлдирган нарса бўри эмас, қишлоқнинг дайди кучуги бўлиб чиқди. Қоронғида занғар кўзимга бўри бўлиб кўринган экан.

Ростини айтсам, шу дамда Дали дўнгидан ҳам просто хафа бўлиб кетдим. Яна жиян змиш! Э-э, қанақасига жиян! У ер-бу сенда икки-уч маротаба «тога-тога» деб суйкалганига сағир боланинг сазаси ўлмасин деб, бош силкиб қўя қолган эдим. Бўлмаса, бизнинг палакдан бунақа сапча қариндош чиқмаган. Асли, бунинг отаси бемаза одам эди. Эсимда, бир куни бизнисида отам билан гаров ўйнаб тўрт кило гуручнинг ошини ёслмай кўзи олай-иб қолганди. Ўшанда отам бечора қўрққанидан «Ўлиб-нетиб қолса нима қиласман?!» — деб кечаси билан мижжа қоқмай чиққанди. Дали дўнги ана шу одамнинг боласида! Отаси хол қўйгандан кейик, ўғли қурбақанинг кўзини уриб чиқарармиди?! Мана «қаҳрамон» лигининг чуви чиқиб қариндошчиликка қоракуя суртиб ўтирибди. Ҳай, дариф... Мухбирликнинг ҳадисини энди олай деб тургандим-а!..

2. «ЭНА ЎГЛИ» ОДАМ

Шу воқеадан кейин носкадисини йўқотган носкашдай иккичун үзимга келолмай гарангсиб юрдим. Аммо, яна бир сабаб бўлди-ю, қаламни қайтадан қўлга олишга тўғри келди. Қўшни жамоага тўйга боргандим, эски танишлардан шу хўжаликнинг маданий ишлар бўйича раис ўринбосари Норқизилов деган одам билан бир товоқдан ош еб қолдик. Газетдаги мақоламни ўқиган экан, у олдин «Янги касб» билан мени табриклади, сўнг оғзи кўпирб мақтаниб қолди.

— Шуям воқеа бўптими? Мана бизнинг колхозни кўр... Жужуқларга аatab бир боғча қураяпмиз, кўрсанг оғзинг нақ сабзи ўрадай очилади-қолади. Иморат эмас, сарой дейсан. Бир ҳафтадан сўнг ишга тушади. Оғайни бўлсанг, ёз шуни...

Оғайниларнинг галини қайтариш инсофдан эмас. Аммо, бир карра оғзим кўйганлигидан бу сафар Норқизилов айтган курилишни эринмай бориб кўрдим. Баайни ҳақиқат кўш қаватли гиштин иморат анча «бўй чўзиб» қолган экан. Қурилишдан узоқ одам бўлганлигим учун ҳар эҳтимолга қарши қайта сўрадим:

— Ростдан ҳам бир ҳафтада тугатиб, фойдаланишга топширасизларми? Нега унда қурилишда ишчилар күрінмайды?

— Сүзим ёлғон чиқса, отам боласи эмасман! — қасам ичди раис мувинни. — Даже-чи, бир ҳафтага ҳам чўзмай, келинчакнинг юзидаёт ялтиратиб, ўсма хинасини келишириб ишга туширамиз. Иккинчи саволингга келсак, жўражон, душанба қурилишда дам олиш куни. Шунинг учун бугун ҳеч ким йўқ... Кейин, бу объектни шахсан ўзим оталиққа олганман. Дунёга келиб биз ҳам бир газетда чиқайлик-чи, ҳеч бўлмаса пенсияга фойдаси тегар... Ие, нега ишонмайсан. Ёлғон гапирсам, отам боласи эмасман дедим-ку!

Шунча галдан сўнг бирорвга ишонмай бўладими? «Ота ўғли» оғайнимнинг кўнглини чўқтираслик учун бир ҳафтани ўтказдим-у, «Боғча ишга тушди» мазмунидаги хабаримни газетга жўнатдим. Мухбир бола бало экан. Қаранг, орадан уч кун ўтгач, бу мақоламиз ҳам босилиб чиқса бўладими. Яна бурун осмонда, кўлмак оралаб дуч келганига дўқ-пўписа қилиб юрдим. Ҳурматиззатни кўриб баттар ҳаволаниб кетдим. Ўша ўзингиз билган ола ғунажинни бозорга чиқариб сотиб, пулига ёзув машинкаси, ўн дона шарикли ручка, бир шакар ҳалтга оқ қофоз олиб қайтдим. Болаларнинг знаси билан бирга сандаллик ҳужрага «командировка» қилиб (бу ёғи куз яқинлашиб қолганди) ўзим печкали уйни ижодхонага айлантириб олдим. Шу тариқа пўчтачиликни бутунлай йифишириб, мухбирликка занди муккамдан кетай деб тургандим, тўсатдан редакциядан «чақириқ қофози» келиб қолди. Ҳойнаҳой, янги топшириқ беришса керак, деган ўйда ўлкамни кўлтиқлаганча бир зумда етиб бордим. Яна ўша менга таниш кичкинтой мухбир укамнинг ўзи қарши олди. Аммо бу сафар негадир пешонаси тиришицек мола қилингандай майдондай тарамтарам, қовоғи эса сузма ҳалтадай осилиб тушган эди.

...Биз сиздан хафамиз,— деди у салом-аликни ҳам насия қилиб.
— Нега ёлғон ахборот бериб газетхонларни чалғитасиз? Сиз «битди» деган болалар боғчаси ҳалигача ишга тушмабди-ку? Вообище, сиз қаламга олган ўша қурилиш икки йилдан бўён тую гўшти сб ётган объект экан... «Бўрингиз»ният тарихини эшитдик. Мана, сиз учун ҳайфсан олиб ўтирибмиз. Буни бизнинг тилда емаган сомсага пул тўлаш дейилади...

...Редакциядан калтак еган одамдай эзилиб чиқдим. Чиқдим-у, йўлни тўппа-тўғри қўшни хўжалик томонга солдим. Не кўз

билан күрайки, байни ҳақиқат «бир ҳафтадан сүнг битиши лозим бўлган» қурилиш олдин қай ҳолатда кўрган бўлсам, ўша туришда турарди! Жаҳлим чапақайига чиқиб кетди. Тепа сочим тикка бўлиб, раис муовинини излаб топдим-да, бор заҳримни унга тўкиб солдим.

— Нега нотўғри ахборот бериб мени чалғитдинг? Сени деб отамдан эшитмаган сўкишни эшитдим. Буни бизнинг тилда еманган сомсага... Короче, нега қурилишда тужа гўшти сўйиб ейсан? Ёлғон гапирсам отам боласи змасман демаганимидинг!!

Норқизилов осмонга қараб оғзини очиб, қорини силкитиб кулгандан сўнг, табассумининг тахини бузмасдан елка учирди:

— Ҳалиям отам боласи змасман! Отам ёшлигимиизда бизни ташлаб, бошқа аёлга уйланиб кетган. Бизни знам тарбиялаган... Уқдингми? Энди газета чиқишига бир кўнглимиз суст кетгандида! Бирор бир нима деса, инониб ёзверасанми, меров! Кўрпанг-га қараб оёқ узатсанг-чи...

Ҳанг-манг бўлганча хода ютгандек тик қолдим. Ҳушим ўзимга келгач, атчиғим чиқиб кетди. «Одамларга ўзи яхшилик ёқмасакан, — дедим аламимни тупугимга қўшиб ютарканман. — Шошмай турларинг, энди бирортангни ҳам мақтаб бўпман, знагарлар! Кўзимга кўринганингни пелитун қилиб мухбир укамни олдида бир айбимни ювмасамми?»

3. «ҚОРА ДаФТАР»ДАГИ ҚОРАЛАМАЛАР

Арслон изидан, йигит сўзидан қайтмас деганлар. Ота ўғли айтганини қиласи. Отамиз... э, узр знамиз бизни бир сўзли қилиб туқданлар. Шу боис, эртасига ёқ ниятини амалга ошириш учун қора чарм жилд қопланган дафтарни кўйининг солиб, қора кўзойнакни қаншаримгга кўндириб (кимдандир пелутунчилар шундай юради деб эшитгандим) ишга киришдим. Сергайрат йигит змасманми, кечгача қўйин дафтарим фактлардан қаппайиб қолди. Энг «шубҳали шахслар»ни алфавит тартибида алоҳида бетга ёзиб чиқдим:

1. Алимардонова Холчучук — 32 ёш. Бригадир. Қайнонаси-нинг таъкидлашича Холчучук «терим»ни баҳона қилиб бир ҳафтадан бўён ярим кечада уйига қайтармиш. Баъзи кунлари, ҳатто дала шийпонида тунаб ҳам қоларкан. Тунда нима иш қиласи, синчиклаб текшириб кўриш лозим.

2. Бурхонов Итолмас — 26 ёшда. Ўзи ёш бўлса-да, аммо бош агроном вазифасини эгаллаб юрибди. Ўтган йили ғўзапоя сўраб борганимда: «Бу йил, ака, ғўзапояни майдалаб ерга ўғит қилиб соламиз», деб важ-карсон кўрсатди. Наҳотки, бу тирранча ғўзапоядан халиқ хўжалигига нималар олинишини билмаса? Фирт саводсиз одамнинг гапи бу ахир! Мабодо раисга қариндош змасмикин?

3. Бўтаев Жўлли — 56 ёш. Касби қассоб. Тунов куни экономистни энасининг «пайғамбар тўйи»да Жўлли қассоб қўй сўйганда тўлиғидан оғзи билан пуфлаб шишириш ўрнига велосипед насоси билан ел бериб жонлиқнинг терисини шилди. Ота-боболаримизнинг удумини бузишга ким ҳукуқ берди унга?

4. Фозиев Сотқин — 67 ёш. Отини яшириб «Саша бобо» деб қўйиб олган. Нега бу одамга «Сотқин» деб ном қўйишган. Ёки бирон жойда-а? Сўраб-сuriштириш лозим.

5. Шаропов Тўқбой — 35 ёш. Мактабда физкультура ўқитувчи. Тўйларда кураш тушиб жамғармасига «Москвич» машинаси сотиб олган. Негадир отасидан кўра ҳамсоюзи Нодир носбурушга ўхшаб кетадиган белгиларини сезгандай бўлдим. Орияти йўқ экан-да. Гал ташлаб кўриш керак.

«Қора дафтар»даги қаламимга илинганд номзодларни яна икки-уч бор синчилаб ўрганиб чиққач, столга ўтирдим. Хўш, кимдан бошлаймиз? Ие, шунга ҳам бош қотириш керакми? Албатта, Холчучукдан-да!

Нега дессангиз, Холчучук рўйхатнинг бошида турибди. Иккичи томондан қайта текшириш мобайнида бошқа номзодлар «нобоп» чиқиб қолди. Жумладан, бош агроном Итолмас Бурхонов бухгалтернинг «солдат тўйи»да раиснинг ўнг ёнбошида ўтириди. Баъзи миш-мисларга қараганда у раиснинг қизи билан чекка-чеккада дон олишиб юрармис. Демак, биқинидан жой олиб ўтириши ҳам бежиз эмас. Агар иш шу тарзда кетадиган бўлса, яна тўққиз ойдан сўнг раис бувага кўёв бўлиб турибди-да. Шундай одамни пелитун қилиб бўладими? Раиснинг олти ўғли орасида якка-ю ягона эркаси шу қизи бўлса, севикли кўёвини хор қилидириб қўймас. Шу боисдан Итолмасбойнинг устидан чизиқ тортишга тўғри келди...

Жўлли қассоб ҳам жўмард экан. Секин олдига бориб: «Устингиздан шикоят бор. Пелитун қилгани келдим!» — деганимни биламан, бобойнинг оғзидан носи, қўлидан пичоги тушиб кетса

бўладими! Сўнг патак соқолини юзимга ботириб «чўлп-чўлп» ўпа кетди. Отанг қатори одам, бўйнингга осилиб, қўлтигиннга қўйнинг бир бутунини қистириб юборса, гал тополмай каловланаб қоларкансан киши. Шундай одамни «қора дафтар»да сақлаб бўладими! Шартта фамилиясининг устидан бир эмас, иккита чизиқ чизвордим.

«Саша бобо»нинг саксон саккизга кирган кампир энаси бор. Ўшандан: «Момо, нега одамлар ўғлингизни Сотқин деб аташади?» — деб сўрагандим, негадир кўзига ёш олди.

— Э, ярамга туз сепдинг-да, бачам, — деди у тамшанганча.

— Етти болани кетма-кет ерга берганман. Турсунтош ҳам дедим. Қолсинбой ҳам дедим, барибир биронтаси турмадиям, қолмадиям. Шугина боламни Сотқинбой деб тирик олиб қолганман. Лекин у ҳаётда сотқинлик қилгани йўқ, урушгаям биринчилардан бўлиб кетган. «Саша» деган номиниям ўша ёқдан олиб келган. Болагинам ҳозир эски контузиси кўзиб банисада ётибди. Ҳай, бачам, нега сўроқлаб қолдинг?

Гапнинг очигини айтсам чўчиб кетдим. Тўғри-да, уруш инвалидига қарши бир нарса деб бўладими? «Ўғлингиз ҳақида мақтаб мақола ёзмоқчийдим», деганча кампирга тасалли бердиму жуфтакни ростладим. Уйга кела солиб Сотқин буванинг устидан қалин қилиб...

Кечага яқин Тўқбой полвоннинг уйига эниб бордим. Қарасам, кураш тушгани етмагандай, бу сафар дарвозахонанинг болорига илингган бир қоп увадани муштлаб ётибди. Бокс бўйича район мусобақасида қатнашармиш. Шу пайтгача уни ҳеч ҳам яланғоч кўрмагандим. Гавдасига қараб капалагим бошимдан учди-кетди. Ҳар билаги меникг сонимдан катта, кўкрагининг ёлига сичқон ораласа адашиб кетади. Ана энди ўзингиз айтинг, шундай жондорсифат одамга: «Нима учун отангдан кўра, ҳам соянгга ўхшаб кетасан?» — деб сўраб бўладими? Ҷақалоқнинг калласидек келадиган мушти билан бир уриб жағимни ушатиб кўяди-ку!

Полвоннинг елкасига қоқиб: «Маладец! Шундай, ўзим... Катта ўғилчани сизга шогирдликка гаплашгани келгандим...» деганча ортимга тисарила қочдим. Уйга келиб Тўқбойнинг тўғрисига ўроқдек сўроқ белгисини қўйдим. Ҳозир фурсати эмас экан...

Хулласи калом, «қора дафтар»да Холчучук бригадирдан бошқа номзод қолмади... Тўғри... Холчучукка ҳам учрашиб «Ус-

тингдан шикоят бор! Мени биласанми, кимман...» дея зәди гап бошлагандимки, бир қоши баланд, бир қоши паст бўлиб «сталаб» ташласа бўладими!

— Биламан кимлигингни... Бориб турган ишёқмас, дангаса ва ифвогарсан! Хотинингни ҳасратидан-ку чанг чиқади. Уни рашк қилиб ишлатмаганинг етмагандай, ҳозир ўзинг ҳам бекорчихўжя бўлиб юрганишсан. Ўйда қоққани қозиқ, илгани хурмача топилмайди, дейди бояқиш. Бобой билан момайнинг пенсия пули корингга яраб турганниш. Бу бир. Иккинчидан, шикоят қилган одамнинг ўзини тили, забони бордир. Керак бўлса, ўзи келиб гаплашсин. Мени бекорчи вақтим йўқ. Ҳозир ҳамма икки кўли, ўттиз икки тиши билан пахта териб ётибди-ю, сен нега гўнг қарғага ўхшаб ахлат титиб юрибсан? Далага чиқсанг, муртинг тўкиладими? Белингдаги белбоғми ёки иштонбое?

Ана кўрдингми, бунинг заҳарлигини? Кундузи кўзойнак, кечаси чироқ ёқиб қидирсангиз ҳам бундан ортиқ пелитунбоп одамни излаб тополмайсиз. Бўлди, шу сочи узун, ақли калтани ёзганим бўлсин. Шошма, ўзи фактлар етарлими?

4. «ПЕЛИТЎНБОЛ» ХОТИН

Хотирамни супра қоқди қилиб кўрсам, Холҷучук тўғрисида бир бўғча бўлгулик фактлар бор экан. Нега десангиз, мен бу жувонни ёшлигимданоқ биламан. Ўрта мактабда ҳам ўн йил бирга ўқиганмиз. Ёшлигига денг, ана шу Холҷучук тол хивичдай нозиккина нарса эди. Кейин далада ишлаб юриб, нима бало, сеплитранинг устида узлаб қолдими, кўп ўтмай чинордай бўй торгди. Тан олиш керак, ўша пайтда ҳам юрганида товонидан ўт чақнарди. Қилиқларини айтинг, қилиқларини. Пахта пайкалининг четида курилган шийпон ёнидан каттакон сой пишқириб оқиб ўтарди. Ўғил болалар шийпоннинг томидан туриб ўзини сойга отса, Холҷучук томданам баландроқ тол шохига чиқиб сувга калла ташларди. Чиллак ўйнаганимизда-ку, қарсилатиб урган чиллагини қаерга бориб тушганини тополмай тинкамиз тоза қурирди. Ўзингиз инсоф билан айтинг, мана шу қилиқлар қиз болага ярападими? Ярапшани қурсин, булар ҳали ҳолва экан. Юқори синфга ўтганда Холҷучук кўпкари чопадиган одат чиқарди. Асли, отаси Ориф чавандознинг сиёғи йўқ-да. Бўлмаса нортуюдай-нортуюдай ўғиллари бу ёқда қолиб, отининг жиловини рўмол ўраган шу қизига тутқазиб қўярмиди! Орияти бор йигитга

бу ишлар бигиздек ботаркан. Қаттиқ ботғанлигидан шу қызга баҳс қиласаң дедим-у, аммо сувни күрсам сакрайдиган, отни күрсам оқсайдиган бўлиб қолдим. Нега дессангиз, сузишни курсатиб қуяй деб сойга калла ташлагандим, чўкиб кетишинга озгина қолди. Чавандозликда доғда қолдирай деб ният қилгандим, бу сафар ҳам омадим юришмади. От олиб қочиб ерга тоблаб урганди, гўнг уюмининг устига тушган бўлсан ҳам уч ойгача оёғимни босолмай юрдим.

Шу билан фавғо тугадими дерсиз? Қайда, расвоси бошланди.

Ўрта мактабни тугатгач, Холҷучук бир йил звеневой, иккинчи йилга ўтиб эса бригадир бўлиб олди. Биз ҳам қолишганимиз йўқ, биринчи йили университетдан, иккинчи йили эса техникумдан «ийиқилиб» келдик. Шундан сўнг бекорчиликдан кўра эрмак, деб знамизга пенсия пулинни санашга ёрдамлашиб юргандим... Қаранг, томдан тараша тушгандай, тўсатдан Холҷучукка уйлангим келиб қолса бўладими? Кўнгил-да! Мен сизга айтсан, кўнгил дегани кўрпишишдай нарса бўларкан. Ожиз бўлсанм, лаҳм гўштга кўнгли суст кетаркан, бўлмаса, бориб, бориб... Балким, севиб қолгандирсиз деб ўйларсиз. Бе, қайда, севгининг кўчасида танга йўқотган одам эмасман. Шунчаки ўзим, кунларнинг бирида шифтдаги қалдирғоч уясига тикилганча шу қарорга келдим:

— Пўлатбой жўра, мана тұядай бўйинги ҳам чўзилиб қолди. Энди ҳунарли бўлмасанг ҳам, хотинли бўлишнинг йўлини қилгин-да! Қачонгача юрасан ёстиқ қулоқлаб. Билсанг сўққабошлиқ давлат ҳам эмас, савлат ҳам. Қара, мана шу қалдирғочдаям қорагина бўлса-да, ўз жуфти ҳалоли бор. Яна десанг, хўроzi бир ҳас ташиганда макиси тўрт марта бориб келаяпти. Сенгаям, ана шундай, ўзингдан кўра рўзгор учун, елиб-югурадиган бир эпчи хотин даркор. Менга қара, ёмон кўрсанг ҳам шу.... Холҷучукка уйлансанг қандай бўларкин-а?

Хаёлимга келган бу даҳшатли фикрдан чўчиб, беихтиёр ўрнимдан туриб кетдим. Учуқ-пучуқ ўрмаламадими деб лаб-лунжимни ҳам ушлаб кўрдим.

— Ўтир, уккагарднинг ули! — деди шунда ҳалиги ички овозим буйруқ оҳангига. — Нега ноз қиласан. Қара, у қиз эмас, қайнаб турган қумғоннинг ўзи-ку! Тикилиб қарасант, кипригинг қайрилиб кетади-я! Елкалари обкашдай, овози чанқовуздай, чиройи эса... Э-э, чиройига нон ботириб ермидинг, сен унинг бақувватлигига қара. Пўлат бўлсанг ҳам шу қиз сени бир урса-чи,

пўла қилиб қўяди. Ке, жўра, пулинг куйсаям шунга уйлан. Турган битгани наф. Айтайлик, баҳорда иккита гўсала оберсанг, икки елкасига икки боғдан ўт ташиб трама маҳалигача елини тирсиллаган иккита гунажинга айлантириб беради. Беш йилда қарабсанки, гижинглатиб «Жигули» ҳайдаб юрибсанда. Айтишларича, Холчучукнинг ўтган йили паҳта теримида ишлаган пулиям бир бўхчадан ошганмиш. Отни олдинроқ қамчилаганингда, эҳтимол ким билади... Ҳозир бармогингни тупукка булаб, ўша пулларни қарсиплатиб санаб ётган бўлармидинг?! Ке, жўра, хўп де!

Шу тариқа хийла пайтгача ўзимни-ўзим авраб ётдим. Бироғга «йўқ» деб ўрганмаган, бўйни бўшгина одаммасманни, кўп таранг қилмай рози бўла қолдим. Ўзимни-ку бир амаллаб кўндиридим, аммо, момашкага бу гапни қандай қилиб тушунтирасам экан. Секин деразадан мўраласам, энам супада урчуқ йигириб ўтирибдилар. Фурсатни бой бермай тезда ёнларига бориб тиззаландимда қимтиниб-тортиниб бўлсада, ярим-ёрти қилиб дардимни ёрдим.

— Эва, ҳаккалакам-дуккалакам ўйнагим келаяпти. Лекин, шу «Чори чанбар, бўри анбар» айтишга Ориф чавандознинг қизига, бу атрофда тенг келадигани йўқ-да! Нима дейсиз-а?

Момашка бир оз хаёлга толгач, сўнг урчуғига ияқ тираб ку дилар.

— Энангди боласисан-да, чироғим! Дидинг чаккимас. Холчучукни айтасан-да? Тунов куни гузарда кўрувдим. Ўзиям сўпитўрғайдаккина қиз бўпти. Сочи ер супуриб иланг-билинг қилиб кетаётган экан. Оғзим очилиб орқасидан анграйиб челягим ерга тушиб кетганини ҳам сеъмабман. Майли, мен рози. Бўлмаса, бориб, киндик кессан момонгни айтиб келай. Саксонга кирсаям, ҳали сақичи оғзида. Тили-жағи бутун. Йўқни йўндиради, ишни дўндиради. Совчилик дессанг, сакраб югуради...

Шундан кейин вадаванг тўй бўлгандир, дерсиз? Қайда, шифтга термулиб сурилган хаёлнинг ҳаммаси ҳам амалга ошавермас экан. «Йўқни йўндирадиган» момом бу сафар ишни дўндиrolмабди. Уни Холчучукнинг ўзи қарши олиб: «Ўша аммамнинг бузогига бориб айтинг, олдин мишигини артиб олсин», деб жавоб берганмиш. Ҳай, мени-ку эркалаб «бузоқ» дегани дуруст, лекин «мишиғи» нимаси экан. Ўлай агар тушуниб ётган бўлсам. Асли кампирнинг қулоғи оғирлик қилиб гапни яхши илғаб олма-

ган кўринади! Энам бўлса бу гапга негадир қовоғидан қор ёғилганча: «Қизи борнинг нози бор-да, бўлмаса-ку, бориб юмма талардима!» деди-ю бошқа совчи излаб кетди.

Ишонасизми, етти марта совчи жўнатибмиз. Холчучук киндик кесган момомни ҳалиям ҳурмат қилиб сийлаганакан, қолган олти совчини ари талагандан баттар қилиб қувиб солибди. Бузоқча ноз қиласман деб тол шохини синдирган экан. Бу қиз эса менинг шохим... Йўғ-е, йигитлик қадримни оёқ ости қилди. Қадрим майлику-я, совчиларга кетган харажатта куяман! Эссиз, сувдай оқсан сўлкавойларим... Шунча сарф-харажатта қайтага бозордан ҳангти эшак сотиб олганимда, ҳеч бўлмаса ҳозир сомон ташишда нафи тегарди...

Лекин бир ҳисобда Холчучукка уйланмаганим дуруст бўлган экан. Нега десангиз, кейинчалик ўзи топиб, ўзи суйиб теккан зри сиқувдан бўлса керақ, ҳозир ит ғажиган сундайдай бўлиб қолган. Сабаби маълум. Холчучук далада кетмонни қандай ўйнатса, уйида зрининг бошида чўмични ҳам худди шундай ўйнатади. Ишонмайсизми? Елғон айтсан, ёнғоқ палла ҳовузда чўкиб кетай, тизза бўйи тепадан юмалаб ўрай... Ҳатто, бир марта ўз кўзим билан кўрганман, зри ариқ бўйида чўккалаганча қозон-товоқ ювиб ўтирганини. Эркак ҳам шундай мижғов бўладими? Бўлмаса, уйланишдан икки ҳафта бурун ўша куёв бўлмишнинг олдини тўсиб айтгандим: «Ҳў, биродар! Бу келин бўлмишнинг кимлигини биласанми ўзи? Ёки оҳ-воҳ қилиб менга ёзган хатларини кўрсатайми, а? Гап-сўз кўпаймасин деб ёқиб юборувдим, бўлмаса-ку, олдингга дастурхон қилиб тўшаб ташлардим-а! Эсингни йиғ, ука... Шу қизга уйлансанг-чи, шернинг қафасига ташланган кўзидан фарқинг қолмайди... Ҳа!».

Бошқа одам бўлса бу гапларга ёқамдан олган бўларди. Йўқ, бу киши тиржайганча индамай жўнаворди. Баччағар тезда тўй қилиб уйланишгаям улгурди. Бу-ку ҳали зри. Холчучук бригадасидаги эркакларнинг ҳам бурнини ерга ишқаб ишлатармиш. Бу гапгаям юз фоиз ишонаман. Рост бўлмаса, уч йилдан бери судралиб юрган бригада, бу киши бошлиқ бўлгач, бирдан план ошибтошиб кетадими? Эркак одамнинг кўли баракали эканини бу хумпар аёл бўлсаям билади-да! Устма-устак, мукофотни қаторлаштириб олганини айтгинг. Биринчи ўн кунликда рангли телевизор, иккинчисида кажавали мотоцикл, терим охирида эса «Москвич» машинаси... Уша кунлари катта йўлда уч-тўрт марта олдини ке-

сіб ўтдим. Қайда, үзини күрмасликка олди. Бошқа диенатлироқ аәл бұлғанда айтады: «Шу қоракұз ҳам күчада бекорға қоқиниб юргани йүқдір. Нима қылсаым биринчи муҳаббатим-ку! Бир пайттар мени деб қанча соғлигу сүлкавойидан ажралғанди. Қе, шу бечорадан зәнди қарзимни узай. Машина майли, мотоцикл шуги-нани бүйгиясдан айлансын», деб. Йүқ, қайтага йүлини кесиб чиқаверіб, пошнамаңнінг узилгани қолди, холос.

Ана зәнди, айтинг, шундай аәлни пелитун құлмай бўладими? Аммо бу фактлар камлик қилар-ов, яна бир орқасидан пойлаб «свежий» далиллар билан қўлга тушириш керакка ўхшаябди...

5. ШАПАЛОҚ

Мақсадимни амалга ошириш учун әртаси куниёқ оқшом пайти Холчучуккіннінг бригадасынға қараб йўл олдим. Шийлон яқинніг бориб оҳиста мўраласам, каттакон гужум тагида Холчучук табелчиси Полвонбой билан чўт қоқиб ўтирибди. Хирмонда эса икки-уч нафар колхозчи тележкага пахта ортиш билан овора...

Бирор кўриб қолса, тагин туришимдан шубҳага тушмасин деган мақсадда яшириниши учун атрофга кўз юргуттирдим. Сал нарироқдаги шарқираб оқиб ётган сой бўйида ҳашак гарами босилган экан. Пусиб бориб... Мен сизга айтсан, бирориннінг орқасидан пойлаб, сир ўғирлаш ҳам осон иш эмас экан. Ўзимга жой очаман деб гарам ичига қўл тиққанимни биламан, бармоқларим оғриқдан жизиллаб кетди. Илон чақдиёв деб ўйлаб ҳушимдан кета қолаэзиман. Пайпаслаб кўрсан йўқ... ҳашакка чақиртиканак аралаштириб босилган экан. Хуллас, бир амаллаб жойлашиб олиб, тиззамга дафтарни қўйғанча қулогимни динг қилиб кузатишда давом этдим.

Холчучук ўрнидан қўзғалиб, пайкал оралаб қизларга қаратада кўлини карнай қилиб қичқирди:

— Қизларжону-у-ув! Бўлди, ҷарчадинглар, әртага нариги пайкала биринчи теримга тушасизлар. Бугун әртароқ қайта қолинглар...

«Ана! — дедим гумоним тўғри чиқаётганилигидан қувониб. — Демак, йигитлар билан ўзи ёлғиз қолмоқчи. Ну, погоди!»

Холчучук дуррачасини ечиб қайта танғиркан, бу сафар тележка атрофида турғанларга қаратада қўл силтади.

— Ҳой, йигитлар... Бўлди, сизлар ҳам тезроқ пункттага жўнай қолинглар... Биз Полвонбой билан ҳали бир сошпаймыз...

— Ҳа, ана, — күнглимдаги шубҳа баттар чўғланди, — демак, табелчи билан хилватда танҳо қолиб-а? Ну, погоди!

Хурсанд бўлган пайтим кайфим келиб, чекмасдан тура олмайман. Шу тобда ўзимни тутолмай, ҳовучимда яшириб папирос тутатдим.

— Опа, бир қўшиқ айтмайсизми? — деб қолди бир пайт табелчиси қўлинин икки томонга ёзиб керишганча. — Мия озроқ дам оларди-да!

— Ҳа, — дедим ўзимча. — Ҳали сен хумпар, дўмбира чалиб опангни ўйнатсанг ҳам керак. Демак, олдиндан булар... Ну, погоди!.

Холҷуҷук ҳам шу гапни кутиб турган эканми, овозини баралла қўйиб «Чаман ичра...»ни бошлаб юборди. Тан олиш керак, қургурнинг овози ёмонам ширали экан. Хурсанд бўлгандан кайфим туттандай, ашула эшитганда пинак қиласидиган одатим бор. «Чаман ичра» авжига чиққанда сариёғдек зриб кетиб «ҳашак ичра» пинакка кетиб қолибман. Қаранг кўнгилнинг кенглигини, шу алфозда туш ҳам кўрибман... Тушимда каттакон боғ эмиш, булбуллар роз айтганишиш, мен Холҷуҷукнинг қўлларидан ушлаб... Бир пайт «ярқо» этиб яшин чанқабди-ю, бутун борлиқка ўт кетибди... Холҷуҷукдан нахот кутиб унга қарасам, кўлида паниша, бир гала хотин-қиз билан устимга бостириб келаётганишиш. «Ҳали сенми, — дермиш. Холҷуҷук кўзларидан ўт чақнаб, — менинг оптимдан пойлаб, фисқу фасод билан шугулланиб юрган?! Шунча фурсатгача индамадим, энди...»

Зум ўтмасдан қизлар оёқ-қўлимни боғлаб даст кўтаришибди-ю, ловуллаб ёниб турган оловнинг қоқ ўртасини мўлжаллаб...

Дод солиб уйғониб кетдим. Қарасам, ҳашак гарами лов-лов ёнипти. Афгидан, ухлаб қолиб папиросни ўчирмаган кўринаман... Чопонимнинг этаги ёниб, костюмим энди тутаётган экан. Ҳушим бошимдан учиб дод солганча хирмонни айланиб чопа бошладим. Тарозида пахта ўлчатишашётган қизлар мени кўриб, ажина деб ўйлашди шекипли, чинқиргандарича ўзларини згатта уришиди. Табелчи Польсонбойни айтинг, полвон бўлмай ўл, жойида серрайганча қотди-қолди... Биргина Холҷуҷук, «Бу жинни тағин хирмонга ўзини урмасин!» — деди-ю, чопганча келиб, белбогимдан даст кўтарганча пишқириб оқаётган сойга томон отиб юборса бўладими! Ўтда ёниб ўлдинг нима-ю, сувда чўкиб ўлдинг нима! Кошки сузишни билсам... Яхшиям «дод» дейдиган тилим бор.

Табелчى йигит қирғоқда ўёқдан-буёққа югуради-ю, менга құшилиб додлашдан нарига ўтмайды. Дунёдан энди умидимни үзіб турғандым, яна ўша Холчучук... «күрганимда афтим буришади-ган», «иқим сүймайдыган», орқасидан пойлаб юрганим, ёмон күрган одамим ўша Холчучукгина ўйлаб-нетиб ўтирасдан үзини сойга отди...

... Ҳушимдан кеттан эканман, құзимни очсам, нишолдага ботирилган жұжадай хирмоннинг қоқ ўртасида ялпайиб ётибман.

Дармоним қуриб-қақшаган бұлса-да, гура солиб, қулочимнинг борича шапалоқ тортиб юборгим келди. Кимга дейсизми? Кимга бўларди... Ўзимга-да!

АЙБСИЗ АЙБДОР

(Куруевчилар латифаси)

Ш аҳарнинг киндингида күркам ва салобатли «Гўзалик салони» муддатидан олдин қуриб ишга туширилибди. Очилиш маросими ҳам рисолагидек ниҳоятда тантанали тус олибди. Лента қирқиши, гуллар, мусиқа, зиёфат дегандай...

Бахтга қарши ўша кун кечга яқин шундай қаттиқ шамол турибдики... Эртаси куни туриб қарашса, ҳамду саноларга кўмилган «салобатли» бино ер билан битта бўлиб тўклиб ётибди!

Дарҳол нуфузли текшириш гуруҳи ташкил қилинибди. Сўроққа биринчи бўлиб Фиштни таклиф қилишибди.

— Тўғри мўртроқман! — дебди Фишт ранги оқариб-қизариб. — Лекин, айб мендами? Аввало, айтишим керакки, заводнинг маҳсулотни пиширадиган қозони яхши ишламайди. Бино деворининг нима сабабдан тўрт фишт эмас, балки икки фишт қилиб терилишига келсак, бу ҳақда прораб билан участка бошлиғидан сўралсин. Чунки, ўшаларнинг ҳовлисидаги ҳаммом билан бадрабхона ҳам «ўғирлик фишт» ҳисобига...

Иккинчи бўлиб Михни сўроқ қилишибди.

— Айбимни қисман бўйнимга оламан! — дебди Мих ярим букилиб. — Чунки, қурилишда ярим жон бўлиб, мажбуран ишлаганман. Очиқ ҳавода, қор-ёмғир тагида ойлаб ётганингдан сўнг, занглаб, мадоринг қочиб қоларкан! Ўша шамол бўлган кун шиферни қисман дейман, қаерда, белда қувват бўлмагач...

Шундан сўнг навбати билан тахта, тунука, арматура... ва бошқаларни ҳам терговга чорлашибди. Барчалари бири қисир,

лаб, бири ғижирлаб айбларини бўйнига олишибди. Ҳамма мулзам, ҳамманинг кайфияти хуржун эмиш-у, биргина цемент ҳеч қандай ҳодиса рўй бермагандек бепарво ҳолда, ҳавони чангитиб юрганмиш... Ниҳоят уни ҳам сұхбатта чорлашибди.

— Хўш, ўзинг айбингни тан оласанми, ёки...

Цемент пинагини ҳам бузмабди.

— Менинг умуман айбим йўқ!

— Нега?

— Чунки, мен, умуман бу бино қурилишида қатнашмаганман!

ЖИДУРДУ

(жазвия)

Мейлинор битирув имтихонларини деярли ҳаммасини қийналмай топширди-ю, фақат шу тарих фанига қолганда...

— Эҳтиёт бўй! — леди дугоналаридан бири уни огоҳлантириб. — Бу Бурунбой домла ўта «ухажёр». Айниқса, сенга ўхшаган чиройли қизларни кўрса...

Дугонасининг айтгани келди. Бурунбой домла тикирлик қилиб туриб олди.

— Барibir жавобингиздан қониқмаябман, яхши қиз... Ўҳ-ӯҳ, сочингизни қўй қатигида ювганмисиз? Бирам приятни! Хўш, мен сизга айтсан тарих бу математика эмас. Менинг фаним ҳар куни янгиланиб туради. Шундай экан, сиз ҳеч қачон саволимга... Ёки, нозикроқ топшириқ берайми-а?

Домла бодрингсифат бурнини силаганча, кўзойнаги остидан қизга ғалати қараш қилди. Мейлинор ўнғайсизланиб ерга тикилди.

— Сўранг, домла...

— Сўрасам, гапнинг дангали шу. Қишлоқлик қизларни жуда яхши кўраман. Улар ҳалиги содда... Шоирлар тили билан айтганда нафосат ва назокат тимсоли... Ҳи-ҳи-ҳи... Қаранг, хонатлас сизга қандай ярашиб турибди.

— Мақсадга ўтинг домла!

Домла яна маънодор тарзда бурун силади.

— Ў-ӯ, боқса одам бўласиз, шекилли! Шунаقا дангал қизжувионларга беш кетаман ва... беш ҳам қўйиб беришим мумкин... Хуллас, мақсадга ўтсан, зартага «Эргаш ота»ми, «Нарзулла ота»-

ми... Қаерга бўлса бир пиёла чойга таклиф қиласман. Шарти фақат атлас кўйлакда келасиз! Маъкулми? Нега рангингиз оқарди? Тағин гапимни бошқача тушунмай... Шунчаки, гўзаллик шайдосси сифатида атласга бир тўйсам дегандим... Ҳи-ҳи-ҳи!

Мейлинор ўрнидан илкис қўзғалиб «Синов дафттарча»сини домлага узатди.

— Фақат шугинами? Гап бўлиши мумкин эмас. Фақат сиз олдин беш баҳонигизни қўйингчи!... Атласга тўйдириш бўлса, тўйдирамизда! Шуям кўйлакми? Эртага жуҳуд атлас, қичик атлас, хон атлас дейсизми... Тўйдираман! Биз ҳам чапани қизлардан, домла!

Домла баҳони қўйиб қизга маҳлиё ҳолатда термулди.

— О-о! Ана... Тўмарис! Ў-ў, мана Қенагасбегим! Демак, зрага-а... Сой бўйидаги ресторонда-а.. О-о, қанчалик бахтиерман! Тонгнинг отишни сабрсизлик билан кутаман!

Мейлинор сўзида турди. Ваъданни ошиги билан бажарди. Ресторан эшигига турган домла хушбўй ҳид ва қувноқ қаҳдаҳадан сергак тортди. Ўгирилиб қараса, рўбарўсида Мейлинор бошлиқ ўн беш нафар қиз барчаси атласларга бурканган ҳолда ёниб-елқинланиб туришарди...

ЧАПИЖА ЁМОҚ ЭМАС!

Dўнг қишлоқлик Тилов тракторчи ҳар нарсага қизиқадиган одам. Электр токида айланадиган «Чархпалаю»ни ҳам, кўш алюмин товоқдан «кантенна» ясашни ҳам, кўшимчча ускуна ўришиб мотоциклни орқа «скорост»га солиш мумкинлигини ҳам ана шу ихтирочи ўйлаб топган.

Яқиндан бошлаб Тилов тракторчининг ҳовлисидан итнинг ҳургани эшитилиб қолди. Кўшниси Овла овчи қизиқсанниб девор оша мўралади. Қараса, ростдан ҳам супанинг ёнида катта кўппак, рўпарасида Тиловбой ҳам тиззанлаб олган, ўргада бир кося ювиндик, бир ит ҳуради, бир эгаси...

— Ҳормасинлар! — азбаройи қизиқишдан Овла овчи девор ошиди. — Нима қилаяпсан, оғайни?

Тилов тракторчи чанг юққан тиззаларини қоқди.

— Ҳа, шу... машғулот! Темир-терсак жонга тегди. Энди ҳайвонлар устида иш олиб бораётман. Мана шу кучукни бир ҳафта бурун Деҳқонободлик бир чўпон жўрам ташлаб кетди... Иккапамиз бир устида бош қотираяпмиз!

— Хўш-хўш, — ажабланди Овла овчи. — Билсак бўлами, бу қанақа ихтиро эканлигини?

Тилов тракторчи унга яқин келиб оҳиста шитшиди.

— Бу ҳозирча сир. Лекин, сен ҳамсоям... Айтмасам бўлмас. Хуллас, ит дегани ҳуда-бехуда ҳуриб эгасини безовта қилмаслиги керак. Тўғрими? Шунинг учун мен, мана шу кучукни фақат қорни очгандагина ҳуришга машқ қилдиряпман!

Овла овчининг ҳамсоясига ҳурмати ошди.

— Баракалла! Демак, қишлоқни яна бир қойил қолдиаркан-санда-а? Хўш, натижা қандай бўлаяпти?!

— Ёмон эмас! — талтайди Тилов тракторчи. — Натижা тузукку-я... Лекин, бу зангар қанжиқ бир ҳафталик машқдан сўнг, мен ҳурмасам, умуман овқат емаяпти!

ҲАЛИ, ҶОЯЛАЙДИ!

Ҳамол Жўшқин шитоб билан бош муҳаррир ҳонасига бостириб борди.

— Хўш... — у қизариб-бўзарганча манглайига бодраган тер доналарини гўштдор кафти билан сидирди. — Бу кварталга каминага мукофот ёзилмабдими?! Йигирма йилдан ошик редакция останови тупрогини ялаб келаётган жафокаш журналист, жўшқин шоирга-я...

Бош муҳаррир мийлигида кулди.

— Бу сафар шундай бўлиб қолди. Ҳафа бўлмайсиз...

Жамол Жўшқин қўлинин манглайдан олиб ҳавода силкитди.

— Ҳафа бўлдим! Негаки, куни кечаган мишиқи мухбирчаларга мукофот бор-у, мендай... Ўзингиз гувоҳсиз, илгарилари «Жамол Жўшқин бораябди!» деган мужда тарқалса, рајком контиби-ю, хўжалик бошлиғигача туман чегарасига чиқиб нон-туз билан каминани қарши олишарди! Шундай экан...

— Ҳа, балли! — бош муҳаррир унинг гапини ошпичоқдек чўрт кесди. — Бу илгари эди! Ҳақиқатан, илгари жафокаш журналист, жўшқин қалам соҳиби эдингиз!» Эндичи?! Айтингчи, яқин тўрт-беш йил ичидаги бирор-бир бундайроқ, ўқиганда юракка жис этиб тармашадиган очеркми, фельстонми, лоақал лавҳами... ёзганингизни эслоласизми? Ёзганларингизни ўқиб-ўрганиб, саводи чиққан ўша «мишиқи мухбирчалар», ҳафа бўлманг-у, ҳозир сиздан ўтиб кетишган. Ёки, айтаётга яларим ёғонми?!

Жамол Жүшқин мұдаррир хонасидан дами чиққан пұфакдек салқы тортиб чиқди. На фақат манглайи, балки тәпакал боши, гүштөр бўйнигача сизиб чиққан совуқ тер доналарини сидирапкан, норози оҳангда пўнгиллади.

— Ҳали шунақами! Ёзиш қанақа бўлишини сенларга бир кўрсатиб қўймасамми! Шундай мавзулар топиб, қалам юрдираики... Бўлди, қарор қатъий, шикоятга ўрин йўқ! Энди хобхонадан хуррак змас, фақат қоғоз шитирлаши-ю, қалам қиртиллаши эшитилади, холос... Ҳа-ҳа... Ҳали, сенларни бир бопламасамми!

Эртаси дам олиш куни эди.

— Айни муддао! — деди Жамол Жүшқин кўрпага киаркан. — Демак, эртага қарға қағилламаси туриб иш столига ўтиради. Тушликкача тўрт қоғоз, кечки таомдан сўнг яна олти қоғоз... Нима ҳақда ёзишни эса, эрталаб мушоҳада юритади...

Бироқ, эртаси эрталабдан уни бемаврид уйғотишди.

— Туринг, ҳамсоялар чақириштаги.

Жамол Жүшқин дарвозани очса, дарҳақиқат тўрт-беш қўпни қаторлашиб туришибди.

— Қани, бўлинг... Ҳув-в, кунжакдаги магазинчи тоға наҳорга ош беряпти!

Жамол Жүшқин ноилож қолди. Бир томондан маҳалла-кўйчилик, иккинчи томондан зиёфат, ўтириш, «базми-жамшид» деганлари унинг жони дили... Оғзи сув очганча дарҳол кийинишга тутиди. Ош ҳам ош бўлган экан. Ёки, масаллиғида бир гап борми?! Хуллас, икки сопол лаган бўшатилгач, таги сидирилиб бир дона седанали нонни нишолдага ботирилиб еб, устидан ҳазми таомига тўрт чойнак чойни сипқорганини сезмай қолди.

— Ҳар ҳолда ёмон бўлмади! — деди Жамол Жүшқин тўйхонадан чиқиб кекирганча қаппайган қорнини силаркан. — Чунки, ижод иши кишидан катта куч талаб қиласади. Энди, столга ўтириб...

— Хў-ў, шоир... Қаерларда юрибсиз?

Қараса, дарвозасининг тагида нариги маҳаллалик жўраси Жомурод полвон жилмайганча шоҳ ташлаб турибди. У саломаликни насия қилганча дарҳол муддаога ўтди.

— Ҳозир мол бозорга борамиз! Чунки, сиз чорва ҳақида ёзавериб мутахассис бўлиб кетгансиз. Хуллас, ўзи арzon-у, аммо гўшти пичноқта илашадиган иккитагина қўчқор сотиб олишга ёрдам берасиз! Йўқ, деманг, биздан ҳам қолиб кетмас...

Жамол Жүшқин икки ўт орасида қолди. Борса, турган гап, чошгоҳгача «ижод»га ўтиrolмайди. Бормаса, улфати... Курғурнинг қўли ҳам, дастурхони ҳам баб-баравар очиқ. Ундан кейин сени бирор мақтаб «мутахассис» деб турса йўқ деб бўладими? Борайчи, балки барвақтроқ қайтармиз...

Харид қилингган қўш-қўчқорнинг иргишлашини кўриб Жомурод полвоннинг кишти келди.

— Ў-ў! Айтдим-ку, мол танлашга устаси фарангсиз деб! Энди, жўра буни ювмаса инсофдан бўлмас. Бир сиҳдан кабобу...

Бироқ кабоб деганини ҳеч қачон «етим» ҳолда еб бўлмаскан. Полвоннинг айтишича, албатта, қаватига яъни, газагига «култимиссин»дан қўшиш шарт экан. Жамол Жўшқин ана шу тарздаги яйраб ўтиришдан илҳоми жўш урди:

— Йигит бўлсанг мустақил,

Канда қилмай, юзта қил!

— Қалай? Зўр-а... Ҳа, ҳали мен уларга ижод қилиш қанақа бўлишини кўрсатиб қўяман. Полвон, мени уйимга стказ... Зарур иш бор... Ижод қилишим керак... Йўқ, олдин куч йифиб, мириқиб...

Жамол Жўшқин «мириқиб» уйқудан уйғонгандада тушлик аллақачон ортда қолганди. У бармоқларини қисирлатиб керишиди, сўнг муздаккина сувда пишқириб ювинди. Бир пиёла қайноққина чой ичгач, ижодхона томон ўтди. Чанг босган ёзув машинкасини обдан артаркан қатъиятлик билан деди.

— Энди мени бу столдан тўп овози ҳам турғизолмайди. Хўш, қайси мавзуда қаламни йўргалатсам...

Шу аснода эшик ғийқиллаб очилиб, хотинининг шодон муждаси янгради.

— Акам келдилар... меҳмонга! Қаранг, билгандай нўхат ивитиб қўйгандим-а... Тезроқ чиқа қолинг, характерларини биласиз-ку!

Ҳа, бу катта қайноғасининг феъл-атвори чатоқроқ. Мулозаматни хуш кўради. Ёнида қовоқ уйиб ўтиранг, сўкиб юборишдан ҳам тоймайди. Лекин, дангаллиги ҳам бор... Жияинини тўйига бир ҳўқизни етаклаб келганди, валломат! Шундай бўлгач...

...Меҳмон қош қорайгандада кетишга тараддулланди.

— Кайфиятингиз ёхшимас-ку, куёв! Илгари карта деганини тишиб қўярдингиз! Бу сафар саккизгача погон олиб ўтирибсиз-а... Уят, яна бу киши...

Жамол Жўшқин изза бўлганча изига қайтди. Ижодхонасига кириб столда ястанди, ёзув машинкасини нарига сурниб, бир варақ қоғозни олиб, қаламни тишлаганча хаёлга толди:

— Сен «илонбош» меҳмонни боплардиму, лекин ишларим борда. Хўш-ш, етар бўлмаса, ижодни бошладик. Мавзуумиз...

— Футбол! — айвонхонадан ўғилларининг қийқириги янгради. — Лекин зўр ўйин бўлади-да!

— Зўр ўйин бўлса кўриш керак! — Жамол Жўшқин бенхтиёр ўрнидан қўзғалди. — Тўғри, футбол деб унча эти участгани йўқ. Лескин, эртага ҳамкаслари баҳслашаётганда, бу мум тишлаб ўтирадими?! Йўқ, ҳамма жабҳада у устун туриши керак!

Ўйин қизигандан қизиди. Жамол Жўшқин ўғилларига қўшилиб бақиравериб чарчади. Сўнг бироз нафасини ростлаш учун болишга ёнбошлади. Қачон пинақка кетганини сезмади... Хотинининг қистови билан жойига ўтиб ётаркан, ўзига- ўзи қатъиятлик билан деди:

— Бугун бўлмади. Лекин, эргадан бошлаб ижод қилиш қанақа бўлишини бошқаларга кўрсатиб қўяман. Ҳа, ҳали боплайман!

Зум ўтмай хобхона хуррақдан ларзага келди.

КАРИ БИЛГАНИ...

Чори чўпоннинг оғзи қулоғида. Ахир нега хурсанд бўлмасин: «Бу йилги бадорнинг нашъу намоси ўзгача бўляшти-да! Кўм-кўк қырларга қараб кўзинг тўймайди. Ишқилиб қурғоқчиликдан арасин! Йил яхши келди. Ана ҳавода хушбуй ҳидлар, осмонда тўргайлар, сайҳонликда турналар, анови сўқмоқ йўлда эса... Машина сигналидан чўпон сөргак торғди. Синчилаб қараса директорнинг таниш «УАЗ»и...

Машинадан 3-4 киши тушишди. Директор Чори чўпонни чеккага имлади.

— Шаҳри азимдан меҳмон бор! Катта олим. Экология масалалари билан шуғулланади! Хуллас, бу гаплар сизга ортиқча. Сизнинг қиласидиган юмушингиз, ҳар галгидек... Ҳув, анови дўнгликка тўшамчи тўшайисиз, чўпон кабобни ўхшатасиз, қолган майда-чуйдани шофёрдан оласиз.

— Хўп, хўп... — Чори чўпон боз иргади. — Меҳмонни берган ризқини ҳам беради. Қани, марҳамат!

... Шаҳри азимдан келган мәҳмон анча сергал чиқиб қолди. Оғзи гүшт чайнаш баробарида гапдан ҳам бўшамасди.

— Оҳ-оҳ-оҳ! — деди у каттакон сўнгакни илигини кафтига уриб қоқаркан. — Ана табиат-у, мана табиат! Ҳавонинг тозалиги... Бай-бай... «Экологический чисто!» деганлари мана шуда! Мен сизларга айтсам, америкалином, японияликми олимларнинг айтишича, «табиат гўзалликларидан бебаҳра инсон, она кўкрагидан бенасиб гўдакка» ўхшаркан! Мана биз ҳам ана шундай чақалоқлар сирасига кирамиз. Шу... қани директор бова, «қултамиссин»дан яна бир ўз қўлингиз билан...

Мәҳмон оғзидағи луқмани ютиб, тоза ҳаводан тўйиб-тўйиб симиргач, яна фалсафа сўқди.

— Бизнинг шаҳарда тоза ҳаво дефицит! Тўрт томонимииздан кўмир завод, цемент завод, асфальт завод ва яна бир бало заводлар ўраб туради. Яқинда денг, уйқум қочиб, ташқарига чиқиб, катта бир жиноятнинг ... шоҳиди бўлдим!

Даврадагиларнинг дами ичига тушди. Дириекторгина ботинмай сўради:

— Нима бирортасини бўғизлаб...

— Э, йўқ, — қўл силтади мәҳмон. — Криминал менинг соҳамга кирмайди. Мен гувоҳи бўлган воқеа ҳам экологияга боғлиқ. Шу нарсанни аниқ сездимки, ёнимиздаги завод кундузи билан чанг ва газини йигиб, тунда ҳамма ухлаганда секин ҳавога қўйвораркан! Ахир бу жиноят эмасми?! Сизларда эса тоза ҳаво! Ажойиб... Ҳиқ-қ!

Тўсатдан кутилмаган ҳодиса рўй берди. Мәҳмон икки марта ҳиқиллади-ю, кўзлари сузилганча ёнбошга қийшай бошлади.

— Нима бало, кайфи ошдими?! — директор ҳушёр тортди. — Ичгани икки пиёла-ю...

Даврада ўтирган «мол дўхтир» йигит мәҳмоннинг томир уриши-ю, авзойига қараб ранги қумдек оқарди.

— Дириектор бова! Бунингиз нафас олмаяптими?! Сув сепинглар, сув...

Шошиб қолишганидан кимдир «Бонокува», кимдир «Кока-кола» ҳатто, биттаси «Бўлингир» конъягидан ҳам сепиб юборди. Лекин, бу «сепишлилар»нинг фойдаси бўлмади. Мәҳмоннинг нафас олиши тобора секинлашиб борарди. Дириектор «встврач»га буйруқ қилди.

— Қанақа дўхтирсан! Бир давосини топсангчи...

— Ака! — йиғлагудек ҳиқиллади «өстөрач». — Меники мол дүхтири, ахир! Бунингиз күчкөр ёки ҳұқыз бўлсайкан...

— Қани, шошмангларчи! — даврага оҳиста одим отганча Чори чўпон кириб келди. — Меҳмон жигит ҳали «зовут-повут», чанг-газ... девдима?! Демак, тушунарли... Буям, бир галида. Чиқмаган жондан умид... Қани, директор, буйруқ беринг, ҳой анови «УАЗ»ингизни бу ёққа ҳайдасин!

Тотшириқ дарҳол бажарилди. «Қўймондон»ликни қўлга олган Чори чўпон галдаги кўрсатмани берди.

— Ҳой, шопир бола... Мошинни ўчирмай тур! Энди меҳмон жигитни кўтарамиз... Бундай жингил, нима бало, фақат маний каша еб ўстаними! Энди, оғайнилар, меҳмоннинг бурнини мошиннинг тутун чиқадиган трубасига яқин олиб борамиз... Ҳа, балли, ана шундай...

Тўсатдан мўъжиза рўй берди. Машина дудбўронидан ўрлаётган ачқимтил тутундан меҳмон аста-секин ўзига кела бошлади. Ниҳоят, олдин бир кўзини, сўнг иккинчисини оҳиста очди. Тана-сига жон кирган заҳоти, ўрнидан иргиб турганча ёлворишга тушибди.

— Жон акалар! Тезроқ мени шаҳарга злтинглар! Завод-фабрикаси бор жойга... Фақат тезроқ! Ҳе, ўша тоза ҳаволарингдан ўргилдим...

Директор сингил тин олди. Чори чўпоннинг елкасига қоқди.

— Баракалла! Қари билганни... деганларича бор экан. Мушкул аҳволдан қутқазганилгингиз учун сизга мукофот беришади. Биз эса, бу ердан тезроқ жўнадик. Бўлмаса...

Чори чўпон уларнинг ортидан кулганча қолаверди.

ШАҲАР КЎРГАФИ ШОДИҚУЛ

Мулла Мойлибойнинг кенжаси Шодиқул шаҳарда яшайди. Ўқитган ўқитувчилари: «Шу бола одам бўлмайди, гирт чаласавод!» дейиншарди. Йўқ, бинойидай... Ишқилиб, ҳафта ўн кун, айниқса, байрам, ҳайит кунлари «иномарка» машинасини «бип-бип»латиб келиб, қишлоқдошларнинг кўзини ўйнатиб кетади. «Нима иш қиласан, шаҳарда?!» деб сўраганларга эса кўкрак кериб: «Бизнес!» деб жавоб беради, холос.

Шодиқул бу сафар қишлоққа катта акасининг «Бобойнинг касали қўзиди... Дори-пори обке!» деган галини эшитибоқ йўлга

чиқди. Келса, алдашмабди — «Бобой» чорпояда инқиллаб ётибди, ёнида эса құшни қишлоқлик «фронтовой» жүраси Болта бақироқ шанғиллаганча ундан ҳол-ақвол сұрайяпты:

— Ҳа, буйтиб, бутти керіб, чұзала тушиб қобсан мулла? Еки, контужинг яна қўзидими?!

— Бақирма-э! — Мойли бобо ёстиқнинг гилофидан увада пахта олиб қулогига тиқди. — Ҳали, даевман! Отам биласанми юз ёшида нима қилган...

— Биламан, биламан! — яна шанғиллади Болта бова. — Отанг Жовли бова ошнинг тагида қолган зигир ёғга чой құшмасдан ичган, ўлишидан ярим соат олдин знанғта бир қозон кесган ош қылдирағы, орқасидан олтита можни хомлай...

— Ҳа-а, ана! — Мулла Мойлибой кафтини чорпоя қиррасига тираб ўмганини күтарди. — Ана шу нафси бузуклик, жүражон, менга ҳам отамдан ўттан. Касал бўлишимга сабаб, кеча Файбулла ғужала бор-ку... Эски «актив»лардан! Қадрдонда энди... Ўшанинг неварасими-эварасими, ишқилиб бир чурвақаси армиядан келган экан. Эй-й... ҳозирги замоннинг жигитларига нима бўлган-а?! Бир дошқозон паловнинг ярми, мантининг тўрт-беш қасқони, икки товоқча яхна... шундайгина қўл урилмасдан қоб кетса бўла-ма! Ўлай агар, шу жигитларни қўшга қўшсанг ўн метр юрмай бути пишиб қолади-ёв?! Лекин, қутаймағурлардан қирқ бутил-ка, ҳалиги «шайтоннинг суви» бор-ку, ўшандан томчи ҳам қолмабди!

— Нима?! — бақириб юборди Болта бақироқ. — Мулла бўла туриб, ўша «ногуфта»дан ютдингми?!

Мулла Мойлибой ўзини қайта ёстиққа ташлаб, беҳол бош чайқади.

— Томчи ҳам қолмаган бўлса, балони ютаманми? Қайтага исроф бўлмасин деб, Файбулла ғужала билан қолган ош, манти, яхнани... Қуруқ ўзини тушираверибмиз, лаппа-лаппа ютаверибмиз...

Беморнинг хасталиғи зсига тушиб кетдими, бу сафар кўзини юмганча инқиллади.

— Вой-й, жонимай! Вой, знажоной... Файбулла ғужала ғирромлик қылдима, ё ўша кунлари мазам йўқмикан, ишқилиб, иннакейин чатофим чиқиб қолди-да, жўражон! Ўшанга давлениям қўтарилиб... Нечаво... Мана шаҳардан Шодиқулим келди, ўзи тузатади! Аканг айтган дорини обкелдингми, тойчоқ?!

«Тойчоқ» — түрт болалик шаҳарлик ўғил Шодиқул кисса кавлади.

— Ҳеййи, ота! Мони, ўзиям импортниси...

Болта бобо Шодиқулнинг елкасига қоқди.

— Баракалла! Мулла... Шу улинг сенга кўп меҳрибонда-а? Бир марта мени ҳам мошинида истансагача чиқариб қўйганди. Қани, Шодиқул отангта дорини ичир... Бизди гурунгимиз кейин қизийди.

Шодиқул олиб келган дорисининг «ёрлиги»ни ўқиб, ичиришга тадорик кўра бошлади.

— Ота... Бу шишаҷадаги суюқликни «овқатдан ярим соат олдин ичиш» керак экан. «Рецепт»ида шундай ёзишган. Шўрвам пишиб қолди. Хўш-ш, ош қошиқда... Болта бова, анови алюмин қошиқни узатворинг... Ота, энди оғизни катта очинг! Йўқ, шошмай туринг. Бу ерда ёзилишича... Болта бова қошиқни ушлаб турингчи!..

Шодиқул шитоб билан згилиб отасининг елкасида тутганча уч маротаба қаттиқ-қаттиқ силкилади. Мулла Мойлиниң бошидаги қалпоғи учиб гиламга тушди. Оғзи ланг очилиб қолган Болта бақироқ шоша-пиша Шодиқулнинг билагига тармашди.

— Э-э-э! Эсинг жойидами, сен баччани! Касал одамни-я?! Нега силкилайсан?! Мени буни, отасига меҳрибон десам...

Шодиқул Болта бовага таънали боқди.

— Қишлоқилигингизга борасиз-да, а, отамниң оғайниси? Керак бўлгандан кейин силкилайманда... Мана, дорининг «рецепти»да отнинг калласидай қилиб ёзиб қўйибди: «ичишдан олдин уч-тўрт маротаба силкитилсин!» деб. Энди тушунгандирсиз?! Қани, ота оғизни очиб, энди ютингчи...

Мулла Мойли дорини ичгач, дўстига марсинганнома, ўғлига эса меҳр билан қараб қўйди. Болта бова ҳам қойил қолганини яширолмади.

— Ҳа-а... Бежизга шаҳар кўрмагандада-а!

ТИЛИДАЧ ТУПИЛМАДИ

«М ашъяъ» хўжалигининг қишлоқ ва чорвачилик бўйича директор ўринбосари Маллаев кўп аломат ва ажойиб киши. Аломатлиги аввало, у ўз касбининг устаси фарангি. Айтайлик, кўйининг қулогига қараб нечта қўзилашини башорат қил-

са, бүгдойнинг бүй тортисига бир боқиб сомони билан донини олдиндан ажратиб бера олади. Бунинг устига қишлоқнинг энг олди, маданиятли зиёлеси ҳисобланади. Ҳамиша бўйнидан бўйин-боғ, бошидан шляпа, қўлтигидан папка тушмайди. Дала бошида исириқ тутаттиради, молхона-қўйхоналарга вақти-вақти билан одеколон септиради. Хотинини «сизлаб» гапиради...

Аммо ҳар тўқисда бир айб деганилариdek Маллаевнинг феълатворига мос келмайдиган нуқсони ҳам бор. У ҳам бўлса тили сал чучукроқ. Айниқса, бояқиш «Р» ҳарфи қўшилиб келадиган сўзларни айтишда қийналарди... Трактор — «тлактил», карам — «калам», кўмир — «кўмил»... қабилида талаффуз этилганидан ён-атрофдагиларнинг мазах-кулгисига сабаб бўларди. Тўғри, унинг ёши ва «мансаби»ни инобатта олганлар мийигида ёки ерга қараб пиқ-пиқ этишса, тенгқурлари, айниқса, улфатлари — хўжалик директори, бош бухгалтер, бош иқтисодчи, бош муҳандис... каби «бош»лар эса бемалол, мазза қилиб, роҳатланиб қаҳқаҳа отишарди.

Охир-оқибат «Р»нинг касофатидан безиб, чўчиб қолган мушфиқ Маллаев ана шу ҳарф билан боғлиқ барча ҳузур-ҳаловатлардан ўзини-ўзи маҳрум қилганди: «шўрва» ичмасди, паловни «шакароб»сиз тановул қиласди, «Телевизор»га қарамасди, «Чоршанби» куни ҳамқишлоқларининг кўзига кўп ташланмасди...

Бироқ инсон боласи қасдланса ҳар қандай қусурдан қутулишнинг имконини топаркан. Маллаев ҳам хўжалик директорига муовин бўлган кундан бошлаб, унинг тилидаги ғализлик йўқолди-қолди! Дўхтирга бормади, табибга учрашмади, шунчаки йўлини топди... Энди Маллаев ҳар қандай илмоқли-илмоқсиз саволларга бурро-бурро жавоб қайтарар, аммо тилидан «томаётган» ҳар қандай жумлада «Р» ҳарфи ишлатилмасди, вассалом!

Маллаевнинг бу тарзда тўсатдан «дарддан фориғ топгани» табиийки, яна ўша «Бош»лар — директор, бош бухгалтер, бош муҳандис...ларга маъқул тушмади. Боисики, улар мажлис-машварат, гап-гаштакда «Р» ҳарфини айтольмайдиган муовинни мазах қилишга кўнишиб қолишган, эндиликда эса ўзларини бу «тайёр томоша»дан маҳрум қилишни исташмасди. Тўғри, «Бош»лар тарки одат амри маҳол қабилида Маллаевни яна тилидан «чандишиш»га ҳаракат қилиб кўришаверди, бироқ муовин қурмағур

ҳам ҳар гал уларни чув тушириб, сувдан қуруқ чиқиб кетаверди...

Ниҳоят, «Бош»ларга омад кулиб боққандек бўлди. «Машъял»га туман қишлоқ хўжалик бошқармасига янгитдан тайнинланган бошлиқ Боқи Бақоев ташриф буюрди. Меҳмоннинг пойқадамига салқингина сой бўйида дастурхон тузатилди. Боқи Бақоев галга тўн кийгизиб, белбоғ боғлаб, истаса қанот қоқтириб, учирив юбора оладиган ўта сўзамол киппи экан. Хўжалик директори унга умид кўзи билан термуларкан, зиёфат айни қиёмига етган маҳали шартта елкасига қўл ташлади.

— Боқи Бақоевич... Сиздан зарур илтимос бор?!

Меҳмоннавозликдан кўнгли сув ичиб ўтирган меҳмон қўлини кўксига қўйди.

— Бемалол... Хўжаликнинг сув лимитини ошириш керакми? Ёки, ўғит муаммоси... селитра-а?

Директор атрофга аланглаб олгач оҳиста бош чайқади.

— Селитрангиз ўзингизга сийлов! Менга... Эҳм, умуман бизга мувоним Маллаевни...

Бошқарма бошлиғи сергакланди.

— Нима, баҳридан ўтамиюми?!

Директорнинг бу галги бош чайқashi тезлашди.

— Йўқ, йўқ... Бунақа мутахассисни «лоторея»да ютиш ҳам қишин-у...

— Унда тушунмадим?

— Ҳозир, тушунтираман-да. Ўзи эшитса хафа бўлади! Гал шундаки... Қани қулоқнинг қулфини очинг-чи...

Салкам ярим соатлик «шипшиш»дан сўнг Боқи Бақоев бош силкиганча кўкрак керди.

— Тушундим! Демак, тилига тушов солиш лозим?! Э-э, бундай бепул томошаларни боплаймиз! Ўша Маллаевнингизга шундай саволлар ёғдирманки... Фақат илтимос «Р» ҳарфини айттолмай дудукланиб қолганда ҳамма баробар қулсин... Ўзим ҳам ахир мазза қилайин-да! Энди гап бундай...

Бошқарма бошлигининг фикридан келиб чиққан ҳолда, ўша заҳотиёқ «синов»дан ўтишлари учун хўжаликдаги барча бош мутахассислар «мажлислар зали»га таклиф қилинди.

Боқи Бақоев йигилганларга кўз қирини югуртиаркан, таҳди-дона томоқ қирди.

— Қаны кимдан бошлаймиз «аттестация» мизни?! Хўш-ш, олдин хеш, кейин дарвеш деганлари дай... Ўзим ваколатим бўлган қишлоқ хўжалик соҳасидан бошлай қолай-а?! Унда... ўртоқ Маллаев бу ёққа марҳамат қиласин!

Маллаев бўйинбогини тўғрилади, бармоқлари билан соч таради, ён дафтарчаси қатига қаламини қистирганча бошқарма бошлиғи рўбарўсидан жой олди.

— Хўш-ш,— Боқи Бақоев қофозга нималарни дир ёзиб-чизаркан, бошни кўтармасдан дастлабки савонни берди. — Демак... сиз директорга ўринбоғарсиз-а?

Маллаев ияқ силтади.

— Ҳа, бошлиғимиз га муовинман.

Боқи Бақоев мийигида жилмайди.

— Дуруст... Дуруст! Демак, умуман қишлоқ хўжалик соҳаси, қолаверса, чорва, зироатчиликка ҳам раҳбарлик қиласиз?

— Худди шундай... Сиз айтган ҳамма соҳага масъулман!

Дастлабки уринишлари зое кетган бўлса-да, Боқи Бақоев козидаги табассумни сидириб ташламасдан савол беришда давом этди, Маллаев ҳам пинак бузмасдан паҳтавон ўқдек тезликда жавоб қайтараверди.

— Хўш-ш... Ўр-р-ртоқ Маллаев... Унда карам, помидор, редиска, бодринг, булғор қалампир, экиндан тарвуз... Хўш-ш, бу ларнинг парвариши қандай? Режа-топшириқлар бажарилганими?

— Кўнглингиз тўқ бўлсин, катта... Бизда полиз ҳам, сабзавот плани ҳам ошиғи билан адo этилади.

— Лекин, бунинг учун тайёргар-р-ргарлик кер-р-рак! Хўш, унда трактор, борона... ремонтни қай даражада?

— Хўжалигимизда аллақачон техника мавсумга шай. Шунинг учун номи ҳам «Машъал»!

— Ремонт учун, пайкал оралаб тариллаб юриш учун тракторга солярка керак, керосин зарур-р...

— Бу ёғидан ҳам ташвиш чекманг, катта... Ҷилғи бизда доим ошиғи билан олинади!

Залдагилар аллақачон «синов» сиридан хабар топишган шекилли, у ер-бу ердан «пиқ-пиқ» кулги кўкка ўрлай бошлади. Бошқарма бошлиғи жаҳл билан «Жим! Тинчлик сақлансан!... Яна икки-уч савол билан суҳбатни тугатаман!» деди-ю, Маллаевга қараб хунук жилмайди.

— Оббо! Шунақа дөң... Унда чорвадан галинг, чор-р-рвадан! Бу тармоқ зарар келтирмаяптыми?

Маллаев ширингина жилмайды.

— Йүқ, бу соңа ҳам хұжаликда кони фойда!

— Иирик шохли сигир, құңқор, қорабайир аргумоқлари...

— Йүқ, катта. Бизнинг хұжалик асосан молнинг ушогига ихтинослашган. Қўй-қўзи, совлиқ дегандай...

— Қўзи?! Йүқ, сиз менга паррандадан гапир-р-ринг! Ҳўроз, курка, сесарка...

Маллаев бошқарма бошлигининг сўзини ийманибгина бўлди.

— Ҳаммаси мавжуд. Ҳатто, ғул-ғул товугидан ҳам топилади!

Умуман олганда «етти ҳазина»дан кўнглингиз тўқ бўлсин!

«Пиқ-пиқ»лар ошкора «қи-ҳи-ҳи»га айланди. Бошқарма бошлигининг пешонасини тер босди. Урнидан сакраб туриб кетганини сезмади. Маллаевга қараб ўдагайлади.

— Ҳали шунақами? Ҳўш-ш... Узр... Сигаретдан борми?

Маллаев бамайлихотир чўнтақ қавлади.

— Чекишдан деяпсизда-а? Бошлиғимиз эса нуқул «Тутундан ол!» дейди. Менинг ўзим эса аслида чекувчимасман. Аммо меҳмон учун ҳамиша топилади...

— Бас-е! — Боқи Бақоев Маллаевнинг қўлидан сигарет кутисини юлқиб олди. — Ҳозир-р-р-рча... Перекур-р-р!

Бошқарма бошлиғи минбарда тамаки буруқситтанча узоқ ўйланди, ниҳоят чөдраси ёришиди, хушнудлигини қаватида ўтирган хұжалик директори билан бағам кўришга ҳам улгурди: «миямга ажойиб савол келди. Жавобига келганда эса «Р» ҳарфисиз асло мумкин змас... Қараб туринг!»

Директор «кўрамиз!» дегандай елка учирди. Бошқарма бошлиғи лаб-лунжини артиб саволга тараффудланди.

— Охирги савол... Ўртоқ Маллаев шунга ҳам қониқарли жавоб берсангиз, бўлди. Синовдан ўтган ҳисобланасиз. Қани айтинг-чи, чорвачылик соҳасида тери тайёрлаш режаси бажариладими ёки йўқми? Қайтараман, тер-ри... Гўшт плани бажарилиди, жун бажарилибди... Терричи?! Тер-ри.

Маллаев бундай саволни кутмаган эканми, илк маротаба чөдраси жiddийлашиди. Боқи Бақоев маккорона илжайди. Хұжалик директори чапак чалмоқчи бўлгандек бармоқларини силкитиб қўйди. Залга оғир сукунат чўқди...

Маллаев ниҳоят, ўрнидан илкис қўзғаларкан негадир, бошлини баланд кўтарди.

— Катта... Сиз айттан ўша... Пўстак планини ҳам ошиғи билан адо этамиз!

Бошқарма бошлиғи орзиқиб куттган кулғи, ниҳоят залда портлади. Аммо бундан Бақи Бақоев мулзам тортди, холос.

ШАФТОЛИ

Курбон қассоб ҳастахона палатасида, билагига бошини қўйганча мудраётганди, мушук тирнагандек эшик қиртиллади. Бемор ҳушёр тортди: «Ким кўргани келдийкин? Каттаси бўлса, шартта очиб. Ёки супрақоқдисимикин? Ким келса ҳам дуруст бўлди. Қорни татаётганди...»

— Ким у? Кир-киравер...

Эшик табақаси қия очилиб, олдин қийшиқ гардишли яғири чиқсан шляпа, сўнг иккى яноғи қип-қизил башара кўзга ташланди. Қассоб «келган киши»ни кўриб таажжубланди, ҳайратдан уйқуси қочди, беихтиёр қадди ростланди.

— Иби... Курим-м... Кулмуродмисан?! Бахай... Қандай шамол учирди??

Кулмурод қурумсоқ бепарво тарзда палатага кўз югуртириди, нигоҳи бир зумда дерага радиадаги дори-дармон қутилари, тумбочка устидаги чойнаш-пиёла, деворда осиглиқ манзарали суврат ва ниҳоят хона бурчагида турган қофоз ҳалта... узра сузиди. Шундан сўнг остона ҳатлади. Орқасида «бекитиб» келган тугунчани оёқлари орасига кўяркан, кроватнинг четига омонаттина ўтириб ҳол-аҳвол сўрашга тутинди.

— Ҳм-м... Қассоб! Қалайсан, жўражон? Тузалиб қолдингми? Сенинг касалинг билсам-бilmасам сұқдан. Пичоғинг доим ёғ устида бўлгандан сўнг сүк-кинна киради-да! Бу дўхтирлар суяксиз лаҳм сўраб гаранг қилаётгандир?

Курбон қассоб мийифида кулганча жўраси олиб келган «тугунча»га кўз қирини ташлади.

— Ҳа, энди дорбозники дордан, морбозники мордан... Ўзингдан гапир. Нималар кўтариб, ташвиш-тадорик қилиб юрибсан? Куруқ келсанг ҳам... Менга қара касалхонага тушганимдан қандай хабар топдинг?

Кулмурод қурумсоқ ўз навбатида хона буржидаги қофоз ҳалтадан кўз узмай жавобга юзланди.

— Шу десанг... Кенжа ўғилдан хабарлашай деб паст қишлоққа орагандим. Ҳовлисини кўрсанг, мева тўкилиб ер билан

битта бўлиб ётибди. Гални очиги хафа бўлдим. Сабаби, ўз пушти камарингдан бўлган бола манзират учун ҳам: «Отавой, ҳеч бўлмаса мана бу чумчуқ чўқилаганидан енг!» демади-я! Қайтага соғ бошимга сақич ёпиштирди. «Келинингиз бачча топган. Дармонга иниши учун қўй гўштидан шўрва керак. Ҳани, пенсия пулидан чўзинг!» деди-я! Ҳа, энди фарзанд иоқобил бўлсаям жигарнинг жазиллама жойидан бўларкан. Шошма, дедим, Курбон қассоб офтобда қатиқ, салқинда сариёф ялашган жўрам бўлса... Болаликда сомон ўғирликка, колхоз боғидан мева ўмаршга бирга бориб, мазасини ҳам, азобини ҳам баҳам кўрганмиз! Шундай экан, бир сафар икки сафарга бир кило, икки кило... гўштни шуннай текинга «подарка» ҳам қилиб юборади, деб сени йўқлагандим. Борсам, дўконингда қўзининг калласидек кулф! Ҳалиги алкаш куёвинг бор-ку... Ўша шу атрофда иккита улфати билан... Хуллас, адресингни ўша жияндан олиб, бу ёққа қараб йўртдим. Уф-ф, обед пайти ҳам бўп қолди-я! Менга қара касалинг оғир-масми, иштаҳанг қандай?

Курбон қассобининг юзига қон югурди.

— Ҳа-а, энди бизди касал бор-йўғи белангида! Ошқозонга алоқаси йўқ. Иштаҳам сенга айтсан бўрдоқига боқилаётган буқаникайдай...

Кулмурод қурумсоқ хурсанд бўлиб кетди, кафтларини бир-бирига ишқалади.

— Ўҳ-ӯ! Унда бир мазза қиларканмизда... Еғли овқат ҳам-а?

— Ейверамиз...

— Қатиқлисини-чи?

— Унисидан ҳам нишхўрд чиқармаймиз...

Шундан сўнг икки жўра дастлаб бир-бирларига мўлтираб тикилишди, сўнг қассоб тугунчага, қурумсоқ эса қофоз халтага қараб тамшанишди. Орадан бир пиёла чой совугулик фурсат ўтди. Оғир сукунатни яна Кулмурод қурумсоқ бузди.

— Бу ҳалиги... Шунақа қилиб... Эҳм, мева-чевачи? Айтайлик, мен яхши кўрадиган шафтолига... таъбинг қалай?

Қассоб энди туриб ўтириди.

— Еғлидан кўра-ку, мева-чева ҳам дуруст... Раҳмат, жўра...

Ташвиш чекиб-а?

— Кулмурод қурумсоқ қўл силтади.

— Қизиқмисан, таом ейиш ҳам ташвиш бўлди-ю! Сенга айтсан меваларнинг шоҳи шу — шафтоли! Ўзи сен шафтолини қандай сийини биласанми, оғайнини?

Қурбон қассоб қылқ қилиб ютиңди — томогидаги туршакдай түгун кириб-чиқди.

— Ҳа, зәнди... Шафтолихүрликка үғирликка борганимизни зәлай дебсан-да, а... Болаликда зәнди мазза бўлганди-да!

Қулмурод қурумсоқ лабларини чапиллатди.

— Болаликни қўй, сен шафтолидан гапир! Эй-й, умри сүяк гажиш билан ўтган сөндай одамга мева хайф! Мана қулоқ сол... Шафтолини сийиш учун ҳеч қачон сувда ювма таъми қочади. Олдин туклари сидирилади, сўнг пўсти оҳиста, авайлабгина шилинади... Ие, тупугинг соқолингга тўкилдими?

— Оҳ-оҳ-оҳ! — Қурбон қассоб оғзидан сўлакайи тошганча тэбранди. — Ум-м-м... Иштаҳани ҳам ўчоқ қилиб юбординг-ку, жўражон!

— Ҳовлиқма! — Қулмурод қурумсоқ ҳам икки-уч ютиниб олгач, кўзини юмиб олди. — Шафтолининг пўсти арчилгач, бир тўйиб чуқур нафас оласанда, оғзингта олиб борасан...

— Оҳ-оҳ-оҳ!

— Оғзингта олиб боргач, сёкингина тилинг билан танглайингга босасан... Ўшаңда шарбати сизиб чиқади...

— Воҳ-воҳ-воҳ...

— «Оҳ-воҳ»ламай тургин!... Мен сенга айтсам шафтоли сганингдан сўнг ҳеч қачон ҳом сув ичма...

— Ичмайман! Ичмайман!! — жон ҳолатда бақирди Қурбон қассоб. — Жон жўра, бўлди... Бу ёғига сабрим чидамайди. Томоқ ҳам ўприлиб кетди. Ол, ўша шафтолингни!

Қулмурод қурумсоқнинг юмуқ кўзлари чарақлаб очилди.

— Қанақа... шафтоли?!

— Қанақа бўларди?! — Қурбон қассоб жўрасининг оёқлари орасидаги түгунчага имо қилди. — Анови олиб келган, ярим соатдан буён мақтаётган матоҳингни-да! Қани бу ёққа узатчи...

Қулмурод қурумсоқ тутилинқиради.

— Мен... ҳалиги.. Сен касал бўлсанг... Сени кўргани ул-бул нарса олиб келишган бўлса... Тағин исроф бўлмасин, бирга баҳам кўрамиз деб келгандим... Эҳм, менга қара жўра, ҳув анави, хона буржидаги қоғоз ҳалтангда нима бор?!

Қурбон қассоб ҳамоён «түгунча»дан кўз узмасдан жавоб қайтарди.

— Ҳа-а... Уми? Қотган-қутган нон бўлаклари. Уйдагилар келишса олиб кетишади, товуқ-мовуққа ивитиб беришади. Менга

қара, жўра... Гапни алаҳситма! Анови тугунда нима олиб келгансан, айтасанми ёки...

Қулмурод қурумсоқ ҳафсаласи пир бўлғандек ўрнидан қўзғалди.

— Тугунчада нима бўларди... Бўш банка! Тумбочканг тўлибтошиб, овқатинг ортиб-мортиб ётган бўлса, олиб кетарман десам... Ҳе, яна бу киши оғайнини эмиш. Эпласанг, касал бўлда, баччағар!

Палата эшиги тарақлаб ёпилди. Қурбон қассоб ўзини беҳол сезди...

СОЛДАТ «ОВИ»

(Ҳажсия)

Пиркчилик-тириқчилик... деганлари рост экан. Бўлмаса Шерқўзи гулдай ҳунари — ўқитувчиликни ташлаб «таксичилик»ка ўтармиди! Сабаби маълум. Қуруқ ойлик қисир қўйга ҳам етмайди. Раҳматли отасидан эскироқ бўлсада «Москвич» мосин қолган экан, ишқилиб шу «матоҳ» тириқчиликка яраб турибди. Лекин, кейинги пайтда «Маршрутное»ларнинг болалаб кетгани ишнинг белига тепди. Шўрлик Шерқўзига ўхшаганларга жабр бўлди. Машина эшигини ланг очиб қўйиб, «мижоз пойлаб» ўтириб эснашдан нарига ўтмай қўйди...

Эрининг ранги синиқиб, киссасида шамол ўйнаб қолганини сездими, хотини маслаҳат берди.

— Хўжайнин, ҳозир «солдат ови» мода бўлган. Божангиз, катта опамнинг зри шундай деди. У киши ҳам қирқ йиллик таксистку! Тушуми ёмон эмасмиш. Ҳозир, какраз сезон маҳали. Вокзал покзалга чиқинг-чи... Адабиёт ўқитувчисисиз, худо тил-жағдан берган бўлса! Гавдангиздан ҳам тия ҳуркса... Нима, тўртта таксистнинг орасидан ўзингизни ризқингизни тортиб ололмайсизми?!

Бу жўли фикр Шерқўзига маъқул тушди. «Ушбу дамдир, ўзга дамни дам дема!» деди, «Балогардон» достонидан икки қатор байти хиргойи қилганча, дарҳол вокзалга қараб қичаб жўнади. Бориб қараса, эҳе... ҳақиқатан бекатда ундан бошқа ҳам «хотинидан маслаҳат олганлар» кўпчилик экан! Шерқўзи руҳан тушкунликка тушмади. Ёввойи мушукдек пайт пойлади. Вагондан тушган тўрт-беш солдат болаларнинг иккитасига чанг солди —

енгидан маңкам ушлай олди. Қараса, бошқа таксистлар ҳам кал-хатдек теграсида гирдикалалак бўлишмоқда. Бундан чучидими:

— Укалар! Мошин тайёр... Энагиналаринг интизор, изларингга илҳақ бўлиб кўз ёши тўкиб ўтиргандир. Волидаи мушфиқни куттириш ярамайди. Қани кетдик! — деди-ю, иккала солдатни икки қўлтиғига қисиб жўнади. Қолганлар унга тармашишга жаҳд қилишиб-ю, бироқ «тұя ҳуркадиган» савлатидан чўчишди. Омадни қарангки, солдатлар борадиган манзил бир йўналишда зкан. Дастреб Яккабоғ томонга бурилишди. Солдат болани уйдагила-ри қувонч йиги-сифиси билан кутиб олишиб. Оёгининг пойига аталган қўчқорни ётқизиб бўғизлашди. Турган гап Шерқўзи зиё-фатга қолмади. «Суюнчини каттароқ қилсангиз бўлди!» деди иш-шайиб. Солдат отаси — одмигина кийинган киши «бинойи улим, бинойи... Хўп, хўп!» деди-ю, бир тахлам пулни санамай узатди... Ундан сўнг Чироқчига ўтишди. Лекин, бу сафар Шерқўзининг омади унча чопқиласади. Мезбон чол невараси билан совуққи-на кўришаркан «такси»га қараб ёв қарап қилди.

— Ҳе, энагарди боласи! Автобусда келсанг нима, путинг жир-тилиб қолайдими?! Отанг Чиял бозорга кетган. Келса расчўтла-шади... Сени кўриб келганимизга ҳали икки ой бўлгани жўқ, бу бойвачча... эса мошинда керилиб... Ҳе-е, боди!

Шерқўзининг «Бозорчи ота»ни кутишга фурсати йўқроқ эди. Шу боис бова билан савдолашишга тушиб кетди. Униси у деди, буниси бу деди, ниҳоят чорак соат қўл силташлардан сўнг, суюн-чининг нархи «Бир товуқ, йигирмата тухум...»га бичилди. Маза-хўрак бўлган Шерқўзи эртаси яна барвақтроқ бекатга чиқди. Энди поезднинг қораси кўрингандики, кимдир енгидан тортди. Ўгирилиб қараса тижораттўй қайнонаси — тўрт халта тугун билан иршайиб турибди.

— Вой, меҳрибон күёвгинамдан айланай. Сафардан келишим-ни билган улимдан-да! Қани бағажни очинг, болам... Эртанги бозордан кечикмай!

Шерқўзининг икки кўзи вагонларда — «пашша қўриди».

— Қочинг, хола! Тошкендан катталарим келяпти. «Минтак-ситранс» вазирлигидан! Ие, ана...

Қайнона «вой, каттанг ҳали мендан азиз бўлдими! Қизимга айтиб, терингга сомон тиқмасам!» деганча қолаверди. Шерқўзи

лапанглаганча олдинга интилди. Йүқ, барибир, кечикди. Амалтақал қилиб, зўрга биттагина солдатни тўрига илинтириди.

Тақдирга тан бериб, айтилган манзил — Баҳористон томон жунади. Лекин, бекорга хафа бўлган экан. Э-э, бу дашт одами кўп сахий бўларкан. «Ширбоз» гўшти, қимиз-қатиқча бўккани устига, суюнчига аталган иккитагина қўзиччани «багажга босиб» хуш-хандон ҳолатда уйига қайтди.

Шу тариқа ҳафта ўн кун Шерқўзининг пичоги мой устида силлиқина юрди. Сўнг тўсатдан «солдат болагиналар» кўринмай қолицди. Ўша куни ҳам Шерқўзи анча маҳалгача акация соясида чивин қуриб ўтирди. Бир пайт бундай қараса, перроннинг нариги тарафидан солдат формада, барваста, шоп мўйловли, қулда тугун, бир киши ҳуштак чалганча оҳиста кетиб бораётти.

Шерқўзи икки сакрашда унинг йўлини тўсди.

— Йўл бўлсин, укагинам... Йўғ-е!

Шерқўзи синчилаб назар солса, «солдат бола»нинг ёши ундан каттароқ, устига-устак мўйлови ҳам бор. Шундай бўлса ҳам, у ўзини йўқотиб кўймади.

— Акагинам! Қани мошин тайёр... Физ этиб олиб бориб қўяман!

«Акагина» мўйлов силади.

— Уй яқин эди-ку?! Ҳа, майли... Бирор илтимос қилса, ҳечам йўқ десёлмайман...

Шерқўзи «ковнинг қуруқ бўлмаганилигидан» оғзи қулогида, машина чамбарагини айлантираркан ҳазил оҳангода сўради.

— Акагинам, бу дейман... Роса мижигини чиқазиб хизмат қилиб келаяпсизми, дейман-а?

Яна мўйлов силанди.

— Нимасини айтасиз, ука... Роппа-роса ўттиз йил бўлди шу хизматни бошлаганимизга!

— Ўхў! — Шерқўзининг ҳайрати ошди. — Биз ҳам моряк бўлганмиз, армияда, лекин хизмат уч йилдан ошмаган...

Шу жойга етганда Шерқўзи «солдат амаки»га шубҳа билан тикилди.

— Формангиз ҳам бошқачароқми? Ўзи армия хизматидан келаяпсизми?

Бу сафар ажабланиш «мўйловга» юқди.

— Қанақа армия?! Солдат бўлганимизга йигирма йилдан ошди-ку... Мен ҳозир пожарникман. Ўт ўчириш командасида ишлайман.

Шеркүзининг чамбарак туттан кўллари чангак бўлди, ранги қум ўчди, тили гапга келмади. У шу тобда машинани тўхтатишни ҳам, юргазишни ҳам билмай караҳт ҳолга тушганди...

КУЁВ

О й тўлган паллада, сой бўйида, кўкка термулиб, юлдуз сабаб улфатчилик қилишга нима етсин?! Бироқ гурунг қизиб, кўзни сузиб, сархуш булган маҳалнинг ҳалиги... «Қултимиссин»нинг тугаб қолгани чатоқда!... Ўт-ўлан устида ястанган беш улфат бир-бирларига умидворлик билан тикилиши: «Бундай жўмардлик қайси биримизнинг қўлимиздан келаркин-а?!»

Ниҳоят, Бердиқобил дегани керилганча ўрнидан турди.

— Мен бўлмасам, баринг очдан ўласан, сен баччағарлар! Кутинглар, ярим соатдан сўнг бир сётка ароқ ариқ бўлиб оёқла-ринг тагида оқади...

Кимдир ҳомузга торти, сўнг хоҳламайгина эътироэ билдири-ди.

— Балки етар-а?! Хўроҳ ахир, икки қичқирди. Кейин шаҳар змас, бу бир дашт қиплоқ бўлса...

Бердиқобил ҳуштакни узун олди.

— Нима бўпти?! Ким пишагимни лишт дейди? Шу совкоз директорининг эрка куёви бўлсан! Тушунарлимни? Кутинглар... Идоранинг биқинида Норжон момо деганга шаҳарлик ули «Тижорат дўкон» очиб берган. Ўшанга борсам...

Бердиқобил чайқалганча бориб «Нексия»сини ўт олдирди. ... Дарҳақиқат, Норжон кампирнинг «дўкони» тирқищдан чироқ еф-дуси сизиб туради. Бердиқобил машинадан тушмай устма-устига сигнал босди. Ниҳоят, дўкон даричаси ярим очилиб момо овоз берди.

— Ким у?! Бемаҳалда нима керак сенга?

— Кўрқманг, момошка... Бу менман! Тўрт-беш сўм ишлаб олинг деб келдим.

Норжон кампир қўлини манглайига соябон қилди.

— Танимадим-ку, сени? Кимнинг ули бўласан, деяпман?! Ўзингни таништир. Бўлмаса дарчани ёпаман!

Бердиқобил бир оёғини шошиб ерга кўйди.

— Оббо, момосай... Танимадингизми? Ўзингизни оғайниси, совкоз директорининг куёвиман-ку!

Норжон кампир даричани кенг очди.

— Совхоз директорининг күёви дейсанми? Қайси күёви? — Ҳа-а, ўзи битта қизи борда-а? Унда Улжонини хўжайнин Бердиқовулсан-да сен?! Отангни ҳам яхши танирдим. Раҳматли Эшқошли тракторчи кўп дуруст одам эди.

Бердиқобилнинг аччиғи чиқиб кабинадан иккинчи сёғини ҳам шошиб чиқазди.

— Мия ишлайдими момо! Отамни нега раҳматли дейсиз... Ҳали тирик-ку?

Норжон кампир бир оз жим қолди. Сўнг ярим қоронғида унинг кулгуси эшитилди.

— Мени кечир, ўғлим! Отанг қолиб, қайнотангни отини тутганингга... Энди, қаричиликда неварам!

Бердиқобил жойида тахта бўлиб қотди. Машинага ўтиришга унинг мажоли қолмаганди...

ЛАҚАБ

«Лақаб» деганилари ҳам зулукка ўхшаш ёпишқоқ келаркан... Турсоат отасидан ажралиб, қишлоқнинг нариги чецидаги баланд тепаликда ўзига иморат солди-ю, лақаб орттириди. Қолди:

— Эшиздингларми? Хотинчаси ғинғир-ғинғир қилавергач, Турсоат отасидан рӯзгорини бўлак қилиб чиқиб кетибди!

— Қайси, Турсоат?

— Қайси Турсоат бўларди. Ҳов, анови тепаликда уй солган Турсоат дўнгда!

Шундай қилиб Турсоатнинг ilk лақаби «Дўнг» бўлди. Бу ном унга ёқмади. Аччиғи чиқди. Шу қадар жаҳли жунбушга келдик, бола-чақасини қаватига олиб шундай катта дўнгликни бир ҳафта ичидә «чуқурча» қилиб кўйди. Ўрадан чиққан тупроқ эса иморатни ўраган деворга кетди. Бироқ, бундан Турсоатнинг мушкули осон кечмади. Ҳамқишлоқларни унга янги лақаб тиркашди:

— Бугун гаштак кимникида?

— Кимникида бўларди... Анови тепаликдан ҳовуз ясаган борку... Ҳа-а, ўша Турсоат чуқурникида!

Янги лақаб унга баттар оғир ботди. Дарҳол ишга киришди. Янги қурган оғилхонасини йиқитиб чуқурга солди, ҳовузча тептекис бўлди. Турсоат бопладимми, дегандай манглай терини сидириб енгил тин олди. Бунга ҳам қониқмай елкасига кетмонини кўйиганча пастликка энди. Қоронғиликда ғўнғир-ғўнғир қилиб келишашётган икки нафар ҳамқишлоғининг гал-сўзига қулоқ тутди.

- Қаёқда бунча судрайсан? Кимникига кетаяпмиз ўзи?!
- Кимникига бўларди... Анови, шундай катта чуқурни тўлдирган овсар оғайнимиз бор-ку...
- Ҳа-а... Турсоат текисникига демайсанми!
- Турсоатнинг кетмони елкасидан сиргалиб ерга тушди...

DAPDU IMUDA

Эшмамат Эшбўриевичникига қишлоқдан кўргани опаси келди. Жигарини кўриб, рости, уй эгаси суюнди. Қуюқ-суюқдан сўнг ёлғиз қолишгач опаси гина-кудуратга кўчди.

— Бизлар ҳаммамиз соғ-саломат! Поччанг ҳам, жиянларинг ҳам, қишлоқ ҳам тинч. Шу фақат энам сени соғинган! Жуда ёмон соғинган. Бир йилдан ощи Эшшижонимни кўрмаганимга дейди! Ўзи келаман дейди-ю, оёқ оғриғи қўймайди. Бирровга борсанг бўлмайдими, оғажон?!

«Оғажон» ўзини оқлаған бўлди:

— Шофферимни юбориб турибман-ку! Каникулда келини, болаларим ҳам... Бирон камчилик бўлса, айтинглар?

Опасининг манглайи бодрезак боғлади.

— Сен укагинам, болалигингда бир маротаба зшакнинг устидан йиқилиб тушиб, сал мазанг қочганди... Ҳалиям тузалмабсанда! Шопир, хотининг сенинг ўринингни босса оладими-а?! Мoshининг, мартабанг бўлса! Майли, олтитанинг олди, саккизтанинг саркаси бўлиб юрашер. Лекин, қишлоққаям бориб тур, укажон! Минг қўйли бойдай мошинда керилиб борсанг, биздиям обрўйимиз. Поччангни олдида мени ҳам тилим беш қарич бўлади...

Эшмамат Эшбўриевич бу сафар қизариниради.

— Ҳа, энди гапирасизда, опажон! Куидуз куни иш. Байрам, бозор кунлари минг ташвиш. Каллани қашлашга...

Опасининг жаҳли чиққани сезилди.

— Каллани қашлама, ишлат! Шуям баҳонами? Кечқурунлари нима қиласан? Нима поччантага ўхшаб кечалари қўй боқиб чиқсанми? Ёки, келинга ўсма сиқтириб, ўзинг бола эмизасанми? Тагингда мошин, қаватингда шопир, фир этиб энангни кўриб келсанг мартабанг паса ядими? Ёки, кап-катта одам чурранг тушиб қоладими? Бошқа дардинг бўлса, уни айт укажон?

Эшмат Эшбўриевич каловланди. Оғир ўйга ботди: «Эҳ, дардими дастурхон қилган билан бу қишлоқи опаси тушунармикин?! Кечқурунлари нима иш қиласан эмиш? Ахир, ишдан чарчаб ке-

либ маданий хордиқ олиш учун телевизор муруватини бурайсан-ми... Оҳ-оҳ... Ундан ўғи мазза. Шу телевизорни чиқарғанни отасига минг раҳмат! Ишдан итдай чарчаб келиб, бундай молга ўхшаб чўзилиб дам олишга етадигани йўқ. Газета-китоб бўлмайди, мудроқ бостиради. Айниқса, телевизорда «Дуторчи қизлар» чиқкан кун унинг учун байрам. Уларнинг орасида биттаси бор... Ниҳоятда, кўҳлик! «Биринчи муҳаббат»ини эсга солади, қурмагур! Индийский кинолар берилган кун-ку — ту... Тўғри фильм бошланишида болишини бағрига босиб, ранги қутинг ўтирасан. Лекин барибир, киносини охири яхши тугайди. Бироқ, ростини айтиш керак, шу кейинги вақтларда мексикаликлар ҳинд ҳамкасларини бир чўқишда қочиришашапти. Ҳеч унутмайди, «Бойлар ҳам йиглайди» киноси кетаётганда унинг ўзи ҳам бир йилдан ошиқ ҳикайлаб юргандиёв?! Сўнг яхши кўрган пишагига Роза, ёмон кўрган қўшнисининг қанжигига Сора деб ном таҳагач, бироз кўнгли таскин топганди. «Энангни кўриб кел» змиш! Телевизорда «Чархпалак»ни берган кезларда бу ёқда унинг ўзи энасини кўраёзганди! Ишхонасини солиқлар босди... Бир ёқда текширувчилар ваҳимаси, иккинчи томонда лўли Марямнинг ташвиш-тақдиди... Айб унда змас, кечаги ҳафта энасини кўргани бормоқчиди... Бирдан «Шайтанат»ни қайта қўйиб қолса бўладими! Оббо, соат неччи бўлдийкин-а? Ҳадемай шу кино бошланади. Тугаши билан «Муҳаббат қаҳваси»дан мазза қиласан. Гапнинг очиги шу кунларда у куннинг кеч бўлишига зор. Келган меҳмон ҳам кўзга бемаҳалда чиқкан говмижжадай юракни беҳаловат қиласди. Шундай экан, энаси тугул, отаси тирик бўлганда ҳам кўришга фурсат топа олармиди?! Шанба-бозорни-ку қўяверинг... Кўзни юмишга вақт йўқ. «Ринг қироллари», «Интерспорт», «Олам футболи», «Келин-куёв» шоуси... Оёқ-қўлингни силкитиб, ёки күёвлик дамларингни зслаб шундай томошаларни кўришга нима етсин! Эҳ, дарди ичиди... Куни кеча хабар топди, яқинда тўп тепиш бўйича Европа чемпионати бошланаркан. Албатта, бундай жаҳоншумул воқеаларни телевизорда олиб бериншади-да! Шундай экан, яна икки-уч ойга энасини кўролмайдиган бўлди-да... Буни манави сөрчакак опасига қандай тушунтираса экан?! Тушунармикин-а...

Эшмамат Эшбўриевич оғир сўлиш олди. Бошини кўтарди. Опаси унга ҳамон мўлтираганча тикилиб турарди...

ЛАЙЛАК КЕЛДИ, ЪЗ БҮЛДИ

(«Турфа ёшишмалар» туркумидан)

Терактепа тұман жақындағы
бүлімнің «Қорақүйрүқ» хўжалиғы
худудидеги 13-сон ўрта таълим мак-
табы жамоасидан

ИЛТИМОС ХАТИ

№ 1 5 сенінгі

Қорақүйрүқ қишлоғы

Маълумот учун маълум қиламизки, мактабимиз қутлуг
50 ёшда!

Бирок, таассуфимиз биз бу «ставалтуд»ни тасдиқладыған би-
рор-бир зарурый ҳужжатта зга эмасмиз. Электр симлари эскир-
ганлиги боис (физика фани ўқитувчысы Фармонов фикри), ке-
либ чиққан ёнғин оқибатида узоқ йиллар муқаддам мактаб «ар-
хив»и куйиб күл бўлган. Аммо жонли гувоҳлардан олтмиш ба-
ҳордан «олма терған» отахон, хўжалик боғбони Мичуринбек
Мойлиевнинг шоҳидлик беришича, у ўн ёшлигида мазкур мак-
таб биноси учун гувалак қўйганларнинг олдинги сафида бўлган
экан.

Ўтган тарихан қисқа муддат мобайнида билим масканимиз-
ни қатор раислар, бухгалтерлар, омбор мудирлари, бир шоир,
бир полвон, тўртта чавандоз, беш экстрасенс-табиб, бир неча
«бензинколонка» бошлиқлари, ҳатто қобилиятли қассоблар ети-
шиб чиққанлигидан атбагта, жамоамиз фаҳр туйғусида. Сизлар-
га мурожаат қилишдан мақсад эса асло «юбилей» қайғуси эмас.
Бизни чуқур ташвишга солаётган муаммо, бу қиши фаслига тай-
ёргарлик кўриш масаласидир.

Тўғри, куз ва ўқиши мавсуми эндиғина бошланди. Қиши-қиров-
ли кунларга ҳали иккى-уч ойча бор. Бироқ ушбу хат муаллифла-
ридан бири, адабиёт ўқитувчысы Аллаевнинг айтишича, адаб
Абдулла Каҳдор: «Эргага қичийдиган жойингни, бугун қашлаб
қўй!» деган ажойиб ҳикматни кейинги авлодларга ёзиб қолдир-

ган экан. Қолаверса, мактабимиз төр оралиғи ҳудудида жойлаш-
ғанлыгини ұам әслатиб ўтмоқчимиз. Үндан ұам ташвишлиси,
география ўқытувчиси Гадоевнинг «прогнози»ча бу йили қишиңа үта
қаҳрли, қорға сероб, таъбир жоиз бўлса — яғир эшакни ұам яхла-
тадиган даражада «даҳшатли» келармиш! Бу совуқ мұжда ҳушер
тортишимизни талаб қылади, албаттa. Физкультура фани ўқытув-
чиси, қишлоқ олишувларининг олти марта «солача белбоги» со-
ҳиби Самадовнинг мактаб биноси деворларини тепиб күриб чи-
қарған хulosасига қараганда — таълим масканимиз қишки мав-
сумга тайёр змас. Эллик йил орасида унинг оҳаги ұам, оҳори
ұам тўқилиб бўлибди...

Илтимосимиз, юқорида келтирилган ҳаётний далилларни ино-
батта олган ҳолда, қолаверса, ҳар қандай аёз, изғиринда ұам
үқув машгулотларини юқори савияда ўтказиш, қоровул қария-
миз Қорабоев таъбири билан айтганда — телпак-чопонга бур-
канмасдан, қулоқ-бурунни ишқаламасдан, бурунни тортмасдан
«сабоқ олиш» учун мактабимизга тегишли миқдорда тошкүмир
(топилмаса ўтин) ажратишда кўмак кўрсатишингизни сўраймиз.

Мактаб директори

имзо

Илмий мудир

имзо

Синф раҳбарлари

имзо

Жами 15 имзо.

13-сон ўрта таълим мактаби
жамоасига туман халқ таълими
бўйими «назорат-ишчи гуруҳ»-
дан

БИЛДИРИШ ХАТИ

№ 16 29 сентябр

Тераккепа туман маркази

«Илтимос хати»ингизни олдик. Айни пайтда халқ таълими педагогик жамоаси «Мактаб — жамният кўзгуси» илмий-амалий конференциясига жиддий тайёрланаштганлиги боис хатингизга кечикиб жавоб йуллаётганлигимиздан хижолатдамиш. Аммо «Эзгу ишнинг — кечи йўқ!» Шу сабабдан хатингизга масъулият ҳисси билан ёндашдик. Хусусан, шахсан мудиримиз кўрсатмасидан келиб чиқилган ҳолда маҳсус «Назорат-ишчи гуруҳи» ташкил этилди. Унинг таркибиға эса тажрибали маорифчилар, методистлар-инспекторлар ириттилди.

Кўйида ана шу «гуруҳ» мутахассисларининг хатингиз бўйича чиқарган хулосаси билан танишасиз:

Биринчидан, айтиш лозимки хатнинг «Илтимос...» тариқасида баён этилиши маориф мудиримизни бироз ранжитди. Чунки у кишининг хоналарига кираверишда пештоққа «Ҳаргиз илтимосга кунинг қолмасин!..» деган битик илиб қўйилган. «Ариза», «Мурожаатнома», «Билдиришнома», лоақал «Илтимоснома» шаклида ёзилса педагогик ақидага мос келармиди?

Хатнинг ижобий жиҳатлари ҳам йўқ эмас. Адабиёт ўқитувчisi иштироки таъминланганлиги учун «Таваллуд», «Шоҳид», «Гувалак» каби архаик, «Экстрасенс», «Прогноз» каби замонавий атамалар, шунингдек «оҳори ҳам, оҳаги ҳам тўкилган», «яғир эшакни ҳам яхлатадиган» каби тавзев ва ташбеҳлардан ўринли фойдаланилган. Аммо фольклор бўйича фан номзоди бўлмиш маориф мудиримизнинг таъкидлашича «Ўзинг учун ўл етим», «Сабр қилсанг тўрадан холва битар», «Ёзда ёпинчиғинг ташлама, қишида ўзинг биласан»

сингари мақол, матаł ва афоризимлар ҳам қўлланилганда зди, хатингизнинг таъсирчанлиги янада ошган бўларди. Умуман олганда бундан буён маориф мудиrimiz ҳурмати — хат, мактуб, расмий ҳужжат тайёрлашда, албатта, ёнингизда «Ўзбек ҳалқ мақоллари» китоби муқим турсин! (Ёки бу қўлланма мактаб кутубхонасида йўқми?!)

Хат бўйича муҳим эътиrozимиз, айрим ўринларда «Олтмиш баҳордан олма терган» қабилидаги мавҳум жумлалар ҳам учрайди. Шуни билингки, олма баҳорда «таррак», жавазак, фўра ҳолда бўлади, кузга борибгина ёноқи, қирмизи, «қыл-ҳил» ҳолда пишади.

Хатда, албатта муҳим мавзу ҳатто, айтиш мумкин ҳаётий мавзу) — қаҳратон қишига тайёргарлик кўриш муаммоси кўтарилиган. Хўш, бу борада мактаб педагогик маъмурияти томонидан аниқ дастур ва йўлланма-тадбирлар ишлаб чиқилганми? Ҳолбуки, хатингизда бу ҳақда лом-мим дейилмаган. («Дело»га тиркаш учун дастур нусхаси юборилсин!)

Хат бўйича тавсия ва кўрсатмаларимиз эса қуйидагилардан иборат:

Ҳозир — бозор иқтисоди даври! Аввало, сопини ўзидан чиқариш лозим. Айтмоқчимишки, юз зллик чақиримга хат йўллаб, «кўмак» сўрашдан кўра шундоққина «бурун тагидан» хомий излаш мақсадга мувофиқ эмасми?!

Наҳотки, мактаб ўқувчилари орасида хўжалик мутасадди раҳбарлари, нуфузли ташкилот-корхона бошликлари, бизнесмен-тадбиркорларнинг болалари топилмаса?! (Дарвоқе, ҳудудингизга қўшни — «Қора қалб» кўмир кони директорининг бирор-бир фарзанди сизнинг мактабингизда ўқимайдими?! Бу масала, шахсан маориф мудиrimизни қизиқтирмақда!)

Яна бир тақлифимиз шароитдан келиб чиқиб айрим дарс жадвалларига ўзgartириш киритиш ҳам мумкин. Масалан, дейлик, тана, бош, кўл-оёқ ҳамиша ҳаракатда бўладиган «сабоқ»лар сонини узайтириш лозим. Айтмоқчимишки, меҳнат, жисмоний тарбия, рақс, шунингдек турли тажрибалар ўтказиладиган химия, биология, физика каби дарсларда наҳотки қизишиб олишининг имкони туғилмаса?!

Якуний хulosамиз :са мудиrimизнинг мўътабар фикрлари-дан келиб чиқилса — «Қаловини топсанг, қор ҳам ёнади!» Шундай экан, берилган маслаҳат ва курсатмаларимиз қандай бажарилгани хусусида маълумот бериб борасиз, деган умиддамиз.

P.S. Ҳа, дарвоҷе, «Подадан олдин чанг чиқариб», нотўғри «прогноз» бергани, жамоа ўртасида совуқ ҳабар тарқатгани боис, география муаллими Гадоевга шароитдан келиб чиқилиб, жазо берилсин!

*«Назорат-иичи» гурӯҳи аъзолари
Жами 7 имзо*

Терактепа туман Халқ таълими
бўлимига 13-сон ўрта мактаби пе-
дагогик жамоасидан

МАЪЛУМОТНОМА

№5 18 октябр

Қорақүйрүк қишилоги

Маълумот учун маълум қиласиз. Ҳужалик почтасиси Поч-
чаевнинг айби билан хатингизни кечикиб қўлга киритдик. Бу му-
нофиқ кимса мактубни яшириб келганинг сабабини макта-
бимиз директорига бўлган ўз шахсий ҳусумати билан боғламоқ-
да. Унинг изодича, ўтган йили унинг қайинсинглисига қасдан
«Фахрий ёрлиқ» берилмаган. Бу эса қизнинг мактабни тутатгач,
турмушга чиқиш имконияти (рейтинги)ни чеклаб қўйганмиш!
Шундай қаршиликларга қарамасдан педагогик жамоа «кат»ни
қўлга киритишнинг тезкор чораларини ишлаб чиқди. Изнаниши-
миз бесамара кечмади. Почтачи Поччаевнинг поччаси, педагог
Пардаевнинг жонбозлиги билан «туғилган кун» баҳонасида «мак-
туб ўғриси» маст ҳолга келтирилиб, ниҳоят ундан ўша куниёқ,
мазкур расмий хат — педагогик ҳужжат тортиб олинди. Ушбу
мактаб Кенгашимизда атрофлича таҳлил қилинди. Фикр-муло-
ҳазалар алмасилди. Ҳусусан, адабиёт муаллими Аллаев Халқ
таълимидан келган хат асосида «Маориф мудиримиз — меҳри-
бон фамхўримиз!» мавзусида иншо ёздириш таклифини киритди.
Умуман олганда эса сизлар юборган «Билдириш хати»дан те-
гишли хуласа чиқариб қўйидаги тадбирлар амалга оширилди:

Айни кезда мактаб ўқувчиларининг паҳта терими ҳамда боғ-
дорчилик ишларига жалб этилганингидан фойдаланиб баҳордан
қолган «ягана», «чопиқ» ва ҳозирда тўланиши лозим бўлган «че-
канка» ва «терим» пуллари звазига «бартер» усулида қовун-тар-
вуз, мош-ловия, хас-ҳашак, мева қоқи, ғўзалоя ўтини, тўнка-таппи
каби мол-маҳсулотлар ажратилиши сўралиб ҳўжалик маъмури-
ятига «расмий хат» ташкил қилинди. Ушбу хатнинг ижроси ва
жавобгарлиги ҳўжалик раисининг 10 «а» синифида ўқиётган ўғли,
аълочи Аълоев зиммасига юклатилди;

Ашула муаллими Алибоев таклифи инобатга олиниб қиши
мавсуми олдидан «Совуқ сонатаси» жамғармаси ташкил этил-

ди. Ота-оналардан мазкур жамғармага келиб түшгән маблагұ хисобидан ҳозирча мактаб директори хонасига «Голланд печ», юқори синф ўқувчилари учун «Темир печ», бошланғич синф болакайлари учун эса «Танча» (сандал печ) ўрнатылды;

«Ўзбек халқ мақоллари» китобини топиш борасыдаги топширигингиз илмий мудир Мұміновга (туман марказидаги марказий кутубхонада қизи ишлайды) юклатылды;

Күрсатмадан келиб чиққан ҳолда география муаллими Гадоевга «танбәх» тариқасыда дарс соатлари қисқартырилды;

Хомийлар топиш борасыдаги топширигингизга ҳам яқдиллик билан киришилгән. Хусусан, қайси ўқувчининг ота-онаси ёхуд қариндоши қаерда ва қандай лавозимда ишләшигини аниқлаш, тұла маълумот олиш мақсадыда сүров «кантета»си түлдірилмоқда;

Сүровингизга жағобан маълум қиласызки, «Қора қалб» күмир кони бошлиғининг ягона қызы фарзанди бўлиб, афсуски у бизнинг ҳудуддан ташқарида — вилоят маҳсус мактаб-интернатида таълим оларкан.

P.S. Хулоса ўрнида илтимосимиз... (узр) таклифимиз, аллақачон совуқ бошланғанлиги боис, барибир тошкүмир өқиғиғисига зәтиёж сезмоқдамиз. Бу борада күмак ва янги таклифларингизни кутиб қоламиз.

Мактаб директори

имзо

Синф раҳбари

имзо

Үқитпүвчилар

имзо

Жами 12 имзо.

(Изоҳ: Гадоев «арағлаб», иккى нафар ўқитпүвчи «группа»га чалинганиши сабаб имзолар сони 3 тага камайган).

13-сон мактаб жамоасига туман
Халқ таълими «назорат-ишичи»
гуруҳидан

БИЛДИРИШНОМА

№ 99 10 ноябр

Тераккепа туман маркази

Бу сафар ҳам ҳатингизга кечикиб жавоб йўллаётганимиздан афсусдамиз. Сабаби, «Мактаб: муаммо, изланиш ва ечим!» туман семинар кенгашига тайёргарлик кўриш билан баанд эдик. Бироқ ҳар қандай хат ортида одамлар тақдири ётганлиги бизни бир дақиқага бўлса-да ёдимиздан кўтарилганча йўқ. Шу боис бу гал ҳам «маълумотнома»нгиз ишчи-гуруҳимиз томонидан, шахсан маориф мудиришимиз бошчилигига атрофлича ўрганилиб, таҳлил қилиб чиқилди. Аввало, бизни (биринчи ўринда мудиришимизни) мамнун қилган «маълумот» бу — маслаҳат ва қўрсатмаларимизга амал қилган ҳолда иш юритаётганингиздир! Хусусан, танча (сандал-печ) борасидаги ташаббусингизни қўллаб-куватлаймиз. Умуман олганда бу «янгилик» — қолган мактаб ҳатто боғча-яслиларда ҳам кенг жорий қилинса айни муддао бўлармиди?! Шу хусусда яна бир таклиф-ихтирони ўртага ташламоқчимиш. Қани, айтинглар-чи «Оғзи қаро-аломат, ичи қизил-қиёмат, буни топинг, дилбарим!» Хуш-ш, жавоби нима? Албатта — тандир! (Агар сизларда «Ўзбек халқ мақоллари» бўлганда эди, ана шундай афоризмлардан кенг фойдаланиш имкони туғиларди). Айтмоқчи бўлганимиз, катта синфхоналар (фақат лаборатория ва омборларда мумкин эмас), ҳатто мажлис залларида танчага ҳамоҳанг ҳолатда тандирлар ҳам ўрнатилса, бир томондан бозиллаган олов тафтида болакайлар бемалол ўқув машғулоти билан машғул бўлишар, иккинчи томондан ҳовури кўкка ўрланган нон, патир, сомса... дегандай! Тасаввур қилишнинг ўзиёқ танага иссиқ ҳарорат бағишламаяптими?!

Адабиёт муаллими Аллаев, ашула муаллими Алибоев ҳамда хўжалик раиси фарзанди, аълочи Аълоевнинг қиши мавсумини муносаб кутиб олиш борасидаги жонбозликлари, қилаётган хизматлари бизни (ва мудиришимизни) беҳад мамнун қилди. Уларга миннатдорчилигимизни етказган ҳолда, айни пайтда қилмишига

яраша жазо олған географ Гадоевнинг хатти-ҳаракатлари қатъий назоратта олинишини сўраймиз. (Тағин, у юқори раҳбариятга «шикоят хати» йўллап пайда юрган бўлмасин!)

«Бола йиғламаса — онаси кўкрак бермайди». Шу мақолга амал қилган ҳолда ўқувчиларнинг ота-оналари, ташкилот раҳбарлари билан бошлаган самарали ҳамкорлигини янада «мазмунироқ» давом этказишингизни талаб қиласиз. Ҳа, дарвоҷе, мош-ловия қишида иссиқлик тариқасида тарқатилишига қаршилигимиз йўқ. Бироқ изғирин-аёз изиллаб турганда болаларга қовун-тарвуз беришни тавсия қилолмаймиз. Чунки ҳадеб ташқарига чопиб чиқаверса ёш бола тугул, катта ёшдагилар ҳам шамоллаб-нетиб қолишлари мумкин!

Тошкўмир ёқилғиси борасидаги муаммони яна кун тартибига қўйиб, кўмак сўрабсанзлар. Тошдан қаттиқ, ҳаммаёқни қора зулматта бўёвчи бу топилмас «санқонинг уруғи»ни бошга урасизларми?! Ҳа, ана «таппи-тезак»... вадда қилинибди-ку! Ҳа, хўп ёнгандан синфхона сасиб кетади десанглар, маслаҳатимиз галмагал исириқни ҳам қўшиб тутатинглар. Бир йўла гриппнинг ҳам одди олинади...

Хўш, бизга яна қандай талаб ва таклифлар бор? Бемалол хатмактуб орқали мурожаат қилишларингиз мумкин.

P.S. Маориф мудириимизни яна бир мұхим «масала» қизиқтиromoқда. У ҳам бўлса нега мактабингиз шу пайтгача бирор-бир номдор кишининг исм-шарифи билан номланмаган? Ёки, қишлоғингиздан иуфузлироқ одам чиқмаганми? Агар шундай бўлса, марҳамат, маориф мудириимизнинг йигирма беш йил муқаддам қазо қилган падари бузрукворларининг исмини қўйишларингиз мумкин. Тағин, кўнглинигизга бошқа фикр келмасин, айтмоқчимизки, мудириимиз таъқидича «13» сони кўп ноҳуш ҳолларни келтириб чиқарармиш! Бу ҳақда аниқ маълумот берасиз, деган умиддамиз.

«Назорат-ишичи» гуруҳи
Жами 7 имзо.

Тоштерак туман Ҳалқ таълими
бўлими «назорат-иши» гуруҳига
13-сон мактаб жамоасидая

МАЪЛУМОТНОМА

№ 7 5 марта

Қорақуйруқ қишлоғи

Маълумот учун маълум қиласизки, уч ойдан ошиқ мобайнида қор, бўрон ва кўчки билан курашмоқдамиз! Довоини қор босиб транспорт ва одам қатнови тўхтатилганига ҳам анча муддат бўлди. Шу боис «Билдиришнома»нгизга ўз фурсатида жавоб ёиш имкониятидан маҳрум бўлдик. Мана ниҳоят, баҳор тафти бироз бўлса-да, сизилиб қолди. Кўрсатмаларингиздан келиб чиқсан ҳолда ўз муддатида хўжалик маъмуриятидан «ундирган» гўзапоя ўтини, тўника, тезак, таппи, чалма, қуритиб олинган шоҳ-шаббалар жонимизга аро кирди. Бошқа ҳомийлар кўмаги ҳам чакки бўлмади. Ҳусусан, мактабимизда олти фарзаанди таълим оладиган (икки нафар боласи иккинчи хотинидан) хўжалик омбор муддири Овлаевнинг саҳовати ҳар қанча таҳсинга лойиқ бўлди. Бу муруватпеша инсон хўжалик омборидан «списат» қилинган, салкуя ва заха еган бўлсада олти дона «телогрейка», тўққиз дона телпак (бештаси қуён терисидан, қолгани қоракўли), ўн жуфт кирзавой этик, 20 дона простиине-чойшаб (пайтава учун), ўн беш дона одеяло (ўртаси тешилиб, елкага ташланса тайёр «поли-пальто» бўларкан), шунингдек, қурилиш юмушларида ишлатиладиган ўттиз жуфт брезент кўлқоп ҳадя қилди. Яна бир ҳомий-хўжалик раисининг маданий ишлари бўйича муовини Маллаев ташаббуси билан қишлоқ тўйларида мактабимиз ўқитувчи ва ўқувчилари учун алоҳида зиёфат дастурхони тузатиш ҳам анъана тусини олган. Кўрсатмангиздан келиб чиқсан ҳолда «Ўзбек ҳалқ мақоллари» ниҳоят топиб келинди! Китобнинг 3,13,33 ва ҳоказо саҳифалари йиртиб олинган бўлсада, ўқитувчиларимиз ҳозирда мамнуният билан ўқиб-ўрганмоқдалар.

Муаммоларимиздан муҳимроғи, қиши қаттиқ келганидан қувонган географ Гадоев «башоратим тўғри чиқди!» дебе кариллаб юрибди. Шу боис дарс соатларини қайтариб беришга мажбур бўлдик. Бироқ, у «ойлигимни ҳам оширасанлар!» деган та-

лабни ҳам қўймоқда. Бу ҳақда сизлар яъни — бошланғич ташкилот маслаҳатига муҳтоjmиз.

Мактабимизга ҳурматли маориф мудири мизнинг раҳматли отасининг отини бериш имкониятига чамамда... эга змасмиз. Сабаби, шикоят хатлари ёзиш бўйича туманда ном қозонган тарих муаллими Тархашев ҳозирда нафақада бўлсада таълим масканимизга тез-тез ташриф буюриб туради. Унинг талабига кўра «Қачонки қазоси етиб ўлса, тарихда ном қолдириш учун Тархашевнинг номи мактабга берилиши шарт эмиш! Акс ҳолда «талабгор тарихчи» узоқ муддат танаффусдан сўнг яна «шикоят хати», «арзнома»лар жабҳасида ижод машғулотларига муккасидан кетаркан... Шу боис узримизни тўғри тушунган ҳолда қабул қиласизлар деган умиддамиз!

P.S. Математика муаллими Марқасевнинг «қисоб-китоби»га кўра мактабда ўтии захираси тугаш арафасида (афсус, зўр тўнкалар, тандирбоп тарашалар зовучимиз Зиёдовнинг «худойи оши»да қозон тагига киритилиб, қайтиб чиқмади!) Географ Гадоев аразлагани сабаб, биолог Боқиев «башорати» қиши мавсуми тоғли ҳудудимида ҳали яна бир-икки ойча чўзиларкан...

Шу боис, яна тошкўмир ёқилғисида... Хуллас, сизлардан янгича таклиф, кўрсатма ва кўмак кутиб қоламиз.

Мактаб директори _____
имзо

Синф раҳбарлари _____
имзо

Жами 5 имзо.

(Изоҳ: Имзо чекувчилар сониншиг кескин камайганлиги сабаби Гадоев аразли, илмий мудир — таътилида, иккى аёл педагог «декрет»да, қолганлар қаттиқ групп...)

13-сөй мактаб педагогик жа-
моасыга туман Халқ таълими
бўлими «назорат-ишич гуруҳи»-
дан

ТАБРИКНОМА

№ 108 28 май

Тераккепна шаҳри

Бардошингизга балли, биродарлар! «Қозиқ устида қор тур-
мас» деганлариdek илимилиқ кунларга ҳам эсон-омон етиб кел-
ганилигингиз билан (шахсан маориф мудиришимиз номидан) қизғин
табриклаймиз! Афсус, қатор аңкуманлар, кенгашлар, катта-ки-
чик йигилишлар туфайли бирозга бўлса-да ўртадаги «ёзишмала-
римиз» узилиб қолди. Аммо нима бўлсада сизлар қиши мавсуми-
ни муносиб кутиб олиш борасида бой тажриба мактабини ўта-
дингизлар. Ҳа, муҳтарам ҳамкаслар! Қийинчиликлар энди орт-
да қолди. Бу ёғи энди «Лайлак келди, ёз бўлди..!» Ҳадемай таъ-
тил дамлари, саратон ташвишлари бошланади. Биз эса «Мактаб
ва ҳаёт!» семинар-кенгашига тайёргарлик қўришимиз лозим!
Шундай экан, сизлардан илтимос ва талабимиз кейинги мактаб
мавсумига қадар ҳар қандай ёзишмаларни тўхтатиб турсангиз-
лар...

*Сизларга педагогик салом билан:
Туман Халқ таълими бўлими мудири
ва «назорат-ишич гуруҳи» аъзолари*

P.S. Шундай шодиёна дамларда кўнгли ўксик географ Гадо-
евга бизнинг узримизни етказиш ҳам сўралади. Ундан сўранг-
ларчи бу йилги ёзги ҳарорат қандай бўлади ва «қон босими»га
таъсири (маориф мудириимизнинг «давленияси» безовта қилмоқ-
да) хавфли эмасми? Хат-хабарларда «кўришгунча».. хайр!

ҚУЛМУРОД ҚУРУМСОҚ ХАЙТОМАЛАРИ

I. ТАНИШУВ

Қорақурумлик Қулмуроднинг соқи-сумбати суқ киргудек: баркашдек бет, белдаста бўйин, пахса елкали, қорувли қорин, кетмон палла оёқлар...

Аммо тан олмоқ керак, феъл-атворлари савлатига нисбатан бироз «қўримсиэроғ»: олган омонатини згасига қайтаришда орятсиз овсар, ўзидан қарз сўралса ҳамиша кўру кар. Оч маҳалда ошқозони «қўшнай», текин томоқ учраганда иштача карнай. Мендорчилликда ўтиргандага ўзгаларга сахий ва меҳрлари мўл-кўл, рўзгорида қозон қайнатишга келганда ўтиналари ҳўл...

Қишлоқ подачиси Қулмуроднинг кўчасидан ўтмай қўйганига анча бўлган. Сабаби, уй згаси яримта қотган нон берib, зазига подачининг оши-ҳалолидан бир коса-ярим коса ундириб олишидан бояқиш безор бўлган.

Қорамол боқишини Қулмурод унча иқи сўймайди. Бироқ, ён қўшниси Бегали «полиз бригад» бўлган кезларида, унинг ҳовлисидан ҳам узун-қисқа сигир мўъраши эшитилиб қолганди.

Сирасини айтганды, тан олиш лозим Қулмурод бир маротаба сахийлик қилишга — яқин жўрасининг тўйида ўйинчига пул қистиришга мажбур бўлган. Аммо ўшанда ҳам ютуқ чиқмаган лотеря чиптасини йирикроқ сўлкавойга алмаштириб олганди холос...

Ана шу феъл-хўйлари боис, ҳамқишлоқлари уни ўзларига яқин олиб орқаворотдан унга «хасис» деган бемазароқ лақабни тиркашган. Келинг, биз уни ўзини бўлмаса-да, лоақал соқи сумбатини эътиборга олиб «қурумсоқ» дей атаяй қолайлик.

Юқоридаги таърифу ташбеҳларимизни «ғийбат» дей қабул қилмасликларингиз боис Қулмурод қурумсоқнинг ҳаётидан олинган айрим лавҳаларни ҳикоя қилиб, унинг «қулоғини қиздириши»ни лозим топдик.

Кулгиси сизга, қалам ҳақи эса... мабодо, эшитиб қолса, албатта, Қулмурод қурумсоққа!

2. ЧОРАСИННИ ТОПДИ

Саратоннинг тафтида сариёғдек эрийдиган пайтлар. Қулмурод қурумсоқ биққилигидан базур нафас олаётган бўлсада,

қайрағочнинг соясига пўстак ташлаб, нафсиға таскин бериш мақсадида, даладан олиб келган маккажӯхори сўтасини ситиб, донасини капалаб ўтиради. Тўсатдан тапна томоққа таом ҳиди урилди. Қурумсоқ бошини илкис кўтариб қараса хотини Бибинор катта карсон косани кўтариб келаяпти:

— Мони... шўрва! Бегали ҳамсоянгиз сизга илинди! Бешик тўйидан тугунча деб... Мен ҳозир қотган нон обчиқай. Иssiққи насида ича қолинг.

Қурумсоқнинг баркаш бети офтоб шуъласи тушгандек ёришиб кетди, оғзи қулоги билан ўпишганча бодринг нусха бурни коса устига эгилди.

— Оҳ-оҳ-оҳ! Бувнор, бу ҳамсоя Бегали қурғур қўй боқиши биладида-а?! Шўрванинг бетидаги ёгини кўраяпсанми? Ўҳӯ, қара, бармоғимнинг иккинчи бўгинигача ботди-я! Йўқ, бу овқатни шундай ичиш гуноҳ. Хотин, бор, каттароқ пиёла обчиқ! Шўрвани совутиб, ёғи тўнглагандан кейин идишга йигиб оламиз...

Бибинор опа «маъқул» дегандай бош иргаб, ичкарига йўл олди. Қулмурод қурумсоқ эса тиззаларига кафт тираб, косага термулганча таомнинг тўнглашини кута бошлади. Шу аснода қайрағочнинг тепа томонидан шоҳларнинг шатир-шутури-ю, «ваф-ғ-вуг-ғ!» деган товуш эшитилди. Лаҳза ўтмай, жунлари ҳурпайган бир жонивор учнб келиб шалоплаганча косага тушди. Ён-атрофга суюқлик сачради. Қулмурод қурумсоқ эт-бети куйган бўлса-да, ўзини йўқотиб қўймади. Илкис ҳаракат қилиб шартта маҳлукнинг гирибонидан тутди. Сўнг срға тоблаб уриш учун «жундор жонивор»ни азот кўтараркан, аламидан қаттиқ сўқинди.

— Ҳе, бемаҳалда мов бўлган сендай пишакни! Эрсирамай ўл, ризқимни қийиб... Ие, бу нимаси?!

Шу аснода қурумсоқ шўрва ёғи мушук жунида ялтираётганини англаб қолганди. Бу ҳолдан унинг эси оғиб, ҳаволанаётган кўли жойида қотди. Бироз гангигб тургач, сўнг кўзини чирт юмди. Мушукни ҳафсала билан обдан ялаб... қўйиб юборди.

3. ТЎЙ КЎЧИРИЛДИ

Қулмурод қурумсоқнинг катта фарзанди Элмурод Қорақурум қишлоғидан анча олис... Қарши шаҳрида олий даргоҳда ўқийди. Қурумсоқнинг ўғлидан кўнгли тўқ. Бонси, пухта-пи-

шиқлиги худди ўзи! Ҳар ҳолда, мана түрт йилдан ошиқки, отаси-ни безовта қилмай, яни, пул-мул сўрамай, ярим кун сабоқда, ярим кун «Янги бозор»дан тирикчилигини бинойидай ўтказиб юрибди. Бу ўринда Қулмурод қурумсоқнинг бирдан-бир ташвиши ўғлининг «келажагидан» ҳавотирдалиги! Тўғрида, пухта-пишиқ боланинг харидори ҳамиша кўп бўлади. Шаҳар жой бўлса?! Боши очиқ қиз-жувондан бирининг нози-карашмасига учиб, бегона жойда «ичкуёв-иткуёв» бўлиб қолиб кетса нима бўлади?! Бундан ортиқ кўргилик борми?

Қурумсоқ эса эрта қичийдиган жойини бугун қашлаб қўядиган тоифасидан. Ана шу боис, ҳалитдан эҳтимоли бор «хавф»-нинг олдини олиш пайига тушди. Аёли билан елиб-югуриб, бошқа қизнинг сувратини кўрсатиб бўлса-да, ўғлига обрўлироқ хонадондан нон ушатиб қўйишиди. Катта тўй эса, икки томоннинг ўзаро келишувига мувофиқ куёвнинг «диплом ювдиси» билан қўшиб ўтказиладиган бўлди. Аммо, унгача ҳали бир қовун пишиғича фурсат бор. Турган гап, шу лаҳзадан бошлаб қурумсоқнинг кўзидан уйқу қочди:

«Эй-й, ҳозирда тўй қилишнинг ўзи бўларканми?! Ҳай, келганлар, ароқ ичмаса «бармотуха» ичишар, мева-чева деганинг колхоз боғидан чиқар... Лекия, гўшти-чи?! Ахир, тўйнинг масаллиғига... Шошма, ҳозир айни баҳор фасли. Кеч кузгача иккита бундайроқ совлиқни арzon гаровга олиб, ўт-пўт бериб боқса тўй маҳалигача бўрдоқига айланиб қолар-ов! Қурумсоқ шу ниятда соғтишини суғургандек қилиб бўлсада, бир жуфтгина тиррақи қўй олди. Ўйлагани тўғри чиқди. Ой ўтар-ўтмас жониворлар этга кириб қолди.

... Ўша тонгда ҳам Қулмурод қурумсоқ ҳар кунги одатича совлиқларини сой томонга ҳайдади. Ширин-шакар хаёлларга ғарқ бўлган кўйи кўйларини қирма-қир ўрлатганча жилдиратиб боқди. Чошгоҳга яқинлашганда эса очиққанидан қорни қулдиррагач, жовдираганча ён-атрофга термулди. Кўрдики, сал нарида тутзор. Меваси қонталаш ҳолда қизариб-пишиб ер билан битта бўлиб тўкилиб ётибди. Қурумсоқ нафсини жиловлолмай қолди. Оғзи сув очганча ёш боладек диканглаб тутзор томон чопқиллади. Кўйлар ҳам анои змаскан. Бебошвоқ қолишганини сезишгач, анчадан бўён «кўз остига олиб қўйишганми», яқинроқдаги яшнаб турган йўнғичқазорга ўзларини уришди.

Қулмурод қурумсоқ тутзордан кекириб, қорнини силаб чиқса, күрдикі, қўйлари ҳам шиширилган пұфакдек тап-таранг, дамлаб, оғи осмондан бўлиб ётишибди. Қурумсоқнинг ҳуши бошидан учди. «Дод» деганча беихтиёр белбоғидаги пичоққа тармашди. Хайрият-ки, улгурди. Иккала совлиқни ҳам сўйиб саранжомлагач, манглайида ажин ўрнига пайдо бўлган муздек терни сидирди:

— Бу ёғига энди нима қилди?! Қандай қилиб улов топади-ю, қандай қилиб бу матоҳни гузарга злтиб сотади? Соттандаям тирақи қўйнинг гўштидан ҳамён тўлармиди? Сув текинга кетиши тайин... Оббо, бу ёғи расво... Шошма!

Қурумсоқ миясига келган фикрдан чеҳраси ёришди. Йўнгичқаэорнинг ўргасида тик турган кўйи, бор овозда бақиришга тутинди:

— Ҳой, хотин! Кенжা ўғил Дилемуродни топ... Биринг раисга чоп, биринг оқсоқолларга! Қаршибой тогангта айт, Қаршига сим қоқсин. Элмурод тез етиб келсин! Ҳалойиқ, эшитмадим деманглар, катта ўғил Элмуроднинг уйланиш тўйи шу бугун!..

Қурумсоқнинг айттани бўлди — тўй ўша кун ўтказилди. Эслада қоладигани, сал бўлмаса күевнинг ўзи тўйидан қолиб кетаёзди.

4. ИТИНИГ УЛУШИ

Қорақурум улусининг тўй-маъракаси Овлиёкул ошпазнинг хизматисиз ўтмайди. Нафси ламбирини айттганда, ошпаз нонини ҳалоллаб ейди. Айримларга ўхшаб, «касбимиз фақат капир айлантириш» деб қўл қовуштириб ўтирмайди. Сабзиям тўғрайвс ради, қозон-ўчоқниям ўзи қазиб, ўзи ўрнатади. Қолаверса ўтин ёришниям қойил қиласди...

Овлиёкул ошпазнинг ғалати «хобби»си бор, у ҳам бўлса ит боқиш.

Эҳтимолки, унинг бу хислати қасбу корига боғлиқдир. Нега десангиз, тўй-ҳашам, сайил-маъракадан чиқадиган суюкларнинг биринчи галдаги эгаси — ошпаз бўлади-да!

Аммо мана бир ҳафтадан ошиқдирки, ошпазнинг дилида ғашлик, кўнгли қозоннинг кетидек қора, ичига чироқ тугул, катта-кон тўнкани ёриб ёқса ҳам ёришмайди. Ҳаммасига сабаб, ўзини «сен»лаб, уни «сиз» атаб юрган Олапар номли итининг бедарак йўқолганилиги... Кучук жонивор кўримсизроқ бўлгандаям ошпаз-

га алам құлмасди. Чайнагани ёғлиқ сүяқ, егани ичак-қорин бұлғандан кейин ҳар кандай махлуқнинг чүчқадан фарқи қолмаскан. Бироқ, шундай сүлоқмөнлиги устига чаққонгина зди. «Ол!» деса, «ола қопни» олиб қочарди. Башқаларнинг ити күчага бир бурда ион илинжида чиқса, ошпазнинг Олапари эса ҳазми таом учун, туни билан изгиб, күча-күйдан «Бир парчағи штми», «бир бўлак арматурами», лоақал иккита занглаған михми то-пиб, хонадонига таширди. Эҳтимол, маҳобатдир, лекин айтишларича, ошпазнинг қўшқаватли, хўроz карнайли иморатини қал кўтаришига Олапар ҳам ўз «улуши»ни қўшган дейишади. Суқ кирдими, кўз тегдими, хуллас, ана шу бебаҳо ит тўсатдан беиз йўқолди. Ошпаз Олапарини кўп излатди. Фолбин ҳам, ромчи ҳам, экстрасенс ҳам қолмади... Бирови: «Шаҳардан маёвкага келган бизнесменлар бозорга чиқариб пуллаш учун итни ўмарашган», бошқаси эса: «Йўқ, жониворгина семиз — тайёр бир халта гўшт бўлғанлиги сабаб, ҳар йили келиб колхоз даласига пиёз экадиганларнинг қозонига тушгандир-ов!» деган, турли қабилдаги, бир-биридан хунук хабарлардан огоҳ этишди, холос. Аммо нима бўлғандайм бу таҳминларнинг нафи бўлмади, қайтага шундай хушчакчақ ошпазнинг тилдан қолгани кўпчиликка таъсир қилди. Фақат «ит-кучук»дан гал очсангиз чеҳраси ёришади, қолган маҳалда бамисоли гунг-соқов...

Колхоз ҳосилотининг «қиз чиқарди»сида ҳам Овлиёкул ошпаз ўйин-кулги, даранг-дурунглардан бепарво тарзда ғам-андуҳга ботган кўйи кул титкиларди. Шу аснода биқин тарафида кимнингдир бурун тортаётганини англаб қолди. Бошини кўтариб қараса — Қулмурод қурумсоқ тоғорадай товоқни тутганча тиржайиб турибди.

— Ҳм-м?! — деди ошпазнинг тутуни чиқиб. — Нега оч қолган тозидай думингни ликиллатаяпсан? Эл қатори единг, бўлди-да! Уйга беришга ош йўқ!

Қурумсоқ танглайнини тақиллатди.

— Т-т-э! Ошинг керакмас, менга суждан сол... Кучугимга!

Ошпазнинг ғамдан қорайтган юзига олов шуъласи тушгандек бўлди.

— Кучугимга?! Э-э, ҳали ит ҳам боқаяпсанми? Вой, уккағарди улияй! Ўзиям кўппак дейсанми? Баракалла! Қани косангни тутчи... Жўражон, мен сенга айтсам, ит вафо, хотин ҳалиги...

— Биламан, биламан! — қурумсоқ ияк силтаб тамшанди. — Сен сүякни иликлисидан сол. Иннайкейин, сал-пал гүшт-пүшт ҳам ёпишганидан... хўп, мен кетдим.

— Кўппагингга салом айтиб қўй! — ошпазнинг хўрлиги келиб киприкларида ёш йилтиради. — Фурсат бўлса бир кургани ўтарман, сүяк-пуюқдан тугунча қилиб...

Тўй тугаб, Овлиёкул ошпаз уйи томон йўл оларкан, хаёли яна Кулмурод қурумсоқча оғди:

— Кесақдан ўт чиқибдида-а?! Шу хасисни ит боқади деб сира-сира ўйламагандим. Ўзиям «кўппак» дейдими?! Бир кўриш керакмиди? Эҳтимол, менинг Олапаримга ўхшар! Ие, қўлимда қўш тугун бўлса, бошқа маҳал деб юраманми... Йўл усти, ҳозир кириб кўриб ўтаман!

Ошпаз шу ниятда остона ҳатларкан, даҳлиизда қурумсоқнинг кенжаси Дилмуродга рўбарў келди.

— Отанг уйдами, полвон?

«Полвон» келгувчининг қўлидаги тугунчаларга суқланиб боқаркан, хушнуд оҳангда жавоб берди.

— Бугун байрам эканда-а, ошпаз тоға? Ўтаверинг, отам супада сизни кутиб ўтирибдилар...

Ошпаз ичкарига тўрт-беш одим ошаркан, ғалати «манзара»-га кўзи тушди. Қурумсоқ супада чордона қуриб ўтириб олганча, ҳали ўзи «тўлдириб берган тоғора товоқ»қа энгашган кўйи ҳафсала билан сўнгак кемираради.

Ошпаз кўзи олма териб атрофга аланглади.

— Ие, иттачи? Қулмурод, кўппагинг қани?!?

Қурумсоқ ёғ юқи бармоқларини шилпиллатиб шимаркан, ниягини чўзиб кекирди, сўнг кўкрагига нуқиди.

— Мана ит! Қарачи, қайси кўппакдан камман?! Энди жўра хафа бўлиш йўқ. Тирикчилик! Тушундингми? Тирикчилик, бу — тирикчилик. Сен итингга қанчалик аза очсанг, мен қорним учун шунчалик қайғураман! Эҳ, қўлингда капир ош тўла қозон устидага чарх уриб, пичоғинг ёғ кесаркан, сен бемаза тирикчиликнинг маза-матрисини тушунармидинг?! Энди ошна, Олапаринг топилгунга қадар сўнгак-сүякларни бировга бегона қилмай турасанда-а?!

Ошпазнинг қўлидаги қўш тугун ерга тушди. Шиқирлашига қараганда, афтидан сүяк мўл эди...

5. УЧ НҮҚТА

Ниҳоят, Қулмурод қурумсоқнинг «супрақоқдиси» Дилмурод-ни ҳам ҳарбий хизматтага оладиган бўлишди. Сафар олдидан ота ўғлини бир четта тортди.

— Аниқладим... анови Самарқанд толвининг нариёғи, водий томонга тушайкансан. Менга қара, тағин яқин жойакан деб, ҳуда-бехудага хат ёзиб, мениям, энангниям, Элмурод акангниям безовта қилма. Менчи Владивостокдай, дунёнинг нариги чеккасида хизмат қилган бўлсам ҳам, ҳалиги... пул-мул сўраб бовангниям-момонгниям кўп гаранг қилмаганман! Тушундингми? Сенам, мендай ота ули бўгин, улим...

— Хўп! — Дилмурод отасига таскин-тасалли бериш учун анчадан бўён кўнглида туғиб юрган ниятини ошкор этди. — Энди, пахан, гап шундай! Арқонинг узуни, гапнинг калтаси яхши, деб ўзингиз ўргатгансиз. Ана шу тиллога тенг маслаҳатингиздан келиб чиқиб, мен ҳуда-бехудага қофоз қоралаб, кўзимнинг нурини бекордан-бекорга сарфлаб ётмайман. Ҳуллас, хат юборганимда конвертнинг ичини очиб секин... қарайсиз...

— Секин-а?! — ҳовлиқиб қолди қурумсоқ. — Хўш, хўш... Конвертнинг ичига бирор нарса солиб а?

— Йўғ-е, — бош чайқади ўғил. — Конвертнинг ичидаги бир парча қофоз бўлади, холос. Агар, ўша қофозда бор-йўғи битта нуқта қўйган бўлсам, демак, димогим чоғ, вақтим хуш, соғ-саломат юрган чиқаман. Агар нуқта иккита бўлса... Унда солдатчилик ота! Эҳм, пул-мулга зориқаним деб тушунинглар... Мабодо, ўша бир парча қофозда учта нуқта бўлса... Билингки, соғлиғим ёмон, аҳволим танг! Дарҳол, акам Элмурод билан сафар жабдугини тайёрлайсиз. Ҳа, хатимнинг мазмуни шундай бўлишидан момашкани ҳам билдириб қўйинг!

Қурумсоқ кенжаси пухталикда ўзиниям аро йўлда қолдираётганини сезиб, ичидаги тан берса-да, аммо ташида қовоғ уйганча, панд-насиҳат беришни лозим топди.

— Бор-йўғи... Нуқта қўйман дейсанми? Ҳим-м, қофозни исроф қилмаслигинг яхши. Бироқ, сезиб турибман сен боланинг ҳийласини. Хат қилиб ёзсан, бирор-миров айниқса, анови «қўз остига олиб қўйганинг» — Бегали ҳамсоянинг қизини қўлига тушиб қолса, чаласаводлигимни билиб қолади деб, хавотирланаяпсан! Топдимми? Майли, майли... Ишқилиб, тежамкор бўлгин. Иложи бўлса, нуқтани то хизматнинг тугагунча биттадан оширма, хўпми?

Билиб қўй, нуқтант иккита бўлса «инфаркт», учта қўйсанг «отамлаб» қолишинг ҳеч гапмас, улим! Эсингдан чиқармайсан-а?!

Дилмурод панжаларини жуфтлаштириб тап-тақир бошига теккизib «чест» берди.

— Ҳаракат қиласман, ота!

... Ўғил шу тариқа ҳарбийга жўнаб кетди. Қурумсоқнинг эса эндиги туриш-турмуши, ҳовлига кирар-кирмас сўрайдиган сўроғи яккаш шундан иборат бўлди:

— Бувнор, улингдан хат борми?

— Бор!

— Ўқидингми? Хўш, нечта нуқта қўйибди, солдат?

— Битта...

— Баракалла, ота ули! Э-э, хайрият-э!

Хизмат шу тарзда давом этаверди. Аммо кунлардан бир кун... Қулмурод қурумсоқ уйига қайтса аёли остонаяда кўзёши тўкиб ўтирибди.

— Ҳа-ҳа, тинчликми? — ҳовлиқиб сўради эр. — Нима, яна товуқ-мовуқ йўқолдими?

— Э-э... Саллотингиздан хат келди! — ҳиқиллади аёли — Жигит ўлмагур, бу сафар хатида учта нуқта қўйибди!

— Воҳ! — юрагини чангаллади ота — Яхшилаб қарадингми, ҳеч бўлмаса иккитадир?! Қани ўша матоҳ...

Қурумсоқ хатни хотинидан юлқиб олиб кўз юргутирди: «Ҳамм... Ҳақиқатан бу сафар учта нуқта! Тағин, иккитаси майдা, учинчиси эса семиз, йўғонроқ... Оббо, энди нима қилди?! Тезда Элмуродни топиш керак...

...Катта ўғил босиқлик билан солдат укасидан келган «мактуб»ни қўёшга тутиб, синчковлик билан айлантириб кўраркан, хуштагини узун қилиб чалди.

— Ваҳима қиласиз-да, ота! Хатда нуқта иккита... Учинчиси қаранг, ана йўғон ёйилиб кетгани сиёҳнинг томгани. Ҳа-ҳа, аниқ биламан. Чунки, укам ручкасининг ранги қолмайверса, тежаш учун силкитиб-силкитиб ёзарди. Шунинг учун...

Қурумсоқнинг кўнгли жойига тушди. Бироқ, қовоқ тумтайиши очилмади. Аламини катта ўғлидан олди.

— Бу уканг одам бўлмади! Мен унга айтгандим... Нуқтани иккита қўйгани пул сўраганида-а, у бемазани?! Ўзим тирноғимнинг кирини сўриб ўтирган бўлсам, нима ҳаққи бор унинг нуқтани иккита қўйишга? Бор, келиннинг ҳалиги, ойлик пулидан оп-

чиқ! Бегонанинг пули кетса, ишқилиб, одамнинг ичи кўп ачимайди... Вой, юрагим-эй!

6. ШИНЕЛ

Терим мавсуми оёқлагач, икки-уч ихтиёрий «соҳловчилар» қаторида Қулмурод қурумсоққа ҳам, туман марказида очилган «олти ойлик механизаторлар тайёрлаш курси»га йўлланма беришди.

Қурумсоқнинг оғзи қулоғида: «Ўқишига олиб бориб, олиб келиш колхоз ҳисобидан, устама-устак, тайёр тушлик, стипендияси ҳам бор дейишайти. Ана, курсни битиришгач бошдан-оёқ механизаторлар кийим-бошини ҳам беришмоқчи. Фақат шу, қишишиб қолгани кайфиятнинг белига төптиди-да! Чунки, совуқда одам тез очқайди. Уларнинг берадиган таомидан кўнгил тўладими, йўқми?...»

Қурумсоқ ана шундай хаёллар гирдобида сандиқ титкилади. Излаб-излаб, ниҳоят, раҳматли отаси Гулмурод бовадан қолган солдатча шинелни топди. Бошда қулоқчин, оёқда кирза этик кўчага чиқди. Идора ёнида кутиб ўтирган ҳамроҳлари уни бу «форма»да кўриб хоҳолаб кулишганча пичинг отишиди.

— Ўҳӯ, сал кам генерал-ку!

— Тўғри, қани автобуснинг олдига ўтири. Йўлда милиса-пилиса тўхтатса, сени кўриб бир «честь» берсин!

Аммо ҳамроҳларига «ёққан» бу «фасон» эртаси куни сабоққа кирган ўқитувчига ёқиниқирамади. Курс талабалари билан танишиш жараённада, у навбати келганда Қулмурод қурумсоқни ўрнидан турғазиб танбек берди.

— Ким памилянгиз? Ҳм-м, ўртоқ Гулмуродов... Бу қанақа чикин турқи тароват? Манови устингиздаги, отам замонидан қолгани шинелни қайнатса, бир бочка ёғ чиқар-ов! Уят, ака... уят! Ёш бола бўлсангиз экан, қулоғингиздан чўзиб... Сизга топшириқ, зргадан бошлаб дурустроқ кийиниб келинг!

Қурумсоқ «дурустроқ» сўзини ҳазм қилолмади. Шериклари берган маслаҳатга қўра шенелни «химчистка»га залти. «Қабул қилиш бўлими»да ўтирган татар кампир ҳам, худонинг зринмаган бандаси эканми, «матоҳ»ни тарозида тортди. Сўнг афтини буриштириб, бош чайқади.

— Эй, малай! Шинелингни шулай оғирлиги ўн бир кило-ю, йина етти юз грамм чиқа! Ўзи чиқа етти-саккиз кило, қолгани,

значит, масло билан гряз.. Рози бўлсангда, двойной платит эта-сан. Бўлмаса, шулайнинг ужис... Аппаратимни буза...

Курумсоқнинг ҳуши бошидан учди. Шинелини қўлтиқлаб изи-га қайтди. Кутганидек, зранги кун сабоғи яна Гулмуродовни турғизишдан бошлианди.

— Нега мен айтган топшириқ бажарилмади?! — зуфум қилди ўқитувчи. — Эгни-бошингиз кир десам, қулоғингизга ҳам сув юқмайдиган қўтирир одам экансиз-да, ўзиям! Пулингиз бўлмаса айтинг, мен берай...

Шунда умуман ўқитувчи кутмаган воқеа содир бўлди. Қулмурод қурумсоқ қўлини шартта олдингта чўзди:

— Пул керак! Ҷани беринг... одам бир сўзли бўлиш керак, домулла!

«Домулла» шошиб қолди. Айтган галига мункир келгуси келмадими ёки «тилимга боғла» қабилидами, қизариб-бўзарганча беихтиёр чўнтақ кавлашга тутинди...

... Бироз фурсатдан сўнг, Қулмурод қурумсоқ пиёда, туман марказидан лўқиллаб қишлоғига қайтаркан, тиржайганча ўй суріб кетарди:

— Ўқишни энди елкамни чуқури кўрсн! Ишқилиб, нима бўлгандаям, домулланинг икки ойлик маошини шилиб олдим-ку! Фақирга палов ҳам ош... Берган пулига янги уст-бош сотиб олармишман... Устим ҳали очиқ қолган йўқ. Ёнғоқнинг тагида ҳам ухламаганман! Гулмурод бовадан қолган бу шинелни, ҳалику Қулмурод ота, керак бўлса Элмурод-Дилмурод деган уллар ҳам кийиб эскиртирмайди! Ҳай, оҳой бола, жон бола! Пул деганинг қўйнимга қўлтиқ, белимга белбоғ, бошимга болиш бола...

ҶОЗОРГА ЙХИАЙДИ ЪУ ДУЧЕ...

(Туркум ҳажвиялар)

I. БИР СИҚИМ СЎЗБОШИ

...Устоз ҳажвчилар ёзишга хамиртуруш тополмай қолган кезларида, албатта, бозорга... ошиқишаркан.

Алломай адаб Faфур Гуломни Бешёғоч бозорида бот-бот кўрганлар, бу ҳақда ёзилган ҳикоялар қанчадан-қанча.

Ҳажвчилар сардори Сайд Аҳмад домла эса ўз «қаҳрамонлари»ни олдин бозорда, сўнг тушидан кўриб, алқисса Дўрмондаги боғида боқарканлар.

Халқ ёзувчиси Неъмат Аминни айтинг. Неча бор унга холи-роқ жойни «таклиф» қилишди. Аммо ул зот «Фарҳод бозори»дан нари кетишни истамайди. Сабаби сўралди: «Маънавият ва маърифатни аввало, бозордан бошлаш дуруст...» дейя лутф қиласди.

Яна бир устоз Саъдулла Сиёсевни олинг. «Даҳрий»ликлари тутиб қолса, яккаш «Бозор кўрмаган йигит» ... асло, йигит эмас дей оёқ тираб оладилар. Айрим, «ғийбат»ларга қараганда Анвар Обиджонни ҳам бозорда «Безгакшамол» чалиб кетгандан бўён, эл орасида машҳури олам бўлиб қолибди.

Шу тарзда аниқ «факт»лардан сўнг хулоса шулки, демак бозор даврида бозори чаққон бўлишни истаган қаламкашлар тез-тез бозорга тушиб туришса, нафақат тўрхалтгалари, балки қўйин дафтарлари ҳам қаппаярди. Бойси, мол-матоҳларни мижозларга манзур қилишда бу манзилгоҳдагилардан ҳар қанча ўргансак арзиди.

Шундай қилиб бозор дарвозаси дағлизидамиз. Ҷўчимай, остона ҳаттайверинг. Лоақал, тишнинг оқини кўрсатсангиз ҳам сиздан асло «спатта» олинмайди. Кулолсангиз куғиси сизга, савоби эса бизга...

II. «МАНГУ ЖАНГ»

(Диалог)

— Майиз қанча бўлди?
— Ҳеч қанча! Олдин татиб кўринг, ака... Пажалиска!
— Йўқ, раҳмат. Аллергиям бор. Нархини айтинг.
-- Нархи арzon... Энди қўл қайтмасин, сухан синмасин...
Мана шу биттагинасини... Шошманг, думчасини олиб... Ана энди «самка» бўлди! Қалай, ширинми? Ёқмаса, пулингиз ўзингизга сийлов...

— Яхши, яхши... Баҳосини айтмайсизми?
— Айтаман... Мабодо чўнтагингизга тўғри келмаса... Ками бор, конечно... Айтаман!
— Хўш-ш, неча пул?
— Ўзи бебаҳо, бироқ сизга почти бепул! Лекин, майиз эмас, мураббо... мисоли мумиё — минг дардга даво! Қани халтани очинг ... Ёки, яна бир кафтина ейсизми?

- Йүқ, олдин нархини эштәйлик-чи?!
- Нархи сув текин ... Обрүйингизга, мана бу савлатингизга мос келдиган майиз. Қани тортайми?
- Сиз майизфурушми ё масхарабозми? Савлатнинг майизга нима алоқаси бор! Нархини...
- Нима десангиз, ака... Биз рози! Харидор ҳамиша ҳақ. Шу майизгинани еб, эртага яна қўмсаб, қидириб келмасангиз мен беноват! Бўлди энди, очинг турвани... Бошланишига ўн киломи, ўттиз кило?
- Уф-ф! Олдин чұнтакка қараб фол очишм керакми, ахир? Килоси неча пул деяпман?
- Мен ҳам арzon деяпман-ку! Тупроқбаҳо, сув текин... Ажойиб хосияти бор, бу меванинг... Лекин, ақаҳон, бунинг учун майизниң ёнига ёнғоқ қўшиб, майиз билан магизни иккаласини «бхай-бхай» қилиб қовуштириб, сўнг «сангам» қилиб есангиз...
- Хў-ў, биродар! Мен маъруза эшигтгани эмас, майиз олгани келганиман. Мана, келинингиз тузиб берган «рўйхат»да яна етти-саккиз хил масаллиқ турибди... Сотиш ният борми, ўзи? Нархи...
- Нархи ... ничево! Туриш-тароватингиздан уч-тўрт сўлқавойнинг бетига қарамайдиган марду майдонга ўлшайсиз-да. Яна нархни сўрайсиз. Ҳа, от билан тую бўлармиди... Гўсала бўлар, бўталоқ бўлар... Бўлди, қопни очинг... Тоға!
- Тоға?! Соқолингиз кийдикка тушиб, олдин мени «ака» дедингиз, ҳай... Энди «тоға» бўлдикми?! Бу нархини...
- Хў-ў, ука... Тоға нима?! Агар молимнинг нархини тош босадиган қилиб берсангиз, «почча» дейишдан ҳам тилимизга тирсак тошмайди! Билдингиз... Қани, сумкани...
- Йў-ўқ! Шоҳида юрсангиз, мен керак бўлса баргида.. Нархини айтинг!!
- Нархи, арzon... Тўрвани...
- Йўқ, нархи...

III. «ГЎШТ СУЯКСИЗ БЎЛМАС!»

(Манзара)

Қассоблик растаси. Қўлтиғида папка, оҳори тўкилганроқ бўлса-да шляпа кийган киши гўшт илинган чангакка яқинлашади. Халатининг устидан қора лас чопон кийган, қўш белқарс боғлаган қассоб уни кўриб қайроқ-пичофини четта итқитади. Қўлларини икки биқинига артади, сўнг кўксига қўяди.

— Келсиллар, катта... Келсиллар!

— Ҳа, шу озгинагина лаҳм...

— Тушундим. Озгина-ю, созгина... демоқчисиз-да! Қани олдин ўша чучвара ейдиган құлларингизни тутиб... Э-э, бу қон юқидан бурунни жийирманг! Кечә сўйған танача сал шүхроқ экан. Бўғзига пичноқни мана шундай тортиб... Қўрқманг, қўрқманг! Мен ҳув, анови Қўзи қассобга ўхшаб шишиб ўлган, ҳаром қотган, тўғри келган... Кечирасиз, катта... Сиз молиядансиз-а?!

— Йўқ, молияданмас. Менга гўшт...

— Ҳозир, ҳозир... Лекинчи, катта, гўшт учун менга келиб тўғри қилибсиз. Мен ҳалити, айрим... Сизчи, анови Қўзи қассобдан гўшт тугул, чандир ҳам ола кўрманг! Нега дейсизми? Э-э, у қаллоб қўй сўйса, қорнини дам билан дўппайтириш учун, оғзи билан пуфламайди... Беномус, валасапед насоси билан ел уради. Ана кўрдингиз?! Бу лаби жириқни тартибга оладиганилар ҳам бордир... Катта, сиз налогдан-а?!

— Йўғ-е?! Мен...

— Ҳа, майли, майли... Аттанг! Агар налогдан бўлсангиз ана ўша Қўзи қассоб устидан бир бўхча факт тўплагандим-да! Ағсус... Сизга сон гўшти, менга ҳеч бўлмаса қайроқ-кундаси тегарди... Сабаби, Қўзи қассоб эмас, қаллоб, шайтонга қариндош! Олибсотар... Ҳа, ҳа... Кулманг. Ибот керакми? Мана свежий факт. Кечә жума бозордан танаси терисига ёпишган фунажин сотиб олганини ўзим кўрганиман. Ўша жониворгинани жума оқшом, шанба кун бўйи соғрининга ковуш билан шапатилаб «семиртириб» якшанба бозор бир ярим бараварига сотса бўладими? Икки килогина кунжараси кетсаям одамга алам қилмасди... Катта, сиз, ҳалиги типографияда ишлайсиз-а? Келинг, шу ковуш бардорнинг ковушини тўғрилашга менга ёрдам...

— Йўқ. Мен мухбир змасман. Менга гўшт...

— Шошманг, катта! Шошманг. Гўшт ҳам бўлади, тўш ҳам... Шошган пишак, кўр туғар, кўр одамгина Қўзи қассобдан гўшт олади. Мен уни, энаси этагини кўтариб, тўғнагич қадаб кўйган маҳалдан бери биламан. Ёшлигига товукни калпир билан уриб сўярди, бемаза. Энди эса гап бермайди, боди... Мақтанишларига куяйми? «Қўзи эмас, қассобларнинг «қўчқори» эмиш!» Қўчқор-а? Биламиз, бебилиска пул бобовлатаётганини... Катта, сиз органдан-а? Шу бетовфиқнинг тарози тошини бир текширинг... Эгов билан ишқалаб ғозини қочирган. Ҳам тошдан, ҳам

тарозидан, ҳам палладан, ҳам «калла»дан уради... Орган бўлсан-
гиз бундай...

— Йўғ-е, органда-ям ишламайман! Нима танимаяпсизми?
Гўштдан...

— Танияпман, катта, танияпман! Таниганим учун дардимни
дастурхон қилашманд! Сиз... телеведениядан... Тоидимми? Ле-
кинчи, шу Кўзининг башарасини қоп-қора қилиб... Йўқ деманг...
Шу Кўзини гўштини менга майдалаб...

— Оббо, барибир танимадингиз! Наҳотки, зслолмасангиз...
Ўн йилча олдин шу шаҳардаги институттуда ўқиганда, сизни кида
ижарада туардим. Ҳозир қишлоқда мактабда... Қани эски та-
нишлик ҳурмати, ошга тош босадиган қилиб...

— Ҳм-м... Ошнинг гўшти суюкли бўлади-да, иноға! Мен сизни
чучвара... Тавба, қассобхонага ҳам папка қўлтиқлаб... Ҳм-м,
хайр... хайр... Ҳой, шляпа! Шошма, сен ахир ўшанда икки ойлик
квартира ҳақини бермай... Ҳў-ӯ, Кўзига ўхшамай...

IV. «АЛДАБ БЎПСАН!»

— ...Бойбува, бу нима?

— Бодринг, улим...

— Иби, бундай кичкина! Мен кўксултоими дебман.

— Ҳой, ҳой... Молга тупроқ, эгасига шалалоқми?! Кичкина-
я! Мановисини-ку, оғзингизга тиқсам, ярми сўланглаб ташқари-
да қоладиёв...

— Ҳа, энди бу бозор бова! Сиз молингизни мақтайсиз, мен
ерга ураман... Ё, хафа бўлдингизми?

— Хана бўламанда! Оппоқ соқолим билан ёлғон гапираман-
ми, улим!

— Энди, соқолни аралаштирунганг. Соқолни пеш қилсангиз,
соқол эчкида ҳам бор. Лекин, бу бодрингизни эчки ҳам смайди...
Лекин ёшингизни ҳурмат қилиб, майли, оламан... териб... териб...

— Жў-ӯ... Теришга бермайман! Ай, мендан кетса кетсин.
Мони, овириминан олинг-е!

— Ҳой-ҳой... нима қилаяпсиз?! Айбимиз шаҳарликми?! Отам
айтган мевани пишгани ё қизил эски сариқ бўлади, деб. Сиз бўлсан-
гиз, нуқул кўкмагини... Қани, пишган-пишган, сап-саригидан
тортинг! Ҳо-о, алдаб бўпсиз...

V. ЙҮЛИ ТОПИЛДИ

Икки ошна — Салим ва Ҳалим бозорлигини қилишмоқда. Салим сомон тиқилган қопдек юм-юмалоқ. Ҳалим эса «сем тегмагандек» озгин ва новча. Салимнинг икки қўлтигида харид қилинган маҳсулот-масалиқлар. Ҳалимнинг қўлида эса бор-йўғи бир варақ қофоз. Салим юз-кўзидан шаррос қўйилаётган терни қийшайганча елкасига артаркан, толиққан товушда деди:

— Қўлингдаги рўйхатга қара-чи... Яна нималар қолибди...
Уф-ф!

Ҳалим ярим гижимланган қофознинг тахини ёзиб ҳижжалайди:

— Олма ... олинди. Сабзи ... солинди. Шолғом, турп, кўкат...
Демак, ша-а... бўялиб кетибди. Ша-а-ф..

Салим бетоқатланди.

— Шап-шап демай, шафтоли демайсанми, найнов! Қўл толди-ку...

— Шошма... ша-а... Қара, ҳақиқатан шафтоли билан анжир қолибди...

— Анжир билан шафтоли?! Ҳалтада ахир, жой қолмади-ку!
Ҳаммол қилиб ўлдиаркансан-да мени...

Ҳалим «рўйхат» билан оғзини беркитиб хомуза тортди.

— Бошида келишдик-а? Савдолашиб мендан, бозорликни кўтариб юриш сендан... Лекин, яна битта қофозхалта олсак, қандай қилиб кўтааркансан...

Салим ҳансираганча оғирлигини бир оғидан иккинчисига солади.

— Шошма... шу, каллага бир фикр келди.

Ҳалим эснаганча қўл силтайди.

— Хўш? Ҳалтанинг биттасини кўтарасан демоқчимисан?! Бекорларнинг бештасига бештош ўйнабсан! Қани юр! Оддин анжир, сўнг шафтоли оламиз.

— Йў-ўқ, — Салим қашнингиси келди шекилли, қийшангланча елка учирди. Шу, айтмоқчиман-ки...

Шундай дея Салим мева-чевалар раастасига бир муддат тикилиб қолди.

— Шу, айтмоқчиманки... Анжир, шафтоли... деб майда-чуйда қилиб юрамизми! Ундан кейин ҳалтада ҳам жой оз қолган. Ке, шунинг учун биратўласига анжиршафтоли харид қилиб қўя қоламиз! Нима дединг?! Ана, ҳув момода бор экан...

«Халта күтариш хавфи»дан чүчиб турган Ҳалимга бу таклиф ҳалимдек ёқдими бармоғини осмонга нұқиди.

— Во-о! Қойил... Қорнинг семиз десам, калланг ҳам қолиш маскан. Ана топқырлик... Ҳам ҳамен тежалади, ҳам халта... Қани кетдик жүражон! Иқтисод қылған пулга эса... майли яримта биздан!

VI. БОЗОРБОЙ

Бозорбойни энаси бозор куни, бозорнинг қоқ ўртасида туғиб күйгөн дейишиади. Бу қанчалик ўтрик ёки рост билмадигу, аммо Бозорбой туриш-турмушини бозорсиз тасаввур ҳам қололмайди. Ундан чорбозорчилик ҳам, далоллик ҳам, паттачилик ҳам қолмаган. Хуллас, саидонинг савдойиси... Шунданми, тантглайи танга билан күтарилған, дунёда жамики жонли-жонсиз нарсани пулга чақади.

Айтайлык, унга рўбарў келиб қолдингиз. Таомилга кўра сўрасиз.

— Аҳволлар қалай?

Бозорбойниң жавоби тайёр.

— Э-э, саидонинг мазаси йўқ! Шунинг учун ғижимланган сўлкавойдай...

Бозорбойдан вақтни сўраб кўринг-чи:

— Соат неччи бўлди?

Бозорвой билагига кўз ташлаганча жавобни қотиради.

— Тўрт манат... Аммо йигирма тангаси кам!

Баъзан унинг қитиқ парига ҳам тегишамиз.

— Озиб қолибсизми Бозорқул? Тўрт-беш йил олдин бирар барваста, дўрсиллабгина юардингиз?!

Бозорбой қўл силтайди.

— Ҳа, энди... Ёшлик сўм-купондай ўтди-кетди-да!

Кимдир унинг юриш-туриши билан қизиқади.

— А, бу бозорга нимада келиб, нимада кетаяпсиз?

Бозорбой кўкрак керади.

— Ҳа, энди... Шу обрўга «олти сўмлик» ярашмас. Шунинг учун «ўн сўмлик»да гириллаб бориб, гириллаб келаяпмиз.

Кимдир яна суҳбатни чўглантироқчи бўлади.

— Бозорбой, ҳамсоянгизнинг тўйида бир кўриндингиз-у, ғойиб бўлдингиз? Ёқмадими?

Бозорбой афтини бужмайтиради.

— Ёқмади! Бир тангага қиммат түй бўлди. Яна ярим соат ўтирасам ўйинчи қиз бор пулимни шилиб оларди.

Бозорбойга таъна тошини отадиганилар ҳам топилиб қолади.

— Бозорда жой талашиб Салим сабзишуруш билан тепишиб қолибсизми? Ахир у сизга қариндош...

Бозорбой бошини мағур кўтарди.

— Қариндошлиги менга капейка!

Яқинда Бозорбой бозорнинг ўтасида ўзидан икки баробар келадиган қопни кўтараётганда, кўз олди қоронғилашиб йиқилиб қолибди. Ёнида турғанлар сув пуркашиб, у ёқ-бу ёғини уқалашгач, Бозорбой оҳиста кўзини очибди.

— Бозорбой бетобмисиз?

Бозорбой бошини кўтаролмасдан, кўкрагини чангларкан, синиқ илжайибди.

— Ҳа, шу... Долларимизнинг курси ўзгариб туради. Ишқилиб, бир кун қалбаки чиқмаса бўлди...

VII. СОДДА

(Бозорда эшишлган латифа)

Бир даштлик дўлвор илк маротаба шаҳарга тушибди. Болаларнинг «буюртмаси» — ширавор олиш учун бозор оралабди. Бозорнинг кунда-шундайларидан бири унинг соддалигини сезиб қолиб, алмисоқдан қолган майиз-данагини мақтаб-мақтаб унга пуллабди. Даштлик харидидан кўнгли сув ичганча қишлоғига қайтибди. Даҳлизидан ҳатлаган кўйи, болаларини хурсанд қилиш учун, хуржунидан икки ҳовуч майизни олганча кигиз устига сочиб юборибди.

— Мони... Бир шуйтиб жеб, мазза қилинглар!

Майиз эски эмасми, ҳовучга илашиб чиқсан қумурсқалар кигиз бўйлаб югуриб қолишибди. Даштлик дўлвор бироз ҳайрон бўлиб қараб қолгач, сўнг соддаи-сиполик билан дебди:

— Ҳай, баччагиналар! Майизни олдин журиб кетаётганини женглар, иннайкейин жотганини жейсизлар!

VIII. БОЗОРИЙ «БАЁТ»ЛАР

— Кеб қолинг, об қолинг! Сотаман-у кетаман. Яккабоғнинг якка боғида битган ялтироқ олма. Кўрмай ўтиб кетиб, мазасидан қуп-қуруқ қолма. Тишлаб-тишлаб кўргин, айтасан, оҳ-оҳ-асал-

ма, болма?! Чүнтакда бўлмаса мулла-жиринг, йўлингдан қолма... Ҳой, момо... Бунда келинг, олмасангиз ҳам еб кўринг. Ичингизни муздек қиласди, ўзингизни қиздек қиласди...

* * *

— Бодом, бодо-о-о-м! Бети чинни тобоқ, кўзи бодом қабоқ қизлар учун бодом. Семизни пишнатадиган, озғинни кишнатадиган бодом. Қаймоқ, пишлоқ, сариёғнинг пули ёнга қолади. Майманоқнинг мойга тўла бодоми. Ширини тилга дори, аччиғи «давления»нинг кори. Ҳей, бўламан десангиз одам, еб туриңг тез-тез бодом!

* * *

— Анорни кўринг, анорни! Очмай туриңг ҳали қопу қанорни. Меваларнинг момоси шу. Спирт қўшсанг шарбати — «Шаҳри-сабзнинг шароби»дан зўр. Фойдангни билмасанг, ўзингдан кўр. Увайсийни шоир қилган ҳам шу анор, Зуҳрахоннинг ошиғини Тоҳир қилган ҳам шу анор. Ҳой, анови, тогамнинг бетининг қизиллиги ҳам шу анордан, манови холамнинг кўзини сузуклиги ҳам шу анордан, кўнгилни айламанг ҳор, бўлсин десангиз баҳор, қопчиқни шайламанг тор, тога... еб кетинг анор!

* * *

— Товуқ! Ола товуқ, қора товуқ... Кинначилар қидириб юрган кулранг товуқ. Хўроznинг дийдорига тўймаган товуқ. Етти етимчага стов бўлган товуқ. Калхатнинг чангалидан, олапарнинг ошқозонидан омон қолган товуқ. Тўғри келса, какиллаб ўйнаб берадиган товуқ, ўғри келса қақиллаб уйғотадиган товуқ. Дон бермасангиз бўтанағини тутадиган, кўнглини олсангиз, кунига иккитадан тугадиган товуқ. Тухуми тош босадиган, гўштини ошга босадиган товуқ. Етти хазина, кетди хазина! Ҳо, ошино... Олмайсизми товуқ? Айтдима, рангингиз бунча совуқ!...

БОЛАЛИГИМ-ДОШИЛОЛИГИМ

(Түркүм)

Муалышдан

Умр — тутқыч бермас тулпор. Елдирим мисол елаверади. Соат капгирига тош осиб қўйинг ҳам барибир вақт сониялари олға қараб чопаверади.

Умр дақиқаларини ортга қайтаришнинг фақатгина бир «йўли» бор. У ҳам бўлса, айтайлик, кўз юмганча хаёлнинг паркүв булутларида чордана қуриб, болалик дамларни тамшаниб тамшаниб эслаш... Аммо шундай дейсиз-у, бозор даврида ҳамманинг ташвиши бошидан ошиб-тошган, ҳатто хаёл суришга ҳам фурсат тополмайсан киши. Унда болалар билан сұхбат қилиб туринг, уларнинг гап-сўзларига қулоқ осинг, лоақал, ўз фарзандларингизнинг кундалик ташвишлари билан қизиқинг. Шунда табиийки, болалик беихтиёр қалбингизга қайтадан ташриф буюради.

Айтайлик, ишдан ҳориб қайтдингиз. Ҳали даҳлиз ҳатламасингиздан аёлингиз иккя яшар ўғилчангиз устидан «шикоят» қилишга тутинади:

— Ана арзандангизга қаранг! Бугун яна иштонини ҳўл қилибди... Буям майли, боячча опасини «Ҳе, энангни!» деб сўкиб қочибди!

Бу «хабар»дан хафа бўлиш ўрнига, хурсанд бўлганча кўкрак керасиз.

— Ҳа, энди ота ўғилда! Менам болалигимда ўзимдан катталарни авра-астарини ағдариб сўкардим. Ҳей, хотин... Буничи сен эмас, ўзим туқканман!

Шунда табиийки, аёлингиз ҳам бўш келмайди.

— Кўп мақтаманг шу камшигингизни... Қизалогим ҳам ўғлингиздан кам эмас. Ана, ҳали мактаб борганча, йўғ-у, аммо балодай «Ламбада» билан «Мадонна»нинг фарқига боради... Буёғини сўрасангиз, кеча байрамга олиб берган «Қора шаҳзода»нгизга ҳам аллақачон, зга чиқиб ўтирибди!

Шундай, болали уй-бозор. Қолаверса, қўнғиз ҳам боласини «оппоғим» дея суяркан. Не ажабки, болаларнинг катталарга тақлидан ҳатти-ҳаракатлари, гап-сўзлари, қиликлари, ҳатто, беозор «қилғиликлари» беихтиёр кишида қувноқлик уйғотиши, кай-

фиятингизни күтариши табиий ҳол. Камина күп йиллар мобайнида турли хил ёшдаги кичкінгійларнинг дилқувнатар гап-сүзларини қўйин дафтаримга қайд этиб қўйган эканман, мана фурсат этиб, «Кулги куни» шарофати билан сизларга инъом этмоқчиман. Мақсад бир ҳовучгина бўлса-да, катталарга қувноқлик бағишлиш. Зоро, бу оламда болаликнинг бокира кулгисидан тотлироқ неъматнинг ўзи бўлмаса керак...

1. «ҚЎШИҚЧИ»

«Қарши-Китоб» поездиде икки-уч нотаниш йўловчилар ҳамроҳлигига кетиб борардим. Кун лоҳас қиласидаган даражада иссиқ бўлғанлигиданми ёхуд бир-бири мизга бегоналик боисими сұхбатимиз унча қовушмасди. Иш сабабданми бироз ўтгач, ҳаммамиз беихтиёр «мудрай» бошладик. Навбатдаги бекатдан яна янги йўловчилар чиқишиди. Улар икки нафар эди. Ўттиз ёшлар чамасидаги зиёлнамо киши, беш-олти ёшлик болакайнинг қўлидан етаклаб олганди. Йўл таомилига кўра бош ирғаб саломлашиб, ўрин ажратиш учун сал сурилишган бўлдик. Поезд оғир «уф» тортгандек оҳиста қўзғалди. Яна эснаш, яна мудраш, қарахтлик... Бироз фурсат ўтди. Болакай «сукунат»ни ҳазм қиломадими, ҳаммамизга бирма-бир разм солиб чиққач, тўсатдан тилга кирди:

— Амакилар! Сизларга қўшиқ айтиб берайми? Зур... блатнойларидан бор!

Ҳаммамизга жон кирди. Бараварига болага тикилдик.

— Қани... Эштайлик! Шералиданми ёки Ортиқданми?

Бола киноямызни сезмаган кўйи ўрнидан снгил қўзғалди. Зиёлнамо киши эса қизаринқираганча изоҳ берган бўлди.

— Ҳа-а, бизди ўғилча қўшиқни қойил қиласди! Эркада... «Эрка ўғилча» пинагини бузмасдан отасининг ён чұнтагидан тарогини олиб, тупуғи билан ҳўллаганча сочини таради. Сўнг буклама стол устидаги чой қошиқни оғзига «сигарет» қилиб тишлади, ниҳоят қорнига шапатилаганча қўшигини бошлади

— Кўлимда тароги,
Оғзимда сигара.
Чұнтагимда семичка
Иди сюда девочка!

Болакай охирги жумлани бармоғини «илгак» қылганча, ўзитомон кимнідір имлаб, шундай муқом қилиб айтдикі, ҳаммамиз беихтиёр кулиб юбордик. Қақаңа орасыда кимдір луқма ташлади:

— «Бог аро»ни-ям биласанми?

Бола танглайини тақиллатди.

— Т-э! Биздікі, эстрадный...

Шундай дея у отасига ўтирилганча «Яңгисини бошлади».

— Дада, бодириңг
Хотин обберинг!
Қанақасидан?
«Стилчаси»дан...

Бу сафар кулиш қаторида чапак чалишга ҳам мажбур бұлдик. Бундан илқомландыми, «артист» таъзим қылганча, ўзининг навбатдаги «номери»ни зълон қилди.

— Энди амакиларнинг талабларига биноан... Азим бахши күйлайди!

Шундай дея болакай құлларини бирпасда «Дўмбирага» мослаштируди.

— Ҳе-ей... Ҳе-ей... Ҳа-а... Ҳе-ей!
Күччи қиз-ай, қүччи қиз,
Сўзингай бунча чуччи қиз?
Бировларга-яй, билдиrmай
Бера қолғын, муччи қиз...
Ҳей-й, Ҳей-й.. Ҳа-а... Говмишишм-а!

Кулғи зарбидан күпе ларзага келди. Энди ҳамроҳлар ўртасидаги сиполик соқит бўлган, мудроқ босган қовоқларнинг тархи ёзилган, қизғин гурунг чўғ олганди...

2. «ШАҲАРЛИК»

Қамашилик Болта бованикига Тошкентдек шаҳри-азимда турдиган ўғли, келини ва олти яшарли Марат деган набираси меҳмон бўлиб келишди. Отанинг оғзи қулоғида. «Мағзидан данаги» дегандек набирасини қўйнидан чиқаргиси келмайди. Набира эса ўт-олов. Шаҳарликларга хос маҳмадона. Контокдек сакрагани-

сакраган. Бир зумда эшик қолиб, тешикдан чорбоққа қараб югуради. Ҳаял ўтмай, уст-боши чанг, юз-қўли тирналган кўйи инқиллаганча туғилганига икки кун бўлган улоқчани кўтариб келади.

— Оппоқ дада... Э-э, бова! Манови эчкича ҳой, анатда, девор тагида бир ўзлари қўрқиб ўтиратдилар... Мана кўтариб кевобман!

Бэва соқолини силкиллатиб мириқиб кулади.

— Ҳа, шаҳарлик боди болама! Бу эчкича эмас, улоқ. Иннай-кейин, улоқ қўрққан эмас, сояда салқинлаб ётган. Бўлди... Энди кўп чопма, чарчаб қоласан... Ҳозирчи, қўй сўямиз!

Марат кафтига-кафтини қўйиб қийқиради.

— Ур-ре! Қўй сўямиз! Пих-х қилиб-а?!

— Қўй сўйишдан қўрқмайсанми, улим?!

Марат чўзиб ҳуштак чалди.

— Нима девоссиз... Мана шунаقا «ужас» кассеталар борки, аям қирқсалар ҳам, қурайман.

Болта бова бостирма тагидан совлиқни етаклаб чиқаркан, Марат болаларга хос тарзда қизиқсинди.

— Бова, қўйни қимага ўзи сўйвобмиза?!

Болта бова дастлаб унга: «Набираси ва унинг ота-онаси аэзиз меҳмонлар эканини, кечкурун уларни кўргани ҳамсоялар чиқишлигини, шу боис зиёфат учун жонлиқ сўйинш зарурлигини» обдан тушунтиromoқчи бўлди. Бироқ, бованинг ҳам болалиги тутдими, ёхуд шаҳарлик набирасига хос гап айтмоқчи бўлдими, хуллас, фикрини шундай тушунтирди.

— Энди, мен сенга айтсам, набирам бу қўй кўп бақироқ!

«Ба-а, ба-а»лаб бақириб кечаси сени ухлатгани қўймайди. Ана шунинг учун сўямизда, улим! Тушундингми?

Марат «тушундим!» дея энди бошини лиқиллатаётган эдики, шу аснода оғилхона томондан ҳангининг ҳанграгани эшитилди.

Набира кафтига-кафтини урганча қийқирди.

— Ур-ре! Эшак ҳам бақирвотди... Бова, униям сўямиз-а?!

3. «ОФРИК»

Уч яшар Бобур кўчадан йиғлаб уйига кирди. Жўжасини калхатдан ҳимоя қилмоқчи бўлгандек онаси дарҳол унга пешвоз юурди.

- Ҳа-а, қўзичоғим... Ким урди?!
- Анови... анови... — ҳиқиллади Бобур. — Акам Бахи билан «уруш-уруш» ўйнагандик калламдан тортди. Иннайкейин, сочим оғриди...

4. «АЛДАШ»

Хонада ёлғиз китоб ўқиб ўтирадим. Беш яшар қизалогим Нодира боғчадан қайтгач, менга бироз тикилиб қолди. Индамай мутолаа қиласвердим. Нодира келиб енгимга оҳиста туртди.

- Нима қиласяпсиз, дада?
- Кўрмаяпсанми, китоб ўқияпман.
- Қизимнинг лаблари чўччайди.
- Ҳо-о, алдаяпсиз-а?!
- Нега алдар эканман. Мана қўлимда китоб, ўқияпман-ку!
- Нодира қўли билан пўписа қилди.
- Алдаяпсиз! Нега китоб ўқиётган бўлсангиз, унда оғзингиз қимирлаб, овозингиз чиқмаяпти?!

5. СУФОРДИ

Салқин тушгач ҳозиргина экилган помидор ниҳолларини суғоришга тутиндим. Шу пайт тўрт яшар Анварбек келиб ёнимга тиззаланди.

- Дала, сув ичиб олай...
- Бор, ана ошхонага... Менга халақит қилма, суғораяпман.
- Анварбек қизиқсинди.
- Нима учун суғоряпсиз? Суғормаса нима қиласди?
- Иssiқдан сўлий бошлаган ниҳол баргини унга кўрсатдим.
- Суғормаса, мана қара... Ана шундай шалпайнб қолади...
- Анвар индамай нари кетди. Юмушни тугатиб, қўлимни чаийш учун ошхона томон ўтдим. Қарасам, ўғлим бир ҳафталик кучук боласини устига сархумда сув қўйиб ўтирибди.
- Нима қиласяпсан, ҳой?
- Анвар кучукваччанинг узун қулоқларини кўтариб кўрсатди.
- Сув қўймасам... Қаранг қулоқлари сўлиб, шалпайниб қолибди!

6. БАҚАЛОҚ

Ботиржон ёшига нисбатан жуда семиз. Юрса гүёки, коптот юмалаб кетаётганга ўхшайды. Шу бойсми, ҳамма уни «Хой, бақалоқ!» деб чақиради. Бақалоқнинг эса парвойифалак. Дастанчон ёзилди дегунча, укасининг кўзини шамғалат қилиб, ёғ суртилган ионини «туя қилиш» пайига тушади. Мактабда ҳам сабоқ пайтида папкасидан «адашиб» китоб-дафтар ўрнига, бирор-бир егулик «чиқиб келади».

Эз маҳали Ботиржон ишком тагидаги сўрида, бир қўлида чивин ҳайдагич — «шап-шап», иккинчи қўлида пичоқ, уст-боши ширага тўла, ёлғиз ҳолда ёстиқдек катталиқдаги қовунни тушириб ўтиради.

Эшикдан кириб келган тоғаси шаҳарлик талаба йигит жиянига бироз қараб тургач, сўнг олдига келиб оҳиста томоқ қирди.

— Бақалоқжон! Менга қара... Сен ҳам ҳеч физкультура-миз-культура билан шуғуллансанг бўлмайдими? А?!

Ботиржон лунжидагини бир амаллаб юттак, кўзларини очганича, қўлидаги «шап-шап»ни ҳавода силкитди.

— Мони тога... Пискултура қилиб, чивин ўлдираяпман-ку!

7. «АДАШМА!»

Журналист ва шоир Қаюм Раҳимнинг эндиғина аттак-чечак қиласидан набираси Шоҳруҳ — жони-дили. Ҳатто, тушлик маҳалида ҳам «Жигули»сида фир этиб келиб, бирров кўриб кетмаса кўнгли жойига тушмайди. Мехри шу даражадаки, шеърларининг зинг ширинини шу набирасига атаган, ҳатто, суратини ҳам «Камолот»нинг илк нишона сонида бостирган.

Қаюм Раҳим остона ҳатламасданоқ, бўсағада уни Шоҳруҳ оғзидан сўлакай оққанча қарши олади. (Чунки, бобосининг чўнтагида доимо набирасига аталган ширинлик бўлади-да!)

Қаюм Раҳим даҳлизда тик турганча қучогини кенг очиб ҳай-киради.

— Болажон!

Шоҳруҳ ҳам ўз навбатида дўмбоқ кўлчаларини кенг ёзиб унга талпинади.

— Бобожон!

Ана шу тарздаги «Болажон» ва «Бобожон»лар қарийб олти-етти ой такрорланди. Кунларнинг бирида Қаюм Раҳим қулочини кенг ёзаркан, набирасини атайин «удум»ни бузганча чақиради.

— Бобожон!

Шоҳруҳ чопқилаб келаётган кўйи таққа тўхтади. Бироз фикр қилиб олгач, бобосига қарата бармоғини бигиз қилди.

— Адашма! Мен — Болажон. Сен — Боважон!..

8. ШОИРНИНГ ҚИЗИ

Шоир Ҳолмамат Ҳасаннинг қизи Маҳзуна ниҳоятда бийрон. Устига-устак «Қонида борми» ўзича шеър ҳам тўқийди. «Ўрис забони»даги боғчага қатнаёттанды табиийки, Маҳзунанинг шеърлари ҳам ўрисча янграрди.

— *Лисая башка
Дай, пирожска.
Пирожска горячая
Пять копеек сдачая!*

Дадаси бозордан ширинлик олиб келиб қолса, унга ҳам албатта, шеър тўқиларди.

— *Менинг дадам дайис (раис демокчи — М.О.),
Обжелади, майиз.
Обжелмаса майиз,
Ну, погоди... Заяц!*

Ёши бироз улғайгач, Маҳзунани ёзги таътилда қишлоқка юборишиди. Шоирнинг боласи эмасми, «ҳаётта синчковлик билан боқкан» қизалоқ қишлоқда кўрган-эшиттандари таъсирида соғ ўзбекона шеър тўқиб қайтди.

— Эй, она!
*Мактабимиз молхона
Ўқитувчимиз — «подачи»
Биз ўқиймиз — «аълочи»!*

9. СИГИРНИ ҲАЙДАШ ЙУЛИ

Кувончбекнинг ота-онаси аслида қишлоқдан бўлишса-да, ўзи тақдир тақозоси билан шаҳарда туғилган. Аксарият тенгқурларни қатори кўпқаватли «дом»да туради. Дараҳтлардан микроту-

манда ўсадиган акацияни, қушлардан, одамлардан кўпам чўчи-майдиган ҳаккани, паррандадан эса биринчи қават ертўласида кўшни кампир боқадиган товуқ-хўрзларнингина билди. Қувончбек бироз катта бўлганда Абдулла амакиси уни қишлоққа олиб кетди.

...Эрталаб Қувончбек ярим пиёла қаймоқни энди тушириб бўлгандики, амакиси боғ томондан каттакои говмиш сигирни ҳайдаб келиб қолди. Бола бурма шохли, думининг учи сочвоқли бу маҳлукқа ярим ҳадик, ярим ҳайратда тикилиб қолди. Унинг қизиқсинганини сезгандек амакиси жиянининг қўлига хивич тутқазди.

— Қани, ҳой шаҳарлик! Молни подага ҳайдачи! Қани, нима деб ҳайдаш керак?

«Шаҳарлик» анчагача ўйланиб турди, сўнг товуқ-хўрз боқадиган кўшни кампир ёдига тушдими, сигирга қараб қўл силтади.

— Кишт... Кишт-э!

10. САБЛНИИ БИЛДИ

Оқшом маҳали оила аъзолари жам бўлишиб телевизорда «Ҳайвонот олами»ни кўришарди. Экранда фил тасвири пайдо бўлди. Шу асюода эшиттиришини олиб борувчи изоҳ берга бошлади.

— Фил — дунёдаги энг йирик жониворлардан. Гавдасига ва ёшига қараб улар ўта хўра бўлишади. Масалан, ўрта яшар бир фил кунига 50 килограммгача озуда сайди. Умуман олганда ҳайвонларнинг организми ҳажмига қараб...

Шу жойга етганда олти ёшли Олмосбек чуқур хўрсинди.

— Ҳм-м... Ана энди билдим!

— Нимани билдинг? — дастурхон атрофида ўтирган катталар бир оғиздан ундан қизиқиб сўраша бошлапди. — Айт-чи, нимани билдинг?

Олмосбек ўрнидан туриб лунжини шиширганча, қулочини кенг сайди.

— Боғча опамлар мана мунноқ семизлар! Ошпаз хола ҳам зўрга пишиллаб юрадилар... Ўшани-чун, ўзлари кўп еб қўйишганидан, бизга овқатни оз-озгинадан беришар эканда! Энди билдим...

ШАЙМОН ШОЯТИРЛАРИ

ёхуд

ТОВЛАМАЧИЛИКНИҢ ТОВЛАНИШЛАРИ

МУҚАДДИМА ҮРНИДА

*Алданашдан сақланынг! Сақланынг!
Наңымдашы Ал-Кубро*

Кундузи күзойнак, кечаси қүшчироқда қидирсанғиз ҳам би-
рор-бир лугат ёхуд «энциклопедия»дан, имоним комилки, «Тов-
ламачи» атамасининг тузук-қуруқ, тұлақонлироқ маъносини
қидириб топа олмайсиз. Яхшиси, бундай кездә күпчиликнинг
фиркига таянған маъқул. Айтмоқчи бүлганим бирор-бир «кас-
би»га таърифу тасниф берішші халқимизнинг ўзы устаси фаранг.
Мисол тарнисида ойсак, «Кисавур» дейінгінде «кисса» тұны
чүнтакни «урұвчи» тушунылади. «Фириғар» дегани фириб бе-
рувчи, «Олғир» — «Ол!» деса ола қопния олиб жұновчи за әоказо,
ва әоказо...

Шу мазмұн-мәдениетден келиб чиқылса: товламачи! Қаранг,
қандай топиб айттыған ташбөх! Демек, «товламачи» атамаси-
нинг негизида «тovлаш», «тovланиш» етади. Кенгроқ таъриф
берілса-чи? Үнда «тovламачи» дейінгінде — бұқала мундек тур-
фа тусга кира олувчи, илондек алдаб-аврович, ўргымчаңдек түр-
ташловчы, булбулдек хониш қилиб күнгил оловчы, аввал бош-
да құзичноқдек ювош, иши битгач тутқыч бермас елдиримдек бе-
вош... нұсха тушунылыш лозим!

Товламачилик қақон, қай замонда ва қандай шароитта пай-
до бўлган?! Бизнингча инсон зоти пайдо бўлибдикн ён-теграси-
да товламачи, фириғар, олғир... нұсхалар ёнма-ён одим таш-
лаб келишмоқда. Бунга ажабланмаслик керак. Чunksи, тан олай-
лик, улар ҳам ахир «бегона» эмас — башар наслидан! Фақат,
шакл-шамойиллари ташқи кўринишдан инсонга ўхшашса-да,
аслида вужудларидаги вижданни жигилдон эгаллаганилиги боис,

уларга «Шайтон шотирлари» дея ном берса ҳам бўлар... Чунки, ривоятларга таяниб иш кўрадиган бўлсак, инсон пайдо бўлган илк паллада унинг виждонини жигилдонга алмаштирган ва жаннатдан ҳайдалишига сабабчи бу — шайтони ланиндири.

Шундай қилиб сизга тақдим этмоқчи бўлган «лавҳалар»имиз товламачи, фирибгар, олғирлар... ҳақида. Хўш, ушбу қорала-маларни қоралашдан мақсад нима? Мақсад шундан иборатки, бугунги янги давр, янгича эҳтиёж, илгариги эски тузумда «енгил-елли яшашга» кўниккан айрим тоифаларни анча беҳаловат ва бесаронжом қилиб қўйди. Шу боис, ўзларини қабоҳат гирдобига ташлаб бўлса-да, сиз-у бизнинг пешона теримиз зазига топган ризқу рўзимизни, насибамизни товламачилик йўли билан «туя қилишга» бел боғлаганлар сони кейинги фурсатларда анча кўпай-иб қолгандек...

Бирор-бир хонадонда ит пайдо бўлса, дарвозада «Эҳтиёт бўлинг, қопагон кучук!» деган битик битилиб огоҳлантирилиши, табиий. Каминанинг мақсад ва матлаби ҳам бир муддатта сизни ҳушёр тортириш: «Эҳтиёт бўлинг — Товламачи!...

P.S. Ҳукмингизга ҳавола қилинаётган «ҳикоятлар» уйдирма эмас, ҳаётда кўрган, билган ва эшитган воқсалардир. Ўқимишлилигини ошириш учун, қайта ишланиб, пардозланиб, бирозгина ҳажв бўёғидан жило берилди, холос...

ЧУВ ТУШДИ

Милиция майори Мўмин Мейлисов одори тўкилганроқ «Волгажини шаҳарнинг шоҳ кўчасидан бир маромда ҳайдаб борарди. Ўз-ўзича мингирлаб хиргойи қилишидан унинг кайфияти яхшилиги яққол сезилиб турарди. Дарҳақиқат, нега ахир хурсанд бўлмасин. У бошлиқ «оператив гуруҳ»нинг қарийб икки ойлик чеккан азоб-ташвишлари бесамар кетмади. «Қидирувда бўлган», жами ўн уч кишилик катта жиноий гуруҳ ниҳоят фош этилди. Ички ишлар бўлимининг куни кеча бўлиб ўтган йигилишида эса, бўлим бошлиғи, милиция полковники Пардабоев майорга мукофот топшираркан, ўз миннатдорчилитини шундай изҳор этди:

— Барчангиз, айниқса, ёш ички ишлар ходимларини Мўмин Мейлисовичдан ўрнак олишга чақираман. Бу ҳамкасбимиз, айтиш лозимки қўрқмас, жасур, милиция хизматига жонини фидо

этадиган ёвкур ходимларимиздан. Ўтган йигирма йил мобайдида Мўминжон отган жиноятларнинг ўзи катта бир китоб булгувлик. Ҳа-ҳа... Унда арслон юраги, қирғий қараши, бургут чангали бор. Мўмин Мейлиевдан шу боис, унинг назаридан қочиб қутуламан деган қонунбузар, жиноятчилар чучварани хом санашади... Баракалла, майор!

Бу ҳар қандай қалбга сариёғдек ёқадиган сўзлар ҳали хамир учидан патир экан. Ўша кун, иш ниҳоясида бошлиқ уни яна бир бор йўқлатди. Кабинетига таклиф қилиб, бир пиёла қуюқ қаҳва билан сийларкан, синовчан ва мугомбирона тарзда кулимсиради.

— Хўш-ш, ўртоқ милиция майори... Тиланг тилагингизни десам, барибир миқ этмайсиз. Ана шу камтарлигингизни биламан. Аммо дардингиздан ҳам хабардорман. Уч йилдан буён «отпуска»сиз «отчуғ»сиз, дам олиш кунисиз жонни жабборга бериб ишлаб келаяпсиз! Бунинг учун раҳмат! Лекин ҳар замонда «давления» безовта қиларкан, ўғилчани уйлантириш тўйи ҳам бир йилдан бери сурилиб келаётган экан-а?! Эътиroz билдираманг. Биз бошлиқлар кўл остидагиларимизнинг дарди қаерда, қитиги қаерда ҳаммасини яхши биламиш! Бугун менинг ҳам кайфиятим аъло. Шунинг учун ийиб турганимда, раҳмдиллигимдан унумли фойдаланиб қолинг. Ҳуллас, мана... Сизга икки ойлик отпуска, икки ойлик «оклад», мукофот пули бериш ҳақидаги буйруққа имзо чекдим!

Бу тарздаги хушхабар-муждадан, тўғрироғи сийловдан Мўмин Мейлиев табиийки хурсанд бўлди. Хотини Хадичахон эса қувончдан гул-гул яшнаб кетди.

— Бошлиққа қойилман, дардимни қаердан билди, дейсизми? Оббо, хўжайн-э! Менга қойил қолинг... Ҳаммасига хотинингиз сабабчи! Ҳайрон бўлманг, туғилган кунингиз ёдингиздами? Ҳа, яшанг, ўшанда бошлиғингиз хотинлари билан келганди-а? Бундай имкониятдан фойдаланиб қолмаган номард, дедиму, янгапошшани секин четга тортиб, роса дил дардимни у кишига дастурхон қилиб ёздим. Ана шунаقا, сиз эркаклар хотинларнинг куч-қудратини қаердан ҳам биласизлар! Янгапошша эрининг қулоғига гапларимни қўрғошиндек қўйгандирки, мана ниҳоят елкангизга офтоб тегиб, отпускага чиқибсиз. Хўш-ш, хўжайнжон, тўйга энди қавму қариндошларни айтаверайми?!

Мўмин Мейлиев хотинига қойил қолиб илжайди. Сўнг табасумининг тахини бузмасдан бош чайқади.

— Яна бироз шошмай турасан! Олдин, анови эски машиини устага кўрсатиб яхшилаб тузатиш керак. Тўйда у ёқ-бу ёқда «чоптириш»га асқотади. Сўнг иккаламиз бир ўн-ўн беш кун «Соҳил» санаториясида давленияни дам олдириб келайлик. Ана ундан кейин қарабсанки, гижбада-баданд тўйда!

Хотинга эрининг феъл-автори маълум бўлганлиги боис, гап қайтариб ўтиришни лозим топмади.

Мана энди, шу тобда Мўмин Мейлиев ниятининг дастлабки-сини амалга ошириш учун «Волга»сини оҳиста ҳайдаб устани-кига бораяпти. «Мошин ремонт» тугаса, насиб этса, икки-уч кундан сўнг санаторияга...

Мўмин Мейлиев хаёл билан бўлиб, тўсатдан машинаси рўба-рўсига чопиб чиқсан кимсани пайқамай қолди. Яхшиям, секин келаётган экан... Фийқиллатиб тормоз берганча, базур машинани четга буриб тўхтатди. Манглайига бодраб чиқсан муздек тер доналарини сидирди. Шундан сўнг «қоидабузар»нинг танобини тортиб қўйип учун жаҳл билан сёғини кабинадан чиқазаётганди, кимнингдир юракни хазин торттирувчи шикаста ва мунгли овозидан ҳушёр тортид.

— Акажон! Мени худо уриб қўйди... Сизни бозовта қилдим. Лекин, аҳволимга ҳозир...

Мўмин Мейлиев бошини оҳиста кўтарди. Қаршисида чақмоқ-дек кийинган — костюм-шим, ёқаси қотирма оқ кўйлак, нўхат-гуллик галстук, қўлида «дипломат» — жомадонча, ўттиз ёшлар чамасидаги рангпаргина йигит сочлари тўзғиган, кўз жияклари қизарган, киприкларида нам ялтираган кўйи жавдираб турарди. У портфелини ерга қўйиб, икки қўлини кўксига қўйди:

— Акажон, минг бор узр! Мени кечиринг... Эс-хушим жойида эмас. Ярим соат бурун хабар беришди. Якка-ю ёлғиз жигаримни машина уриб кетибди! Вой, укам,вой, жигарим!! Энди беш боланг нима қилади-а? Вой, оғам-а... Жон ака! Болаларингизнингроҳатини кўринг, шуларнинг баҳтига соғ-саломат юринг... Энди бир холис хизмат қилинг. Мени шундай травматология банисасигача элтиб қўйинг. Оғзингизга сиққанини оласиз. Жон, ака... Укагинамнинг ҳеч бўлмаса васиятини эшлитиб қолай! Онагинамга гапларини етказай...

Мўмин Мейлиевнинг ҳуши бошидан учганча нима қилишини билмай қолди. Бир бечоранинг бошига мусибат тушганда кўмак бермаслик одамгарчиликдан бўлмас-ов! Бу одамнинг изиллаб йиғлашига шу тобда ҳар қандай тошюрак ҳам дош беролмасди...

Мўмин Мейлиев қатъий қарорга келганди.

— Ўтириң ука! Хафа бўлманг... Балки, укангиз унча оғир жароҳат олмагандир...

— Илоёш, шундай бўлсин! — йигит тезлиқда орқа ўриндиқдан жой олди. — Мендан қайтмаса... Лекин, айтган пулингизни бера-ман, ака!

Мўмин Мейлиев бош чайқади.

— Пулни укангизнинг дори-дармонига ишлатарсиз. Бизга савоби тегса бўлди. Ахир, биздаям бола-чақа бор. Ака-ука... инсон дунёга келгандан кейин бир-бировига ёрдам бериш керакми, ахир?!

— Раҳмат, ака, — йиғламсиради жабрдийда. — Қани эди ҳамма сизга ўхшаган бўлса! Дунё тургунча туриңг, ака! Етмиш яшар онам бор. Энди беш вақт намозида сизнинг муборак номингизни кўшиб, дуо қиласди. Лекин, шу онаизоримга қийин бўладиган бўлди-да. Отам ёшлигимизда ўлиб кетган. Онам шўрлик боғчада уборщиса, мактабда қоровул бўлиб бизни боқиб катта қилган. Мен, ака, ўзимни, «наука»га урдим. Ҳозир кандидат наукман. Укам эса эрка чиқди. Онамни, мени кўп куйдирди. Катта картёжник бўлиб чиқди. Икки марта қамалиб ҳам одам бўлмади. Яхшиям менинг топиш-тутишим яхши. Яшириб нима қиласман, студентларнинг ўзи боқади, ака! Бу гапларни очиқ айтаётганим, насиб бўлса энди ака-ука тутинаимиз, ака. Битта-яримта жиянча, неварани ўқитиб беришга кучимиз етади. Мана ака, мана бу «авторефарат»им ҳам сизга мендан совға... Темасини ўқиб берайми? «Оилада соғлом муҳитни шакллантириш ва...»

Мўмин Мейлиев нигоҳи йўлда бўлғанилги учун бошини хиёл буриб «авторефарат»га кўз ташлади. Ҳадеб индамай кетавериш нокулай бўлмаслиги учун, мавриди бўлмаса-да «ҳазил гап» қилди.

— Домла, бу «Оилада соғлом муҳит...» деб илмий иш қилиб-сизу лекин, укани тарбиялай олмабсизда-а?!

«Домла» ўзини зўрлаб кулган бўлди.

— Ѕөлгөн, эрка-да, бу бетамиз ука! Ҳай, дунёда ишқилиб, шунча яхшининг ичида битта ёмонга ҳам жой топилсин-да. Ёмон бўлса ҳам жигар! Ишқилиб тирик қолса гўрга эди. Лекин бир нарса бўлса, келин сатқаи-сар, қари онамга қийин... Лекин сизга раҳмат, ака! Бир ўғлингиз менга ўхшаб кандидат бўлсин. Кандидат нима, академик, Нобел мукофотини олсин! Ўзингизнинг касбу корингизга барака бўлсин!

Шу тарздаги дуо-олқишилар гирдобида манзилга ҳам етиб келишди.

Йигит кўз ёшларини артаркан, яна Мўмин Мейлиевга қараб мўлтиради.

— Энди ака, яна бир яхшилик қиласиз. Дипломатим мошинингизда турсин. Мен икки минутга банинсага кириб чиқаман. Яна ундан кейин сиз билан расчўтлашиб...

Мўмин Мейлиев қўл силтади.

— Пулингиз керакмас дедим-ку! Тезроқ укадан хабар олинг, домла!

Йигит қўли кўксидаги «Қуллуқ, раҳмат, ташаккур!» дея ярим букилган кўйи касалхона томон юргилади. Мўмин Мейлиев қилаётган хайрли юмушидан мамнун ҳолда керишди.

— Отпусканинг биринчи куни ёмон бошланмади. Дунёда яхшиликдан кўра яхши иш борми?! Милисани айримлар тошбағир дейишади. Мана ... биз ҳам инсон, «тут! қама!» дегандан бошқа нарсаларни ҳам биламиз. Бир бечоранинг кўз ёшини кўриб, сал қолди ўзимнинг ҳам йиғлаб юборишимга! Ишқилиб, бояқишининг укаси соғ-саломат қолган бўлсин-да!.. Тирик қолса, менинг қўлимга беришса, ўзим билардим бу «картёжник»ни қандай тарбиялашни. Бу домла олим одам, кўнгли бўшлиқ қилиб, жиловини салт қўйганда... Ие, ана домла чопқиллаб келаяпти. Ҳақиқатан, икки минутда қайтиб чиқди!

Йигитнинг юз-кўзларидаги қувонч ёғдуси ёлқинланарди.

— Ака, бахтим бор экан. Хайрият, жароҳати снгил, ўзи ҳозир кўзини очди! Дўхтирлар умид қилса бўлади, дейишашапти. Лекин...

Йигитнинг қиёфаси яна ғамгин тус олди, овози яна мунгли тус олди.

— Лекин, ака, шу дўхтир деганларида инсоф, диёнат қолмабди! Қаранг, ноинсофларни, қуруқ қўлга қарамаслигини очиқ-ойдин шама қилди! Шошмай турсин, улар билан кейин гаплашману, лекин, ҳозир укамни бир бало қилиб қўйишмасин, деб

кўрқаяпман... Мана, своличлар соатим билан никоҳ узугимни гаровга олиб қолишиди.

Мўмин Мейлиев беихтиёр йигитга қаради. Дарҳақиқат, на билагида соат, на бармоғида узук кўэга ташланмади. Сал бурун, назарида бордек эди...

Йигит ярим букилиб келиб, унинг қўлларидан тутди.

— Энди, яна сизга суюнаман ака! Савоб ишни охиригача етказинг... Уйга бориб келгунимча бу жаллод-дўхтирилар укагинамга бир зиён-заҳмат етказмасин. Шунга.. Одам айтишга ҳам уялади... Ёнингизда пул бўлса бериб турсангиз. Мен анови Гиппократ қасами кўр қилгурларга «тиқиб» чиқсан. Сўнг тўғри бизни уйга борсак-да, мен сиз билан ҳаммасига ҳисоб-китоб қилсак... Жон ака, охирги илтимос! Мана ҳужжатлар солингган дипломат мошинангизда туради. Агар ишонмаётган бўлсангиз, қасам ич десангиз ичай...

— Йўғ-е! — Мўмин Мейлиев қандай қилиб ички чўнтағига қўл сиққанини, «мошин уста»га ажратилган пул ўрамини олиб йигитга тутқазганини созмай қолди. — Ахир, бу дунёда инсонлар бир-бирига...

Йигит эгилишининг тахини бузмасдан «тавозе билан» пулни олди.

— Қиёматли акам бўлдингиз, ака! Тўйларингизда ўзим бошқош бўламан, самоварчи десангиз самовар қайнатаман, ош қозо-нингизнинг кулини хокандозда оламан. Қамишдан бел боғлаб хизматингизда бўламан. Ўн-ўн беш дақиқада қайтиб чиқаман. Бугун битта қўлбона зифир ёғли ошни ошатиб, сўнг сизга жавоб бераман! Ўн беш дақиқа...

Мўмин Мейлиевнинг бу «илтифот»лардан кўнгли сув ичди. Йигит яна орти билан тисланиб таъзим-тавозеда хастахона томон ошиқди. Мўмин Мейлиев машина ўринидигида ястанганча кўзларини мамнун юмди.

... Бироқ, бу сафарги «ўн беш дақиқа» нимагадир йўғон ичак-дек чўзила бошлади. Орадан бир соатлар фурсат ўтгач Мўмин Мейлиев тоқати тоқ бўлганча кабинадан оёғини чиқазди.

— Нима бало, укаси бечора яна тўсатдан оғирлашиб қолган бўлса-я?! Балки бирор ёрдам керакдир... Оббо, қайси палата, бўлимлигини сўраб қолмабман-ку! Ха, авария дедими... Демак, травма бўлимини кўриш керак...

Мүмин Мейлиев қовлиқанча касалхона томон катта-катта қадам ташлаб кетди. Ярим соат мобайнида у бош суқмаган бўлим ва палата қолмади. Милиционерларга хос сўраб-суринтиришига қарамасдан бирор-бир киши турқи таровати домлага ўхшаш «кандидат»ни ҳам, аварияга учраган «бемор»ни ҳам кўрмаган-лигини айтишди.

Мүмин Мейлиев қовлиқанча ортига қайтди. Унинг сезгиси алдамаган эди — машина ўриндиғидаги «дипломат» ҳам беиз йўқолганди — ҳали шошганда кабина эшигини қулфлашни унуган экан.

Мүмин Мейлиев беҳол ҳолатда ўриндиққа чўкаркан, бенхти-ёр манглайига бир шапалоқ туширди.

— Ана сенга арслон юраги-ю, бургут чангали... Бу кишимнинг назарида учётган пашша ҳам... Эссиз, шунча мақтov! Лекин, нафси ламбирини айтганда «төвламачи» дегани ўғри, қаттол, рецидивистдан кўра устамонроқ эканми?! Товланишига қойил-э! Кўзни қамаштириди-қўйди. Э-э, ўргатган устозига баллис! Ҳа, бу мен учун сабоқ бўлди...

БЕКАТДАГИ «БОЯҚИШ»

Тошпўлат Тўраев қурилиш трестида бош муҳандис бўлиб ишлайди. Институтни тугатганига ҳам беш йил тўлгани йўғ-у, унга шундай масъулиятли лавозимни раво кўришганлигидан у тақдиридан мамнун. Албатта, бу ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Тошпўлат Тошкент Политехника институти, қурилиш факультетида ўқиганида ҳам билим ва иётидор жиҳатдан ўзгалардан ажralиб турарди. Ишлаб чиқаришга келгач ҳам ундаги ана шу тиришқоқлик ва елиб-югуриш кўпчиликка, хусусан, вилоят раҳбарлигига маъқул тушган кўринарди. Айниқса, бу йигитдаги хушмуомалалик, очиқ кўнгиллилик, «қўли очиқлик» каби хислатлари ҳам унинг фазилатини кундан-кунга оширади. Шу боисданми, Тошпўлат Тўраевни куни кечак яна бошқармага чақиришди. Навбатдаги хушхабар экан:

— Сафар жабдугини тайёрланг! Тошкентга... Қурилиш кўчма колоннаси бошлиқлигига номзодингиз кўрсатилди! Концерн раҳбарлари савол-жавобидан ўтиб, насиб бўлса бошлиқ бўлиб қайтасиз. Хайр, ишингиз бароридан келсин!

Тошпұлат терисига сиғмай хурсанд бўлди. «Тавсия» қилиш аяптими, демак, номзоди ўтади. Қолаверса, чўлда чанг ютиб анча ҳориганди. Шу баҳона Тошкентда 3-4 кун ўйнаб ҳам кела-ди. Собиқ курсдошларини кўради... Айримлари кимсан «Фалончи Пистончиеv!» бўлиб кетишган. Демак, сўлковойдан киссага кўпроқ солиб белни бақуват қилиб бориш керак. Биринчи муҳаббати Мұҳаббатхонни ҳам бориб кўришга тўғри келар. Ҳуш, пойтахтга нима билан кетгани маъқул?! Автобус обрўга тўғри келмайди! Самолётда учишга ёшликтан «аллергияси» бор — қўрқади. «Такси», сингил уловча ҳам узоқ йўл — эзилиб боради. Яхши, поезднинг «СП» вагонига чиқади. Бирорта дурустроқ ҳамроҳ чиқса (бунақа қимматбаҳо купега ҳамма ҳам чипта олавермайди-ку?) қиттай-қиттай отамлашиб кетади. Бир ухлаб, кўзини очса, қарабдики етиб борибди-да!

Тошпұлатга шу фикри маъқул тушди. Қўл остидаги йигитларнинг бирига «топшириқ»ни юклаганди — зиппиллаганча бориб чиптани ҳал қилиб келди. Кечқурун ошни ошаб, кўк чойни қониқиб ичиб, поезд кетиш вақти маълум бўлса-да, сал барвақтроқ шоҳбекатга чиқди. Мақсади бирорта таниш-панишини учратса «мансаби ошаёттанини билдириб» қутлов олиш, мақтоз эшитиш. Тошпұлат перроннинг бир четидаги туриб. ширин кесирганча одамлар оқимини кузата бошлади. Шу аснода биқинидан кимнингдир келиб журъатсизгина томоқ қирганини пайқади. Ўтирилиб қараса, эгнида узун қора лас чопон, бошида симоби салла, қўлида тугунча, кетмон соқол қария унга қараб қўлинни чўзиб турибди.

— Ассалому алайкум, ўғлим!

Кекса одамнинг ўзидан олдин салом берганидан Тошпұлат шошиб қолди. Қария унинг қўлларидан тутиб, анчагача қўйиб юбормасдан узундан-узоқ дуо қилди.

— Чеҳрангиздан шундайгина нур ёғилиб турибди. Бўтам! Кўринишингиздан бир мўмин-мусулмон инсоннинг қалби савобога интилган қобил фарзанди эканингизни ҳам билдим. Илоё, юз ёшга киринг, топганингиз тилло, олганингиз олқиши бўлсин, сафарингиз бехатар ўтиб, не ният мақсадда йўлга отланган бўлсангиз, мушкулингиз ҳал бўлиб, муродингиз ҳосил бўлиб, бола-чакангиzinинг олдига яна ёруғ юз билан эсон-омон қайтиб келгай-сиз. Омин!

Тошпұлат ярим ийманиш, ярим қызықиши, ярим ҳайрат, ярим таажжубда «Раҳмат, ота!», «Құллуқ, бова!» деб турди. Құлини күксига қүйәй деса, чол маңкам ушлаб олган. Қария ниҳоят фотиҳа пировардиде кафтларини қозига сурди, соқолини сийпалаб, қироат билан сүзлашда давом этди.

— Сөзіб турибманки, бу қари чол ким бүлди зкан, дея ажабланаяпсиз, түғрими?! Ажабланманг, мен шаҳрингизда мусофириман. Ҳалидан буён одамларни кузатиб ўтириб, не боисдандир сиз билан танишиш истаги туғилди. Ростини айтсан, шундай вахий келди. Ажабланманг бүтам. Бобонгизнинг ёши сал кам етмишда. Эскича-ю, янгича илм бўстонида хўп сайд қилганмиз! Мадраса тупроғини ҳам ўз фурсатида тавоғ қилганмиз...

Тошпұлат мусофири қарияга синчиллаб тикиларкан ҳайрати янада ошди.

— Тавба, туриш-турмushi соқолининг тузилиши, гапириш овози Турди тоғамга ўхшаркан. Фақат бу чолнинг ўнг қошининг тепасида данакдек холи бор зкан... Бўлмаса, Турди тоғам тирилиб келди деб...

— Бўтам, нега хаёлга толдингиз? — қария унинг хаёлига тароқ урди. — Ёки, сизнинг бошингизга ҳам мендек савдо тушдими?!

— Йўғ-е, йўғ-е! — изза тортди Тошпұлат ҳушини йиғишига уриниб. — Хўш, отахон, қалай, бизнинг Қарши шаҳримиз сизга ёқдими? Айбга буюрмайсиз, бу томонларга нима юмуш билан келгансиз? Кейин, бошимга савдо тушди, дедингизми, отахон?

Отахон соқоп силлади. Ниҳоятда синиқ ва маъюс оҳангда сўз бошлади.

— Сиз сўраманг бўтам, мен сархонамни титмай! Бобонгиз тақдирнинг кўп азоб-уқубатларига рўйбарў бўлган. Узоқ йиллар фарзандсизлик азоби қийнади. Сўнг ... Кечирасан исмингиз ким бўтам? Тошпұлат! Ё, тавба! Ё, қудратингдан! Қарангки, азиз-авлиёларга сифиниб ўттиз ёшда бир фарзанд толғандим, энди ҳаётда турсун деб, унга ҳам сизнинг муборак исмингиздек Тошпұлат дея исм бергандим. Менинг ўғлимга адаш эканлигинги бежиз эмас, бўтам. Ҳа, ҳали «ваҳий» бекорга келмаган, сизни бежизга танламаган эканман! Ҳуллас, Тошпұлатим... йўғе, Турсунтошим ақлли бола бўлиб ўсади. Ўқиди, билим олди, мансаб пиллапоясидан тез кўтарила бошлади. Лекин, ўғлим, бу дунёда сенинг баҳтингни ва омадингни кўролмайдиганлар кўп бўлар-

кан. Икки йил бурун катта бир лавозимга номзоди қўрсатилганди, ғанимлари, кўролмайдиган ғаламислар уюштиришиб, «пора берди» қилишиб, ўғлимнинг юзига қора бўёқ суркашди. Икки йилдирки фарзанди жигарпорам шу шаҳрингиздаги Шайхали посёлкасида лагерда ётибди. Ана шу болагинамнинг дийдорини кўрай деб бу юртларга келиб қолдим, бўтам. Шаҳрингиз таърифига келсак, менга чўл деб айтишганди, ёлғон экан, ҳаммаёқ бофу бўстон. Одамлари ҳам маъқул. Фақат...

Қариянинг сўз оҳанги ўзгарди. Товуши титроқ тус олди. Киприкларида ёш ҳалқаланди.

— Фақат сиз хафа бўлманг, ўғлим. Ҳамشاҳарларингизни ёмонотлиқ қўлмоқчи эмасман. Лекин, гуручнинг ҳар жойда курмаги, одамларнинг ҳам яхши-ёмони бўларкан! Эрталаб поездан тушиб, ўғилга майда-чуйда, егулик, кийим-бош, командирларига совға-салом олай деб бозор оралагандим, оҳ, уйим куйиб қолдиди... Кисавурлар бор пулимни кесиб олиб кетишибди... Шундан сўнг, нима қиласай, шўр пешонамга шалатираб, яна вокзалга қайтиб келиб ўтирибман-да бўтам! Қани, энди бир мўмин-мусулмон фарзанди учрар леган ниятдаман. Кимни мурувват қилса, адресимни ёзив берниб, берган пулларини бир ҳафта ичида почтадан қайтарардим...

Тошпўлат Тўраев очиқ кўнгил, саховатпешалик билан бир қаторда янабир фазилати — ўз шаҳри ва ҳамшаҳарларини ниҳоятда яхши кўрарди. Шу боис шундай мўътабар қария, кекса мусофири мәҳмонни «қийин аҳволга солиб қўйган» кисавурлардан ниҳоятда хафа бўлди. Қандай баттол, разил кимсалар-а?! Унинг она шаҳрининг нуфузи ва обрўсига доғ тушириб қўйишибди-ку, бу доғулилар! Энди, бу кекса одам шундай салбий таассуротда қайтиб кетадими?! Асло! Бунга йўл қўйиб бўлмайди. Ахир юрт обрўси учун қадимда инсонлар на фақат мол, балки, жондан ҳам кечишмаганми?!

Тошпўлат Тўраев гўё бояёқиши чолнинг бошига тушган мусинаттага ўзи айбдордек, изза тортганча шашт билан чўнтақ кавлади.

— Бозорлик, совға-салом ва қайтиб кетишинингизга қанча кепрак? Тортинманг, отахон...

Шу аснода шоҳбекат радиокарнайи жаранглади: «Китоб — Тошкент 665-сонли пассажир поезди биринчи йўлдан қабул қилинади. Йўловчиларнинг...»

Тошпұлат ярим мункайған күйи турған мусоғир қарияга айт-ған миқдоридаги пулни берғанча у томонидан ёғилаётған ҳам-ду сано, олқыш, дуолар құршовида ичкарига томон ошиқди.

* * *

Орадан роппа-роса бир йилга яқин фурсат үтди. Тошпұлат Тұраев мусоғир меңмөн — бояқиши қария билан бүлгән учрашув воқеасини деярли унуганди. Бу орада унинг мансаби яна бир погона ошди, олти ойдан сүнг трест бошлиғи лавозимига сайланғанди. Энди Тошпұлат Тұраевич поездда юришга «орланар», пойтахт сафарига отланғудек бүлса хизмат машинасияннинг орқа ўриндиғида ястаниб кетарди.

Бу гал ҳам шундай бүлди. Тошпұлат Тұраевич машина деразасидан урилаётған баҳор насымiga юзини туттанча ён-атроғни томоша қилиб кетарди. Зум үтмай «Қашқадарे дарвозаси» ортада қолди. Самарқандда катта йўл устида бирров тұхтаб, етти иқлимга машҳур «Самарқанд нони»дан түрттагина харид қилиди. Жиззахга етганда қорни очиққаннин сезди. Шоғёрига Бахмал бозори биқинида тұхтатишига буйруқ қилди. Сүнг виқор билан тушиб, яхшилаб керишди, «керакли клиент» келганини сезиб унга пешвөз югуриб чиққан чойхоначи йигиттә ул-бул нарсаны буюрди-да, яна оғегининг чигилини ёзиш учун сал нари одимлади. Йўлнинг шундайгина ёқасида пештахталарга ниҳоятда кўркам ва жозибадор териб кўйилған қип-қизил олмаларга кўзи тушиб беихтиёр шу томонга қадамини тезлатди.

— Э-э, қойил. Ҳали олма гуллаган йўғ-у, бу баҳмалликлар ўтган йилги мева қосилини асл ҳолда сақлаб сотиб ўтиришибди. Ранги олисдан кўзни олади-я! Таъми қанақа бўлса? Агар маъқул бўлса, бирор яшигини харид қилган бўларди...

Турған гап олманинг таъми ҳам Тошпұлат Тұраевичга маъқул тушди. Саидони пишишиб, эндигина шоғёрини чақиришга оғиз жуфтлаган эдик, кимдир биқинидан келиб журъатсизгина томоқ қирди.

— Ассалому алайкум, бұтам!

Тошпұлат Тұраевич шошиб ёнбошига ўгирилди. Рубарўсида згнида оқ яктак, бошида оҳори тўкилганроқ олақалпоқ, қўлтиғида асо, кетмөн соқол бир чол унга қараб қўйини чўзиб турарди.

— Ассалому алайкум, раҳматуллоҳи баракотуҳ! Чеҳрангиздан ўғлим, шундайгина нур ёғилиб турибди... Беихтиёр келиб,

сизнинг муборак қўлингизни тутай деб ният қилдим. Ҳали, машинадан тушган фурсатингизданоқ на фақат мансабдор, таг-тугли давлаткор, балки қалби савобга интилган, саховатга интиқ бир мўмин-мусулмон инсоннинг фарзанди эканлигингилини сездим. Ростини айтсан, менга шундай ваҳий келди. Илоё, юз ёшга киринг, топганингиз тилло, олғанингиз олқиши бўлсин, мансабингиз бундан ҳам зиёда бўлсин...

Тошпўлат Тўраевич қарияни қаердадир кўрганини ҳис қилди, бироқ ноқуладай бўлмаслиги учун қўлини кўксига қўйди.

— Мен сизни танимадим, отахон?! Ҳизмат...

— Танимаслигингиз табиий, бўтам. Мен бу жойда мусоффирман. Бобонгизнинг ёши сал кам саксонда. Эскича-ю янгича илм уммонида сайд қўлган, мадраса кўрган, мактабда дарс-сабоқ берган домлаларданман. Ҳизмат шундаки, бўтам... Айтишга ҳам ийманади инсон. Лекин, гапиришга мажбурман... Ҳа, дарвоҷе, узр исмингиз нима ўғлим? Агар малол келмаса...

Тошпўлат Тўраевич чолга ҳалитдан буён синчилкаб тикиларкан, ниҳоят таниди: «Тўхта... Тўхта... Ўнг қошининг тепасида данакдек ҳоли бор бу чолни Қарши вокзалида учратган эдим, шекилли?! Ҳа, ана Турди тоғамга ўхшатгандим! Фақат чопонни яктакка, саллани қалпоққа алмаштирибди... Қани, ўзимни таништирмай турайчи...

— Отим Ўлмас... Фамилиям Ўринбоев. Нима эди, отахон?

Чолнинг кўзлари яшнаб кетди. Тошпўлат Тўраевичнинг қўлларини олиб пешонасига суртган бўлди.

— Ё, қудратингдан! Ҳа, бекорга ваҳий келмаган экан! Буни қарангки, менинг ҳам битта-битта фарзандим бўлиб, унинг ҳам номи Ўлмасжон! Олдингилари турмаганилиги учун аэз-авлиёларга сифиниб, келган ваҳий орқасида шу номни танлагандим... Лекин, Ўлмасбой менга тақдир сизнинг адашиигизни бахти-тахтини кўришни кўпам насиб этмади. Беш йил бурун ўғлим жуда катта мансабга кўтарилаётганди. Лекин, ғанимлари бор экан...

— Пора бериб ушлаб беришди! Сўнг уни қамаши... — ўзини тутолмай Тошпўлат Тўраевич луқма ташлади. — Шундай эмасми?

— Ё, тавбангдан! — чол соқол тутамлади. — Сиз буни қайдан биласиз, бўтам?

— Менга ҳам ваҳий келди! — Тошпўлат Тўраевич кулимсиради. Ҳайрон бўлманд, газетада ўқигандайман. Лекин, ўғлингиз қайси қамоқхонадалигини билмайман.

Чол соқолини силкитганча бош иргади.

— Тұғри, газетда ҳам ўғлимнинг ноҳақлиги ҳақида хабар берилген. Ўлмасжоним ҳозир Зарафшон томонда... «Амнистия»га тушибди деган хушхабарни эшитиб, эрталаб автобусда йўлга отлангандим. Аммо...

— Аммо... — Тошпўлат Тўрасевич шоша-пиша чолнинг қўлидан тутди. — Энди бова буёғига бироз «аммо»сига шошилмай турасиз!

— Нега? — ҳайрон бўлиб сўради қария. — Ҳали гапимни...

— Гапингизни қолганини мен айтиб берақолай... — Тошпўлат Тўраевич кўкка термулган бўлди. Кўзларини юмиб нималарнидир пичирлади, сўнг қироат билан деди. — Ана... ана ... ваҳий келди менга ҳам. Дев, париларим менга картани очингчи, бу бояқиши мусофири чолнинг бошига не кўргиликлар тушди экан? Ҳа, ҳа... «Йўлда автобусда мудраб пинакка кетганда ноинсоф кисавурлар пулни чўнтак-пўнтакка қўшиб кесиб олган! Бовам бечора пулсиз қолган... Энди бирорта кўнгли бўш мўмин-мусулмон фарзандини излаб юрибди!»

Тошпўлат Тўрасевич кўзини очиб қарияга синчков тикилди.

— Тұғри айтаптиманми, оқсоқол?

Чол эсанкиради, шоша-пиша ҳамроҳи тутиб турган қўлни тортиб олди. Овози негадир бу сафар титраб чиқди.

— Бўтам, бошимга тушган бу савдоларни сиз қаердан биласиз? Худди мен билан бирга юрган одамдек... Ёки, илгари...

Тошпўлат Тўрасевич кўзларини яна юмди.

— Қани, қани париларим яна нима гапларинг бор? Нима дейсизлар? Ҳа-а, бу чол илгари ҳам Қарши шаҳрининг вокзалида ўзини «талаған», гарип ва мискин мусофири сифатида кўрсатиб мендан «қарз»га пул олганди?! Йўғ-е?! Айтдима, кўзимга иссиқ, қумда пишган тухумдай бўлиб туйилди! Эҳтимол, менга ўхшаб бу фирибгарнинг кўз ёшлирига ишониб, лаққа тушганлар бошқа вилоят, шаҳарларда ҳам кўплаб топилар-а?! Яна ваҳий келди... Нима? Отахон ўша олган «қарзи»ни шу тобда узиб гуноҳини ювмоқчи! Йўғ-е, ростданми...

Тошпўлат Тўрасевич ўзини тутолмасдан хохолаб кулиб юборганча киприкларини очди. Аммо «қарздор» қария йўқ зди. Бир чеккада ётган ҳассасини «унутганлиги» унинг ниҳоятда шошганлигидан далолат бериб турарди...

«ХОЖАТЪАРОРЛАР» СУЗУРИДА ёхуд

«ЭЪЛОФ» БЎЙИЧА ТАЛОФМИЛИК

... Чоршанби Жумасев умри бино бўлиб бунаقا чув тушмаганди! Оғзида она сути уфурган гўдак, мўйлаби сабза урган ўспирин, ҳа, ана боринг, қирчиллама, қирқ, эсини таниган эллик ёшда бўлса ҳам гўрга эди. Ёшинг бир жойга етганида боланг тенги, набиранг қаторилар «Нонингизни түя қилиб берайликми, амаки!» деб турса, гапнинг очиги кишига оғир ботаркан...

... Ҳамма бало у пенсияга чиққан кунлардан бошланди. Ишга ўрганган одамга қийин кўчаркан. Чоршанби ака ҳам бир ҳафта ўтар-ўтмас ўзини қўярга жой тополмай қолди. Қирғоққа чиқариб ташланган балиқдек бетоқат ҳолга тущди. Уйга киради, «уф-ф!» тортади, ташқарига чиқади, оғзини очиб эснайди. Овунчоқликка хотин ҳам йўқ, олти йил бурун уни сўққабош қилиб кетган. Болалари ўzlари билан овора. Кичкиналигида қучоғингда жой талашишар экан-у, ўzlари ота бўлишгач «ота»ни эслашга ҳадеганда вақт-фурсат топишаверишмаскан. Ҳа, майли улар турмуш ташвиши билан овора... Набиралар-чи? Уларда ҳам вақт тифиз. Замонангдан ўргилай... «Темир қути» омон бўлса бас, бу зумрашаларга! Кун бўйи бўлса ҳам икки букилганча кўз узмай ўтиришаверади. Шундай бўлгач, айтадиган маталингга улар маҳтал эмас, зартак-чўпчагинг бўғзингда қолиб кетавераркан.

Хуллас, бу «пенсионер» дегани ҳали ҳасса суюнимаган, кўзойнак кўрмаган, тўрт мучаси соғ, бир ётиб, бир турадиган Чоршанби Жумасевдек кишига сира-сира тўғри келмас экан.

Унинг зерикканлигини сездими ёки уйилган қош-қовоғидан ҳадик олдими, ҳайтовур катта ўғил бир даста газета-журнални келтириб ташлади.

— Конторамизда барибир ҳеч ким ўқимайди. Нарда, домино турганда кимнинг вақти бўларди. Шу энди ҳайф кетмасин... Ўқисангиз ўқирсиз, бўлмаса невараларингизга варрак, келинларингизга тутантериққа асқотар-а, дада?!

На илож. Шунисига ҳам шукр. Чоршанби Жумасев газеталардан бирини ҳафсалла билан қўлга олди. О-о! Мана бу би-

ринчи бетидаги жувоннинг сурати кетворган экан! Қизиқ, бу ҳам унга ўхшаш бевамикин ёки... Газетачи деган суратнинг тагига шу ҳақда ҳам ёса маъқул бўларди-да. Энди, «газетачи» дейдику, лекин у беш бегона. Бу ёқда ўз ўғиллари олти йил мобайнида кўнгил учун лоақал бирор маротаба «Дада, уйлантириб қўйяликми?!» деб кўнгил сўрашмади-ку? Хўш-ш, иккинчи варагида нима гап? Ҳм-м. «Оlamda нима гап?» Нима гап бўларди, мана бизга ўхшаганлар... Olamda нима гап, дегунча «оталарда нима гап?» дейдиганлар ҳам топилармикин? Энди, учинчи бетга ўтамиз... Ўҳ-ӯ, тўлиғича телевизор программаси берилибди. Нима бало, ёзишга сўз топишолмаганим дейман. Охирги варагини кўрайликчи... Латифалар, «Сканворд»... Бу нима дегани бўлса? Оббо, бу газетачилар ҳам халтура йўлига ўтиб олишибди-ку... Ёки, ростданам варракка харак дегандай... Ие, мана бу жойда нима ёзилган? Эълон! Хўш, эълон нима ҳақда экан... «Ол қулим!» деб бева хотинларни адрес-падресини берган бўлса-я! Қани ўқиб кўрайликчи...

ЭЪЛОН

Мўмай даромад соҳиби ёки соҳибаси бўлишни истайсизми? Унда бизнинг ҳузуримизга шошилинг! Кўлни кўксимиизга қўйиб, тавозе ила олдиндан ташаккур билдирамизки, ташрифингиз бизга олам-олам қувонч бағишлади. Тўла кафолат ила айта оламизки, олтин вақтингиз ҳуда-бечудага соврилмайди. Бир сўм тўлаб юз сўмлик маслаҳатта эга бўлишни, келажаги ярқироқ бизнес йўлига тушиб олишни, қолаверса хорижий сармоядорлар билан ҳамкорлик қилишни истасангиз бизнинг даргоҳимиз эшиги сиз учун ланг очиқ. Қабул фурсати (дам олиш кунисиз) ҳар куни зрталаб 9th дан кеч соат 17thга қадар. Миллатингиз, жинсингиз ва ёшингиздан қатъи назар биз сиз билан суҳбат қуришга тайёрмиз. Қисқа муддатли мулоқотимиздан сўнг ишончли ҳамкоримизга айланишингиз мумкин. Ҳаммаси ўзингизга, ўзингизга ва яна ўзингизга боғлиқ.

Шошилинг, бойлик ерда ётмайди. Уни ҳамма ҳам кўравермайди. Бу бойликни сизга кўрсатиш ва қандай қўлга киритишда белимизни беш жойдан боғлаб хизмат қилишга тайёрмиз!

Ташриф буюринг (торгинманг) ва салмоқли сармоя соҳиби (соҳибаси) бўлишда ўз омадингизни синааб кўринг. Қайноқ чойимиз ва илиқ сўзимиз сизга мунтазир...

«ПАРДОН» фирмасы

Манзилгоҳимиз: «Шоҳбекат» мавзеси. Олтингчи митти тумани, 13-үй. «Гўзалик салони» тўғрисидагиофис...

Бир қараашда жимдимадор жумлаларга бой, бироқ, айни кезда киши дилини қитиқлаб, аллақандай умидвор туйгуларга ошно қилгувчи бу «эълон»ни ўқиркан, Чоршанби Жумаевнинг бекорчиликдан заха торган қалби ором олгандек бўлди:

— Мўмай даромад, салмоқли сармоя... дейдими?! Бойлик ерда ётмайди дегани ҳам тўғри... Энг муҳими дангалига «Ёшингизнинг аҳамияти йўқ!» дебди! Қизиқ, нима иш бўлса?! Ҳар ҳолда лойхандакка солиб ёки вагондан кўмир туширтириш бўлмаса керак... Уйда бекорга ҳам ётибди-да! Таваккал, бир бориб кўрсинчи. Болаларига ҳозирча айтмай туради. Омади чопиб ишга олишса, биринчидан зерикиши барҳам топади, иккинчидан жарақ-жарақ пул санаб бераверса, келинлар олдида тили қисиқ бўлмайди... Бўпти, боргани бўлсин! Бирдан чет элга жўнатиб юборишса-я... Ана унда кўринг, Чоршанби бойваччани! Бошда американский сомбреро, тагда японский «хонда»...

Чоршанби Жумаев ўша тун алламадалгача уйқуси келмади. У шу топда гўё узоқ давом этган касалликдан силласи қуриб турган-у, ҳолатини туйиб, кимдир уни шоҳона, муҳими текин дастурхонга таклиф қилган кишидек хушҳол сезарди ўзини...

* * *

Эртаси Чоршанби Жумаев уйқудан енгил уйғонди. Ҳафсала билан ювинди, уч кундан буён тиф текмаган соқолини обдан қиртишлади, катта набиранинг «духи»сидан «қарзга» сўраб юзига пуркади. Кайфияти хушнуд бўлса, иштаҳа ҳам карнай бўларкан. Ҳар куни ярим пиёла чойни зўрга ютиб, икки пайраҳа нонни чимдиш билан кифояланадиган одам бу сафар тўрт тухумдан иборат «қовурдоқ»ни паққос туширди. Сўнг байрамлардагина жавондан чиқадиган оҳорли кийим-бошини кийди. «Бугун кун нима? Ҳа, чоршанба! Қолаверса отим ҳам Чоршанби... Чоршанба эскилар айтгандек «чош» куни. Қадимда омад келсин деб савдогар, тужжорлар сафарга чоршанба куни отланишган. Демак, унинг омади келиши аниқ! Ҳа, ана келин, набиралар ҳайрон бўлиб қараб туришибди... Уларга ҳозирча сир, кейин «сюрприз» бўла қолсин. Сўрашса «Синфдош оғайнимни кўриб кечроқ қайтаман!»

дейман. Хўш-ш, паспортни олди, ҳар эҳтимолга қарши уч-тўрт суратдан ҳам... Соати қани? Эҳе, ҳали соат етти... Шошмаса ҳам бўлади. Яхшиси, бироз пиёда сайр қилиб боради. Эҳтимол, омадини берса, ишга қабул қилишса, кечда иномарка машинада келтириб қўйишар...

Ана шундай «насия» ният билан Чоршанби Жумаев остона ҳатлаб катта кўчага ошиқди...

... Шаҳар кичикроқ эди. Лекин, шундай бўлсада, эрталаб ишга бор, ишдан сўнг тўғри уйга қайт, дам олиш кунлари турмуш ташвишлари билан ўралашиб... дегандай Чоршанби ака сўнгти пайтларда ўзи яшаётган масканда бўлаётган ўзгаришлардан бехабар, бенасиб қолган экан. Айниқса, шаҳарнинг «шоҳбекат» мавзеси жамолини таниб бўлмай қолибди. У пиёда сайр қилиб кетаркан, ён-атрофга гоҳ ҳайрат, гоҳ ўқиниш билан боқарди. Қани кечаги боғ-роғли ҳовли-жойлар, шилдираб оқаётган анҳор-сойлар... Ҳаммаси таг-туби билан сидириб ташланиб ўз ўрнини гугурт қутиси шаклидаги темир-бетон уйларга бўшатиб берибди. Ҳеч бўлмаса ёзниң саратонида катта-кичикка эрмак — катталар ҳордиқ оладиган, болалар чўмилишадиган Сайхон сойга индамаса бўлишарди. Э-э, қойил, шундай шарқирама анҳорни тупроқ билан (аслида ахлат-чиқинди келтириб тўкилган бўлса керак) тўлдиришиб, устидан қаторлаштириб уй солиб юборишибди. Тайин гап. Бу «дом»да турувчиларнинг «подвал»и сирот сувидан бўшамаса керак?! Мана бу жойда катта кутубхона ва клуб бор эди. Энди, хўш-ш, нима бўлибди: «Боқвой-Барот» хусусий банки, униси эса «Ҳошим ота» ҳаммоми! Унинг ёнидаги чиройли бино нима бўлдийкин? Қани ўқийликчи... «Савлат ота» савдо мажмуи... Ие-ие, ёшлигига ўғил-қизини олиб келиб айлантириб, музқаймоққа тўйдирадиган «Болалар истироҳат боғи» ҳам кўринмаяптими?! Ўрнида... «Пўлат ота пивохонаси» ва «Ашот Ашур гўзаллик салони»... Тавба! Илгари жамики дўкон, кафе-бар, гўзаллик салонлари хотин-қизларнинг чиройли номлари билан аталмасмиди? «Гулчекра», «Гулнора», «Паризод», «Париваш», «Санамгул», «Санобар» дегандай... Бир томондан яхши — «хотинлар даври» ўтиб «оталар замони» келганга ўхшайди. Лекин шу отасининг отини дўкон-барлар, кўча-кўй, ҳатто боғчамактабларга қўйдираётган «бойвачча болалар» падари тириклигига ўша пуштикамаридан бўлган инсонга бирор-бир муруват кўрсатганмикин?! Лоақал, отаси кексайгандা ҳеч бўлмаса

эрталаб бирров кириб ҳол-ақвол сүрашга фурсат топа олдимисин?! Эҳтимол, бундайлари бордир... Лекин, баланд бинолар тенасида «абадийлаштироқчи» бўлганларнинг аксарияти аввало, шу йўл билан ўз-ўзларини «реклама» қилишмоқчи, шекилли?! Бир ҳисобда уларда ҳам айб йўқ. Чунки, агар мени пулим бўлганда эди, чиройли кошона қуриб, биринчى галда марҳума хотинимни номини қўйдирган бўлардим. Қани энди бугун омадим чопиб... Ҳа, дарвоҷе бу «Пардон» дегани шу атрофда бўлса керак? Анови тўғридаги эшиги ланг очиқ, қора ойнавандлик бино... Биқинидаги ёзувни ўқий-чи. «ПАРДОН» (Пардабой Парпиев офиси) экан! Демак, тўғри толиб келибман. Қани, ўнг оёғим қайси эди? Ҳа, мана буниси билан қадам ташлаб даҳлиз ҳаттайлик-чи...

* * *

Остонадан ўтиши биланоқ, Чоршанби Жумасевнинг бўғриқ-қан башарасига муздек эпкин урилиб танаси ҳузурланди. Манглай терларини артиб ён-атрофга разм солди. Деворларининг гирд ҳошияси гипс билан безатилган, турли манзарали суратлар осигулик хонанинг ҳар жой-ҳар жойида хорижий русумдаги совутгичлар париллаб ишлаб турарди. Залнинг қоқ ўртасида япроқлари чор тарафга тарвақайлаган ясама пальма дарахти... Унинг тагида мўъжазгина фаввора. Тош қаламлари ўртасидан отилаётган сув шалоласига ярим балиқ, ярим аёл қиёфасидаги «ҳайкал-жонон» кўзача тутиб турибди...

Чоршанби Жумасев оғзи ланг очилиб анқовсираб турганди, орқасидан кимдир оҳиста томоқ қиргандек бўлди. Дарҳол ўғирилиб қаради. Рўбарўсида эгнига қора шим, қора туфли, енги калта оқ шойи кўйлак, капалак нусхали бўйинбоғли йигит тавозе қилиб турарди.

— Пардон! Узр... Муҳтарам жаноб ташриф буюрувчи! Сизни «ПАРДОН» фирмаси маъмурияти томонидан қутлашга ижозат бергайсиз! Кошонамизга қўйган қадамингиз қутлуғ бўлгай!!!

Шундай дея йигит қоматини ростлаб, туфлисининг пошналирини полга уриб тақиллатиб олди.

Чоршанби ака бундай оҳангжомали қутловга жавобан қай тарзда «алик» қайтаришни билмасдан ўнгайсизланди. Хижолатини яшириш учун яна тер босган пешонасини қашлашга мажбур бўлди.

— Кечирасан... Кечирасан, ука! Мен ҳалиги газетдаги «Эълон» бўйича...

— Пардон! — туфли пошналари яна шарақлаб урилди. — Марҳамат, унда олдин тўғрига, сўнг чалга, яна чалга ва «иккинчи кабина»га.. Эшикни очиб ичкарига киринг!

«Иккинчи кабина»да уни икки киши тавозе билан қарши олишди. Биринчиси, кираверишда кутиб олган кишидан андоза олган-дек — қора шим, снги калта кўйлак, капалак нусха бўйинбогли ўслирин йигит, иккинчиси, сочи елкасига ёйилган, кўкраги ним очиқ кофта ва калта юбка кийган хушбичим қиз...

Йигит билан қиз афтидан «бекорчилиқдан» эрмакка дея ҳиринглашиб, бир-бирининг оғзига резинали сақич «ёпиштириб» ўтиришган экан шекилли, мижознинг туйқус ташрифидан шошиб қолишиди.

— Пардон!!!

Қиз этчилик билан хонадошининг тиззасидан сирғалиб тушди. Йигит эса лаб-лунжига тошган сўлакни шоша-ниша артди.

— Хизматингизга тайёрмиз!

— Мен ҳалиги... — Чоршанби ака айб иш қилаётганда қўлга тушган гуноҳкордек қизаринқиради, тили дудуқланди. — Ҳали... Ҳалиги.

Биринчи бўлиб йигит ўзига келди. Бўйинбогини тўғриларкан, тавозе билан эгилди.

— Сирайм хижолат чекманг. Мана биз сизга... Демак, ҳамма қатори «Эълон» бўйича? Шундайми? Унда марҳамат қилиб мана бу креслога ўтиринг...

Йигит ҳам олдинги шериги мисол пошналарини полга уриб тақиллатди. Сўнг табассум ёғдусини ёлқинлатиб сўради.

— Пардон! Виски, Брэди, шнапс, коктейл?

Чоршанби ака тушунмади. Кўрсатилган ўриндиққа омонатгина ўтиаркан, яна пешона уқалади.

— Ука, шу ўзимизни жайдари тилда...

Йигитнинг чеҳрасида ўзгариш сезилмади.

— Нега, амаки? Кечирасиз, пардон... Бу сўзлар барчаси ҳалқаро термин-атамалар. Чой, чалоп, кофе... дегандай. Сиздан, яни, «нима ичасиз?», «кўнгиллари нима тановул қилишни хоҳлайдилар?» деб сўраётгандим.

Чоршанби ака шундай «илиқ» манзиратни англаб етмагани боис, ўзини айбдор ҳис қилди. Ёўлдираб уэр сўраган бўлди.

— Кеч... чирасиз! Шу ёшимга қадар бирор-бир идорада мени ҳеч бундай кутиб олишмаган... Барака топинглар, ука! Энди ишдан гапирсангиз, оғажон.

«Оғажон»нинг юзига табассум қалқиди.

— «Иш бўримас, ўрмонга қочиб кетмайди» дейди ўрис ўртоқлар ўз мақолида. Мабодо қочиб кетган тақдирда ҳам мана биз уни ушлаб, тизгинлаб сёғингиз остига ташлаймиз. Биз «ПАРДОНЧИ»лар бунга қодирмиз! Ярим ишлик бўлдим деб ҳисоблайверинг. «Ишнинг қолган ярми»ни эса бизнинг маҳсус «анкета-бюллетен»имиз сўровларига мос ва маъқул жавоб бера олсангиз, ошифим олчи турди, дея қалпогингизни осмонга отаверинг! Лекин, дастлаб мана бу китобга...

Йигит бир нафас сўзлашдан тұхтаб ҳалидан буён лабини ҳафсала билан бўяётган шериги — қизга мурожаат қилди.

— Соня... Кечирасан, Сожидахон, марҳамат қилиб «Фикр ва мулоҳазалар китоби»ни узатвorsan...

Соня-Сожида бир қўли билан машғулотини давом этказиб, иккинчиси билан жавон тортмасидан чарм муқова қопланган қалин жилд дафтарни олиб узатди.

— Керакли жойни ўзинг варақлаб очиб бер... Биласан, бу менинг ваколатимга кирмайди. Менниг ишим «савол-жавоб»ни сифатли ташкил қилиш...

Йигит унга эътибор бермасдан бармоғини лабига ҳўллаб дафтарни варақлади.

— Мана бу жойда бўш саҳифа бор экан. Шунга ҳалиги бизнинг шаънимизга айтган фикрингизни қисқа ва лўнда қилиб...

Чоршанби aka қўлига тутқазилган қалам билан бошини қашлади.

— Қайси айтган фикримни?

— Қайсими бўларди, — таажокубланди йигит, — ҳозиргина ўзингиз тан олдингизку: «Мени бошқа идораларда бу жойдагилардек ҳеч ким ва ҳеч қачон илиқ кутиб олишмаган, деган галингизни...

— Ҳа-а... — Чоршанби aka бош силкади. — Тўғри-ку-я, лекин биз ҳалиги ишни синфи... Сиз галираёттандай оҳангжомали, силлиқ, чиройли тарзда ёзолмайман-да!

— Унда... йўли осон. Мен айтиб тураман, сиз ёзасиз... Унда бошланг. Ҳўш-ш, қаламни тескари ушладингиз. Ҳаяжонланманг... Шошилманг! Демак, ўзингиз айтган гап: шу ёшга қадар

қайси маҳкама, идорага қадам ранжида қилган бўлсанм, қисматим навбат кутиш ва бюракратларча қўпоп муомаладан иборат бўлган. Энди, катта, йўғон ҳарфлар билан ёзинг... «Пардон» чилар эса замон ва давр руҳига «Лаббай! — дей жавоб беришиб, оғизларидан бол томишиб, менга янги оламни қашф этишибди...

Чоршанби аканинг «Ташаккурнома»си ҳаш-паш дегунча ўн варақдан ошди. Ўзига қўйиб берса бундай киши қалбини жунбушга солувчи сўзларни ёзиш учун унинг яна қайтадан «мактаб кўриши» тайин гап эди.

— Ана бўлди ҳисоб... — йигит мижознинг ёзганларини кўздан кечираркан, сирли жилмайди. — Энди бугунги число ва имзоини гизни қўйинг! Яшанг... Бу билсангиз энди ҳужжатга айланди. Айтиб бўладими, ҳаммамиз ҳам хом сут эмган бандамиз-ку... Тўсатдан савол-жавобларимиздан ўтолмай, биздан ноҳақ хафа бўлсангиз, бирор маҳкамага мурожаат қўймоқни ихтиёр айласангиз, бу ўзингиз ёзган «ташаккурнома» ўзингизга «кондуктор» бўлади! Ўйлайманки, орамизда ҳеч қачон иктилоф туғилмайди. А, лаббай?! Хўш-ш, энди асосий масалага ўтишдан олдин яна бир маротаба ўз марҳаматимизни таклиф этамиз... Айтинг, нима олиб келишсин, виски, бренд... кечирасиз, чой, чалоп, кофе...

Чоршанби аканинг овози зўрга чиқди.

— Мумкин бўлса... икки қултум сув!

— Газлими ёки газсиз? Кранникими ёки булоқники? Ёмғир сувими ёки қорнинг эритилгани... Хўш-ш? Демак, ўзим тавсия қилсан «Нестли» маъданли суви... Сонечка!

Йигитнинг пошналари яна тарақлади. Соња-Сожида ияқ силтаб чиқиб кетди. Фурсат ўтмай биқинига зарҳал ҳарфларда «Пардон» дей битик битилган чинни кружкада «маъданли булоқ суви» ҳозири нозир этилди.

Томоқ қақрорги ёзилгач, Чоршанби ака мамнун илжайди: «Маҳмадона, кўп галиришни айтмаса давра кўрган, дунё танингани йигит экан. Сувининг маззалиги... Оҳ-оҳ-оҳ! Фақат озроқ экан. Ҳечқиси йўқ, бироз туриб айрон сўрайман. Эҳтимол, тушликка ош буютиришгандир. Ана ундан кейин, кетар жафосига аччиқ-қина чой ёки кофе буюрсанм бўлади. Ишқилиб, савол-жавоблари қийин эмасмикин? Лекин, «ярим ишли» бўлдингиз деди-ку!

Туфли пошнасининг яна бир бор шарақлашидан Чоршанби аканинг ҳуши жойига келди.

— Пардон! Хўш-ш, жаноби мижоз, «бюллетен-анкета»миз саволларига жавоб беришга тайёрмисиз? Унда танишинг... йигит қиз томонга қўли билан ишора қилди.

— Бизнинг фирма пресс-секретари, «мижозлар билан мулоқот» бўлими иш юритувчиси Сожида Салимова ... Биз уни эркала Соня, Сонечка... деймиз. Хуллас, иккалангизни ёлғиз қолдидрамиз. Иккалангизга ҳам омад тилайман!

Йигит хонани тарк этишдан олдин қулига қофоз-қалам олиб тайёргарлик кўрастган қизга маънодор тикилди.

— Пардон! Соня... Ты посмотри, пожалуйста, как он одет, как он выглядит... Вроде, кишлачный тип. Поэтому, пожалей пожалуйста! Хуллас ранги рўйига қараб нархни сўнгти коэффициентда белгила. Тағин олдинги иккитасидек бу ҳам қарзга ботиб-а... Хўп, хайр... Ҳозирча!

Чоршанби ака ҳушер тортди. «Қанақа ранг-рўй? Қанақа коэффициент? Нима бало пешонадаги ажин, сочни оқи деб ҳали ойлигимни пастга уришса-я?! Таъба, ҳали ишидан дарак йўғ-у...

Хонада икковлон қолишгач Соня-Сожида мижозга ғалати тарзда бошдан-оёқ синчилаб қараб чиқди, ҳали шериги айтмоқчи, афтидан «ранг и рўйи, кийиниши»ни қайтадан эътиборга олди. Ўзи ўтирган стол ғаладонидан «Пена», «Пойтахт», «Прима»... русумли сигарет қутиларини олиб олдига қўйди. Ясама киприларини пирпиратиб узоқ мушоҳада қилгач «Шу ҳам бўлаверади бунга» қабилида «Прима» сигаретини ташлаб мижозга мурувват қилди:

— Марҳамат! Чекиб, ичиб, роҳатланиб ўтиринг... хоҳласангиз, «Прима» сигарасига «Пеле» қаҳвасини қўшиб кайф қилишингиз мумкин...

Чоршанби ака салкам ўтгиз йиллик кашандада саналиб, сигарет нави ва турларини яхши билгани боис, энг арzon баҳо папирос таклиф этилганлиги боис, кўнгли хира тортиб турганди, иш сабаб ойнаи жаҳонда кўп ва хўп тарғиб қилинадиган «Пеле» қаҳвасидан тотиб кўришга бажонидил рози бўлди. Соня-Сожида бу соҳада малака орттирганлигини намойиш этди. Ёнида турган «Тефал» чойнаги тутмачасини босганди зум ўтмай хонани қайноқ сув буғи тутди. Ғаладон яна титкиланиб «Пеле» қаҳваси, «Рафинад» қанд қутиси ъа ҳошияси «Пардон» битиги билан бе-затилган чинни кружка ҳозир нозир элифтди...

Ниҳоят, зарурий расмий тайергарлик ва меҳмоннавозлиқдан сўнг қалин дафтар очилиб савол-жавоб — мулоқот баҳси бошлианди.

— Пардон! Исли шарифингиз? Яъни ўзингиз, отанингиз ва бобонгизни оти? Паспортда қандай ёзилган бўлса шу таҳлилтда.

Чоршанби аканинг хаёлидан: «Саволлари шунаقا бўлса кифтини келишитираман!» деган фикр ўтди-ю, дадил жавобга юзланди.

— Жумаев Чоршанби Бозорович!

Соня-Сожида қиқирилаб кулди.

— Ҳафтагинг энг яхши кунларини ота-болалар эгаллаб оғанмисизлар? Пайшанбабек, Сешанбехон, Шаибаой... Булар фарзандларингиз номи бўлса керак-а? Аҳмоқ қилмалпизми, амаки?

— Йўғ-е! — қизаринқиради Чоршанби ака. — Энди эскилар шундай деб номлашгач... Ҳам, мен сизга айтсам ён қўшнимиз бор. Ўзининг оти Теша, отасининг оти Ўроқ, бобосининг оти Болтабой бўлган экан. Ўша ҳам ишга киргунча паспортини курсатиб...

— Ҳа, бўлти! — Соня-Сожида қўл соатига қараб гапни чўрткесди. — Регламент! Вақт тигиз... Бугун маникюр салонидаги навбатда туриб келганиман... Шуни учун, иккинчи саволга ўтаман. Ҳўш-ш, ўзингиз, хотинингиз, яқин қариндош-уругларингиз чет элда бўлганими?

— Чел эл дейсиз-а, — саосиз уф тортди Чоршанби Жумаев. — Иш, хизмат, рўзгор ташвиши деб шаҳримиздаги ўзгаришларни кўришга вақт тополмабман! Ундан кейин чет злга чиқадиган даромад ҳам йигмаганиман. Фақат раҳматли кенинингиз «Мени бир Самарқанд, Бухоро, Ҳива томонларга айлантириб келасиз!» деб ваъдамини олганди. Ўшанинг армонини ҳам бажара олмаганиман...

— Демак, сўққабошисиз? — шундайми котиба қиз дафтарга қандайдир «белги» кўйди. Сўнг бошини эгиброқ, оҳиста шивирлади. — Менга қараанг, ширинкомасидан қочмасангиз икки-уч «кандидатура» бор!

— Нима у кан...ди...датура? — анқовсиради Чоршанби Жумаев. — Ишга алоқаси борми?

Соня-Сожида қаламни жаҳл билан столга ташлади.

— Бевамисиз? Раз шундай бўлгач сўққабош эркакка кандидатура боши очиқ аёл бўлади-да! Бўйи, кўзининг ранги, бел ай-

ланаси, сөмиз ёки ориклиги, парҳез таоми, қанақа жевачка чайнайди... Ҳаммаси бўйича буюртма-истагингиз инобатга олинади... Ҳа, дарвоқе, бу «ёрдамиш» фирма преискурантига кирмайди. Ўзим билан ҳисоб-китоб қиласиз. Розимисиз?

Чоршанби бопли айланганча ўтирган жойида қалқиди.

— Раҳмат, синглим... Олдин бу ишни бир ёқлик қиласайликчи. Ундан кейин беш болали қари бўйдоққа тегаман деб кимни ҳам кўзи учиб тургандир?! Бўлдими савол-жавоб тугадими?

Котиба қиз қаламни қайтадан қўлга олди.

— Пардон! Асосийси энди бошланади. Бу ёғига ўйлаб, мушоҳадага таяниб жавоб беринг. Чунки, биз сиз берган жавобларингизга қараб менталитетингизни аниқлаймиз. Бошқача айтганда ички рӯйй оламингиз харитасини «чизиб» оламиш. Ҳар бир берган тўғри ёки нотўғри жавобингиз барометр воситасини ўтайди. Қониқсак «плюс», қониқмасак «минус». Мулоқот ниҳоясида «плюс»лар йигиндиси юқори бўлса ишга қабул қилинасиз ва фирмамизнинг маҳсус совғасини қўлга киритасиз. Уқдингизми? Унда бу сафар «Ребус» чойидан татиб кўринг... Сизни хурсанд қилиш учун айтиб қўйяй. Ҳозирча 2 та «плюс» ишладингиз. «Илиқ кутиб олдинглар» деган мағтоб ва «Бева-сўққабош»ман деганингиз учун. Нега, сабаби бўйдоқ, бева одамларнинг иш коэффициенти уйланганларга нисбатан юқори бўлади. «Хотин, бола-чақа»ни ҳадеб пеш қилишаверишмайди. Энди тушунарли бўлгандир? Марҳамат, энди «Пени» сигаретидан татиб кўришингиз мумкин... Ёки, ҳалигидан-а?!

Котиба қиз жилмайганча томогига оҳиста чертди. Чоршанби Жумаевга жон кирди.

— Аж-жойиб қиз экансиз! Ҳаяконимни бироз босиб олсан...

— Хўш-ш, қанақасидан? «Андропов»? «Горбачёв»? «Распутин»? «Шварценегер»? «Шайтон суви» деган янгиси чиққан... Ёки, ўшандан кўрасизми? Шефимиз Пардабой Парпиеевичга маъқул тушган...

«Шайтон суви»дан ичиб олгач Чоршанби Жумаевнинг «шайтони қўзиди». Соня-Сожидаонга синчков назар солди.

— Ке, чирасиз, ўзингиз қандай қилиб бундай ажойиб хизматга ўтиб олгансиз? Умуман, сиз билан яқинроқ танишиш мумкинми?

Котиба қиз ёйилиб кулди. Ўрнидан туриб хонанинг у бошидан бу ёғига бедана юриш қилди.

— Қалай, қадди қоматим чакки эмас-а? Мени соҳибжамол Жулио Робертсга ўхшатишади. Фақат оғзим унукидан сал кич-кинароқ. Ўзим асли қишлоқи қизман. Олий маълумотли философман. Гарб ва Шарқ маданиятини омихта қилиб... Хуллас, қадди-қоматим туфайлигина синовдан битта ошиқча «плюс» билан ўтганман. Нега рангингиз ўчди? Қўрқманг, эркакларда қадди-қомат унчалик инобатга олинмайди. Асосийси, жавобингиз... Хўш-ш, давом этамиз...

Соня-Сожида ўрнига ўтиаркан лабининг бир чеккасини учирди.

— Ҳа, дарвоқе... Ҳалиги «кандидатура» ёдингиздан чиқмасин. Кейин хурсанд бўласиз. Хўш-ш, маълумотингиз? Олийми?

— Билмадим. Оддин «СПГУ», сўнг техникум, малака ошириш институти...

— Бу ёғига қисқа-қисқа жавоб беринг. Болалигингида неча тур касаллик билан оғригансиз?

— Ҳа, шу қизамиқ, гринп дегандай. Болалигимда бувим «Эшак тепди» деб ковушини орқаси билан уриб, илми амалини қилганди. Лекин, у қанақа касал эди, ёдимда йўқ.

— Кутурган ит қопганми? Тери-таносил касалликлари-чи? Қичима, сифлис, спид...

Чоршанби беихтиёр ўрнидан туриб кетди.

— Йўғ-е... Уялмайсизми ёш қиз шунақа гапларни айтгани!

Котиба пинагини ҳам бузмади.

— Уялмаймиз. Чунки, касбимиз шуни тақозо этади. Нима, дўхтирхонага борсангиз, ҳамшира қиз шприцини кўтариб «иштонни еч!» деса ечасизми ёки унга ҳам... Чалғиманг, саволга жавоб беринг. Ҳаётингизда бирор-бир норасида қиз ёки бегона жувонни алдаб кетганимисиз? Умуман, хотинингизга, ўша марҳума кенномимга неча марга хиёнат қилгансиз? Қўзингизни пирпиратманг...

Чоршанби Жумаев қасам ичди.

— Ўлай агар... Бирор-маротаба ҳам... Унақа бўлмаган. Ҳаёлимга ҳам келмаган. Рост гапирайпман!

Соня-Сожида захарханда қиёфада илжайди.

— Фариштаман дент! Агар маст бўлса, сиздайлар ноёб нусха саналади! Хўш-ш, қайси рангни ёқтирасиз?

— Сариқ... оч кулранг...

— Нима бало, больницида күп ётганимисиз?! Палаталар шу рангда бўлади демоқчиман. Айтингчи, каламуш ёки сичқон неча кунда болалайди?

— Нима?! — Чоршанби Жумаевнинг кайфи аллақачон ҳавога учганди. У ўрнидан иргиб турди. — Жинни-пинни эмасмисиз, ўзи синглим? Ёки, ҳалидан бўён аҳмоқ қиласизми?

Котиба илдам юриб келиб, назокат билан унинг елкасидан босди.

— Ҳаяжонланманг! Ҳали айтдим-ку, руҳиятингиз харитасини чизаяпман, деб. Шу боис ҳар қанақа саволга жавоб беришга тайёр туринг. Айтиб қўйяй, «минус»ларингиз тош босаяпти. Бу ёғига ҳушёр туринг. Ҳуш-ш, навбатдаги савол. Айтингчи, НУЖ, яъни «Учар тарелка» қошингизга келиб тўхтаб, ундан қулоғи узун, антеннали бурунбой: «Юр, сени бошқа планетага олиб кетаман!» деса рози бўлармидингиз?

Чоршанби Жумаев узоқ ўйга толди. «Хўп» десаммикин ёки «йўқ». Бу оғзи катта «соҳибжамол»га қайси маъқул тушаркан.

— Демак, жавобга тайёрмассиз! Навбатдагиси... Умрингизда нечта китоб ўқигансиз?

— Э-э, хайрият-э! — Чоршанби Жумаев жонланди, кафтларини бир-бирига ишқалади. — Бор экан-ку, яхши саволларингиз ҳам... Умуман, болалигимда мен ўқимаган достон қолмаган. «Гўрўғли», «Кунтуғмиш», «Муқбилтошотар», «Балогардон» дегандай... Ҳа, саккиз ёшлигимда «Минг бир кечा»ни 8 та томини ўқиб чиққанман. Отам сўнг қўлимдан тортиб олган: «Ахлоқинг бузилади!» деб.

Соня-Сожида лабини таманно билан бурди.

— Саккиз ёшимда майший бузуқ китоб ўқиганлигингизни тан оласиз-у, аммо «Бевафолик қилганимисиз?» деган саволга ўзингизни фаришта қилиб кўрсатасиз. Яхшимас, Чоршанби Бозорович... Бу жавобингизга ҳам хафа бўлмайсиз, «минус» олдингиз! Чунки, бундай китобларни ҳозирги ёш авлод билмайди. «Декамерон», «Римлик аёл», «Хазиналар ороли» ҳеч бўлмаса «Миллионни қандай ўмариш мақбул!» китобларини тилга олсангиз, бу бошқа гап эди... Майли, бир осон савол берай-чи... Айтингчи, йўлда кетаяпсиз, пул тўла ҳамён топдингиз... Сизнинг тутган хатти-ҳаракатингиз?

Чоршанби Жумаев ўйламасдан жавоб берди.

— Бир бечора түй ёки маърака қиласман деб, ташвиш билан юриб тушириб қўйган бўлса, эгасини топиб қайтариб, ана ундан кейин суюнчи пулини...

Соня-Сожида тусатдан хохолаб кулиб юборди, шундай роҳатланиб, елкаларини учирив кулдикни, киприкларига қалқкан кўз ёшидан сурма бўёғи зриб қовоги узра тарам-тарам бўлиб ёйилди.

— Бекорларнинг бештасини айтибсиз! — қиз ниҳоят кулишдан тўхтаб, лак суртилган узун тирногининг уни билан қовогини артган бўлди. — Кимни аҳмоқ қиласпиз? Мабодо, шундай феълатвор эгаси бўлган тақдирда, унда фирмамизни уч кунда абгор қилиб абжагини чиқараркансиз! Рұҳиятнинг харитаси аён бўлди. Сизга ҳаётда қийин бўлади... Шу пайтгача қандай қилиб нонингизни эплаб топиб юрганингизга ҳайронман! Керакли «бал»ни йиғолмадингиз, жаноб Жумаев! Устига-устак «Саволларнинг савияси паст!» дей бизни ҳақорат қилиб, устимиздан кулдингиз. Бунинг учун жарима ишладингиз, амакижон... Ҳа, майли сизга бир одамгарчилик қилай. Тилло тишимнинг кавагида асраб юрган осон саволимни бераман... Айтингчи, «Иштони йўқ, тиззаси йиртиққа кулибди» нақлига қандай қарайсиз...

Чоршанби Жумаевнинг сабр косаси лиммо-лим бўлганди. У ўзинни тутолмай бақириб юборди.

— Етар! Бас... Устимдан кулишларингга бошқа йўл қўймайман. Иш-пишларинг ўзларингта сийлов! Кетаман...

Соня-Сожида бунағангни «муомала», дўй-пўписаларни кўравериб кўзи пишиб кетган шекилли, пинагини ҳам бузмасдан елка учирди.

— Ихтиёрингиз! Биз сизни ушлаб турмаймиз... Бироқ, шошманг...

Қиз олдидаги бир парча қофозга нималарни дир ёэди-да мижозга узатди.

— Кетишингиз мумкин, албаттга. Фақат, хайр-маъзурдан олдин мана бу «харажат»ларнинг ҳисоб-китобини қилиб кетинг!

Чоршанби Жумаев «бир парча» қофздаги «олам-жаҳон» сарф-харажат нархини ўқиркан кўзи тиниб кетди.

— Бу нима? Ту-у-шунмадим...

Соня-Сожида ҳиринглаб кулди.

— Нима бало ойдан тушганимисиз? Ўзингизни гўлликка олманг... Ичган олий нав қаҳва, чеккан қимматбаҳо сигара, қул-

тиллатиб ютган ароғингизнинг пулини нима, катта аммангизнинг зри тўлайдими? Олган «штраф» пуллари ҳам шуни ичди. Ундан кейин савол-жавобга қанча қоғос, фирмийный бланю» сарф бўлди. Буларнинг ҳаммаси пул туради, жаноб Жумаев! Қолаверса, биз ҳам ойликни ердан супуриб олмаймиз. Бозор даврининг қомуни шундай. Эпласанг элакда сув тапи, осмондаги момақалдироқдан аргамчи эш... Оғир ботмасин! Тўй-ҳашамда бўлсагу, ённингизда жилпанглаб муқом қилган ўйинчига ҳеч қийналмасдан «бели букилмагани»дан чиқариб қистирсангиз керак. Бизга қолганда-а... Қанча ноз-карашма қилдик биз ҳам. Демак, ҳалол меҳнат қилдим. Ҳисобли дуст айрилмас. Қани чўнтакни кавланг... Киссангизнинг авра-астарини ағдаринг. Ҳоҳланг сўм, ҳоҳланг рубл, ҳоҳланг «кўки»дан. Пул бўлса бўлди!

Чоршанби Жумаев қиз кўзига тик боқди.

— Тўламасамчи! Қўлларингдан нима келарди «оппоқ қиз»?!
«Оппоқ қиз»нинг ранги оқариб, кўрқинчли тус олди.

— Унда бу ердан тўғри «тоштурма»га жўнайсиз! Шарманда-га шаҳар кенг, амакижон... «Мени зўрлайти!» деб бир бақирсам тамом. «Шеф»нинг тўртга «телехранители» бирпасда суробингизни тўғрилаб, ташқаридан тўртта гувоҳ ёрдамида «айбнома» ёзилади. Ундан жиноят кодексининг... Хўш-ш, давом этайми ёки маданиятли одам сифатида...

Қизнинг рост айтаётганилиги унинг овозидан яққол сезилиб турарди.

Чоршанби Жумаев сўкингача бор-шудини столга ағдарди. Барибир стмади, қизнинг шиддаткор «имоси» билан қўл соати, олти рангда ёзадиган шарикли қаламини, гулдор бўйинбогини ҳам «қолдиришга» мажбур бўлди.

— Үғрилар! Товламачи-каззоблар! Кисавур-хулиганлар! Кунпа-кундузи шилиб олишди-я!

Соня-Сожида уни хушдол «кузатаркан» яна хоҳолаб кулди.

— Шу ерда бироз янглишдингиз, амаки! «Үғри», «Товламачи» деган атамалар ҳозир эскирга. Модадан қолган! Бу сўзлар ўрнига «Тадбиркор», «Ишибилармоя» дессангиз маъқул бўларди. Хўп, хайр, жаноб Жумаев. Яна келинг! Ие, шошманг, ҳалиги «кандидатура» ҳақида аниқ жавобни...

Чоршанби Жумаев катта кўчага қай йўсинда отилиб чиққанини сезмай қолди. Бўйинбогсиз қолган ёқаси тугмасини бўшатди. «Озодлик ҳавоси»дан энди тўйиб-тўйиб нафас олмоқчи бўлиб

тургандикі, кимдир енгидан оқиста тутди. Чоршанби бенхтиёр чучиб түшди. Олазарак тарзда ортига ўғирилди. Рұбарўсида жинси шим, олақуроқ күйлак, қора күзойнакли нотаниш ўсмири тикилиб туарди.

— Ҳа, брат... Бу «Пардон»чиларга сиз ҳам чұв түшдингизми? Улар шунақа... Алдашади! Биттә сиз эмас, улар тұрига тушган. Бундан бүёғига фақат бізге мурожаат қилишни маслағат берам. Ҳа, дарвоңе, ўзимни таништирай. «Ўроз-хўрөз» фирмасы вакиili Бўриев... Мабода, сизга сертификатланған пальма ёғи керакмасми? Фақат бир шарты бор... Ие, қаёққа?!

...Чоршанби Жумаев ёқавайрон, сочи түзғиган, хаёли паришон. Кўзи олазарак ҳолда, ёшыга номуносиб тарзда шаҳар кўчаларидан елдек учиб борарди...

МУНДАРИЖА

«Кулгиси сизга, савоби бизга...»	3
Товуқ шүрва	4
Мәдмөн	10
Хат	17
Хотиннинг қариндоши	20
Тортишув — ақл қайроби (<i>Айрим туман газеталарида берилгетган «баҳс»ларга тақлид</i>)	28
Айдана	31
Мартабадошлар мажлиси	33
Кайфият	36
«Үриндиқли» одам	40
Портфел	47
Шапалоқ (<i>Кичик ҳажсий қисса</i>)	49
1. Қоронғида кампир ҳам қызы күринаркан	49
2. «Эна ўғли» одам	53
3. «Қора дафттар»даги қораламалар	55
4. «Пелитүнбог» хотин	58
5. Шапалоқ	62
Айбсиз айбдор (<i>Куруғашлар латифаси</i>)	64
Түйдирди (<i>Ҳажсия</i>)	65
Натижка ёмон эмас!	66
Ҳали, боплайди!	67
Қари билғанни...	70
Шаҳар күрган Шодиқул	72
Тилидан тутилмади	74
Шафтоли	79
Солдат «ови» (<i>Ҳажсия</i>)	82

Күев	85
Лақаб	86
Дарди ичида	87
Лайлак келди, ёз бўлди («Турфа ёзлашмалар» туркумидан)	89
Илтимос хати	89
Билдириш хати	91
Маълумотнома	94
Билдиришнома	96
Маълумотнома	98
Табрикнома	100
Қулмурод қурумсоқ ҳангомалари	100
1. Танишув	101
2. Чорасини топди	101
3. Тўй кўчирилди	102
4. Итнинг улуши	104
5. Уч нуқта	107
6. Шинел	109
Бозорга ўхшайди бу дунё (Туркум ҳажсиялар)	109
I. Бир сиким сўзбоши	110
II. «Мангу жанг» (Диалог)	111
III. «Гўшт суюксиз бўлмас!» (Манзара)	112
IV. «Алдаб бўпсан!»	114
V. Йўли топилди	115
VI. Бозорбой	116
VII. Содда (Бозорда эшиштилган латифа)	117
VIII. Бозорий «баёт»лар	117
Болалигим-пошполигим (Туркум)	119
1. «Қўшиқчи»	120
2. «Шаҳарлик»	121
3. «Оғриқ»	122
4. «Алдаш»	123
5. Суғорди	123
6. Бақалоқ	124
7. «Адашма!»	124
8. Шоирнинг қизи	125
9. Сигирни ҳайдаш йўли	125
10. Сабабини билди	126

Шайтон шотирлари ёхуд төвламачиликнинг	
төвланишлари	127
Муқаддима ўрнида	127
Чув тушди	128
Бекатдаги «бояқиши»	134
«Хожатбарорлар» ҳузурида ёхуд «Эълон»	
бўйича талончилик	141

Адабий-бадиий нашр

МУҲАММАД ОЧИЛ

**ШАЙТОН ШОТИРЛАРИ
ҳажвий қисса ва ҳикоялар**

Муҳаррир А.ХУДОЙБЕРДИЕВ

Тех.муҳаррир Е.ДЕМЧЕНКО

Мусаҳдиҳ Н.МИНАҲМЕДОВА

Рассом Б.БОЗОРОВ

Компьютерда саҳифаловчи Р.ЕСАУЛЕНКО

ИБ № 4114

Босишига 5.11.05 й.да рухсат этилди. Бичими 84x108 1\32.

Босма тобоги 5,0. Шартли босма тобоги 8,40.

Алади 1000 нусха. Буюртма № 239.

Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа марказида тайёрланди.

«Ёшлар матбуоти» босмахонасида босилди.

700113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.